

ИСЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

13

"ЎЗБЕКИСТОН"





ИСЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

13

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН" НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2005

66.4(5У)
К25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 13-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2004 йил августидан 2005 йил июлигача бўлган давр мобайнида мамлакатимиз Олий Мажлиси палаталари ва маҳаллий кенгашлар йиғилишларида, халқаро учрашув, анжуман ҳамда тантанали маросимлардаги маъруза, нутқ ва чиқишлари ўрин олган.

Шу билан бирга, ушбу жилдда давлатимиз раҳбарининг Андижон воқеалари муносабати билан мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманларидаги баёнотлари ва мухбирларнинг саволларига жавоблари, оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

ISBN 5-640-03220-0

К $\frac{0804000000 - 103}{М351(04)2005}$ 2005

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2005 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун — юртимизда муборак айём, тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка, истиқлолга эришган кун.

Сиз, азиз юртдошларимни, сизларнинг сиймонгизда гўзал пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда бу қутлуғ айёмни нишонлаётган бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Бугун мустақил давлатимиз, озод мамлакатимиз яна бир ёшга улғаймоқда. Биз ўз олдимизга қўйган янги ҳаёт, демократик жамият қуришдек буюк мақсадимиз сари яна бир қадам қўйдик.

Биз бугун мана шу тарихан қисқа даврда босиб ўтган йўлимизни, бошимиздан кечирган синов ва ўта мураккаб кунларни, хавфу хатар, қийинчилик ва машаққатларни, шу билан бирга, қўлга киритган ютуқ ва марраларимизни хаёли-

миздан ўтказишимиз, сарҳисоб қилишимиз табиий, албатта.

Шу давр мобайнида шаҳар-қишлоқларимиз, азим пойтахтимиз, юртимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётгани;

Шарқ, Ғарб ва Жануб сари интилган коммуникациялар, автомобиль ва темир йўллари, йирик иншоотлар, одамларимизни иш билан таъминлайдиган янги, замонавий корхоналар барпо этилгани;

тарихий-маданий, диний қадриятларимиз тикланган, баркамол авлоднинг вояга етаётгани ва шу каби эртага тарихга кирадиган улкан дастур ва тадбирларимиз — буларнинг барчаси биз босиб ўтаётган йўлнинг, келажаги буюк давлатнинг асосий мезони ва амалий белгиси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, халқимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани диёримизда яшаётган ҳар қайси инсонга мамнуният етказиши шубҳасиз.

Бундай ютуқлар негизида аввалambор халқимизнинг фидокорона меҳнати ва бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгараётгани, улар ўзини

шу юртнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани мужассам.

Шу борада юксак марраларга етиб боришимизнинг замирида ётган энг муҳим омилларни яна бир бор таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламан.

Бу — аввало, жамиятимизда сувдек, ҳаводек зарур бўлган ва халқимиз кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик;

Бу — ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи галда, халқимизнинг манфаатини кўзда тутиб, изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлардир.

Бу — узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоҳанг бўлиб яшаш ва унинг ҳаётида ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олишдек эзгу мақсадлардир.

Вақт ўтиши, замон ўзгариши билан ҳар қандай холис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасмиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз.

Биз учун ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Бугун ёруғ юз билан айтишга ҳаққимиз борки, қанчалар қийин бўлмасин, биз бир кунлик ҳаёт билан яшаганимиз йўқ, келажак авлодимизнинг ризқи ва насибасига хиёнат қилганимиз йўқ.

Аллоҳнинг ўзи бизга инъом этган ер ости, ер усти бойликларимизни ўзлаштиришда, улардан оқилона ва самарали фойдаланишда, давлатни идора қилиш, иқтисодиётимизни ташкил этишда биз, аввало, узоқ ва давомли мақсад-муддаоларимизни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда биргина мисолни айтиб ўтиш жоиз, деб биламан.

Биз 1997 йилда қабул қилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағлар ҳажми ҳар йили миллий бюджетимиз харажатининг қарийб ярмини ташкил қилмоқда. Лекин шунга қарамасдан,биз кенг кўламли, улуғвор бу дастурни изчиллик билан ҳаётга жорий этмоқдамиз.

Нега деганда, бу эл-юртимизнинг эртанги куни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги тарихий қадамдир.

Шу йилдан амалга ошира бошлаган, беш йилга мўлжалланган умумтаълим мактабларини ривожлантириш дастури ҳам ана шундай улкан аҳамиятга эга бўлган ишларимиз қаторига киради.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган, бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билаги кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасидир.

Халқимизнинг фахри бўлган Рустам Қосимжонов каби ёшларимиз бу авлоднинг қалдирғочларидир ва уларнинг сафи тобора кенгайиб боришига мен қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар!

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда мен ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни ўзимиз асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юртдошимизни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаб туришини истар эдим.

Ўзбекистонимиз — она Ватаимизга нисбатан ғаразли ният билан юрган кимсалар қулоғига қўрғошиндай қуйиб олсин. Биз кўзлаган орзу-мақсадларимизга албатта етамиз, эркин ва фаровон яшайдиган жамиятни, албатта, қурамиз ва бу йўлда бизга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди.

Бунинг учун барчамиз огоҳлик ва хушёрликни йўқотмаслигимиз, бепарволик ва лоқайдликдан бутунлай халос бўлиб, миллат ва халқ бир-

лигини янада мустаҳкамлаб, ўзаро аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб яшашимиз ва тинчлик учун курашмоғимиз керак.

Қадрли ватандошларим!

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шубҳа йўққи, мамлакатимиз ҳаётида янги-янги ўзгаришлар, шодиёна ва қувончли кунлар кўп бўлади. Лекин халқимиз, миллатимиз тарихида Ватанимиз истиқлолга эришган мана шу кун энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолаверади.

Мен бугун шу юксак минбарда туриб, Ўзбекистоннинг оғирини, шаъну шавкатини ўз елкасида кўтариб келаётган, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган заҳматкаш халқимизга таъзим қиламан.

Барчангизни Истиқлол байрами, Озодлик айёми билан яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2004 йил 31 август

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИДИР

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам депутатлар!

Барчангизга маълумки, бугунги сессия мажлисининг кун тартибига битта масала — яъни, ташкилий масала киритилган.

Сиз, ҳурматли депутатлар билан учрашувимизнинг асосий мақсади — бугун Наманган вилоятидаги мавжуд вазият ва аҳволни танқидий баҳолаш, одамларнинг кайфияти, ҳаётга муносабати, уларнинг нималардан рози, нималардан норози эканини билиш ва шундан хулоса ва сабоқлар чиқаришдан иборат.

Шулар билан бирга, Наманган вилоятининг иқтисодиёт ва хўжалик соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, олдимизга қўйган режа ва марраларга эришиш йўлида ғовтўсиқ бўлиб турган муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш юзасидан фикр алмашиб олишимиз лозим.

Азалдан меҳнатсевар, тадбиркор ва ҳунарманд, дину диёнатли инсонлар юрти бўлиб келган Наманган вилояти ўзининг ишлаб чиқариш

кўлами ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда бутун юртимиз қатори бу заминда ҳам тараққиёт йўлида анча ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини, хусусан, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш, маданий-маиший иншоотлар барпо этиш, ободончилик ишлари борасида муайян ютуқларга эришилганини кўришимиз ва тан олишимиз зарур.

Вилоят хўжалигининг барча етакчи соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, чакана товар айланмаси, пуллик хизмат кўрсатиш, аҳоли реал даромадларининг ортиши бўйича қилинган ишлар ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хориж инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир қатор замонавий қўшма корхоналар Наманган иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хусусан, «Нестле», «Пап Фен» каби қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган юқори сифатли маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ўз харидорини топмоқда.

Бу ютуқларнинг таг-замирида шу муқаддас юртда яшаётган инсонларнинг, кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган минг-минглаб наманганликларнинг фидойилиги, изланиш ва интилишлари мужассам эканини барчамиз яхши англаймиз.

Такрор айтмоқчиман, бугун Наманган тупрогида юз бераётган ва кўзга ташланаётган янгиланишларни, шаҳар ва қишлоқларимизнинг шакли, қиёфаси тобора ўзгариб, биринчи навбатда, одамларимизнинг маданияти, онгу тафаккури юксалиб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг фаоллиги ортаётгани, фуқароларимизнинг эл-юртимизда бўлаётган барча ижобий ўзгаришларга ўз дахлдорлигини сезиб, ўзини анча эркин ва мустаҳкам тутаётганини кўриб, киши беихтиёр қувонади, албатта.

Буларнинг барчасига, аввало, мустақиллик шарофати билан юртимиздаги ҳар қайси инсон, оила ҳаётида, ёшларимиз дунёқарашида тобора мустаҳкамланиб бораётган эгалик ҳиссиёти асосий омил бўлмоқда, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мен одамларимизнинг онгида, қарашларидаги ҳеч нарса билан солиштириб, қиёслаб бўлмайдиган бундай ўзгаришларни истиқлол йиллари

давомида биз эришган энг катта, энг юксак ҳаётимизнинг эртанги кунини ҳал қилувчи улкан ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Шу борада бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур, деб ўйлайман. Бундай кайфиятда бўлган, эртанги кунга ишонч билан яшаётган, катта интилиш ва умид билан меҳнат қилаётган халқимизга бор гапни очиқчасига, оқни оқ, қорани қора деб, ҳеч нарсани яширмасдан айтишимиз зарур.

Чунки, биринчидан — улар ҳаётимизда содир бўлаётган барча воқеалардан хабардор бўлсин, иккинчидан — фақатгина мана шундай муносабат, мана шундай ошкора, очиқ ташкил қилинган мулоқот-суҳбат, халққа билдирилган ҳурмат-эҳтиром одамларнинг адолатга бўлган ишончи сўниб қолишига йўл қўймайди, уларнинг фаоллигини янада оширади.

Шу нуқтаи назардан вилоятдаги мавжуд вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида зикр этилган ижобий ишлар билан бир қаторда, бу ерда турли салбий ҳолатлар, ўз ечимини топмай келаётган муаммолар, жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳам тан олишимиз, уларга барҳам бериш йўлларини топишимиз даркор.

Бу таҳлилни вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлайлик.

Албатта, сўнгги йилларда Наманган вилоятида бу борада анча-мунча ўзгаришлар амалга оширилганини, одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгара бошлаганини, айниқса, ернинг ҳақиқий эгаси, фаровон ҳаёт бунёдкори бўлган фермерлик ҳаракатининг тобора кучга кириб бораётганини қайд этишимиз лозим.

Бугунги кунда мавжуд 5 минг 140 та фермер хўжалиги вилоят миқёсидаги жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тахминан 10 фоизини етказиб бераётгани бунга мисол бўла олади.

Лекин, очиғини айтадиган бўлсак, ҳозирги пайтда вилоят қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг боришини қониқарли деб бўлмайди.

Масалан, пахтачилик соҳасини олайлик.

Ўзининг бой ва қадимий деҳқончилик тажрибасига, миришкор деҳқонлари, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Наманган вилояти пахта етиштириш бўйича шартнома режасини кейинги йилларда сурункасига бажармасдан келмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу борадаги давлат буюртмаси 62 фоиз даражасида қолиб кетганини эсласак, ўйлайманки, вилоятда ишни замон талаблари асосида ташкил этиш масаласида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлади.

Бундай аҳволнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида кўп гапириш мумкин. Мен фақат энг асосийларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун барчамизга аёнки, қишлоқ хўжалигини фақат ва фақат юксак агротехника талаблари ва қоидаларига қатъий амал қилиш, фан-техника ютуқларини, илғор тажрибаларни кенг жорий этиш, энг муҳими, барчамизни боқадиган деҳқонга, ишлаб чиқарувчига эркинлик, муносиб шароит яратиб бериш, унинг меҳнатини ўз вақтида ва одилона рағбатлантириш ҳисобидан ривожлантириш мумкин.

Бунинг бошқа ҳеч қандай воситаси ҳам, чораси ҳам йўқ.

Токи ҳар қайси деҳқон кечаги кунни бугунги кун билан солиштирганда, ўз ҳаётида қандайдир ўзгариш кўрсин.

Фаровон ҳаёт бу фақат моддий бойлик, тўкинсочинликдан иборат эмас. Бу, аввало, эркинлик, эркин нафас олиш демакдир. Инсон ўз меҳнати, ўз турмушидан рози бўлиб, оиласининг эртанги кунидан хотиржам бўлиб, фарзандлари кўзига тик қарай олиши ҳам фаровон ҳаёт белгисидир.

Агар одамнинг уйида молу дунё, машинаси бўлса-ю, у эркин нафас олиб яшамаса, бундай фаровонлик кимга керак? Албатта, ҳаёт учун пахта ҳам, ғалла ҳам зарур. Лекин улар нимага, қандай мақсадлар учун керак? Улар, аввало, фаровон ва эркин ҳаётнинг асоси сифатида керак.

Шу кўз билан қараганда, афсуски, Наманган вилоятида ҳали-ҳамон эски тузумга хос иш юри-

тиш ва бошқарув услубларидан воз кечилмаяпти, кўп жойларда ерга бўлган хўжасизларча муносабат давом этмоқда.

Мингбулоқ, Поп, Янгиқўрғон, Чуст ва Косонсой туманларида қарийб 33 минг гектар ер майдонининг кучли шўрланишига йўл қўйилгани биринчи галда ана шундай муносабат натижасидир. Бу кўрсаткич вилоят бўйича кейинги йилларда қарийб 13 фоизга ошган, ҳосилдорлик эса пасайиб бормоқда.

Биргина мисол — 2002 йил якунлари бўйича Мингбулоқ туманида пахта ҳосилдорлиги 16 центнерни, ўтган йили эса атиги 12 центнерни ташкил этган.

Мен илгари ҳам айтганман, ҳозир ҳам такрорлашга мажбурман.

Ўн-ўн икки центнер ҳосил олгандан кўра шу ерга умуман пахта экмаган маъқул эмасми? Барака топкурлар, нима қиласизлар, ернинг ҳам, ўзингизнинг ҳам умрингизни бекор ўтказиб?

Фермер хўжаликларига етарли имкониятлар яратиб бермаслик тармоқдаги қолоқликнинг асосий сабабларидан биридир. Масалан, Мингбулоқ, Поп ва Чуст туманларида фермерларни ҳайдов тракторлари билан таъминлаш даражаси 20 фоиздан ошмайди.

Кейинги бир ярим йил мобайнида фермер хўжаликларининг фақат 1 фоизи лизинг асосида

техника воситалари сотиб олган, холос. Савол туғилади — давлатимиз томонидан яратилган бу имкониятдан фермерларнинг кенг фойдаланишига ким ва нима тўсиқ бўлмоқда?

Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласида ҳам кўп жойларда масъулиятсизлик, ошна-оғайничилик, уруғ-аймоқчилик, қўпол қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кузатиш мумкин.

Фақатгина текширилган майдонларнинг ўзида пахта ва ғалла экишга мўлжалланган 660 гектар ердан мақсадга хилоф тарзда фойдаланилгани, 420 гектар ер одамларга ноқонуний равишда ажратиб берилгани, 390 гектар ҳисоботдан яширилгани, 150 гектарда қонунга зид равишда полиз ва сабзавот экинлари экилгани, 60 гектар ер эса ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани шундан далолат беради.

Шу борада жуда кўп мисолларни олиб келиш қийин эмас. Поп туманининг «Сирдарё» ширкат хўжалиги тасарруфида бўлган 16 гектар ерни В. Таштемиров деган шахс ўзбошимчалик билан эгаллаб, бир неча йилдан буён ноқонуний фойдаланиб келган, оқибатда хўжаликка катта моддий зарар етказилган.

Чуст туманининг собиқ ҳокими Т. Рўзибоев ер ажратишда мансаб ваколатларини суиистеъмол этгани ва катта миқдордаги транш пуллари-

ни талон-торож қилгани учун судланган. Шу туман ҳокимининг ўринбосари В. Ғозиев эса ўз номига «Ғозихон Эшон» фермер хўжалигини ташкил этиб, 10,5 гектар ер майдонини эгаллаб олган.

Учқўрғон тумани ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари А. Мамадалиев турмуш ўртоғи номига 20 гектар, туман ҳокимининг собиқ ўринбосари Х.Абдуғаниев эса ўз ўғли номига 20 гектар ерни расмийлаштирган.

Косонсой тумани собиқ ҳокими У. Маматов вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходими О. Абдураҳмоновга 17 гектар, ўз куёви О. Маъруповга эса 5 гектар ва «Косонсой» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ю. Каримовнинг ўғлига 7 гектар ер ажратиб берган. Ҳозирги пайтда, ушбу ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзингиз ўйланг, аҳоли ўта зич яшайдиган, ер танқис бўлган бир шароитда шундай адолатсиз ишларга йўл қўйилса, аввалambор, раҳбарларнинг ўзи шунга бош бўлса, қонунни ҳам, инсофу диёнатни ҳам унутса, оддий одамлар дардини кимга айтсин?

Вилоятда қишлоқ хўжалиги учун сув билан ҳаводек зарур бўлган моддий ресурсларни ўзлаштириб юбориш каби бемаза ишларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Масалан, 2004 йилнинг ўтган даврида 19 ҳолатда нефть маҳсулотларини, 45 ҳолатда эса минерал ўғитларни ноқонуний четга чиқариш билан боғлиқ қонун бузилишлари аниқланди.

Агар шу вақт мобайнида республика бўйича 368 та ана шундай ҳолат аниқланган бўлса, бунинг 226 таси Наманган вилоятига тўғри келади. Бу эса вилоятда моддий ресурслардан оқилона, масъулият билан фойдаланиш ўрнига қинғир ишлар авж олаётганини кўрсатади.

Бундай нопок ишлар бўйича тегишли тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда ва айбдорлар албатта қонун олдида жавоб беради.

Ҳар қандай иқтисодиёт ривожининг асоси бўлган, уни модернизация қилишда ҳал қилувчи ўрин тутадиган хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш масаласига тўхталиб ўтсак, бу йўналишда ҳам салбий ҳолатга гувоҳ бўламиз.

Афсуски, изчил ва аниқ иш режаси белгилаб олинмагани сабабли бу соҳада Наманган вилояти ҳали-бери оқсоқ бўлиб қолмоқда.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, 2003 йили вилоят иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми 2001 йилга нисбатан 2,5 баробар камайиб кетган.

Кўпгина корхоналарнинг бозор талаблари асосида фаолият юрита олмаётгани, улар ўртасида шартнома муносабатларининг тўғри йўлга қўйил-

магани, ўзаро тўлов интизомига риоя қилинмаётгани вилоят иқтисодиётида оғир муаммо бўлиб турибди.

Бундай нохуш аҳвол кундан-кунга мураккаблашиб, чигаллашиб бораётганига қарамай, вазиятни ўнглаш асосий вазифаси бўлган бу ердаги айрим раҳбарлар қандайдир гердайиб, ўзига бино қўйиб юргани, улардаги лоқайдлик ва бепғамлик кайфияти барчамизда ташвиш уйғотиши даркор.

Азиз дўстлар!

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига тараққиётимизнинг негизи ва асоси сифатида катта эътибор бераётганимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Наманган вилоятида ҳам бу борада бирмунча ишлар қилинмоқда.

Айни пайтда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини камситиш, уларнинг йўлига сунъий ғов-тўсиқлар қўйиш ҳолатлари борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Тадбиркорлик субъектларига қонун талаблари асосида хўжалик бинолари ва ер участкаларини ажратиш, уларни соддалаштирилган тартибда рўйхатга олиш, расмийлаштириш ишлари пайсалга солинаётгани ҳақида тегишли идораларга кўплаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳам шуни кўрсатади.

Бу борада туман ҳокимликларининг 31 та қарорига асосан жами 770 нафар тадбиркордан ноқонуний маблағлар жалб қилингани, ер ажратишда 122 та, савдога рухсатнома беришда 1600 та, рўйхатдан ўтказиш инспекциялари фаолиятида 3200 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганини таъкидлаш зарур.

Юртимизда тадбиркорлар синфини шакллантириш ва уларнинг йўлини очиб беришда хусусийлаштириш жараёнларининг аҳамияти катта экани шубҳасиз.

Аммо Наманган вилоятида бу соҳадаги ишлар аксарият ҳолларда хўжакўрсин учун, юзакилик билан олиб борилмоқда. Белгиланган хусусийлаштириш ва акцияларни сотиш кўрсаткичлари бажарилмасдан қолиб, бу ерда корхоналарни бошқаришнинг алмисоқдан қолган самарасиз усуллари ўзгармаяпти.

Яъни, хусусийлаштирилган корхоналарда ҳали-бери эски директорлар корпуси ишламоқда ва айнан шунинг учун ҳам Наманганда ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланиши суст бормоқда.

Катта-катта минбарлардан, оммавий ахборот воситаларидан айтилаётган даъват ва чақириқларга, танқидий фикрларга қарамай, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва бошқарув органлари-

нинг ноқонуний аралашуви ҳанузгача давом этмоқда.

Ўз навбатида назорат идораларининг хўжалик субъектларига улгуржи ва чакана савдо юритиш учун ноқонуний равишда рухсатномалар бериб юбораётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Масалан, Наманган туманидаги 14 та, Косонсой туманидаги 6 та тегишли моддий базага эга бўлмаган ва низом жамғармаси шаклланмаган хўжалик субъектларига улгуржи савдо ҳуқуқи бўйича ҳужжатлар амалдаги қоидаларга зид тарзда берилган.

Бунинг орқасида тамагирлик борлигини, аниқроқ айтганда, пора олиш борлигини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим муаммога қаратмоқчиман.

Гап хуфёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, уларни банкка топширмаслик ҳолатларининг олдини олиш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаётгани ҳақида бормоқда.

Наманган шаҳри ва туманларда, умуман, вилоят бўйича товар айланмаси ўсиб бораётгани ҳолда, нақд пул тушумлари кескин камаймоқда. Шу йилнинг ўтган январь-июль ойлари давомида нақд пул тушуми Чуст туманида 36 фоиз,

Янгиқўрғон туманида эса 45 фоизни ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят бўйича 145 та субъект ўзининг солиқ ҳисоботларида жами 6,8 миллиард сўмлик тушумни камайтириб кўрсатган, 30 та субъект эса жами 529 миллион сўмлик нақд пул тушумини банк кассасига топширмаган.

Масалан, Поп туманидаги «Водий экспресс» масъулияти чекланган жамияти қисқа муддат ичида 1 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд товар айланмасини амалга оширган, лекин солиқ ҳисоб-китобларида 43 миллион 300 минг сўм товар айланмасини кўрсатиб, 1 миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ маблағни яшириб қолдирган.

Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Биз кейинги пайтда ички истеъмол бозоримизни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Аммо бу масала ҳали-бери долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, Наманган вилоятида бу борадаги аҳволни талаб даражасида деб бўлмайди.

Буни қуйидаги далиллар ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, Ангрен — Поп нефть базаларидан фойдаланиш корхонасининг мансабдор шахслари Чуст туманидаги Олмос, Поп туманидаги

Пунгон қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар билан тил бириктириб, Қирғизистон ва Тожикистонга нефть маҳсулотларини олиб бориб сотиш билан шуғулланган. Бу ҳолат бўйича 49 киши жавобгарликка тортилгани бундай бемаза ишлар вилоятда анча илдиз отганини кўрсатади.

Айни пайтда етарли назорат бўлмагани сабабли айрим мансабдор шахслар томонидан мақсадли фондлар маблағларидан нотўғри фойдаланиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Чуст тумани «Пахтабанк» бўлими бошқарувчиси Р. Мирзаолимов, туманнинг собиқ ҳокими Т. Рўзибоевнинг кўрсатмасига асосан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ғалла етиштириш учун келиб тушган 92 миллион сўмлик транш пулларини мақсадга хилоф тарзда йўналтиргани учун жавобгарликка тортилган.

Қадрли юртдошлар!

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш — юртимизда бугун олиб борилаётган давлат сиёсатининг ҳал қилувчи масалаларидан биридир. Аммо бу соҳада ҳам вилоятда талай нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Наманган шаҳридаги собиқ Давлатобод тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимаси К. Умурзоқова зиммасига ёлғиз яшаётган, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган бир гуруҳ пен-

сионерларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Аммо у ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ана шу пенсионерларга тегишли уй-жойларни ўз номига ўтказиб олган ва жами 4,2 миллион сўмлик мол-мулкни товламачилик йўли билан ўзлаштиргани учун судланган.

Косонсой туманида кейинги икки йил давомида 111 та оилага бир миллион сўмдан зиёд маблағ қалбакилаштирилган ҳужжатлар асосида тўлангани ҳам бу соҳада тегишли тартиб-интизом ва назоратнинг етишмаётганини кўрсатади.

Эътиборингизни оддий юртдошларимиз учун ўта долзарб бўлган яна бир масалага қаратмоқчиман. У ҳам бўлса, асосий кундалик эҳтиёж товарларининг савдо шохобчаларида доимий бўлишини таъминлаш масаласидир.

Афсуски, вилоятда бу соҳада ҳам кўпгина камчиликларни учратиш мумкин. 2004 йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар натижасида 246 ҳолатда ун, 215 ҳолатда ўсимлик ёғи, 153 ҳолатда эса шакар маҳсулоти сотувда бўлмагани аниқланган.

Шу ўринда бир савол туғилади: республикамизда бу маҳсулотларнинг ҳаммаси етарли миқдорда бўлса, ғалла ҳам, пахта ёғи ҳам ўзимизда етиштирилса, ун комбинатлари ишлаб турган бўлса, нима учун Наманган вилоятида бу маса-

лада узилишларга йўл қўйиляпти? Ҳокимлар, мутасадди раҳбарларнинг бундан хабари борми? Мен ҳокимлар ҳафтада бир марта дўконга кирсин, бозорга кирсин, мактаб, касалхоналарга кирсин, халқнинг турмуши, ҳол-аҳволидан хабардор бўлсин, деб бежиз такрорламайман. Лекин нима учун бу масалаларда ўзгариш бўлмаяпти?

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги камчиликлар туфайли вилоятда айрим касаллик турлари кўпаймоқда. Айниқса, вирусли гепатит билан касалланиш 2003 йилда республикадаги ўртача кўрсаткичдан 35 фоиз юқори бўлгани, энг аввало, вилоят раҳбарларини, шу соҳага мутасадди ходимларни ташвишга солиши зарур.

Қишлоқ шароитида яшайдиган аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Чунончи, 1996—2003 йилларга режалаштирилган 209 та қишлоқ врачлик пунктидан 32 таси ишга туширилмаган. Жорий йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган 20 та қишлоқ врачлик пунктидан ҳозирга қадар атиги 3 таси қуриб битказилган.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан бири экани ҳақида биз кўп гапирамиз.

Бу борада республика миқёсида катта ишлар қилинаётган бир пайтда Наманган вилоятида бу масалада қуруқ гапдан нарига ўтилмаяпти. Айниқса, опа-сингилларимиз, аёлларимизни соғломлаштириш ишлари талабга жавоб бермаслиги, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ўртасида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари кўпайиб бораётгани шундай дейишга асос беради.

Барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш соҳасида ҳам муаммолар кам эмас.

Вилоятдаги 673 та умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг қарийб 30 фоизи икки сменада ўқимоқда. Шунга қарамай, 11 минг 300 ўринли 24 та мактаб қурилиши охирига етказилмасдан тўхтатиб қўйилган.

Бугунги кунда мактабларнинг 175 таси капитал реконструкциялашга, 353 таси капитал таъмирлашга, 145 таси эса жорий таъмирлашга муҳтож.

Албатта, биз бу масалани яқинда қабул қилинган Умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури доирасида ҳал қиламиз, лекин вилоят раҳбарияти ҳам қўл қовуштириб ўтирмаслиги лозим эмасми?

Вилоятда кейинги 6 йил мобайнида 69 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицейни фойда-

ланишга топшириш белгиланган эди. Амалда эса 12 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицей қуриб битказилмаган.

Гап қурилиш ҳақида борар экан, яна бир муҳим ҳолатга сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мен кейинги пайтларда Наманганга асосан қўшни вилоятлар орқали автомобилда келганим сабабли анчадан буён шаҳар аэропортида бўлмаган эканман. Бугун разм солиб қарасам, аэропортда 1991 йилдан бери деярли ҳеч нарса ўзгармабди. Ҳолбуки, аэропорт — ҳар қандай шаҳар ёки вилоятнинг дарвозаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юзи. Шунинг учун мен тегишли раҳбарларга бу тўғрида топшириқ бердим, яқин кунларда Наманган аэропортини ҳар томонлама замонавий талабларга жавоб берадиган аэропортга айлантириш учун зарур ишларга киришамиз.

Ўрни келганда шуни ҳам айтмоқчиманки, Наманган шаҳрининг марказини ҳам аниқ белгилаб, шу юртнинг улуғ тарихий сиймоларини ёдга солиб турадиган гўзал бир истироҳат боғи ташкил қилсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин бу таклиф аввало сизлардан — Наманган аҳлидан чиқиши лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш, маиший ва коммунал хизмат даражасини

оширишга етарлича эътибор берилмаётгани оқибатида аҳолининг коммунал хизматлардан қарзи 3,5 миллиард сўмга етган ва бу ҳол жиддий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишлари ҳам бугунги талаб даражасида деб бўлмайди.

Биргина 2004 йилнинг ўтган даврида огир жиноятлар 15 фоиз, ўта оғир жиноятлар эса 16,5 фоиз, жумладан, босқинчилик 75 фоиз, фирибгарлик 20 фоиз, ўлим билан боглиқ йўл-транспорт ҳодисалари эса 32 фоизга ошгани шу фикрни исботлайди.

Азиз дўстлар!

Бугун Наманган вилоятида вужудга келган мана шундай вазиятни таҳлил қилиб, ягона бир хулосага келиш мумкин. Яъни, кейинги пайтда вилоят ҳаётида, аввало унинг раҳбарияти фаолиятида масъулиятини бутунлай унутиб қўйиш кайфияти пайдо бўлган ва бу ҳолат барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда катта-кичик барча раҳбарларга айтмоқчиман: аҳолимиз сиз билан бизга шундай мансаб ва мартабаларни, етакчиликни ишониб топширган экан, айни вақтда бўйнимизга жуда катта масъулият ва жавобгарликни ҳам юклаган.

Раҳбарлик лавозими ҳақида, унинг бугунги замонда нақадар мураккаб ва оғирлиги ҳақида охирги вақтларда жуда кўп тилга оламиз.

Лекин, минг таассуфлар бўлсинким, бундан кўпчилик, шу жумладан, юқори мансабларда ўтирганлар ҳам керакли хулоса чиқариши жойларда сезилмайди.

Қўшни вилоят, қўшни туманда ўзининг масъулиятини йўқотиб қўйган, оёғи ердан узилиб қолган, манманликка берилиб — қўпол бўлса ҳам *айтишга мажбурман — қутуриб кетган шахсларга* нисбатан кўрилаётган қаттиқ чораларни худдики ўзларига тегишли эмас деб қабул қилади, улардан сабоқ чиқармайди.

Одамлар кўрсин, эшитсин, билсин, раҳбарлар шундан хулоса чиқарсин, деб биз бу мажлисларни телевидение орқали кўрсатамиз. Мана, бугун Наманганда сессия бўляпти. Бу ерда айтилган танқидий гаплар бўйича қўшни вилоятлар раҳбарлари ўз ҳудудларида фаолларни тўплаб, муҳокамалар ўтказиб, бундай камчиликлар, афсуски, бизда ҳам бор, уларни ўзимиз бартараф этишимиз лозим, деб тегишли чораларни кўрса, ўйлайманки, бундан аввало уларнинг ўзи ютган бўларди.

Гўёки бу лавозим, бу амал уларга ота-боболардан мерос бўлиб қолгандек, уларни эртага ҳеч ким қулоғидан ушлаб жавобгарликка тортмайдигандек туюлади.

Яқинда бўлиб ўтган Андижон, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг сессияларида очиқ ва аччиқ гапларни айтганимиз барчангизга яхши маълум, албатта.

Ана шу кескин танқидий гаплар бошқа раҳбарларимизга, бошқа вилоят ҳокимларига ҳам сабоқ бўлади, улар бундан тегишли хулоса чиқариб олади, деган фикр ҳар қандай ақли расо одамнинг хаёлига келиши табиий ҳол, деб ўйлайман.

Аммо, минг афсуски, бугун у гапларни Наманганда ҳам такрорлашга тўғри келмоқда. Лекин мен ишонаман — ҳаёт ўзгариши, онгу тафаккурнинг юксалиши билан одамларимиз шундай ҳолатлар бошқа такрорланмайдиган, уларга асло йўл қўйилмайдиган кунларга ҳам етиб боради.

Сизлардан ўтинчим шуки, бугун юртимизда рўй бераётган барча ишларга ўзингизни дахлдор деб ҳис қилинг. Чунки мана шу муқаддас тупроқ, мана шу бетакрор Ватан бизнинг ўзимизники. Агар ҳар бир юртдошимиз ана шундай ҳиссиёт, ана шундай ғурур туйғуси билан яшаса, ўйлайманки, бугунгидек мажлисларга ҳам ҳожат қолмайди.

Барчамиз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим: мансаб курсисида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи шахслар ўзининг бемаза ишларини яширишга қанча

Кўпроқ ўзига яқин бўлган шахсларга хайрихоҳлик кўрсатган.

Албатта, бундай хайрихоҳлик текинга бўлмаган, деб ўйлашга асос бор.

Бугунги кунда бундай нопок ишлар юзасидан тегишли суриштирув-тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир қатор туман ва вилоят ташкилотлари фаолиятидаги қонунбузилишлар юзасидан тақдим этган расмий ҳужжатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, уларга принципиал баҳо бериш ўрнига, Т. Жабборов ўз шахсий манфаатини кўзлаган ҳолда, бу ишни асоссиз равишда пайсалга солиб келган.

Чуст тумани ҳокимининг 2004 йил 12 январдаги қарори билан вилоят ҳокимининг укаси Э. Жабборов ва унинг яқин таниши Х. Расуловга 200 гектар ер ажратилиб, 16 апрелда вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланган.

Аммо «Ер тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилгани учун прокуратура томонидан вилоят ҳокими номига ушбу ҳолатни бартараф этиш тўғрисида киритилган тақдимномани писанд қилмасдан эътиборсиз қолдирган.

Ёки бошқа бир мисол.

Косонсой туманининг собиқ ҳокими Убайдулла Маматовнинг укаси «Наманганнефтмаҳсулотлари» корхонаси раҳбари Абдулла Маматов ўз

мансабини суиистеъмол қилиб, нефть маҳсулотларини талон-торож қилгани учун 2003 йилда унинг устидан жиноят иши қўзғатилган.

Бу одам вилоят кенгашининг депутати бўлгани сабабли уни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан розилик олиш бўйича вилоят ҳокими номига киритилган прокурор тақдимномасини Т. Жабборов бир неча бор инобатга олмаган ва фақат орадан 9 ой ўтганидан кейин, Олий Мажлис аралашувидан сўнгтина бу масала қонуний асосда ҳал этилган.

Лекин А. Маматов суд ҳукмига кўра айбли деб топилса-да, амнистия билан асосий жазодан озод этилган. Бу «чаққон» мансабдор «акахон»лари ёрдамида Тўрақўрғон нефть базасининг Чуст филиали раҳбари лавозимини эгаллаб, ўзининг қинғир ишларини давом эттирган ва қайта жиноятга қўл урган, айни пайтда унинг устидан тергов давом этмоқда.

Вилоятнинг биринчи раҳбари одамлар ҳаётидаги долзарб муаммоларни ечиш ўрнига ана шундай нопок кимсаларни ўз ҳимоясига олиб, уларга ҳомийлик қилиш билан овора бўлганини бугун гаиирмасдан бўлмайди. Ўзингиз яхши тушунасизки, фирибгарлар билан тил бириктириб, уларга бошпана бериб юрган раҳбарнинг обрўйи нимага арзийди?

Бу одамнинг шунча йил вилоят ҳокими бўлиб, шу вазифада ишлаб, оиласи эса Тошкентда яшаб юрганининг ўзи ақлга сиғмайдиган бир ҳолат.

Умуман, Т. Жабборовнинг йўл қўйган хато-камчиликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин лўнда қилиб айтганда, унинг энг катта хатоси — у ўзининг раҳбарлик бурчини, керак бўлса, вилоят ҳокимига юклатилган муҳим вазифаларни бажаришдан узоқ бўлиб, одамларнинг бошини қовуштириш, уларнинг дардига дармон бўлиш у ёқда турсин, охирги йилларда атрофига хушомадгўйларни тўплаб, кадр танлашда, оқни қорадан ажратишда ўзини йўқотиб қўйгани ҳақида гапиришга бугун барча асослар бор.

Ҳар қайси инсон, айниқса, раҳбар шахс ўз меҳнати, билим ва тажрибаси, ахлоқий фазилатлари билан эл-юрт орасида ишонч қозонмаса, аксинча,уларнинг кўз ўнгида обрўси, қадр-қимматини йўқотса, бундай одамнинг раҳбар лавозимида ўтиришга ҳеч қандай ҳаққи йўқ.

Қадрли дўстлар!

Юқорида айтиб ўтилган нохуш ҳолатлар вилоят раҳбарияти, аввало, биринчи ҳоким фаолиятига адолатли баҳо бериш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур амалий чораларни кўришни тақозо этади.

Вилоят ҳокими Т. Жабборов ўз фаолиятига ўринли баҳо бериб, эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сўраб ариза берган. Ана шу аризани

сизларнинг эътиборингизга ҳавола этиб, ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги раҳбарини сайлаб олишимиз керак.

Биз Наманган вилояти ҳокими вазифасига номзод танлашда, аввалambор, шу ернинг паст-баландини яхши биладиган, кўпни кўрган, тажрибали оқсоқоллар ва фаоллар билан суҳбатлашдик, уларнинг фикр-мулоҳазаларини атрофлича ўргандик.

Ана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Наманган вилояти ҳокими лавозимига ҳозирги кунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаётган Икромхон Нажмиддинов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Ўйлайманки, сиз, шу залда ўтирганлар бу инсонни яхши биласизлар ва уни ортиқча таърифлашга асос йўқ, деб ҳисоблайман.

Бу таклиф бўйича ҳам ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Азиз юртдошлар!

Биз Аллоҳнинг назари тушган мана шу муқаддас заминда ягона халқ бўлиб яшамоқдамиз. Барчамиз она Ўзбекистонимизни ўзимиз учун ягона Ватан деб биламиз.

Барчамизни бирлаштирадиган, бизларга куч-қудрат ва мадад берадиган туйғу — диёримизнинг ҳар қайси вилояти, шаҳар ва қишлоғида истиқомат қилаётган одамларимизнинг ўз туғилиб ўсган

тупроғига бўлган фарзандлик меҳри ва садоқатидир.

Беқиёс ва бетакрор бўлмиш гўзал Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси воҳа ва ўлкасининг ўзига хос хислат-аломатлари борки, улар ўзаро уйғунлашиб, ягона халқимизнинг миллий хусусият ва фазилатларини ифода қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, барчамиз Наманган аҳлини бошқалардан ажратиб турадиган ахлоқ-одоб, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат ва ширинсўзлик каби фазилатларига ҳамиша ҳавас қиламиз, уларни юксак қадрлаймиз.

Менинг сизларга, сизлар орқали бутун Наманган аҳлига қаратилган тилагим ва даъватим шуки, келинглар, азиз дўстларим, мана шу табаррук юртга муносиб бўлайлик, уни улуғлайлик, ота-боболаримиздан мерос қолган ноёб бойликларни бизлардан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўладиган келгуси авлодларга етказайлик.

Шу улуғ мақсадга эришиш учун ҳаммамиз бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, Аллоҳ берган ақл-заковатимиз ва ғайратимизни, бор кучимиз ва имкониятларимизни ишга солайлик.

Бу борада мен бутун юртимиз ёшлари қатори Наманган ёшларига ҳам ишонаман. Илм-фан бўладими, санъат ёки спорт бўладими — бу соҳаларнинг барчасида катта ютуқларни қўлга ки-

ритиб, кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотаётган ана шундай ўғил-қизларимиз билан фахрланаман. Бугун вилоятнинг олий ўқув юртларида, университетларнинг биноларидан қолишмайдиган лицей-коллежларда таълим олаётган ёшларимизнинг кўзига қаранглар, уларда бир дунё орзу-умид бор, келажакка ишонч бор.

Биз аслида ким учун, нима учун яшаяпмиз? Барча қилаётган амалий ишларимиз кимга, қандай эзгу мақсадга қаратилган? Биринчи галда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёш авлод тарбиясига қаратилган.

Юртимизда бошланган ва тобора кучга кириб бораётган бу олижаноб ва қудратли ҳаракат ҳадемай ўз мевасини, ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Энг муҳими, бундай ҳаракат, бундай интилиш билан яшайдиган халқни ўз буюк мақсадларидан қайтариб ҳам, тўхтатиб ҳам бўлмайди.

Ишончим комилки, меҳнаткаш ва жонкуяр Наманган эли бу ҳаракатнинг ҳамиша олдинги сафида бўлади. Бу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Халқ депутатлари Наманган вилояти
кенгашининг навбатдан ташқари
сессиясидаги нутқ, 2004 йил 17 сентябрь

ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ ВА ИШЛАШ — АСОСИЙ МЕЗОН

Ассалому алайкум, қадрли депутатлар!

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, барчангиз ушбу мажлисимизнинг кун тартибига киритилган масала ҳақида, нима сабабли бундай масала бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган долзарб муаммога айланиб қолгани ҳақида яхши хабардорсиз, деб ўйлайман.

Лекин бугунги учрашувимизга қандай зарурат ва эҳтиёж сабаб бўлмасин, мен аввало сизлар билан дийдор кўришиб хурсанд бўлганимни, кўпдан буён учрашмаганимиз туфайли сизларни соғинганимни билдириб, сизларнинг тимсолингизда бутун Фарғона аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ёдингизда бўлса, бундан тўрт йил муқаддам сиз, азиз депутатлар ва фаоллар билан мана шундай йиғилиб, вилоят ҳаёти ва келгуси тараққиётининг асосий йўналишларини, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб олган эдик.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган давр мобайнида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш

бўйича катта-катта ишлар қилинганини, нафақат Фаргона, балки бутун Ўзбекистонимиз ҳаётида из қолдирган улкан ютуқлар, кўзга кўринарли натижалар қўлга киритилганини айтиб ўтиш лозим.

Шулар қаторида вилоятдаги энг йирик саноат корхоналаридан бўлган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси замонавий технологиялар асосида реконструкция қилинганини, «ЎзДЭУавто» корхонаси учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган бир қанча ишлаб чиқариш қувватлари маҳсулот бера бошлаганини таъкидлаш ўринлидир.

Шунингдек, Қувасойдаги «Кварц» корхонасида италиялик ҳамкорларимиз билан биргаликда юқори сифатли ойна, янги барпо этилган «Автоойна» корхонасида эса автомобиль ойналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини ҳам қайд этиш зарур.

Айниқса, пахта толасидан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналарнинг бунёд этилиши вилоят саноати ривожига сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Пахтадан ип-калава, газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кобул-Фарғона компани», «ДЭУ текстайл», «Бештекс» каби замонавий қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши пахта хом ашёсини ўзимизда қайта ишлаш, минг-

лаб ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Наинки бугунги кунимиз, балки эртанги тараққиётимизга ҳам пойдевор бўладиган бундай ижобий мисолларни вилоят миқёсида ҳам, шаҳар ва туманлар миқёсида ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Албатта, Фарғона аҳлининг меҳнати билан вилоят ҳаётида рўй бераётган бундай янгиланиш ва ўзгаришларни ҳеч ким инкор этмайди.

Айни пайтда очиқ тан олиб айтиш керакки, кейинги таҳлиллар вилоятда эришилган ютуқлар билан бирга, бир қатор соҳа ва тармоқлар бўйича орқага кетиш ҳолатлари мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда.

Аввалambор, вилоят иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган саноат соҳасини оладиган бўлсак, йирик саноат марказлари ҳисобланган Фарғона, Қўқон ва Марғилон каби шаҳарларда сўнгги бир йилнинг ўзида ишлаб чиқариш корхоналари 13 тага, ишчилар сони эса 2 минг 200 кишига камайиб кетгани жиддий ташвиш уйғотади.

Бу муаммоларнинг сабаблари ҳақида гапирганда, вилоятда ишлаб чиқаришни янгилаш ва такомиллаштириш, ишни давр талаблари асосида ташкил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналар барпо этишга етарли эътибор берилмаётганини таъкидлаш зарур.

Бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Биз жаҳон бозоридан фақат хом ашё билан эмас, аксинча, ўзимизнинг интеллектуал салоҳиятимиз билан, юксак технологиялар асосида яратилган, рақобатга бардошли тайёр маҳсулот билан ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олишимиз керак.

Бугун бу оддий ҳақиқатни кимгадир тушунтириб, ташвиқот қилишнинг ҳожати йўқ — олдимизда турган кўп-кўп муаммоларни, тўсиқ-ғовларни бартараф этишнинг асосий йўли ана шунда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимизда, қатор вилоятларда кетма-кет ишга туширилаётган кўплаб замонавий корхоналар мисолида кўриш мумкин. Афсуски, кейинги йилларда Фарғонада бу муҳим масалага эътибор ва интилиш анча сусайиб қолди.

Хорижий мамлакатларнинг инвестиция ва юксак технологияларини Фарғона заминига олиб келиш у ёқда турсин, ишлаб турган бир қанча саноат корхоналари, жумладан, Фарғона кимёвий толалар заводи, пойафзал фабрикаси, Фарғона туманидаги ипакчилик фабрикаси каби мамлакатимиз халқ хўжалигида муҳим ўрин тутадиган корхоналар бир неча йилдан буён фаолият кўрсатмаяпти.

Энг ёмони, ишга бундай лоқайд муносабат охир-оқибатда вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиб кетишига олиб келмоқда. 2003 йил якунига кўра 32 та, жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича эса 24 та саноат корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтириб юборгани шундан далолат беради.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг кейинги уч-тўрт йиллик таҳлили шуни кўрсатадики, саноат маҳсулотларининг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши, мисол учун, 1997 йилда 30 фоиздан зиёд бўлган бўлса, 2003 йилга келиб 15,5 фоизга тушиб қолган.

Айниқса, нефть маҳсулотлари, пахта толаси, озиқ-овқат спирти, ўсимлик ёғи, ип газлама, пойафзал, пахта целлюлозаси, хўжалик совуни каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан анча пасайиб кетгани бу соҳадаги қолоқлик сурункали тус олаётганини кўрсатади.

Корхона ва ташкилотларни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилмаётгани оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори муттасил ошиб бормоқда.

Жорий йилда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг миқдори ўсиб бораётгани, уларнинг ҳажми 1 сентябрь ҳолатига кўра

82,7 миллиард ва 88,8 миллиард сўмни ташкил қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Қурилиш масаласини оладиган бўлсак, албатта, кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ишлар амалга оширилганидан кўз юмиб бўлмайди.

Хусусан, вилоят маркази ва барча туманларда янги турар жойлар, маданий-маиший иншоотлар, лицей ва коллежлар, тиббиёт масканлари барпо этилди, ободончилик ишлари бажарилди.

Бу ўринда Фарғона шаҳри марказидаги стадион тубдан қайта таъмирлангани, Олимпия захиралари спорт коллежи, ёшлар спорт мажмуаси, Қува ва Бешариқ туманларидаги оналар ва болаларни согломлаштириш марказлари фойдаланишга топширилганини айтиб ўтиш мумкин.

Лекин ишнинг бугунги талаблар асосида йўлга қўйилмагани, ташкилотчиликнинг етишмаслиги, мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана билмаслик бу соҳада ҳам қатор камчилик ва нуқсонларга сабаб бўлмоқда.

Масалан, 1998—2003 йилларда ишга тушиши керак бўлган 3 та академик лицей, 5 та касб-ҳунар коллежи қуриб битказилмаган.

Жорий йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган 19 та касб-ҳунар коллежидан 9 тасининг қурилиши эса турли баҳона ва сабаблар билан пайсалга солиб келинаётгани ҳам ана

шундай муносабат оқибати, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги кунда бутун мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш масаласига катта эътибор берилаётганидан барчангиз хабардорсиз, албатта.

Аммо мазкур дастурда белгиланган, жорий йилнинг ноябрь ойида топширилиши лозим бўлган Бешариқ туманидаги болалар спорт мажмуасининг қурилиши ҳозиргача атиги 10,6 фоизга молиялаштирилганини қониқарли деб бўладими?

Ёш авлодимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб камол топишига, керак бўлса, эртанги тақдирига бевосита дахлдор бўлган бу масала бўйича айтилган шунча гапларнинг амалий таъсири, натижаси шуми?

Муҳтарам юртдошлар!

Барча тармоқ ва соҳаларнинг ривожини белгилаб берадиган, аҳолимизнинг ризқ-рўзини таъминлайдиган, мамлакатимиз тараққиётининг негизи бўлмиш қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам Фаргона вилояти кўпдан буён оқсоқ бўлиб келмоқда. Бу ачинарли ҳолатнинг сабабларини аниқлаш ва зарур чора-тадбирлар кўришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Агар мустақиллик даврида амалга оширилган, юртимиз қишлоқ хўжалиги тарихида чуқур из

қолдирган ибратли ишларни, мисол учун, Андижон ва Қашқадарё, Хоразм ва Бухоро каби вилоятларимизда, диёримизнинг бошқа жойларида бўлаётган янгиликларни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, холисона айтганда, кейинги беш-олти йил ичида Фарғонадан ўрнак қилиб кўрсатишга арзийдиган бирон-бир ташаббус чиққанини эслай олмаймиз.

Ҳолбуки, Ўзбекистон тарихида энг кўзга кўринган, кўпчилик ҳавас қиладиган қанча-қанча ибратли ташаббуслар, амалий ишлар, меҳнатда фидойилик намуналари аввало мана шу Фарғона вилоятидан бошланганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Лекин нима бўлдики, азалдан ўзининг тадбиркор ва омилкорлиги, бунёдкорлиги билан донг таратган вилоят бугун шундай ачинарли аҳволга тушиб қолди?

Буни кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик соҳасида шартнома режаларининг сурункасига бажарилмай келаётгани, ҳосилдорликнинг тобора пасайиб бораётгани яққол тасдиқлайди.

Биргина мисол келтирмоқчиман. Агар вилоятда пахта ҳосилдорлиги 2000 йилда қарийб 30 центнерни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб 18,7 центнерга тушиб қолган.

Бу кўрсаткич Охунбобоев туманида 15,1 центнерни, Бағдодда 14,1 центнерни, Ёзёвонда эса

14,9 центнерни ташкил қилганига ҳар қандай одам албатта афсусланади.

Пахтачиликдаги бу йилги аҳвол ҳам Фарғона вилоятида ўтган йилларнинг аччиқ тажрибасидан етарли хулоса чиқариб олинмаганини кўрсатади.

Ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, мана шу йиллар давомида бой берилган ҳосил ҳисобидаи вилоят аҳли қанча даромаддан маҳрум бўлди? Буни бу ерда бирон киши жиддий бош қотириб, ҳисоб-китоб қилиб кўрганми ўзи?

Мутахассисларнинг фикрича, 2000—2003 йилларда вилоят пахтачилик бўйича тахминан 90—100 миллион доллар зарар кўрган. Агар мана шу маблағ бой берилмаганида, вилоятда бугун оғир муаммо бўлиб турган қанчадан-қанча ижтимоий масалаларни ҳал қилиш мумкин эди.

Ёдингизда бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунларига багишланган мажлисида ҳам бу тўғрида кескин танқидий фикрлар айтилган ва вилоят ҳокими жиддий огоҳлантирилган эди. Лекин шундан кейин ҳам вилоятда бу соҳада бирор-бир ўзгариш бўлганини сезмаяпмиз.

Ўша мажлисда вилоят раҳбари бу ҳолатга ғўзани кўсак қурти босганини сабаб қилиб кўрсатган эди. Бу йил эса яна шу сабаб билан бирга, янги-янги баҳоналарни рўкач қилиб кўрсатмоқда.

Ҳақиқатни гапирадиган бўлсак, бу йилги аҳволнинг сабаби оддий — вилоятда агротехни-

ка қоидаларига риоя этилмагани, деҳқоннинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, фермерлик ҳаракатига эътибор бериш у ёқда турсин, унга ғов-тўсиқ бўлингани, меҳнатни рағбатлантириш бўйича эски ёндашув ва қарашлардан воз кечилмагани, янгиликка интилишнинг йўқлиги.

Лўнда қилиб айтганда, ташкилотчилик ва талабчанликни умуман йўқотиб қўйиб, барча ишларда ўзибўларчилик кайфиятининг авж олгани — бундай аҳволнинг асл сабаби мана шунда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мутахассисларнинг фикри ва таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Фарғона заминига мос келадиган, унинг иқлими ва табиий шароити талабларига жавоб берадиган, касалликларга чидамли пахта нави вилоятда ҳали-бери жорий этилмаган.

Барчамиз яхши тушунамизки, навни тўғри танлаш, уни парвариш қилишда агротехника талабларига риоя қилиш — бу ҳосилнинг 50 фоиз гарови, десак, хато бўлмайди. Вилоятда ғўзани дефолиация қилиш бўйича сохта маълумотларни бериб, ўз-ўзини алдаб юргани, оқибатда эса бу муҳим тадбирнинг бутунлай барбод этилгани бугун мана шундай хижолат бўлиб ўтиришнинг асосий сабабидир.

Июль-август ойида, яъни авжи мавсум паллаcида деҳқоннинг даладан чиқиб кетгани, пахта

пайкалларида ишнинг мутлақо тўхтаб қолгани бугунги надомат ва пушаймонликнинг боисидир.

Такрор айтишга тўғри келади — ишнинг замон талаблари асосида ташкил қилинмагани туфайли қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи оғирлашиб, оқибатда хўжаликларнинг иш ҳақидан қарзлари бугунги кунга келиб 2,1 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Ўзингиз айтинг, деҳқон ўз вақтида ҳақини ололмаса, унинг меҳнатига беписандлик билан қаралса, бу ишларда адолат бузилса, кимни қандай қилиб, қандай сўз ва қандай кўз билан ишнинг унумини оширишга даъват этиш мумкин?

Қадрли депутатлар!

Фарғонада кичик ва хусусий бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати ривожи ҳам талаб даражасида эмаслиги вилоятдаги умумий қолоқликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда, десак, хато бўлмайди.

Жойларда бу соҳа тараққиётига жиддий қаршилик ва тўсиқлар борлигини юқори ташкилотларга тушаётган шикоят ва аризалар, адлия идоралари томонидан аниқланаётган қонунбузарлик ҳолатлари ҳам кўрсатиб турибди. Бугунги кунда вилоятдаги ҳар 8 нафар фермерга битта техника воситаси тўғри келаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Фермерларни лизинг асосида техника билан таъминлаш бўйича давлатимиз томонидан яратилган имкониятдан тўлиқ фойдаланмаслик оқибатида кейинги икки йил давомида вилоят бўйича шу йўл билан атиги 85 та техника олинган, холос.

Яна бир ташвишли ҳолат шундан иборатки, айрим мансабдор шахслар хизмат ваколатини суиистеъмол қилиб, бир думалаб фермерга айланиб қолмоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликларига ерни ажратишда, ижарага беришда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликка, тамагирликка, бир сўз билан айтганда, адолатсизликка йўл қўйилмоқда.

Бунга вилоят бўйича ҳокимлик идоралари ходимлари, ширкат хўжалик раҳбарлари ва бошқа амалдорлардан 39 нафари томонидан 1 минг 165 гектар ернинг адолат тамойилларини бузиб, ўз яқинларига тақсимлаб берилгани мисол бўла олади.

Масалан, Данғара тумани ҳокимининг собиқ ўринбосари Баҳром Бўстоновнинг укаси Ҳошим Бўстоновга 16 гектар ер шундай йўл билан ажратиб берилган. Лекин бу «фермер» пахта тайёрлаш шартнома режасини атиги 14,7 фоизга бажарган, холос.

Ўзбекистон туманининг собиқ ҳокими А. Сиддиқов, шу туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўли-

мининг собиқ бошлиқлари — М. Хўжаматов ва С. Ҳусанов, Фурқат тумани ҳокимининг собиқ ўринбосари Х. Қурбонов, Данғара тумани ҳокимининг собиқ ўринбосарлари — И. Алиматов ва И. Раҳмоновлар 10 гектардан тортиб 60 гектаргача ер олиб, ўзлари ва қариндошларининг номида фермер хўжаликлари ташкил этган.

Бундан ташқари, вилоятда экин майдонларини талон-торож қилиш, уни қонунга хилоф равишда сотиш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар ҳам кўплаб учрайди. Жумладан, Охунбобоев тумани ҳокимлигининг ташкилий ва кадрлар билан ишлаш гуруҳи бошлиғи И. Аҳмаджонов фуқаро И. Солижоновдан 12 сотих ер майдони ажратиш учун 1000 АҚШ доллари миқдорида пора олаётган пайтда ушланган. Фурқат туманидаги «Қўқон» ширкат хўжалиги «Ғунча» бўлими бошлиғи А. Сиддиқов, Фарғона туманидаги «Ўздаверлойиҳа» институти филиалининг муҳандиси Б. Аҳмедовлар ҳам шу масалада пора олишда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳаммага аёнки, ҳақиқий деҳқонга йўл бермасдан, энг қулай ва серҳосил майдонларни эгаллаб олган, бир вақтлар раҳбар курсисида ўтирган, бугун ўзини фермер деб кўрсатадиганлар ҳеч қачон ўзи тер тўкиб меҳнат қилмайди.

Далага бориб қараиглар, улар оддий одамларни ишлатади, олинган даромад ва фойдани эса

фақат ўзлари кўради. Шунинг учун ҳам вилоятдаги мавжуд 8 минг 40 та фермер хўжалигининг умумий ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ғаллачиликда 30 фоиздан, пахтачиликда эса 31 фоиздан ошмаяпти.

Қани, айтинглар, қачон бу соҳада тартиб бўлади, қачон адолат бўлади?

Вилоятда солиқ ва молия интизомининг бузилиши оқибатида турли корхона ва ташкилотлар томонидан белгиланган мажбурий тўловларни вақтида тўламаслик, савдодан тушган пулларни банкка топширмаслик, нақд пулни назорат-касса машинаси орқали кирим қилмаслик каби нохуш ҳолатлар кўпайиб бормоқда.

Текширишлар натижасида вилоят бўйича банкда 80,2 миллиард сўм айланма маблағга эга бўлган хўжалик субъектлари томонидан солиқ идораларига 33,3 миллиард сўмлик ҳисобот тақдим этилгани ва 56 та ҳолатда 13,8 миллиард сўм нақд пул маблағлари банк муассасасига топширилмагани аниқланган.

Масалан, Қўқон шаҳридаги «Эвердей сервис» масъулияти чекланган жамияти савдодан тушган 2 миллиард 411 миллион сўм нақд пул маблағларини банкка топширмаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Умуман, текширишлар натижасида вилоятдаги 39 та хўжалик субъекти раҳбарига нисбатан

жиноий иш қўзғатилгани бу борадаги ноқонуний ҳаракатлар анча кенг тус олганини кўрсатади.

Шубҳасиз, ана шундай ҳолатлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Лекин, энг ёмони, бундай ишлар одамлар ўртасида қонун ва адолатга бўлган ишончнинг сўниши, маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади. Бу зарарни эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Азиз юртдошлар!

Фарғона вилоятидек одамлар зич яшайдиган, аҳоли сони тобора ўсиб бораётган ҳудудда ижтимоий масалаларнинг қанчалик долзарблиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Афсус билан айтиш зарурки, вилоятда бу борадаги ишларнинг аҳволи ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш ва таълим тизими соҳасида, пенсия ва нафақалар, мактаб ўқитувчилари ва тиббиёт ходимларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, коммунал хизмат кўрсатиш масаласида жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида сўнгги йилларда муайян ишлар қилинганига қарамасдан, кейинги пайтда уларнинг суръати ва ҳажми камайиб бормоқда.

Жорий йилда табиий газ билан таъминланиши кўзда тутилган 49 та қишлоқдан ҳозиргача 16 тасида бу ишлар охирига етказилмагани, айниқса, Бешариқ, Фурқат ва Фарғона туманларида табиий газ билан таъминланиши лозим бўлган қишлоқларнинг ярмида ҳам режадаги ишлар бажарилмагани бу фикрни исботлайди.

Бутун мамлакатимиз бўйича оналик ва болалик муҳофазасига катта эътибор берилаётган ҳозирги пайтда Фарғонада бу масалага панжа орасидан қаралаётгани натижасида оналар ва болалар ўртасида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда энг долзарб ва муҳим муаммолардан бири бўлмиш одамларни, аввало ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш масаласи бўйича аҳвол Фаргона вилоятида оғир бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги оқибатида аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорлиги 1 октябрь ҳолатига кўра жами 10,2 миллиард сўмни ташкил қилади. Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Данғара ва Ёзёвон туманларида эса бу кўрсаткич ундан ҳам юқори.

Айниқса, аҳолининг электр энергиясидан бўлган қарздорлиги йил бошига нисбатан 34 фоизга ошиб, бирорта туман ва шаҳарда унинг камайишига эришилмаган. Марғилон шаҳрида бу

масалага масъул шахслар томонидан бепарволик билан қараш натижасида бу рақам 490 миллион сўмга етган.

Вилоятда ички бозоримизни сифатсиз ва контрабанда йўли билан олиб кириладиган товарлардан ҳимоя қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилаётганини эътироф этиш лозим. Лекин, афсуски, қўшни Қирғизистон ва Тожикистон ҳудуди орқали турли маҳсулотларни яширинча олиб келиш ҳаракатлари ҳали-бери давом этмоқда.

Масалан, Олтиариқ туманида яшовчи У. Ҳасанов ва Ш.Маматовлар икки ярим миллион сўмлик кийим-кечак маҳсулотларини мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний тарзда олиб ўтаётганда қўлга олинган. Вилоятда товар-моддий бойликларни қонунга зид равишда четга сотиш ҳолатларига ҳам барҳам берилмаяпти.

Мисол учун, фуқаро Т. Йўлдошев 1 тонна минерал ўғитни, Р. Тўрақулов 12 тонна металлни, Ш. Нурматов 6 тонна қора металлни, Ф. Комилов 10 тонна буғдойни айланма йўллар орқали Қирғизистонга олиб ўтаётганида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ушланган.

Бу ўз юртига, ўз халқига хиёнат эмасми?

Муҳтарам дўстлар!

Шуни катта таассуф билан таъкидлаш керакки, Фарғона вилоятида охирги йилларда вужуд-

га келган аҳволни чуқур таҳлил қилганда ачинарли бир ҳолат кўзга ташланади. Шуни такрор ва такрор айтишга тўғри келади -- бу аввало талабчанликнинг сусайиб қолгани ва жойлардаги ишлар умуман ўз ҳолига ташлаб қўйилгани билан боғлиқдир. Бунинг салбий оқибатини бугун ҳар қадамда кўриш мумкин.

Ўзимизга бир тасаввур қилайлик. Агарки, ҳар қайси корхона ва ташкилотда талабчанлик бўлмаса, ўз вақтида вазифа қўйилиб, унинг ижроси талаб қилинмаса, қаттиқ назоратга олинмаса, ишнинг олдинга силжиши ҳақида гапириш мумкинми ўзи?

Энг ёмони, вилоят ташкилотларини оласизми, туман ёки ширкат хўжаликларини оласизми, ҳаммасида ана шундай касалликни учратиш, бунинг натижасида тартиб-интизомнинг сусайиб кетганини кузатиш қийин эмас.

Ачинарли томони шундаки, пастда, қуйи бўғинда ишлаётган раҳбарлар ҳам тепага қараб, вилоят миқёсидаги ишларнинг аҳволини кўриб, ҳафсаласи пир бўлади, қўли ишга бормай қолади. «Нима, бу битта менга керакми?» деган кайфиятга тушади. Худдики қурт дарахтни ичидан емирганидек, ҳар қандай жамоа ва ташкилотдаги муҳитнинг бузилиши ҳам ишга ана шундай лоқайд муносабатдан бошланади.

Табиийки, бундай ҳолатни қабул қилмасдан куйиниб юрадиган инсонлар вазиятни қандайдир ўзгартиришга ҳаракат қилади. Бундай одамлар Фарғонада ҳам жуда кўп.

Лекин юқоридаги раҳбарнинг лоқайдлиги, ғафлат уйқусида ётиши иш учун жони ачийдиган виждонли одамларнинг ҳам шаштини қайтаради. Бамисоли тўлқин қирғоққа урилиб, орқага қайтишга мажбур бўлганидек, уларнинг ташаббуси, ғайрат-шижоати ҳам раҳбарнинг бефарқ ва совуққонлигига дуч келиб сўниб қолади.

Вилоят иқтисодиётининг кейинги йилларда биз кутган суръатлар билан ўсмаётганига яна бир сабаб — кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишдаги хато ва камчиликлар билан боғлиқ.

Минг афсуски, бу ҳақда қанча гапирмайлик, қанча чоралар кўрмайлик, вазифага тайинлашда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ҳолатлари вилоятда тобора кучайиб бормоқда. Ўз лавозимини суиистеъмол қилиш ҳолатларига вилоят ва туманларнинг ҳокимлари йўл қўядиган бўлса, бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин?

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бундай ярамас ҳолатларга барҳам бериш, бундай уринишларнинг йўлига тўсиқ қўйиш ва вазиятни соғломлаштириш биринчи галда прокуратура

зиммасиға юклатилади. Ўйлайманки, вилоят прокурори вазифасига янги тайинланган Ҳамид Неъматов бу ишни охирига етказади.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз, Фарғона вилояти ҳаётида кўплаб қийинчиликлар, табиий иқлим билан боғлиқ муаммолар ҳам етарли. Жумладан, Марказий Фарғонада сув ресурсларининг етишмаслиги, экин майдонларининг шўрлангани шулар жумласидандир. Лекин бундай қийинчиликлар фақат Фарғонада эмас, бутун мамлакатимизда, бошқа вилоятлар ва ҳудудларда ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Балки, Фарғона вилоятидаги шароит бошқа кўп жойларга қараганда анча афзал десак, бу ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Аслида ҳамма нарса фақатгина бир масалага бориб тақалади — яъни, Худонинг ўзи яратган, табиатнинг ўзи берган имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва ишни тўғри ташкил қилиш, мавжуд муаммоларни ечишда одамларни сафарбар этиш, халқнинг ва фаолларнинг кучига таяниш, уларнинг кўнглига кириб бориш, эл-юртнинг қувончи ва ғами билан яшаш даркор.

Бизнинг шундай оқибатли, бағрикенг халқимиз борки — мен буни такрор ва такрор айтишдан чарчамайман — агарда унинг меҳри ва ишончини қозонсангиз, у ҳам сизга юрагини очиб беради.

Агарки унга тўғри йўл кўрсатсангиз, барча қийинчиликларни енгиб, бор куч ва имкониятини ишга солиб, тоғни талқон қилишга ҳам қодир бўлади. Шу маънода, ўзининг бой тарихи ва маданиятига эга бўлган Фарғона элининг фидойилиги, ақл-заковати ва салоҳияти, унинг ўз ерига бўлган меҳри ва садоқати ҳеч кимдан кам эмас.

Кўҳна тарихимиз шуни кўрсатадики, юрт бошига оғир синовлар тушганда, турли тўфон ва суронлар таҳдид солган даврларда Фарғона замини халқимизнинг тоғдек таянчи ва суянчи, ҳамиша мардлар макони бўлиб келган. Миллий қадриятларимизни, халқимизга мансуб эзгу фазилатларни асраб-авайлаш ва улуғлашда ҳам доимо ўрнак бўлиб келган.

Минг афсуски, мана шу ҳақиқатни бугун вилоятда уйқуга берилиб, мудраб ётган раҳбарлар чуқур англаб етмаяпти, улар халқнинг ана шундай буюк салоҳиятини рўёбга чиқаришда заиф бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда олдин ҳам айтган гапни яна такрорлашимга тўғри келади: раҳбарлик қобилияти, раҳбарлик маданияти ва маҳоратини Аллоҳ ҳаммага ҳам бермас экан.

Бугун вилоят ҳаётининг қайси соҳасини олманг, кўплаб камчилик ва муаммоларга дуч келасиз. Шуниси қизиққи, амал деса, лавозим деса, баъзилар ўзини томдан ташлайди. Бироқ мана

шундай кескин муаммолар юзага чиққанда жавоб берадиган, ўзини улар учун масъул деб биладиган мардни баъзан кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз.

Кўп мисолларда кузатиш мумкинки, баъзи бир лавозимда ўтирганлар шу вазифага ўрганиб қолади ю раҳбарга билдириладиган ҳурмат-эҳтиромни табиий бир ҳол, деб қабул қилади.

Ҳолбуки, одамлар раҳбарнинг лавозим курсисини эмас, балки унинг эл-юрт манфаатини кўзлаб, тинимсиз қилган меҳнатини, фидойилигини қадрлаши ва ҳурмат қилишини, афсуски, улар англашга ожизлик қилади.

Тўрт-беш йиллаб, балки ундан ҳам кўпроқ ҳокимлик курсисида ўтириб, айрим раҳбарлар ўзининг ҳаётдан узилиб қолганини, ҳушёрлик ва масъулиятни йўқотиб қўйганини ўзи ҳам сезмайди.

Бундай раҳбарларга қарата одам баъзан шундай дегиси келади:

эй инсон, бу лавозим сенга ота-бобонгдан мерос бўлиб қолгани йўқ. Бу лавозимда одамларнинг ҳурмат-эҳтиромини фақатгина қаттиқ меҳнат, ҳалоллик ва адолат туфайли қозониш ва шунинг ҳисобидан сақлаш мумкин. Ана шу ишонч ва ҳурматни йўқотдиигми, одамларнинг эътиборидан қолдингми — раҳбар бўлиб, ҳоким бўлиб ишлашга ҳаққинг йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоят ҳокими Алишер Отабоевнинг шахси ҳақида, унинг фаолияти, иш давомида йўл қўйган хато-камчиликлари, нуқсонлари ҳақида тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Маълумки, А. Отабоев бунга қадар ҳам ишлаб чиқариш соҳасида, масъулиятли лавозимларда ишлаб келган. 1992 йилдан 1997 йилгача Фарғона шаҳар ҳокими, 1997—2000 йилларда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

Кўриб турганингиздек, у раҳбарлик лавозимига тасодифан келиб қолган одам эмас. Холисона баҳо берадиган бўлсак, вилоят ҳаётида кўп-кўп лойиҳаларни амалга оширишда, муаммоларни ечишда меҳнати сингган ва ўзини кўрсатган. Ўйлайманки, буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Бир сўз билан айтганда, бу шахс шу заминда вояга етган, шу ерда таълим олиб, мутахассис бўлиб етишган ва бугун Фарғона вилояти қандай ютуқларга эришган бўлса, уларда унинг ҳам ҳиссаси, меҳнати бор, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Лекин, шу билан бирга, ҳеч кимга сир эмаски, вилоятнинг биринчи раҳбари бўлмиш ҳокимнинг зиммасидаги масъулиятни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Биринчи раҳбар шу вилоят ҳаёти билан яшаб, шу элнинг хурсандчилиги билан бирга унинг дарду ташвишларини ҳам юрагидан ўтказиб, оддий инсонлардан тортиб катта-катта жамоа ва корхоиаларнинг манфаатини кўзлаб яшаши ва ишлаши керак. У вилоятда бўладиган барча ишларга ўзини шахсан жавобгар ва масъул деб ҳис қилиши даркор.

Агарки, шу Фарғона вилоятининг энг катта фидойиси ким бўлиши керак, деб сўраса, мен айтардим — вилоят ҳокими. У ўзи бошқарадиган юртнинг бугунги тақдири, унинг эртанги куни, истиқболи, иқболи ва нима ҳисобидан вилоятнинг ёруғ келажагини, аҳолининг фаровонлигини таъминлаш мумкинлигини, бунинг учун қандай лойиҳа ва чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини чуқур билиши керак.

Айни вақтда, вилоят ҳокими доимо сезгир ва ҳушёр бўлиб, қабул қилаётган ҳар қандай қарорини етти марта ўлчаб, бир марта кесиб, уларнинг оқибатини ўзига пухта тасаввур қилиши, шу юртни, шу туироқни асраб-авайлаб яшаши шарт.

Бунинг учун эса вилоят ҳокимининг ақл-заковати, билими ва тажрибаси етарли, фикрлаш доираси албатта кенг бўлиши лозим. Ва бошлаган ишларини охирига етказиш, ўзига ишонч билдирган одамларнинг орзу-умидларини рўёбга

чиқаришда қатъиятлилигини намоён этиши, иродаси бақувват, эътиқоди бутун бўлиши керак.

Албатта, баъзилар бундай одамни топиш қийин, дейиши ҳам мумкин. Шундай фикрларга жавобан, мен бир нарсани айтишни зарур, деб биламан.

Майли, бундай юксак мезонларга ҳар томонлама жавоб берадиган одамни топиш ҳақиқатан ҳам қийиндир, бироқ ана шундай хусусиятларга, билим ва тажрибага эга бўлиш учун интилиш, эл-юртни ўз изидан бошлаш учун ўз устида қаттиқ ишлаш, ўзини қийнаш, керак бўлса, жонини фидо қилишга ҳам тайёр инсон, ўйлайманки, ҳар қандай масъулиятли вазифани уддалай олади.

Балки дастлабки йиллари унинг иши юришмаслиги, билими ёки малакаси етишмаслиги мумкин. Лекин кундан-кунга, йилдан-йилга тажриба топиши билан, одамларни яқиндан билиб, уларнинг юрагига кириб бориши билан унинг фаоллиги ошиши, раҳбарлик фаолиятининг самараси ҳам ортиб бориши керак. Ва бунинг натижасини албатта шу юртда яшайдиган одамлар ўз кундалик ҳаётида сезиб, раҳбардан рози бўлиши лозим.

Биз барчамиз А. Отабоевга мана шундай катта умидлар билан шу масъулиятли вазифани

ишониб топширган эдик. Лекин, минг афсуски, бу умидлар оқланмади.

Охирги йилларда вилоят ҳокими раҳбарлик жиловини қўлдан чиқариб қўйди. Ўзи берган буйруқ ва кўрсатмаларининг ижросини назорат қилмаслиги оқибатида ҳокимнинг топшириқларига беписанд қараш вилоятда доимий бир ҳолга айланиб қолди.

А. Отабоев қишлоқ хўжалик ва деҳқончилик сирлари билан яқиндан таниш эмаслигини барчамиз ўзимизга тасаввур қилардик. Лекин йиллар давомида у Фаргона ҳаётида бу соҳанинг етакчи ўрин тутишини тушуниб етмади, унинг сир-асрорларини чуқур ўрганишга ҳаракат ва интилиш унда сезилмади.

Кўпинча жойлардаги, туман ва қишлоқлардаги ҳақиқий аҳволдан етарли даражада хабардор бўлмасдан, чуқур ўйланмаган топшириқ ва кўрсатмаларни бериб, аввало ўзини оғир аҳволга солиб қўйди.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бугун, ўйлайманки, барчамизга бир ҳақиқат аён бўлмоқда.

Вилоятда мавжуд бўлган вазиятни, аввало бошқариш соҳасида йўл қўйилган катта нуқсон ва хатоларни бартараф қилмасдан туриб, бу ҳолатни вақтида ўзгартирмасак, эртага бундан ҳам мураккаб вазиятга тушиб қолишимиз мумкин.

Ўз ишидаги нуқсон ва камчиликларни, ўз фаолиятининг бугунги замон талабларига жавоб бермаслигини тан олиб, вилоят ҳокими А.Отабоев ўз вазифасидан озод қилишни сўраб ариза билан мурожаат қилди. Ижозатингиз билан ана шу аризани овозга қўйиб, сизлардан бу масалага ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги раҳбарини сайлаб, тасдиқлаб олишимиз лозим.

Биз бу масала устида кўп ўйладик. Фарғона вилоятидаги бугунги қолоқликка барҳам бериш йўлида одамларни бирлаштира оладиган номзодни топиш учун мана шу заминга хизмати сингган фаоллар, аввало депутатлар ва жамоатчилик билан, кўпни кўрган оқсоқоллар билан маслаҳатлашдик.

Ва билдирилган барча таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб, инобатга олиб, Фарғона вилояти ҳокими лавозимига ҳозирги пайтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Шермат Нурматов номзодини тавсия этишга қарор қилдик.

Бу одам 1952 йили Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида таваллуд топган. Шу ернинг тузини еб, сувини ичиб вояга етган.

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини битириб, пахтачилик бўйича мутахассис сифатида шу соҳада кўп йиллар ишлаган. 1999—2001 йил-

ларда «Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, 2001—2004 йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари бўлиб ишлади. Бугунги кунда эса шу жойда вазир бўлиб ишлаб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ш. Нурматов иш фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик маданиятидан яхши хабардор, чуқур билимли ва обрўли мутахассис, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган инсон сифатида ўзини кўрсатган.

Биз Фаргонадаги бугунги вазият устида атрофлича ўйлаб, шу одамнинг номзодини сиз, депутатлар муҳокамасига тавсия этишга қарор қилдик.

Бу номзод бўйича ҳам ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Азиз юртдошлар!

Менинг Фарғона заминига, Фарғонанинг меҳнаткаш, оққўнгил элига ҳурмат ва меҳрим юксак эканини, ўйлайманки, барчангиз яхши биласиз. Шу сабабли ҳам мен ҳурмат қиладиган, қадрлайдиган бу халқнинг ҳамиша тинч ва фаровон, бахтли ҳаёт кечиришини чин қалбимдан истайман.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётда ҳар хил ҳолатлар бўлади. Фарғона замини ўз тарихида раҳбарлик лавозимида ўтирган кўпгина одамларни кўрган,

синаган ва бошидан кечирган. Ҳар қайси раҳбар ўзининг фаолиятига қараб, ўзига хос из қолдирган. Булар ҳақида албатта халқнинг ўз фикри ва хулосаси бор.

Мен такрор айтмоқчиман: раҳбарлар келади-кетади, аммо халқ қолади, ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Эл-юртнинг бетакрор табиатида, унинг қалбида бўлган олижаноб хусусиятлар ҳеч қачон завол билмайди.

Мен Фарғона эли, Фарғона замини ҳақида доимо шундай фикрда бўлганман ва шу фикримда қоламан. Ишонаман, Фарғона халқи ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиб ўтади, ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига албатта эришади.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва бахт ёр бўлишини тилайман.

Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ,
2004 йил 15 октябрь

СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ баёни

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган масала бўйича батафсил фикр алмашиб, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари сессияда. Маълумки, мавсум ёки йил якунига етиши билан ҳар қайси жамоа, ҳар қайси ташкилот, керак бўлса, ҳар қайси туман ва вилоятда амалга оширилган ишлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиб, сарҳисоб қилинади.

Бугун биз Сирдарё вилоятининг иш якунларини кўрар эканмиз, эътиборни нафақат бир йиллик натижаларга қаратишимиз, балки охирги йилларда шу заминда барча соҳаларда эришилган марраларни эътироф этган ҳолда, ҳаммамизни ташвишга соладиган, чуқур ўйлашга мажбур қиладиган воқеалар, сурункали туе олган оқсоқлик сабаблари ҳақида фикр юритишимиз ва уларни бартараф этиш йўлларини излашимизни ҳаётимизнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, бу йил қатор вилоятларда бўлиб ўтган учрашувларда, навбатдан ташқари сессия-

ларда жойларда ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу йиғилишларда ким қандай ютуқларга эришгани, ким қандай хато ва камчиликларга йўл қўйгани ҳақида рўй-рост гапириляпти, ҳар ким ўз ишига қараб муносиб баҳосини оляпти. Биров рағбатга сазовор бўляпти, бошқа бировнинг эса ўз жойини бўшатиб беришига тўғри келяпти.

Қаерда бўлмасин, ютуқларимиз билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам ҳеч кимдан яширмасдан, телевидение ва матбуот орқали халқимизга ахборот бериб бориляпти.

Масалага бундай ёндашув бизнинг демократия ва ошкоралик тамойиллари асосида янги жамият қураётганимиздан, ана шу умумбашарий қадриятлар онгу тафаккуримизга тобора сингиб, ҳаётимиз эркинлашиб бораётганидан далолат беради.

Сирдарё вилояти ҳақида, унинг тузилиш ва шаклланиш тарихи, мамлакатимиз ҳаётида тутган иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маданий ўрни, унинг бугунги куни ва келгуси истиқболи ҳақида сўз юритганда, албатта, бу вилоят, бошқалардан фарқли ўлароқ, қандай қийин ва оғир шароитда ташкил топганига алоҳида эътибор берилади, деди Президент. Жумладан, чўл ҳудудида жойлашган ушбу вилоят ерларининг аксарият қисми шўрлангани, жазирама иссиқ, сув ресурслари, ишчи кучининг етишмаслиги каби

объектив ҳолатлар мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Албатта, буларнинг барчаси Сирдарё вилояти ривожига, шу ерда яшаётган юз минглаб одамларнинг ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатаётганини ҳаммамиз тан оламиз.

Шу боисдан ҳам ҳар гал янги йил ва истиқбол режаларини белгилаётганда ҳукуматимиз ва тармоқ вазирликлари бу вилоятнинг муаммоларини алоҳида ҳисобга олиши нақадар муҳим экани ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Вилоятдаги аҳволни қисқача таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш соҳаларини, жумладан, етакчи қишлоқ хўжалик тармогини оладиган бўлсак, тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ер ости сувларининг кўтарилиб, шўр босиш тобора кучайиб бораётгани, ирригация ва мелиорация ишларига доимий эътибор қаратиш зарурлиги маълум бўлади.

Лекин, шулар қаторида бир саволга холисона жавоб берайлик, деди Президентимиз. Сирдарё вилояти шароитига бундай кўз билан қараш, бундай муносабат ўз йўли билан, аммо шу ерда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражасини бошқалардан кам бўлмайдиган бир босқичга кўтариш, уларнинг ўз меҳнати, куч-ғайрати билан муносиб даромад топиши учун тегишли шароит ва имкониятлар яратиб бериш, аввало жамоатчилигимиз ва халқимизни шунга сафарбар қилиш керакми, йўқми?

Яхши ният билан меҳнат қилаётган одамларнинг бошини қовуштириш, кўнглини кўтариш, ишни оқилона ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, қийинчиликларда тобланган ва суяги қотган, ор-номусли Сирдарё аҳли олдига амалий режалар ва катта марраларни қўйиб, уларни шу мақсад сари бошлаш кимнинг вазифаси бўлиши керак?

Ана шундай масъулиятни ўз зиммасига оладиган, шу ерни обод қилишга бел боғлаган, шу юрт менинг, оиламнинг, болаларимнинг ватани, деган фикр билан яшайдиган одамларни кимдир етакчи бўлиб руҳлантириши, зарур бўлганда, кўкрагини қалқон қилиб уларни ҳимоялаши керакми, йўқми?

Мамлакатимиз раҳбари вилоят ҳаётида тўпланиб қолган ўткир муаммолар, ғов-тўсиқларнинг ҳаммаси бугунги кунда аввалambор бир масалага — кадрлар масаласига бориб тақалиши аён, дея таъкидлади. Яъни билимли, ташкилотчи ва ташаббускор, жавобгарликни ўзига олишга қодир бўлган, ўзини аямасдан ишлайдиган фидойиларнинг етишмаслиги Сирдарё шароитида ҳали-бери оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Сирдарёнинг катта салоҳиятга эга экани, унинг Ўзбекистон ривожига қандай ҳисса қўшгани, кўп-кўп ишнинг кўзини биладиган, етук кадрлар шу ерда камол топиб, ўзи-

ни намоён этгани ҳам жамоатчилигимизга яхши маълум.

Вилоят тарихида шундай кўтарилиш даврлари бўлганки, улар ҳақиқий мардлар ва қаҳрамонларни юзага чиқарган. Бу баландпарвоз гап эмас. Шу заминни ўзлаштиришга азму қарор қилиб, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келган минг-минглаб одамлар электр ўрнига керосин чироқ ёқиб, гармсел шамоллари ва қаҳратон совуғига бардош бериб яшаган ва ишлаган. Буни халқимиз жуда яхши билади.

Ана шундай заҳматкаш кишиларнинг меҳнати ва матонати билан Сирдарё том маънодаги вилоят бўлиб шаклланган. Бугун шу инсонларнинг номларини, эл-юрт равнақи йўлидаги унутилмас хизматларини эслаб, уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром билдирсак арзийди. Афсуски, охирги йиллар мобайнида Сирдарёда бундай ибратли мисоллар ўзининг давомини топмаяпти.

Албатта, бугун вилоятда ҳеч қандай ўзгариш рўй бермаяпти, десак, адолатдан бўлмайди. Барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Сирдарё вилоятида ҳам ҳаёт, тараққиёт тўхтаб тургани йўқ, мавжуд қийинчиликларга қарамай, одамлар ишламоқда, янги-янги марралар сари интилмоқда. Шу ўринда 9 ойлик якунларига кўра, вилоятда ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112 фоизга, сано-

ат маҳсулотлари ҳажми эса 116 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Хусусан, АҚШ, Россия, Туркия ва Швейцария мамлакатлари иштирокида барпо этилган замонавий саноат корхоналари, жумладан, йилига 7,5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Лола-модуль», лойиҳа қиймати 15 миллион евро бўлган «Сайхун-медтекс», қарийб 500 минг долларлик сармоя киритилган «Сардоба-давр ЛТД», қишлоқ хўжалик соҳаси учун зарур ускуна ва механизмлар тайёрланадиган «Б-Алтайсервис» каби қўшма корхоналарнинг ишга туширилгани вилоят иқтисодиётидаги салмоқли ўзгаришлар қаторига киради.

Ҳозирги вақтда бу ерда Ўзбекистон ва Буюк Британия иштирокида барпо этилган «Сарбонтекс» қўшма корхонасининг иккинчи навбатини қуриш бўйича ишлар якунланмоқда. Энг муҳими, мана шундай катта лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоят бўйича 14 мингдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларида 11 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилингани, хусусан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида сув тармоқлари тортиш 129 фоиз, газ тармоқлари тортиш эса

123 фоизга кўпайганини, янги йўллар, болалар спорт иншоотлари қурилганини, ободончилик ишлари бажарилганини ижобий баҳолаш мумкин.

Шу билан бирга, Президентимиз кейинги йилларда Сирдарё вилоятининг кўпгина асосий соҳалардаги кўрсаткичлари, бу заминда йиллар давомида шаклланган иқтисодий салоҳиятнинг тобора пасайиб бораётганини афсус билан қайд этди.

Ислом Каримов бундай қолоқ вазиятни кузатиш ва исбот қилиб бериш учун фақатгина айрим соҳа ва тармоқлар аҳволига депутатлар эътиборини жалб қилар экан, вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режаси 13 йилдан буён сурункасига бажарилмасдан келаётганини кўрсатиб ўтди.

Жорий йилда ҳам бу борада сезиларли ўзгариш бўлмагани, пахта тайёрлаш шартнома режаси республика бўйича энг охирги ўринда — 72 фоизда қолиб кетгани, ҳосилдорлик атиги 15 центнерни, Ховос ва Мирзаобод туманларида эса 10 центнерни ташкил этгани ғоят ачинарлидир.

Бу соҳадаги жиддий хато-камчиликлар туфайли вилоят бўйича 73 минг тонна пахта ҳосили бой берилди, бошқача айтганда, 18 миллиард сўм даромад йўқотилди, давлатга, халққа қанча за-

рар етказилди. Энг ёмони,бундай аҳвол йил бўйи кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўкиб меҳнат қилган одамларнинг даромади ва турмуш даражасига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Вилоятда пахтачиликка ихтисослашган 8 та туман, 26 та ширкат хўжалиги, 6 минг 186 та фермер хўжалиги пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажармаган.

Бунинг тагини суриштирсангиз, асосий сабаби битта — яъни ишни тўғри ташкил этолмаслик, масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик кайфиятида десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Минг афсуски, мана шундай ҳолат кўп йиллардан буён муттасил давом этиб, туман ва вилоят раҳбарлари уни қандайдир табиий ҳол, деб ҳисоблашга ўрганиб қолган, деди Ислом Каримов.

Бундай салбий ишлар учун куюниш, ўзини қийнаш, шу вазиятга олиб келадиган сабабларни таҳлил қилиш, уларнинг илдизига етиб бориш, амалий чора-тадбирлар кўриш ўрнига бу раҳбарлар бепарволик ва лоқайдликка берилиб кетганини сезиш қийин эмас. Энг ачинарли томони шуки, ҳар йили мана шундай мавсум якунида белгиланган режа ва мажбуриятларнинг бажарилмаганига албатта сабаб топилади. Раҳбарлар эса ўзини оқлаш учун турли-турли баҳоналарни рўкач қилиб, ваъзхонликдан нарига ўтмайди.

Мисол учун, жорий йилни олсак, у ҳақиқатан ҳам, ҳар томонлама пахтачилик учун қулай келди, деди мамлакатимиз раҳбари. Табиий шароит ҳам, об-ҳаво ҳам, ҳосил учун энг зарур бўлган сув таъминоти ҳам яхши бўлди, бундан нолисак, ношукурлик бўлади.

Шу ўринда Президентимиз бир қатор саволларни ўртага ташлади.

Сирдарё вилоятида ҳам жуда кўп меҳнат сарф қилиниб, яхши ҳосил етиштирилган бир пайтда уни йиғиб-териб олиш ишлари тўғри ташкил этилмагани, хусусан, зарур ишчи кучи, теримчилар кенг жалб қилинмаганини қандай баҳолаш керак?

Натижада деҳқонларнинг пешона тери билан шундай қийинчилик эвазига етиштирилган ҳосилнинг далада қолиб кетгани учун ким жавоб беради?

Сирдарёда ҳар доим ишчи кучи етишмаслигини олдиндан билатуриб, техникани ўз вақтида тайёрлаш, механизаторларни сафарбар этиш, уларни рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, механизация ҳисобидан бу масалани ечиш бўйича ким ўйлаши, ким қайғуриши керак эди?

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд 201 та терим машинасидан 140 таси ишлатилгани ҳам шунинг оқибати эмасми?

Пахтачиликдаги қолоқликнинг яна бир сабаби — гўза навларини районлаштириш ва Сирдарё шароитига мос келадиган навларни танлаш ишларида аниқ илмий ёндашувнинг йўқлиги билан боглиқ, деб қайд этди Ислом Каримов. Маҳаллий шароитда синовдан ўтган навларни кўпроқ экиш, янги навлар устида қаттиқ ишлаш масаласи ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганини кузатиш қийин эмас.

Маълумки, Сирдарё вилоятидаги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, пахта бўйича шартнома режалари охирги йиллар анчага камайтирилиб қўйилганини ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Яратиб берилган шароитга қарамасдан, белгиланган режани ҳалол бажариш ўрнига айрим мансабдор шахслар томонидан кўзбўямачилик, сохта ҳисоботлар бериш каби хунук хатти-ҳаракатлар содир этилаётганига нима деса бўлади?

Текширишлар натижасига кўра, бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида вилоят ҳокимининг тазйиқи остида анча-мунча қўшиб ёзишлар бўлгани аниқланган. Бу жиноий ишлар бўйича ҳозир тергов органлари текширув ўтказмоқда ва айбдорлар албатта жазосини олади.

Юртбошимиз куюниб айтганидек, вилоятда нафақат пахтачилик, балки бошқа муҳим тармоқлар, жумладан, ғаллачилик соҳасида ҳам

муттасил орқага кетиш, ҳосилдорликнинг камайиши кузатилмоқда.

Бу борада 1 минг 66 та фермер хўжалиги шартнома режасини бажара олмагани, оқибатда вилоят бўйича жорий йилда 12,4 минг тонна дон кам топширилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Минг афсуски, бу соҳада ҳам қўшиб ёзиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, «Ховосдон» акциядорлик жамиятида 15 минг тонна, «Оқолтиндон» акциядорлик жамиятида 3 минг 800 тонна, «Боёвут» дон тайёрлаш пунктида эса 1 минг 500 тонна ғалла қўшиб ёзилгани бу тармоқда ҳам қинғир ишлар борлигини кўрсатади.

Мутасадди раҳбарларда талабчанлик ва қатъият етишмаслиги туфайли вилоятда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ўрнига уларни ҳисоботдан яшириш, талон-торож қилиш ҳолатлари авж олган. Масалан, Ховос туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалигида 60 гектар ерга пахта ўрнига полиз ва сабзавот, маккажўхори ва шоли экилган.

Бундай бемаза ишлар Гулистон ва Сирдарё, Сайхунобод ва Сардоба, Оқ олтин туманларида айниқса чуқур томир отган. Шунинг натижасида вилоят бўйича тахминан 1,5 минг гектар ерга пахта ўрнига бошқа экинлар экилиб, ердан фойдаланиш бўйича мавжуд тартиб-қоидалар бузилган.

Президентимиз фермерларга ер ажратиш борасида уруғ-аймоқчилик,ошна-оғайнигарчилик иллатлари кучайиб кетганини исботловчи аниқ далилларни келтириб ўтди. Мисол учун, Боёвут тумани ҳокими Эргаш Дадабоев ўз ўғлига 88 гектар ерни, бу ҳам етмаганидек, бутун бир фермер хўжалигини қонун талабларига зид равишда расмийлаштириб берган.

Айрим масъул раҳбарларнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилиши билан боғлиқ бундай нохуш ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Ўтказилган текширувлар давомида аниқланишича, мансабдор шахслар ва баъзи ҳокимлик вакилларининг 30 та ҳолатда қонунга хилоф тарзда ер ажратишга аралашгани ҳам буни исботлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг вилоятдаги 25 та ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш охирига етказилмагани сабабли 1 минг 700 гектар ер ҳозиргача эгасиз ётибди. Ушбу хўжаликларнинг 1 миллиард 500 миллион сўмлик мулки ҳали-бери хусусийлаштирилмаган.

Республика ҳукумати вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2000—2004 йилларда ирригация ва мелиорация тармоқларининг капитал қурилиши ва эксплуатацияси учун 28 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратган

эди. Афсуски, бу маблағнинг 83 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Ишга ана шундай лоқайдлик оқибатида Сирдарё шароитида катта аҳамиятга эга бўлган хўжаликлараро ва ички суғориш каналлари ҳамда коллекторларини тозалаш ва реконструкция қилиш ишлари бор-йўғи 50 фоиз атрофида бажарилган.

Натижада кейинги икки йил давомида шўрланган майдонлар қарийб 10 минг гектарга кўпайиб, умумий ҳисобда 64 минг 500 гектарга етган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, вилоятда 2 минг 730 гектар экин майдони бўйича ҳисоботлар нотўғри юритилгани, 150 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлари ўзлаштириб юборилгани нафақат ер масаласида, балки бошқа моддий ресурсларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш борасида ҳам тартиб-интизом бўшашиб кетганини кўрсатади.

Тармоқда шартнома мажбуриятларининг сурункасига бажарилмаслиги оқибатида кўпгина хўжаликларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Вилоятдаги 18 та ширкат хўжалиги 445 миллион сўм, 1 минг 700 та фермер хўжалиги эса 3,5 миллиард сўмдан зиёд транш маблағларини олгани ҳолда, уларни ҳали-бери банкларга қайтармагани ҳам буни исботлаб турибди.

Албатта, юқорида зикр этилган салбий ҳолатлар бўйича барча айбдор шахслар қонун олдида жавоб беради. Лекин кўзбўямачилик ва фирибгарликнинг шунчалик чуқур томир отишига тегишли органлар, депутатлар ва фаоллар нега жимгина қараб турди, деган ҳақли савол туғилади.

Сирдарё вилоятида бугунги кун талаби бўлган иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар таҳлилига тўхталар экан, мамлакатимиз раҳбари бу борада ҳам оқсоқлик кўзга ташланаётганига эътиборни қаратди.

Ҳозирги пайтда вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида тузилган 43 та қўшма корхонадан 12 таси турли сабаблар билан ишламаётгани бу масалага бўлган лоқайдлик ва эътиборсизлик натижасидир.

Вилоятда жойлардаги мавжуд хом ашёдан тайёр маҳсулот ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш борасида қабул қилинган минтақавий дастур амалда бажарилмасдан келмоқда.

2004 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, маҳаллий хом ашё негизида маҳсулотлар ишлаб чиқариши режалаштирилган 7 та корхонадан бор-йўғи учтасида эндигина бу иш бошланган.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Нима, Сирдарёда бунинг учун керакли хом ашё йўқми? Бор. Фақат

бу ишга эътибор йўқ, раҳбарларда масъулият йўқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш йўқ, деди Юртбошимиз. Вилоятда етиштирилаётган гўштнинг атиги 14 фоизи, сутнинг 12 фоизи, пахтанинг 4 фоизи, ҳўл меванинг 5 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани ҳам буни исботлайди. Ҳолбуки, вилоятда кўп миқдорда етиштириладиган сабзавот ва боғдорчилик, жун ва тери маҳсулотларини қайта ишлаб даромад топиш имкониятлари мавжуд.

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш, бюджет маблагларидан мақсадли фойдаланиш, нақд пул тушумини кўпайтириш, айланма маблағлар салмоғини ошириш борасида ҳам талайгина муаммолар бор. Жорий йилнинг 1 сентябригача дебиторлик қарзлар миқдори 245 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлар эса 248 миллиард сўмдан ошиб кетгани буни яққол тасдиқлайди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш, қарзларни ундириш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилмаётгани туфайли бу соҳадаги қарзлар миқдори йил бошидан буён 123 миллион сўмга кўпайган.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят раҳбарияти бу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ўрнига бюджетга

пул тушумларини таъминлашнинг ғайриқонуний усулларини қўллаган. Яъни, хусусий тадбиркорларга дўқ-пўписа қилиш, тазйиқ ўтказиш орқали қонунга хилоф ишларни амалга оширган ва фирибгарлик йўлидан ҳам қайтмаган. Бу борада кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтда Марказий банк ва Молия вазирлиги бундай номақбул ҳолатларга чек қўйиш устида иш олиб бормоқда.

Аҳолисининг кўп қисми чўл ҳудудларида яшайдиган Сирдарё вилоятида ижтимоий масалалар қанчалик долзарб аҳамиятга эга экани ҳеч кимга сир эмас, деди Президентимиз, бу борадаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда эканини қайд этиб. Мисол учун, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласини олсак, бугунги кунда вилоятдаги жами 474 километр узунликдаги сув тармоғининг 193 километри фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолгани, мавжуд 94 та қудуқнинг 30 тасидан умуман фойдаланиб бўлмаслиги аён бўлади.

Давлатимиз раҳбари куюнчаклик билан сўзлаганидек, ҳатто раҳбарларнинг шундоқ кўз ўнгида бўлган Гулистон шаҳридаги сув насосларининг 60 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабабли, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига сув етказиб беришда мунтазам узилишлар рўй бермоқда. Шаҳардаги мавжуд 139 километрлик сув

тармоғининг 85 километри фойдаланишга деярли ярамайди.

Ислом Каримов ана шу мураккаб муаммони счиш учун ҳукуматимиз ва Осиё Тараққиёт банки ўртасида 2002—2007 йилларда Гулистон шаҳрини сув билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида шартнома имзоланганлигини эслатиб ўтди.

Бу шартномага кўра, шаҳарда 14 миллион 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги иш бажарилиб, сув тармоқларини қайта тиклаш ва қуриш режалаштирилган эди. Лекин вилоят раҳбарияти ва тегишли мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги туфайли лойиҳани амалга ошириш ишлари пайсалга солиниб, фақат 2003 йилнинг декабрида бошланди. Шу боис ҳозиргача Шимолий Гулистон сув тўплаш ҳавзасида сиғими бор-йўғи 10 минг куб метрли иншоот қурилган, холос.

Вилоятда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини барпо этишдек долзарб масалада ҳам қолоқликка йўл қўйилмоқда.

2002—2004 йилларда фойдаланишга топшириш мўлжалланган 19 та касб-ҳунар коллежининг 6 таси ҳанузгача қуриб битказилмаганини албатта қониқарли деб бўлмайди. Бундай ачинарли ҳолатни соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилда белгиланган 20 та

қишлоқ врачлик пунктидан атиги 6 таси ишга туширилган.

Вилоятда бу ўта муҳим масалага мана шундай совуққон муносабат туфайли аҳолининг умумий касалланиш даражаси ўтган йилга нисбатан 8 фоизга, шу жумладан, вирусли гепатит 23 фоизга, наркологик касалликлар эса 20 фоизга кўпайган. Оналар ва болалар ўртасида касалликларга чалиниш даражаси юқорилигича қолмоқда.

Буларнинг барчаси вилоятда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўришни талаб этади, деди Ислом Каримов.

Сирдарё вилоятида қонунчиликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишларнинг ҳолати барчани ташвишга солмоқда. Буни жорий йилнинг 9 ойи давомида содир этилган жиноятлар сони 4,5 фоизга, жумладан, оғир тан жароҳати етказиш 25 фоизга, транспорт воситаларини ўғирлаш 100 фоизга кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Вилоятда товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда четга олиб чиқиш ҳолатлари йўлига қатъий тўсиқ қўйилмаяпти. Биргина шу йилнинг 9 ойи мобайнида 150 тонна қора ва рангли металл, 26 тонна минерал ўғит қўшни давлатларга контрабанда йўли билан олиб ўти-

лаётганда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланган.

Юқорида зикр этилган салбий ҳолатларнинг илдизи, томири қаерда, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, деди Юртбошимиз, бунинг сабабини биринчи навбатда вилоятда тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганида ва такрор айтишга тўғри келади — кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг масъулиятини оширишда йўл қўйилаётган жиддий хатоларда кўриш керак.

Шу ўринда илгари ҳам билдирган бир фикрни яна айтмоқчиман, деди Президент. Раҳбар борки, белини маҳкам боглаб, аввало, ўз манфаатини эмас, эл-улусни, шу ерда яшаётган инсонларнинг манфаатини ўйлаб фидойилик кўрсатиб, керак бўлса, шу юрт учун жонимни бераман, деб меҳнат қилади. Бундай раҳбар одамларнинг бошини қовуштириб, олдига катта марраларни қўйиб, мана шу заминни обод этиш, одамларни рози қилишга эришади.

Лекин, надомат билан айтиш керак, ҳаётда шундай раҳбарлар ҳам бўладики, мансаб курсисига ўтириши билан мутлақо ўзгариб қолади. Олдин ким бўлганини, қайси қишлоқ, қайси маҳалладан чиққанини унутади. Бир сўз билан айтганда, оёғи ердан узилади.

Ўзининг кибр-ҳавоси, одамларни менсимаслиги, ўзбошимчалиги ва қўполлиги билан кўпчи-

ликнинг кўнглини ранжитади. Одамларни, жамоатчиликни бирлаштириш, руҳини кўтариш ўрнига тескари оқибатларга олиб келадиган ишларга қўл урали.

Вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров фаолияти ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, у тасодифан ҳоким бўлиб қолган эмас. У илгари ҳам кўп жойларда, катта лавозимларда ишлаб, тажриба орттирган, деди Ислом Каримов.

Унинг кўп йиллар Ички ишлар вазирлигида масъул лавозимларда ишлагани, жумладан, етти йил вазир муовини бўлгани, кейинчалик Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасига раҳбарлик қилгани, сўнгги йилларда Фавқулодда вазиятлар вазири, Божхона қўмитаси раиси бўлиб фаолият кўрсатгани ҳам буни исботлайди.

Ҳаммамизга маълумки, вилоятнинг биринчи раҳбари лавозими шу вилоятнинг ривожига, шу ҳудудда истиқомат қиладиган одамларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита таъсир ўтказади, шу боисдан ҳам бу вазифа инсондан жуда кўп ўзига хос хусусият ва фазилатларни талаб қилади.

Айтайлик, вазирлик лавозими баъзи бир нуқсонларни, енгил-елпи қарашларни кўтариши ҳам мумкиндир. Эҳтимол, бундай камчиликлар вазирлик вазифасида бирданига кўзга ташланмас.

Аммо вилоят ёки туман миқёсидаги биринчи раҳбарнинг фаолиятида бундай хунук ҳолатлар, аввало, манманлик, одамларнинг фикрига беписанд қараш каби иллатлар дарров кўриниб қолади ва ўз-ўзидан ишнинг натижасига салбий таъсир ўтказади.

Равшан Ҳайдаров вилоят ҳокими лавозимига ўтириши билан ишни илгари ўзи билан бирга ишлаган таниш-билишларини атрофига тўплашдан бошлаган, деди Президент.

Бундай одамлар илгари ички ишлар тизимида ишлаб, кейинчалик ўз вазифасидан четлатилган бўлишига қарамасдан, Ҳайдаров уларни Тошкент- дан Сирдарёга олиб келиб, ўз ҳомийлигига олгани ҳар қандай одамни таажжублантиради, албатта.

Умуман, кадрларни танлаш борасидаги бундай номақбул ёндашувни кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Ж. Шариповни олайлик.

Бу «чаққон» катта миқдордаги маблаг ва моддий бойликларни ўзлаштирган. Жумладан, нархи 15 миллион сўмлик трактор ва прицепни ўз ўғли Р. Шариповга тегишли «Ота орзуси» фермер хўжалиги ҳисобига ҳеч қандай ҳужжатсиз ва пул ўтказмасдан бериб юборган.

Бу масала бўйича қўзғатилган жиноий иш Р. Ҳайдаровнинг аралашуви билан «босди-босди» қилинган.

Ҳозирда Ж. Шарипов устидан қўзғатилган жиноий иш тергов натижасига кўра вилоят судига юборилган.

Вилоят ҳокими 2003 йилда «Ховосдон» акциядорлик жамияти раҳбари Ш. Холиқбердиевни ҳам ноқонуний йўллар билан жиноий жазодан асраб қолган. Ҳолбуки, вилоят прокуратураси бу шахсни қўшиб ёзиш орқали ўғрилик қилишда айбдор деб топиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатган эди.

Яна бир собиқ раҳбар — «Сирдарё электр тармоқлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси А. Қўчқоров устидан ҳам 115 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги молиявий фирибгарлик ва катта ҳажмдаги моддий-товар бойликларни ўзлаштириш бўйича жиноий иш очилган эди. Лекин Ҳайдаров ўз вақтида ўринбосарлари орқали вилоят прокурорига босим ўтказиб, бу ишни ҳам ёптириб юбормоқчи бўлган.

Вилоят ҳокими эл-юртнинг ичига кириб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, ҳар бир муаммони ўз жойида ўрганиш ва ҳал қилиш ўрнига асосий вақтини ярим кечагача чўзиладиган мажлислар, қуруқ ваъзхонлик каби номақбул ишлар билан ўтказган.

Лўнда қилиб айтганда, таъкидлади Юртбошимиз, у ўз фаолиятида эски замондан қолган маъмурий-буйруқбозлик усулларини афзал кўрган. Яъни, бугунги кун талабларини мутлақо тушунмасдан иш юритган.

Унинг фаолиятидаги яна бир хунук ҳолат шундан иборатки, ўз қўл остидаги раҳбар ва ходимларни ҳақорат қилиш, камситиш, уларнинг шахсиятига тегишни ўзи учун иш услубига айлантириб олганини қандай баҳолаш керак?

Бугун вилоятни бошқаришда ҳукм сураётган мана шундай хунук ҳолатлар ва мавжуд вазиятни инобатга олиб, зарур хулоса чиқариб олишимиз лозимлиги барчамиз учун аён бўлмоқда. Юқорида йўл қўйилган барча нуқсон ва хатоларни Р. Ҳайдаровнинг ўзи ҳам тан олиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида ариза берган. Шу масалани овозга қўйиш ва бу бўйича бугун тегишли қарор қабул қилишимиз керак.

Ҳозирги кунда Сирдарё вилоятининг оқсоқликка юз тутиб, ўз олдига қўйган режа ва мажбуриятларни бажармасдан, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолгани ҳаммамизни, аввало, шу ерда яшаётган ва фаолият кўрсатаётган оддий ишчидан тортиб катта раҳбарлик лавозимларида ўтирганларнинг барчабарчасини ташвишга солиши табиий.

Ана шундай вазиятга олиб келадиган сабаб ва омиллар ҳақида ўйлар эканмиз, булар орасида энг муҳими — ҳаммамизни боқадиган ернинг унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бораётгани-ни ҳеч ким инкор этолмайди.

Сирдарё воҳасини ўзлаштириш даврида ҳал қилинмай қолган муаммоларни ечмасдан, ерлар-нинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўр-ланишга қарши чора кўрмасдан туриб, олдимизда турган барча тўсиқларни бартараф қилолмаймиз, таъкидлади Юртбошимиз ушбу масалага тўхта-либ.

Яъни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини, ишдан чиққан вертикал ва горизонтал дренажлар-ни, коллекторларни тартибга солмасдан, бу борадаги оғир муаммоларни ҳал қилмасдан ту-риб, бугунги вазиятдан чиқишни умуман тасав-вур қилиш қийин. Токи ушбу масала ечилмас экан, деҳқонларимиз қандай филокорона меҳнат қил-масин, қандай шижоат кўрсатмасин, бу ҳаракат-лар кутилган натижага олиб келиши амримаҳол.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукумати-миз ва тегишли вазирликлар керакли маблағни ажратиши, Сирдарё аҳли бир ёқадан бош чиқа-риб, бутун куч ва имкониятларини шу мақсад йўлида сафарбар этиши бугунги кундаги энг дол-зарб вазифа бўлиб турибди.

Мана шу юртни ўз ватани деб биладиган, Сирдарё замини билан ғурур-ифтихор қиладиган одамлар бу масалани ўз қўлига олмаса, шундай интилиш ва ғоя уларнинг қалби ва онгига кириб бормаса, барча ҳаракатларимиз самара бериши мушкул.

Албатта, бу ишларни ташкил қилиш учун ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошқаларга ҳам тинчлик бермасдан, эл-юртни шунга сафарбар этиб, тинимсиз меҳнат қиладиган етакчи керак. Ва бу етакчи, ўйлайманки, шу соҳа бўйича мутахассис бўлиши лозим. Яъни, сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация масалаларини, шу ишларнинг негизини чуқур биладиган, тажрибали, ўз касбини севадиган, вилоят аҳлининг орзу-умидлари ва ташвишларини юрак-юрагидан қабул қиладиган инсон бўлиши керак.

Мана шу талабларни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари Сирдарё вилояти ҳокими вазифасига ҳозирги пайтда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдураҳим Жалоловни тавсия этди.

Сирдарё халқи азалдан қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб келган меҳнаткаш, софдил, бағрикенг халқ. Мен Мирзачўл элининг изланувчанлик ва ташаббускорлик фазилатлари-

га, меҳнат ва ҳаёт тажрибасига ишонаман, деди Президент пировардида.

Бу халқ бир ишга бел боғлаб киришса, албатта охирига етказади. Фақат унинг ишончини қозониш, кўнглига йўл топиш, эзгу мақсадларга сафарбар эта билиш лозим. Менда ҳеч қандай шубҳа йўқ: кўпни кўрган, ўта огир ва мураккаб синовларда тобланиб, бу синовлардан шараф билан чиққан вилоят аҳли ўзига хос ва ўзига мос хусусият ва фазилатларига суяниб, бир ёқадан бош чиқариб, Сирдарёнинг шуҳрати ва обрў-эътиборини тиклаш борасида ўзини аямай меҳнат қилади.

2004 йил 26 ноябрь

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Ҳурматли депутатлар!

Аввалambор, Олий Мажлисимизнинг бугунги якунловчи сессиясида сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан, сизларга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан хурсандман.

Мана, ҳаёт гардиши билан беш йиллик масофани ҳадемай сизлар билан бирга босиб ўтдик.

Аввало, мана шундай ўта мураккаб, нотинч ва таҳликали замонда эл-юртимизнинг хизматида бўлиб, аҳолимиз, халқимизни барча оғир синов ва тўфонлардан омон сақлашга муяссар бўлганимиз, иш фаолиятимизни ўтган асрда бошлаб, бугун янги, йигирма биринчи асрнинг бешинчи йилига бола-чақамиз билан соғ-саломат қадам қўяётганимиз учун Яратганимизга минг бор шукроналар айтишимизни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Парламентимизнинг, сиз, азиз депутатларнинг ўтган давр мобайнида, аввало қонунчилик

соҳасида олиб борган фаолиятингиз нафақат бугунги кунимизнинг муаммоларини ҳал этиш, балки, лўнда қилиб айтганда, келажагимизнинг пойдеворини, эртанги ёруғ ва фаровон ҳаётимизнинг тамал тошини қўйди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган беш йил тарих мезонлари бўйича албатта жуда қисқа фурсат, аммо бу давр бизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, Ватанимизнинг юксалиб боришида алоҳида ўрин тутганини катта мамнуният билан қайд этамиз.

Дарҳақиқат, бу йиллар давомида Ўзбекистонимизнинг:

— сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий давлатчилигимизни қуриш;

— халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш;

— юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш;

— асл маънавий-маданий қадриятларимизни, муқаддас ислом динимиз арконларини, миллий удум ва анъаналарни тиклаш;

— демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик институтларини тузиш;

— кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам улкан, тарихий ишлар амалга оширилди.

Сизларга тақдим этилган ҳисоботда ва ҳозиргина Олий Мажлис Раиси Эркин Халиловнинг ўтган даврда парламентимиз фаолияти тўғрисида қилган маърузасида, жумладан, юзга яқин қонун ва уч юздан ортиқ қарорлар қабул қилингани, бу ҳужжатлар биринчи навбатда эл-юртимизнинг қиёфасини ҳар томонлама ижобий ўзгартириш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва беқиёс имкониятларини очиб беришда, уларни бугунги ва келгуси авлодлар манфаати учун ишлатиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, сиз, ҳурматли депутатларнинг бу борадаги кўп қиррали ишларингиз холисона таъкидланди.

Чиндан ҳам, бугун ҳаётимизнинг шиддат билан ўзгариб бораётган қайси жабҳа ва жараёнларини олмайлик, буларнинг барчасида парламентимизнинг ўрни ва таъсирини, аҳамиятини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Бугун иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий таркибий ўзгаришлар рўй бераётгани, экспорт ҳажми кўпайиб, молия-банк тизими мустаҳкамланаётгани, юртимизнинг чиройи очилиб, кенг кўламда катта қурилишлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, халқимизнинг реал даромадлари ва ҳаёт даражаси яхшиланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Қўлга киритилган мана шу ютуқларнинг барчасини Олий Мажлисимиз 2000 йилдан бошлаб қабул қилган қонун ва қарорларнинг ҳаётимизга бевосита таъсири ва амалдаги иамоёни, деб баҳоласак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Парламентнинг шу ўтган вақт мобайнидаги фаолияти ҳақида сўз юритганда, мамлакатимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларга қарши курашда, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоялашда қонунларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлгани хусусида гапирмасдан бўлмайди.

Нафақат халқимиз, балки бутун халқаро жамоатчиликни огоҳлик ва сезгирликка, тинчлик учун курашишга чорлайдиган даъват ва баёнотлар Олий Мажлиснинг юксак минбаридан ҳам қайта-қайта янграганини, парламентнинг халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши олиб борган фаолиятини бугун яна бир эслаш жоиз ва ўринли, деб биламан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодиёт, жумладан, мулкчилик масалалари бўйича, хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чи-

қариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи навбатда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш, бу борада қатъий ҳуқуқий пойдевор яратиш бўйича қабул қилинган қонунлар тараққиётимиз суръатларини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага алоҳида урғу бермоқчиман. Депутатларимизнинг фаолиятида қандай муҳим ва долзарб масалалар кўрилмасин, муҳокама қилинмасин, ана шу қонун ва қарорларнинг барчаси бугунги замон талаблари билан ҳамоҳанг эканини, улар халқаро қонунчилик андозаларига жавоб беришини, узоқ ва давомли келажагимизни кўзлаб қабул қилинганини алоҳида қайд этиш зарур.

Айниқса, биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизда инсон манфаатларини устувор ўринга қўйишга, демократик қадриятлар одамларимизнинг тафаккурига чуқур сингиб боришига катта аҳамият бердик ва ўйлайманки, бундай йўналишлар бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Янги жамият қуриш йўлида, демократиянинг энг катта шарти ва белгиси бўлмиш ҳокимият-

HHHr MycTaKiui TapMOioiapra 6yjiHHHHi npHHHH-nn — JTBHH, K;oHyH HHK^apyBHH, nxpo STyBUH Ba cy/j XOKHMHHTHHH aHa uiy aHJjo3ajiapra cyjiHHG 6apno 3THIU MacajiajiapH napjiaMeHT (paojiHOTHHHHr aco-CH Ba Hera3HHH TauiKHJi 3TraHH 3i>TH6opra ca30-BOp.

Illy 6opajja CH3, xypMaTjra jjenyTaTJTapHMH3HHHr cyjj-xyKyK, TH3HMHHH HCJIOX. KIUIHUI MaKpajjHjja cyjj-jiap Ba npoKypaTypa TyppHCHjj,ara KpHyHJiapHH, cyn,-JiapHH XHH05IT Ba (pyK^pOJIHK HUIJiapH 6yHHHa HX-THcocjiaHiTHpHHira K^apaTHJiraH K^aTop xyKyigiH xy>K-xaTjiapHH i<;a6yjT KiuiraHHHrH3, aHHHKpa, XCHHOHH xa30JiapHH JiH6epajiJiauiTHpHHi, HHCOH, yHHHr xyKyK, Ba MaHcpaaTJiapHHH xHMOJUiauma ajjojiaT Me-30HJTapnra cyHHHin MaiqcajiHjia KpHyH Ba KOJJCKC-jiapHHHr K^aHTajjaH Kypn6 HHKIUIH6, yjiapra 3apyp y3rapTHpHHUiap KHpHTHjiraHH, 6yHJjaH xapaKaT Ba K,apopjiapHMH3HH xajiKiJMH3 Ba xajiK;apo >KaMoaT-qnjiHK Kyjuia6-KyBBaTJiaraHHHH ajioxHjja TatKHjuia^ yTHiHHMH3 3apyp.

LUyHHHrjjeK, 6yryHra KyHjja xaji KiuiyBHH Tap-Moiuiapjja H 6npn 6yjiraH KJTIUJIOK, xya<:ajiHra coxa-cnjja Ty6 HCJiox.OTJTapHH >KOPHH 3THUI 6yHHHa i<;a6yji K^HJiHHraH K^OHyH Ba K^apopjiap arpap coxaHH *iHra, 3aMOH Tajia6 KiuiajjHraH 6ocKJJHra KyTapHui, yHHHr caMapajjopJiHraHH ouiHpHui, uiy x.Hco6/j,aH acocHH KJTCMH KITHIJTOK, XOHJiapjja HUiaHJJ^HraH aX.OJTHMH3-HHHT TypMyui jjapa>KacHHH HxuiHJiauira XH3MaT KTUI-

ганини эслаб ўтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, шу қисқа даврда парламентимизнинг, такрор айтаман, сиз, муҳтарам халқ ноибларининг юртимизни янада тараққий топтириш, Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоялаш, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш ишига ўз фаолиятингиз орқали салмоқли ҳисса қўшганингизни бугун мамнуният билан эътироф этишга барча асослар бор.

Қадрли дўстлар!

Бугун барчамиз 26 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи бор икки палатали парламентга ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар нафаси ва кайфияти билан яшамоқдамиз.

Ҳаммамиз бу муҳим снёсий воқеани Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғлик ҳамоҳанг эканини яна бир бор синовдан ўтказадиган жараён, деб қабул қилишимиз зарур.

Такрор айтишга тўғри келади — бизларни кутаётган бўлғуси сайловлар аввалambор Конституциямиз мезонлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонунлар ва нормаларга тўлиқ жавоб

берадиган ҳолда, эркин, очиқ ва ошкора, четдан ҳеч қандай тазйиқ ва таъсир ўтказмасдан, холисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намоён қиладиган тарзда ўтиши шарт. Бунга барчамиз масъулмиз.

Кейинги уч ой давомида шу масалага бағишлаб мамлакатимизда бўлиб ўтган 7 та йирик халқаро конференция ва семинарларда 29 та, аввалambор, демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, шунингдек, Америка, Осиё қитъаларидаги нуфузли ташкилотлар вакиллари, кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар қатнашганининг ўзи бизнинг бу сайловларга очиқ, яъни транспарент бир шароитда тайёргарлик олиб борганимизнинг тасдиғидир.

Ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак — биз сайловларимизни ҳар томонлама демократик ва халқаро андозаларга жавоб берадиган асосда ўтказиш мақсадида халқаро ҳамжамиятнинг, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини маъқул, деб ҳисоблаймиз ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида уларнинг танқидий, шу билан бирга, холисона

тавсия ва маслаҳатларини олишни ўзимиз учун мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Бу масалада қандайдир қобиққа ўралиб, ҳамма нарсани ўзимиз биламиз, деб тепадан келиш, бошқаларнинг тажрибасини менсимаслик, маслаҳатига беписанд қараш каби ҳолатлар бизга номақбул эканини бутун халқаро жамоатчиликка *намоён этишимиз зарур.*

Бир сўз билан айтганда, бизнинг орзу-ниятимиз ва интилишимиз битта мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда сайловларимизни барча халқаро кузатувчилар билан ҳамкорликда юқори даражада ўтказишдан иборат.

Барчамиз яхши биламизки, сайлов — ҳар қайси фуқаро учун нафақат ўз хоҳиш-иродасини *ифода этиб, муносиб номзодни танлаш имконияти,* балки бу — аввало кураш, демакдир.

Бу сиёсий жараёнда иштирок этадиган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакиллари парламентдан кўпроқ ўрин эгаллаш учун ўзаро баҳс-мунозара қилиши, қизғин тортишувлар олиб бориши табиий, албатта.

Демократиянинг табиати ва моҳияти аслида шуни тақозо этади ва буни барчамиз тўғри тушунамиз. *Лекин, шу билан бирга, сиёсий кураш* майдонига тушган партиялар, уларнинг фаоллари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзоди

кўрсатилган шахсларнинг тарафдорлари ҳар қандай вазиятда ҳам халқимиз ва жамиятимизнинг ягона манфаати, миллатимиз бирлиги ва аҳиллиги ҳамма нарсадан устун эканини унутмасликларини истардим.

Шу маънода, барчамиз миллий ғоямизнинг асоси бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчалар сайловда қатнашадиган барча сиёсий кучлар учун муштарак мақсад бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Табиийки, бу борада партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакилларининг, сайловчилар ва депутатликка номзодларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, Конституциямиз, қонунларимизни ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўлиши керак.

Насиб этса, сайловчилар ишонч билдирса, сизларнинг орангиздан ҳам бу курашда ғолиб чиқиб, навбатдаги чақириқ депутатлари сайланади, деб ишонаман. Айни пайтда, янги парламент иш бошлагунча Олий Мажлисимиз ўз ваколати доирасида фаолиятини давом эттириб, ишчанлик кайфиятини сақлаб қолади, деган фикрдаман.

Мана шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларга Ватанимизни улуғлаш ва ҳимоялаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиё-

ти йўлида қилган самарали меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдираман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, келгуси фаолиятингизда эса ютуқ ва омадлар тилайман.

2004 йил 2 декабрь

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Мен ҳам сиз, азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни бугунги улуғ айём — Конституциямизнинг 12 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Рухсат берсангиз, Ватанимизнинг Асосий Қонуни ҳақида ҳозиргина маърузачимиз билдирган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, Конституциямизга, бугунги ҳаётимизга бевосита алоқаси бўлган баъзи бир масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун Конституциямиз кафолатлаб берган вазифалардан энг муҳими — халқимизнинг ҳаётини яхшилаш, унинг фаровонлигини босқичма-босқич юксалтириш мақсадида қилаётган ва қилиш керак бўлган ишларимиз ҳақида сиз, азизлар билан фикрлашиб олмоқчиман.

Шу борада яқин тарихимизда кечган йўлимизга бир назар ташлайлик. Бизга эски тузумдан ҳар томонлама заиф, бирёқлама ривожланган, бош-

қаларга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб, ўлкамиз асосан арзон-гаров хом ашё етказиб берадиган ҳудудга айланиб қолганини барчамиз яхши биламиз.

Эҳтиёжимиз учун зарур бўлган товарларнинг 80 фоиздан кўпроғи, жумладан, ғалла ёки ун, шакар, гўшт ва сут маҳсулотларидан тортиб, ҳатто тузгача, деярли барча озиқ-овқат ва асосий саноат молларини ташқаридан келтиришга мажбур бўлганимизни ҳали кўпчилик эсидан чиқаргани йўқ, деб ўйлайман.

Иқтисодиётни, аввало, ишлаб чиқариш соҳаларини оқилона ташкил қилиш, уларга юксак технологияларни жорий этиш, шу асосда замонавий корхоналар барпо этиб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос, халқаро бозордаги рақобатга бардош бера оладиган тизимни яратиш биздан, шубҳасиз, катта вақт, меҳнат ва шижоатни талаб қилади.

Ана шу эски, мустабид, маъмурий-буйруқбозлик ва ўта марказлашган тақсимот тизимидан воз кечиб, бутун дунё яшаётган, бозор иқтисодиёти муносабатларига қурилган тизимга ўтиш, миллий давлатчилик бошқарувини ташкил қилиш, лўнда қилиб айтганда, демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини, эркин иқтисодиёт-

ни қуриш биз учун бугун ҳам осон кечаётгани йўқ, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Шундай шароитда ҳам, қандай қийин бўлмасин, ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз ойлик иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ҳар йили маълум даражада ошириб боришга имкон топа олди ва имкон топмоқда.

Албатта, иқтисодиётдан узоқ бўлган баъзи одамлар назарида ойлик иш ҳақини ошириш ҳар қандай вазиятда ҳам энг маъқул йўл бўлиб туюлиши мумкин. Биз ҳам бошқа баъзи бир давлатларга ўхшаб, реал иқтисодий шарт-шароитни ҳисобга олмасдан, ойлик иш ҳақи даражасини қайта-қайта кўпайтиришга қарор қилишимиз мумкин эди.

Лекин биргина оддий ҳақиқатни, яъни маошларнинг ошиши билан бозорда сотиб оладиган мол-товарлар етишмаса, бундай ҳолат фақатгина зиён етказиши, бошқача айтганда, нарх-навонинг ошишига олиб келишини тушуниш қийин эмас.

Нега деганда, 90-йилларнинг бошида ана шундай ҳолат рўй бергани оқибатида нархлар чегарасиз тарзда кўтарилиб кетганига барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида гувоҳ бўлган эдик.

Бугунги кунда иқтисодиётимиздаги вазият кескин ўзгармоқда.

Кейинги йиллар давомида юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотлар нати-

жасида иқтисодиётимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини, сўнгги беш-олти йил мобайнида макроиқтисодий барқарорликка эришганимизни кўпгина нуфузли халқаро иқтисодчи ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда.

Ислоҳотларни чуқурлаштиришда, хусусий мулкка, кичик бизнес ва фермерликка кенг йўл очиб беришда, пул муомаласини, миллий валютамизни мустаҳкамлаш йўлида, молия ва банк тизими соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган кескин қадамлар қўйдик.

Шулар қаторида илгари четдан олиб келинадиган кўпгина товарлар ўрнига ўзимизда қурилган замонавий корхоналарда маҳаллий хом ашё асосида сифатли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани, уларнинг ҳажми ва миқдорининг кўпайиши — буларнинг барчаси хорижий инвестициялар келишининг кескин кўпайишига, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларга, инфляциянинг жиловланишига, олтин-валюта захираларимизнинг ортиб боришига олиб келмоқда.

Бу борада айниқса сўмимизнинг жорий операциялар бўйича эркин конвертациясини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларимиз бугун сўзсиз ўз ҳосили ва самарасини бермоқда. Мана шу вазият ва юришларимизни тасдиқлайдиган

баъзи бир рақам ва кўрсаткичларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистон аҳолиси сони шу йилнинг охирига бориб 26 миллионлик маррани эгаллаши кутилмоқда. Аҳолимизнинг йиллик ўсиши эса охирги беш йил давомида ўртача 101,2 фоизни ташкил этди. Реал ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 104,8 фоиз, киши бошига ҳисоблаганда эса 103,5 фоизни ташкил қилди.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилга нисбатан тахминан икки марта кўпайгани ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланганимиз эвазига жорий йилда инфляция суръатлари 4,0 фоиз атрофидан ошмайди.

Барча эришилган ютуқ ва марраларимизнинг пировард натижасининг ифодаси бўлмиш аҳолимизнинг реал даромадлари кейинги беш йилда 210,0 фоизга ўсди. Бундай ҳолат барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётимизнинг тобора мустаҳкам бўлиб бориши олдимизда турган барча долзарб, ўзининг ечимини кутаётган муаммоларни ечишга, шулар қаторида ишчи ва хизматчиларимизнинг иш ҳақини, кексаларимизнинг пенсияларини, студентларнинг стипендияларини, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами учун нафақа пулларини оширишга, умуман, ижтимоий масалаларни изчиллик

билан ҳал этишга, халқимизнинг оғирини енгил қилишга олиб келади, албатта.

Азиз дўстлар!

Ҳеч шубҳасиз, ўзимизнинг машаққатли меҳнатимиз туфайли эришилган натижалар барчамизнинг ҳаракатимизга ҳаракат, ғайратимизга гайрат ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Шу билан бирга, бугунги вазият барчамизни ўзимизга бўлган талабчанлигимизни асло сусайтирмасдан, бошлаган ишларимизни кенг кўламда, жадал суръатлар билан давом эттиришга даъват этади.

Қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Мақсадларимизни, ният-орзуларимизни сўзсиз амалга ошириш учун нималарга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур?

Биринчидан — бошлаган ислоҳотларимизни янада тезлаштириш ва чуқурлаштириш вазифаси. Аввало, иқтисодиётимизда хусусий мулк улушини ошириш, мулк эгаларининг фаолият эркинлигини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка, қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш. Бу йўналишларда йўлимизни тўсиб турган барча ғов-тўғоноқларни олиб ташлаш.

Иккинчидан — одамларимизнинг, аввало раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, уларнинг масъулиятини

ошириш, давлат идораларининг иқтисодиётга ноқонуний аралашувини чеклаб қўйиш, қонун ҳукмронлигини ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида тўлиқ таъминлаш, қонунга итоат қилиб яшаш барчамиз учун ҳаёт тарзига айланишига эришмоғимиз даркор.

Масалани айнан шундай кескин қўйишга барча асосларимиз бор.

Ҳаммангизга маълумки, йил бошидан буён 7 та вилоятимизда маҳаллий кенгашларнинг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди.

Шуни катта афсус билан қайд этиш керакки, ана шу сессияларда Конституциямиз белгилаб берган талаб ва мезонларга амал қилиш, жойларда, шуни такрор айтишга тўғри келади, халқимизнинг, аввалambор қишлоқларда яшайдиган одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ечиш, уларнинг аҳволидан ўз вақтида хабардор бўлиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, адолат устуворлигини таъминлаш йўлида кўпгина нуқсон ва камчиликлар мавжудлиги аён бўлмоқда.

Минг афсуски, ҳокимият ва бошқарув идораларида ўтирган баъзи шахсларнинг ўзлари қонун талабларига риоя қилиш у ёқда турсин, қонунни кўпол равишда бузиши, аввало ўз манфаатини кўзлаб, ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳолатдир.

Албатта, бундай ҳолатларга қарши чора кўриляпти, тегишли тадбирлар ўтказиляпти.

Лекин мансабдор шахслар фаолиятидаги бундай қонунбузарлик кўринишлари ва хунук мисоллардан бутунлай воз кечишнинг энг муҳим, таъсирчан воситаси сифатида жойлардаги ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик ва фуқаролик назоратини кучайтириш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Масалани айнан шундай қўйишни барчамиз кутаётган, 26 декабрь куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар ҳам тақозо этади. Ушбу сайловлар арафасида, шаҳар ва қишлоқларда депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтаётган ҳозирги пайтда мана *шу масалани, яъни жамиятимизда ижтимоий* ва фуқаролик назоратини кучайтириш масаласини кун тартибига қўйишни ҳаётимизнинг ўзи талаб этмоқда.

Бўлғуси депутатларимиз ўз сайловчилари ва эл-юрт олдидаги бурчини муносиб равишда бажариш учун аввало ўзларини халқ ноиблари сифатида ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги барча ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини ўз назоратига олиб, давлат ижро ҳокимияти вазифасида ўтирганларнинг қонун чегарасидан чиқмаслиги-

ни қаттиқ кузатиб турса, ўйлайманки, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб берадиган иш бўлади.

Қадрли юртдошлар!

Биз бундан бир йил аввал халқимиз, жамоатчилигимизнинг орзу-интилишлари, таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, 2004 йилни диёримизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат экани сизларга яхши маълум.

Ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимизда алоҳида дастур қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш учун йил давомида кўп-кўп ишлар бажарилди. Албатта, бу дастурдаги тадбирларни ижро этиш бўйича жойларда тегишли ҳисоботлар берилади.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, «Меҳр ва мурувват йили»га бағишлаб бажарилган дастурнинг асосий нуқталарига тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, шуни таъкидлашимиз керакки, дастурда белгиланган тадбирлар ижроси учун қарийб 365 миллиард сўм, шу жумладан, 250 миллиард сўм бюджет, 115 миллиард сўм ҳомийлар маблағи сарфланган. Бундай рақамлар йил давомида амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёсини тасаввур қилиш имконини беради, деб ўйлайман.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бўйича белгиланган кенг кўламли тадбирлар ижроси ҳақида гапирганда, икки ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган оиалар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳажми бу йил 1,3 мартага кўпайиб, 140 миллиард сўмни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни қишки кийим-бош билан таъминлаш учун 25 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Дастур доирасида янги-янги иншоотлар, маданий-маиший бинолар барпо этилгани, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар учун қулайликлар яратилгани айниқса ибратлидир.

Мамлакатимиздаги мавжуд 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернат бинолари тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва ре-

конструкция қилинди. Бунда фақатгина «Меҳрибонлик» уйларининг ўзига 24 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бу ишларнинг 85 фоизи ҳомийлар томонидан бажарилди.

Шунингдек, ота-онасиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Айни пайтда 134 минг нафар ногирон бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Бундай хайрли ишларга нафақат юртимиздаги, айни пайтда халқаро миқёсдаги ташкилотлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, ЮНИСЕФ, «Ворлд концерн», «Енграг», «Америкерс» ва бошқа ташкилотлар томонидан 6 миллиард 500 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шулар қаторида «Фриденсдорф интернейшнл» халқаро ташкилоти кўмагида Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона вилоятларидан 156 нафар боланинг Германияда жарроҳлик усули билан даволаниши ташкил этилди.

Жорий йилда 1 миллион 665 минг нафардан зиёд пенсионерлар, 535 мингдан зиёд катта ёшдаги ногиронлар диспансер кўригидан ўтказилгани, кўплаб эҳтиёжманд қарияларимиз ногиронлар аравачалари, протез-ортопедия буюмлари ва

бошқа зарур анжомлар билан таъминлангани ҳам ана шу ишларнинг узвий давомидир.

Дастур доирасида умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ижтимоий объектларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Бу мақсадлар учун 40 миллиард 500 миллион сўм бюджет маблағи, 23 миллиард сўм ҳомийлар маблағи жалб қилингани бу соҳада ҳам салмоқли ишлар бажарилганини кўрсатади.

Бугунги кундаги долзарб масала бўлмиш оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мақсадида барча вилоят ва туманларда, биринчи галда, умумтаълим мактабларида спорт майдончалари ва иншоотлари барпо этиш, уларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш бўйича кенг кўламда иш олиб борилмоқда.

Агар бу йўналишда 8 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланганини ҳисобга олсак, қилинган ва қилинаётган ишларнинг ҳажмини тасаввур этиш қийин эмас.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларини амалга оширишда, уларга алоҳида маъно ва тарбиявий-ахлоқий, инсоний мазмун-моҳият бахш этишда улкан ҳисса қўшган маҳалла идо-

ралари, маҳалла аҳлининг хизматларини алоҳида эслаб ўтиш лозим.

Халқимизга хос бўлган ҳашар йўли билан маҳалла ва гузарларни обод қилиш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш сингари эзгу анъаналарни давом эттирган ҳолда, 1 минг 580 нафар фуқаронинг уй-жойи, 2 минг 100 та маҳалла гузари, 275 та маиший хизмат шохобчалари ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъмирланди ва янгитдан бунёд қилинди.

Шу борада Тошкент ва Бухоро вилоятларининг чекка қишлоқларида боқувчисини йўқотган аёллар ва ногирон ёшларга мўлжалланган, зарур қулайликларга эга бўлган ишлаб чиқариш-ўқув марказлари ташкил қилинганини айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги пайтда Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпогистон Республикасида ҳам шундай марказлар барпо этилмоқда.

Айниқса, Жиззах шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар учун турар жойларга ва маиший хизмат кўрсатадиган инфратузилмага эга бўлган «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»нинг қуриб битказилгани эътиборга сазовор.

Бу йил Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида юртимизда кенг миқёсда ўтказилган умумхалқ ҳашарларидан тушган қарийб 4 миллиард сўмлик маблағ кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободон-

лаштириш, спорт мажмуалари барпо этиш каби эзгу ишларга сарфланмоқда.

Йил давомида азим пойтахтимиз Тошкентга, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимизга, буюк аждодларимизнинг муқаддас қадамжоларига 150 мингдан зиёд кекса ва ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун бепул зиёратлар уюштирилгани ҳам меҳр-мурувват деган юксак ва олижаноб тушунчаларни кенг маънода ифодалайди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг маъно-мазмунига сингдирилган ғоя, яъни жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган даъват миллионлаб юртдошларимиз қалбида акс садо бергани, уларни одамийлик ва инсонпарварлик ишларига чорлагани барчамизни қувонтиради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу минбардан туриб, шундай олижаноб ишларга ҳисса қўшган барча меҳнат жамоаларига, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, саховатли юртдошларимизга, хорижий ташкилотлар вакиллари ва чет эллик ҳамкорларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз

номидан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният етказади.

Албатта, бизнинг бу йўлдаги мақсад-муддао ва саъй-ҳаракатларимиз фақат ушбу дастур билан чегараланиб қолмайди. Бу масала юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги узоқ ва давомли стратегик вазифаларимизнинг узвий бир қисми сифатида кейинги йилларда ҳам албатта изчил давом эттирилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бу дунёда ҳаёт бор экан, одамзот тинч ва фаровон, бахтли-саодатли умр кечиришни орзу қилади. Шу маънода, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат миқёсида махсус дастур амалга оширилаётганидан халқимиз, жамоатчилигимиз албатта хабардор.

Жумладан, замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини кескин ошириш бўйича олиб борилаётган

ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида узоқ гапириш мумкин.

Айни пайтда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмаган ўткир муаммо ва нуқсонлар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни бартараф этиш, бу борада тараққий топган давлатлар даражасига эришиш учун *ҳали кўп меҳнат қилишимиз зарурлигини* ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Албатта, аҳолимизнинг соғлиғини сақлаш ва даволашда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган вазифалар, янги йилга мўлжалланган давлат бюджети ва харажатларини белгилашда етарли даражада маблағ ажратиш, тегишли идора ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, бу *соҳага алоҳида эътибор бериш ўз йўли билан ҳал* этилади.

Табиийки, бу харажатларни аниқлаётганда нафақат медицина соҳаси ва унинг эҳтиёжини, балки шу тармоққа бевосита дахлдор бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқимиз ҳаётига алоқадор бўлган шунга ўхшаш масалаларнинг *ечимини ҳам инобатга олишимиз* зарур.

Лекин мен шу ўринда барчамиз оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни унутмаслигимизни истардим, яъни одамзотнинг соғлиғи кўп жиҳатдан аввалambор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз

ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади. Буни кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам, тиббиёт тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда.

Бундай қараш ва муносабатларни ривожланган давлатлар, инсон ҳаётининг қадрига етадиган, халқ соғлиғини том маънода юртнинг ҳақиқий бойлиги деб биладиган мамлакатлар мисолида кўриш қийин эмас.

Масалан, Японияни олайлик. Ҳозирги кунда бу мамлакатда юз мингдан зиёд бир асрдан ортиқ умр кўрган кексалар истиқомат қилади. Бу — дунё миқёсидаги энг катта кўрсаткичдир. Лекин шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, Япониянинг бундай натижага эришгани тасодиф эмас.

Албатта, бу ютуқнинг ўзига хос шартлари ва омиллари бор. Аввалambор, миллий қадриятларга ҳурмат, жамиятда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик муҳити, фаровон ҳаёт, маданий савиянинг юқорилиги, ижтимоий соҳанинг юксак даражага қўйилгани, бу масалалар давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида экани бунга асос бўлганини англаш қийин эмас.

Аммо буларнинг барчасини тарозининг бир палласига қўядиган бўлсак, ўйлайманки, унинг иккинчи палласини босадиган нарса — бу япон

халқининг ҳаёт тарзини, ҳаёт кечиришини тўғри ташкил қилиши, ўз саломатлигига бўлган оқилона муносабатидир.

Азиз дўстлар, шу маънода, узоқ йиллар давомида онгимизга чуқур сингиб қолган бир тушунча борки, биз ундан имкон қадар халос бўлишимиз лозим, деб ўйлайман.

Ўзимиз бир тасаввур қилайлик — одамзот туғилади, вояга етади, бир умр тинмай меҳнат қилади, ҳар куни, ҳар доим албатта қандайдир муаммони ечиш билан банд бўлиб яшайди.

Лекин, бир зум бўлсин, тўхтаб, орқасига қараб, эй биродар, ахир, умр деган оқар сувдек ўтиб боряпти, мен ҳам инсон бўлиб, орзу-умид билан дунёга келиб, ўзим учун яшашга, шу ҳаётдан баҳра олишга вақт тополдимми, деб ўйламайди.

Кўпчилигимиз, майли, энди бизлар кўрмаганни болаларимиз кўрсин, бизнинг даврimiz ўтди — болаларимиз яшасин, деган фикр билан ҳаёт кечирамиз. Албатта, буни фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту саодатини ўйлаб, чин дилдан тилаймиз.

Бундай муносабат ва эзгу тилаклар билан яшаш албатта, миллатимизга мансуб табиий бир ҳол. Лекин, шундай қараш билан бирга, халқимизда кенг тарқалган яна бир олижаноб, чуқур

маъноли ҳикмат ҳам борки, у ҳақда гапирмасдан, уни эсга олмасдан бўлмайди.

Агар эътибор берсангиз, қариялар, ўрта ёшга кирганлар дийдор кўришганда, дуога қўл очиб, илойим, умрингиздан барака топинг, қилган меҳнатингизнинг, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг, деб тилак билдиради.

Барчамизнинг истагимиз шуки, ҳар бир инсоннинг қалбидаги мана шундай эзгу орзу-ниятлар рўёбга чиқсин. Лекин такрор айтишга тўғри келади — давлат, ҳокимият идоралари соғлиқни сақлаш масаласига қанчалик эътибор бермасин, аввало аҳолимизнинг, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш қийин бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, азизларим, аслида, ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тугамайдиган ташвишларидан бир оз холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйлаши, соғлиғи ҳақида қайғуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши кўриб яшаши керак эмасми?

Бошқача айтганда, одамларимиз ўзини ўзи қадрласа, ўз қадрига аввало ўзи етиб борса, фойдадан холи бўлмасди. Мана шундай қараш, мана шундай ёндашувни ҳаётимиз қоидасига айлантириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизнинг вақти келди, деб ўйлайман.

Қадрли ватандошлар!

Кириб келаётган янги йилимизга ном беришда ҳар сафар сизлар билан маслаҳатлашиб, бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган талаблардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишимиз ўзига хос яхши бир одатга айланиб қолди.

Мен юқорида айтилган фикрларни, мақсад ва вазифаларни назарда тутиб, Янги — 2005 йилни мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Албатта, аввалги йиллардаги тажрибага кўра, биз бу масала бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга ошириладиган асосий ишларни аниқ белгилаб оламиз.

Бу дастурда мамлакатимиз соглиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу билан бирга, одамларда ўз саломатлигини асраш бўйича тўғри ва фаол муносабатни шакллантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ривожига катта хизматлари сингган муҳтарам нуронийлар, пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб

бериш масаласи диққат-эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Шу билан бирга, инсоннинг бошига дард тушганда биринчилар қаторида ёрдамга келадиган олижаноб касб эгалари бўлмиш шифокорларнинг оғир, ўта мураккаб ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий нуқтаи назардан рағбатлантириш вазифаси ҳам ушбу дастурдан ўрин олиши лозим.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги йилнинг мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг тараққиёт йўлида янги поғонага кўтарилишида, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади

Нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган мана шундай муҳим масалани кун тартибига қўяр эканмиз, биз буни, мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидан ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ортиб, салоҳиятимиз, имкониятларимиз тобора ошиб бораётганининг яна бир белгиси ва тасдиғи сифатида қабул қилишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Сўзимнинг охирида яна такрор айтмоқчиманки, инсон — табиатнинг буюк мўъжизаси. Шун-

дай экан, инсон ўз соғлиғини асраган тақдирда табиатни, ҳаёт давомийлигини асраган бўлади.

Бундай эзгу орзу-мақсадлар учун ҳам давлат, ҳам жамият, ҳам шу юртда яшаётган одамларнинг куч-қудрати ва ҳиссасини бирлаштиришимиз зарур.

Мен яхши ният билан эълон қилаётган Сиҳат-саломатлик йилида бутун халқимизни мана шундай ҳаёт фалсафаси билан яшашга даъват этмоқчиман.

Азизларим, Аллоҳ таоло берган соғлиғимизни асрайлик? Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади?

Сизларни Конституциямизнинг 12 йиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилаб қоламан.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ, 2004 йил 7 декабрь

BATAH XHMOHHHJIAPHrA EAHPAM TABPHrH

XypMaTJiH acxap Ba cepxaHTJiap, 0(pHHep Ba re-Hepajurap, Kypojura KyHJiapHMH3 {paxpHHJiapn!

CH3, a3H3JiapHH, y3HHH OHa K)pT XHMOJICHJjeK ojiHxaHo6 Hiura 6aFHiHJiaraH 6apna HHCOHJiapHH MaMJiaKaTHMH3 xaeTHjFarn KyrayF caHa — BaTaH x.HM05rqHJiapH KyHH 6HJiaH My6opaK6ojj, STHUI MeH-ra KaTra MaMHyHHsrr eTKa3ajj,H.

BH3 MyCTaK.HJI TapaK.K.HeTHMH3HHHF TapHXaH KHCKa jjaBpH/ja OHHK. jjeMOKpaTHK jjaBJiaT KypHui, >KaMH5ITHH JffIFHJiaiH, OJjaMJiapHMH3HHHF MyHOCH6 xaer KeHHpHHi Ba (papoBOHJiHFHHH TaBMHHJiamra XH3MaT K^HJiajjHraH spKHH HK.THCojjHeTHH 6apno 3THIH 6opaCHJJ,a CaJIMOJJIH HyJIHH 60CH6 yTJJHK.

MCTHigiOJIHMH3HHHr ^HpHHHH KyHJiapHJjaH 60HI-Jia6 6H3 3aMOH Tajia6jiapHra xaBo6 6epajj;HraH, Te3-Kop Ba xapaKaTHaH, TauiKHJiHH XHXOTjjaH MyKaM-Maji, 3aMOHaBHH K.ypoji-5ipoF Ba TexHHKara ara 6yjiraH MHJIJIHH apMHHHH uiaKJUiaHTHpHHirHHa y3 0JijjHMH3ra KynraH MaKcajuiapra apHHiHHi, xajiKii-MH3HHHF THHMJIHFH, XaB(pCH3JIHrH Ba OCOHHIHTa-JIHFHHH, MaMJiaKaTHMH3HHHT XyjjyHHH HXJIHTJIHFH

ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш имконини беришини ўзимизга аниқ англаб олдик.

Шу давр мобайнида юртимизда ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган ва стратегик мақсадларимизга мос келадиган Қуролли Кучларимизни яратиш бўйича ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган, узоқни кўзлайдиган улкан ишлар амалга оширилди.

Қуролли Кучларимизни барпо этиш ва ташкил қилишнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчиллик билан жорий этилмоқда, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, ҳар томонлама таъминланган нуфузли сержантлар мактабларининг фаолияти йўлга қўйилди, амалда ўзини оқлаган, сафларида минг-минглаб ёшларимиз ўз йигитлик бурчини ўтаётган сафарбарлик-чақирув резерв хизмати ташкил этилди.

Энг муҳими, халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, Қуролли Кучларнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги роли, ўрни ва моҳияти мустаҳкамланди, уларнинг молиявий таъминоти сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Армиямизнинг бугуни ва келажагини ўйлаб қилаётган барча ишларимизнинг натижаси ва якуни сифатида **ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки**

амалда кун сайин обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда. Ва бугун биз бу ҳақда ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз. Ҳозирги кунда дунёда бизнинг юртимиздаги каби муддатли хизматга чақирув ва шартнома — контракт бўйича хизмат танлов асосида ўтадиган мамлакатнинг ўзини топиш қийин.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида она-Ватанимиз манфаатларига садоқатли, сарҳадларимизни, муқаддас заминимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраш каби шарафли бурчни ўз зиммасига олган энг муносиб ўғил-қизларимиз хизмат қилмоқда.

Қадрли ватандошларим!

Ҳозирги таҳликали замонда биз қандай мураккаб вазиятда яшаётганимизни, инсонийлик қиёфасини тамоман йўқотган халқаро терроризм балоси минтақамиз ва бутун дунё учун қандай таҳдид, қандай хавф-хатар туғдираётганини барчамиз яхши англаймиз. Бундай ҳолатда доимо ҳушёрлик ва огоҳликни сақлаш, ҳар биримиз учун ўз уйимизни, она Ўзбекистонимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраш ва ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз ва бутун минтақа хавфсизлигига таҳдидлар сақланиб турган ҳозирги шароитда бизнинг вазифамиз — Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш борасида бош-

лаган ишларимизни давом эттириш, бунинг учун янги имконият ва манбаларни излаб топиш ҳамда сафарбар этишдан иборатдир.

Шу мақсадларда:

Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган мавжуд хавф-хатарларни янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил этишимиз лозим.

Бундай хавф-хатарларни бартараф этиш учун уларга муносиб зарба беришга қодир, бизнинг ҳудудимизга, одамлар тинчлиги ва осойишталигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган, пухта ишлаб чиқилган стратегия ва тактикани такомиллаштириш зарур. Ва, энг аввало, халқаро терроpчилар ва уларни йўллаётган марказлар томонидан содир этиладиган қуролли хуружларни бартараф этиш ва уларга олдиндан зарба беришга доимо тайёр туриш керак.

Иккинчидан, Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси ва бошқарувини такомиллаштириш бўйича олиб бораётган ишларимизни изчил давом эттириш лозим.

Бу борадаги ўта муҳим вазифа — эҳтимол тутилган жанговар ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусият ва шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда, бутун мудофаа тизимида иштирок этадиган барча қўшин турларининг биргаликда,

ўзаро мувофиқ равишда, аниқ ва қатъий ҳаракат қилишини тўла таъминлашга эришишдан иборат.

Учинчидан, олий ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар мактабларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишларини охирига етказиш. Ушбу муассасаларни юксак малакали, амалий тажрибага эга бўлган офицер ва ўқитувчилар билан ҳамда биринчи навбатда энг замонавий ўқув қуроллари ва янги техника билан таъминлашни назарда тутиш даркор. Бу вазифага армиямизни профессионал асосга ўтказишнинг муҳим бўғини ва шарти сифатида ёндашиш зарур.

Тўртинчидан, Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан жиҳозлаш масаласига армияни ислоҳ қилишнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси деб қараш лозим.

Бунинг учун барча зарур манбаларни излаб топиш, шу жумладан, манфаатдор ҳамкор давлатлар кўрсатиши мумкин бўлган ҳарбий-техник ёрдамдан самарали фойдаланиш лозим.

Бешинчидан, оддий аскарлар, сержант ва офицерларнинг яшаш ва хизмат шароитларини ижтимоий-маиший нуқтаи назардан тубдан қайта кўриб чиқиш ва яхшилаш, уларнинг машаққатли ҳарбий меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини ошириш учун қўшимча манбаларни қидириб топиш даркор.

Эски, номақбул казарма муҳитига батамом барҳам бериш, муддатли ва контракт хизмати, офицерлик ҳамда қўмондонлик таркиби хизматларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва дам олишлари учун муносиб шароитларни таъминлайдиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш вақти келди.

Ҳарбий хизматчилар учун шу йилнинг бошидан янги, янада такомиллашган ва юқори қувватли овқатланиш рациони жорий этилмоқда. Бу ўз навбатида армиямизнинг ёшларимиз учун мардлик ва ватанпарварлик мактаби бўлиш билан бирга, уларнинг жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб вояга етиши, умуман, жамиятимиз аъзоларининг соғлом бўлиши учун хизмат қиладиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида биринчи қадам бўлмоғи керак.

Бу борада менинг ўз олдимга, Қуролли Кучларимиз олдига қўядиган асосий мақсад шундан иборатки, ҳарбий ва армия хизматини ўтаган ёшларнинг барчаси ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом, интеллектуал жиҳатдан етук, ҳаётдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олган, ҳар томонлама ишончли инсонлар бўлиб етишсин. Токи, ота-оналари улар билан фахрлансин, кичик фарзандларимиз улардан ўрнак олсин, Ўзбекистон-

нинг гўзал қизлари эса улар билан ўз тақдирини боғлашни орзу қилсин.

Бугунги қутлуғ байрам кунида Ватанимизнинг барча ҳимоячиларига мурожаат қилиб, қатъий ишонч билдираманки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимизнинг муқаддас сарҳадлари, оналаримиз, умр йўлдошларимиз ва опа-сингилларимизнинг осойишта ҳаёти, болаларимизнинг келажагини, саховатли заминимиз ва мусаффо осмонимизни бундан буён ҳам мардона туриб ҳимоя қилади.

Сиз, азизларни, оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан яна бир бор табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хизматингизда муваффақиятлар, шахсий ҳаётингизда фаровонлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти, Қуролли Кучлар Олий
Бош Қўмондони

«ИМПЕРИЯ ДАВРИДА БИЗНИ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ОДАМЛАР, ДЕБ ҲИСОБЛАШАР ЭДИ»

«Независимая газета» (Москва) мухбирининг саволларига жавоблар 2005 йил 14 январь

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сўнгги йилларда Россиянинг бирон-бир оммавий ахборот воситаси учун интервью бермаган эди. Ушбу анъана икки ҳафта аввал, парламент сайлови якунланганидан сўнг бузилди — республика раҳбари Тошкентда «Независимая газета»нинг мухбирига интервью берди.

— Ислом Абдуганиевич, 2004 йил МДҲ мамлакатлари учун Украинадаги «зарғалдоқ инқилоби» билан якунланди. Кўпчиликнинг фикрича, Грузия ва Украинада сўнгги пайтларда содир бўлган воқеаларда Ғарбнинг таъсири бор. Нима деб ўйлайсиз, Ғарб Ўзбекистондаги вазиятга ҳам таъсир кўрсата оладими?

— Бу оддий савол эмас, мен бу ҳақда кўп ўйлайман. Назаримда, бу турдаги инқилобларда албатта бир неча омил мавжуд бўлади. Бу борада Ғарбга асосий роль ажратилишига мен унчалик мойил эмасман.

Бундан ҳам муҳимроқ бир омил борки, у ҳам бўлса, қатор йиллар давомида мамлакатда аста-

секин тўпланиб борадиган ички норозилик кайфиятидир. Иккинчи омил эса, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги сиёсати билан боғлиқ. Шунингдек, ҳукуматнинг аҳоли билан алоқаси қанчалик мустаҳкам экани, улар ўртасида мулоқотнинг мавжуд ёки йўқлиги ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Энг ёмони, ҳокимият билан халқнинг муносабати кар билан соқовнинг «сўзлашуви»ни эслатадиган ҳолатдир. Бундай вазият масъулиятни зиммасига олган ҳокимият билан уни сайлаган халқ ўртасида вужудга келмаслиги керак.

Фақат юқорида зикр этилган ана шу ҳолатларнинг барчасини кўриб чиқиб, уларни баҳолагандан кейингина ташқи таъсир омили ҳақида сўз юритиш мумкин. Ишончим комилки, бундай таъсир мамлакатнинг ички ҳаётида — ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда ўз ечимини топмаган масалалар йиғилиб, жамиятда норозилик ўсиб борган бир вазиятда юзага келиши мумкин. Табиийки, ҳар қандай жамиятда ҳам қандайдир норозилик мавжуд бўлади, аммо мен норозилик кайфиятлари авж нуқтасига чиққан, «буг қозонни ёриб юборишга келиб қолган» вазиятни назарда тутаяпман. Токи жамиятнинг ўзи кескин ўзгаришларга тайёр бўлмаса, агар одамларнинг сабр косаси тўлмаса, ҳеч қандай Америка, ҳеч қандай Европа воқеаларни ўзи хоҳлаган ўзанга буриб юборишга қодир эмас.

Шу сабабли мен Ўзбекистонда Украина ёки Грузия сценарийси такрорланиши мумкин, деб ўйламайман. Бу ўринда гап менинг давлат раҳбари сифатида бундай ҳолатга қарши эканимда эмас, балки бунда фуқароларнинг ўзи буни истамаслиги муҳимроқ аҳамиятга эга. Нега деганда, улар энди бир пайтлар СССР Олий Совети халқ деиутатлари съездларида беписандлик билан *«тил-забони йўқ, қиёфасиз кўпчилик»*, деб аталган одамлар эмас. Улар бугун ўз мамлакатида, ўз юрти учун, келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб яшаётган инсонлардир.

Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашган. Ҳолбуки, бизга нисбатан шундай фикрда бўлганлар одамларимиз бошқача тарбия кўрганини, улар собиқ иттифоқнинг бошқа ҳудудларида содир бўлган кўп воқеаларнинг ўз юртларида такрорланишига сира ҳам йўл қўймаслигини англамас эдилар. Яъни, одамларимизнинг менталитети ўзгача, тушуняпсизми?

Лекин, шунга қарамай, бу бизнинг 90-йилда ўз танлаган йўлимиз — демократик янгиланиш, фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан қайтишимиз мумкин, деган фикрни англатмайди. Фақат ҳар ким бу йўлни ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Биз халқ ҳокимияти бўлмиш демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга

сўзсиз риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларимизни халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб боришимиз керак.

Шу сабабли, агар биз ўзимиз замин яратиб қўймасак, ижтимоий жараёнларга ташқаридан туриб аралашув ҳеч қандай самара бермайди. Бугунги кунда «демократияни олға силжитиш» деб аталаётган муайян технологияларнинг шаклланган — бу энди бошқа гап. Мисол учун, ҳозир худди Ироқда бўлаётганидек. Яъни, маълум бир мамлакатда, айтайлик, «демократия тақчиллиги» мавжуд, ушбу мамлакат халқига ана шу тақчилликдан халос бўлишга ёрдам бериш керак, деб ҳисобланади. Бунинг учун катта маблағлар ажратилиб, тегишли кучлар йўналтирилади. Ва бундан кўзланган мақсад — тўнтариш уюштириш ва ана шундай «тақчиллик»ни вужудга келтирган ва авж олдирган раҳбариятни йўқотишдан иборат. Мана шундай ҳолатларда «бахмал ўзгариш»-лар технологиялари ишга тушади: авваллги ҳокимият нисбатан тинч йўл билан, қурбонларсиз кетиши, унинг ўрнини бошқа, мазкур технологиялар манфаатларига жавоб берадиган кучлар эгаллаши кўзда тутилади.

— Лекин «бахмал инқилоб» унчалик ҳам беозор бўлмаслиги, оқибатда мамлакат фуқаролар уруши ёқасига келиб қолиши ҳам мумкин-ку?

— Бу ерда кўп нарса ана шундай ўзгаришларга қанчалик узоқ тайёргарлик кўрилганига боғлиқ. Украинада бундай тайёргарлик 1995 йилдан бошланган эди. Агар мамлакатда қанча ноҳукумат ташкилотлари иш олиб бораётганига, улар қандай манбалардан молияланишига аҳамият берадиган бўлсак, ҳаммаси ойдинлашади. Дарвоқе, биз ҳозир Ўзбекистонда мана шундай маблағлар ва грантларнинг қандай лойиҳаларга йўналтирилаётганини кузатиб бормоқдамиз. Мақсадимиз — ана шу лойиҳалар ҳақиқатан ҳам инсонпарварлик мақсадларини кўзлайдими ёки бу навбатдаги «рангли инқилоб»га пинҳона тайёргарликми — шуни аниқлашдан иборат.

Сир эмас, бизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ҳар доим ҳам олижаноб ниятларни кўзлайвермайди. Айтайлик, «XXI аср лидерлари» каби мавзуларда ўтказиладиган семинарларда улар иқтидорли ёшларни «танлашда ҳокимиятга ёрдам» беради, бироқ бунда улар энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашади. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар уюштирилади, уларда турли симпозиум ва семинарлар давомида бу одамларнинг онгига ғоят усталик билан таъсир ўтказилади. Шу тариқа ўзларини «дунё фуқаролари» деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади ва уларга яқин келажакда ер юзида умуман ҳеч қандай чегара қолмайди, деган фикр синг-

дирилади. Бу, ҳозирги воқелигимизда «оддий одамлар сари ўн қадам», деб аталади. Жуда зўр. Кейинчалик ана шу гўзал ибора пайдо бўлган мамлакатнинг уч нафар фуқароси Тошкентда портлашлар уюштиради. Табиий савол туғилади: ана шу қадамлар қайси томонга йўналтирилган?!

Энг қизиғи, бундай қараганда жавоб талаб қилмайдиган ушбу саволга Қозоғистон МХКнинг юқори мартабали вакилларидан бири жавоб берди. Унинг баёнот беришича, бу одамлар — «шаҳидлар», экстремистлар, улар Қозоғистонга эмас, айнан Ўзбекистонга қарши иш кўрмоқда. Гўёки бунинг сабаби — Қозоғистонда эътиқод эркинлиги ва барча демократик меъёрлар амал қилмоқда, шу боис ашаддий жангариларнинг бу мамлакатга қарши даъвоси йўқ эмиш.

Бироқ Қозоғистон имзолаган ўнлаб ҳужжатларда ўз ҳудудида қўшни давлатларга хавф соладиган плацдармлар ёки шароитлар яратмаслик мажбуриятини зиммага олган-ку. Чамаси, генерал буни ёддан чиқарганга ўхшайди.

Умуман, галати бир мантиқ юзага келмоқда: экстремистлар бизга қарши, чунки биз уларни таъқиб қилиб, фаолиятини авж олдиришга йўл қўймаяпмиз. Буни қоралаш эмас, маъқуллаш керак! Ҳозирча эса юқори мартабали генерал расмий нуқтаи назарни билдиряпти, деган таассу-

рот қолмоқда. Бу эса ташвиш уйғотмасдан қўймайди.

Худди шунингдек, навбатдаги тўнтариш хавфининг Қиргизистонда вужудга келганлиги ҳам ташвишли ҳолатдир. Бу ҳақда Акаев ўз чиқишида очиқ гапирди. У, Қирғизистондаги «демократия тақчиллигини» қоплашга йўналтирилган маблағлар Ғарбдан келаётганлигини ҳам айтди. Мен ундан, шундай экан, нима сабабдан содир бўлаётган воқеаларга қарши турмайсиз, зарур чораларни кўрмайсиз, деб сўраган эдим, у, қўлимдан келмайди, деб жавоб қилди. Хўш, бунга нима деса бўлади?

Ўйлайманки, бизда вазият бу даражага бориб етмайди, Грузия ва Украинадаги каби воқеалар Ўзбекистонда рўй бермайди. Одамлар бундай уриниш ва хатти-ҳаракатлар ортида қандай мақсадлар ётганини тушунишлари ва бундай режаларнинг амалга оширилишига йўл қўймасликлари керак. Акс ҳолда, бу ҳеч кимга яхшилик олиб келмайди.

— Ўзбекистон жиддий ўзгаришлар бўсагасида турибди. Жумладан, яқинда доимий равишда фаолият юритадиган икки палатали парламентга сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакатнинг яқин келажакдаги истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

— Бунга жавоб саволингизнинг ўзида мужассам, деб ўйлайман. Доимий равишда фаолият

юритадиган профессионал парламентнинг шаклантирилиши шуни кўрсатадики, давлатни ислоҳ қилишда биз етилиб келаётган ва давр илгари сураётган ўзгаришлар жараёнининг қонунчилик асосига принципиал аҳамият беряпмиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент тимсолида шундай бир восита яратилмоқдаки, биз унинг ёрдамида халқ ҳокимиятини, фуқаролик жамияти асосларини сезиларли даражада мустаҳкамлай олишимизга ишончим комил.

— Бу қандай натижа беради?

— Бу жараёнларнинг пировард натижаси демократик давлатни барпо этишдан иборатдир. Умуман демократик давлат деган ибора ўринли-ўринсиз тарзда шунчалик кўп такрорланадики, мен буни бошқача ифодалашни жоиз деб биламан: биз қураётган давлат XXI аср талабларига жавоб берадиган, диктатурага йўл қўймайдиган давлат бўлади. Диктатура, деганда ҳаммани чўчитадиган нарса — бу энг аввало зулм ва зўравонликдир. Мен диктатура деганда битта одамнинг, битта тузилманинг зўравонлигини тушунаман. Бу ўзига хос яккаҳокимлик демакдир. Шу сабабли парламент ҳам, суд ҳокимияти ҳам, ҳукумат ҳам қанчалик кучли ва мустақил бўлса — биз янги аср талабларига шунчалик кўпроқ жавоб бера оламиз.

Менинг фикрим бўйича, шундай мутаносиблик энг аввало мамлакатда адолат қарор топишида намоён бўлади. Албатта, мутлақ ҳақиқат сингари мутлақ адолатнинг ҳам бўлиши мушкул. Лекин шунга қарамай, одамлар доимо адолатга интилиб келган ва интилади, унга умид боғлаб яшайди. Халқимизда шундай гап бор: ҳокимият курсисида ўтирганларга инсоф берсин, улар адолатли бўлсин. Ўйлайманки, ҳар бир ҳокимият тармоғи чиниқам адолатли бўлганда (бунинг учун улар аввало мустақил бўлиши керак), кучларнинг шундай нисбати вужудга келадики, бунда *диктатга, якка ҳокимликка ўрин қолмайди*, одамлар ўзларини янада эркин ҳис этади ва уларда ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имконияти ортади.

Албатта, биз ҳозир демократик давлат қуришнинг бошланғич даврини бошимиздан кечираяпмиз, бу жараён учун муайян вақт керак, лекин бизни шоширувчилар ҳам топилади. Бироқ бу масалада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, биз ҳозирча кўпроқ бу давлатнинг шаклу шамойилини яратиш устида иш олиб боряпмиз, аммо, энг муҳими —уни маъно-мазмун билан тўлдиришдир. Америка ҳам 200 йилдан буён ўз Конституциясининг моҳиятини тўлдириб келяпти-ку. Янги парламент депутатлари ҳам, вазирлар ҳам, суд ҳокимияти раҳбар-

лари ҳам ана шундай тушунчалар асосида фикрлашлари керак.

Масаланинг муҳим жиҳати — ислоҳотларнинг одамлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётганида. Биз нафақат сиёсий жабҳани, балки иқтисодиётни ҳам, ижтимоий ҳаётни ҳам, маънавий-ахлоқий соҳани ҳам ислоҳ қилишимиз зарур. Бу ғоят кенг кўламли ислоҳотлар бўлиб, биз уларни комплекс тарзда ҳал қилиш орқалигина ўз мақсадларимизга эриша оламиз. Янги парламент олдида турган энг долзарб вазифа — ислоҳотларга асос бўладиган сифатли қонунларни яратишдир. Чунки, айнан тегишли қонунчилик асосининг етишмаслиги кўпдан буён ўз ечимини кутиб турган аксарият муаммоларни ҳал қилишга халақит бермоқда.

Масалан, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 36% ни бераётган кичик бизнес билан боғлиқ айрим муаммолар бор. Албатта, бу натижа ҳам ёмон эмас, лекин мен масалани бошқача, яъни бу кўрсаткични 50—60% даражасига кўтариш тарзида қўймоқчиман. Чунки, кичик бизнес ишсизликни қисқартириш, янги шароитга тезкорлик билан мослашиш, ўз фаолиятини қайта ташкил этиш имконини беради. Ва табиийки, шунда иқтисодиётимиз соғлом, жаҳон конъюнктураси ва рақобати қонунларига осон мослаша оладиган бўлади.

Ёки, масалан, биз судларимизни мустақил деб атаймиз. Ваҳоланки, ҳали бунга тўла эришганимиз йўқ. Қонунларимиз қанчалик мукаммал бўлмасин (ҳақиқатда ҳам улар энг замонавий талабларга жавоб беради), лекин мустақил суд тизимига эга бўлмасдан туриб, бу қонунларни тўлақонли равишда қўллаш амримаҳол. Ҳатто бугунги кунда Ўзбекистон аҳоли жон бошига нисбатан маҳбуслар сони (жами 39 минг киши) бўйича МДҲ давлатлари орасида энг яхши — охирги ўринни эгаллашини инобатга олган тақдирда ҳам бунга эришиш қийин.

Прокуратуранинг бу масаладаги ролига ҳам жиддий тузатишлар киритиш лозим. У жазоловчи идора эмас, биринчи навбатда фуқаролар манфаатини, жумладан, уларни давлат тазйиқидан ҳам ҳимоя қиладиган орган бўлиши керак. Тасаввур қилиб кўринг, одамларнинг онгида чуқур илдиз отган қарашларни ўзгартириш, ҳуқуқтартибот ходимлари, бутун адлия идоралари давлат манфаатларини эмас, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишига эришиш учун қанчалик катта, аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш даркор. Шундай тушунча, шундай қараш қон-қонимизга, вужудимизга сингиб кетиши лозим. Биз шу мақсадда мактабларимизда «ҳуқуқий маданият» дарсини жорий этиш ниятидамиз. Албатта, судларнинг

адолатли бўлишига эришиш керак, бироқ ҳозирча ўзини адолатли судланган, деб ҳисоблайдиган кишини топиш қийин. Агар эсласангиз, фақат «Кавказ асираси» фильмининг қаҳрамонигина «Яшасин дунёдаги энг одил суд — совет суди!» дея хитоб қилади.

Қисқача айтганда, бошланган ислоҳотларнинг энг долзарб мақсади — иқтисодиёт, одил судлов, давлат тузилмалари йўлида ғов бўлиб турган, ҳар бир инсонга унинг муносиб турмуш кечириши, ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиши учун шарт-шароит яратишга ҳамда фуқароларимиз фаровонлигининг ошишига халал бераётган барча тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Давлат халқимизга ривожланган мамлакатлардаги каби турмуш шароитини яратиб бериши керак.

Бу ҳақда сўз кетганда мен одатда Жанубий Кореяни мисол келтираман — дарвоқе, у ерда бизнинг юзлаб ёшларимиз таълим олмоқда. Япония, Европада ҳам талабаларимиз кўп, Москвани эса бироз унутиб қўйганга ўхшаймиз. Ҳолбуки, мамлакатларимиз ўртасида имзоланган стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада ўзаро ҳамкорликнинг барча муҳим соҳалари, энг аввало, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик кўзда тутилган.

Шу муносабат билан таъкидлашни истардимки, биз мамлакатимизга Россиянинг кичик ва ўрта бизнеси кириб келишини фаол қўллаб-қувватлаган бўлар эдик. Аёнки, йирик компаниялар ҳам керак, фақат уларнинг мустақил равишда ёки ўз сармоялари иштирокида қўшма корхоналар тузиб, халқаро бозорга чиқиши мақсадга мувофиқдир. Албатта, биз Ўзбекистонда аввалдан, совет давридан буён фаолият кўрсатиб келаётган корхоналарни унутаётганимиз йўқ, бунга авиация заводи мисол бўла олади.

— Дарвоқе, Россия бу ишлаб чиқаришни Воронежга кўчирмоқчи, деган гап ҳақиқатга қанчалик тўғри келади?

— Мутлақо тўғри келмайди. Аксинча, Россия ҳарбий маҳкамаси ва шахсан Ҳарбий Ҳаво Кучлари бош қўмондони Михайлов бизнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ИЛ-76 МФ самолётининг энг замонавий ва дунёда муқобили йўқ эканлигини бир неча бор таъкидлаган. Бу самолётни фақат бизнинг заводимиз ишлаб чиқаради. Ушбу завод Россиянинг икки мингта корхонаси билан кооперация алоқаларига эга, нима учундир бу ҳақда гапирилмайди. Битта мамлакатда ёпиқ циклда бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Россия ҳам НАТО билан ҳарбий-мудофаа маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик

қилишга тайёр эканлигини очиқ билдирди. Нима сабабдан НАТО билан ҳамкорлик қилиш мумкин-у, Ўзбекистон билан мумкин эмас? Нима сабабдан ушбу заводнинг бир қисмини Воронеж ёки Омскка кўчириш керак? Бу заводда бугунги кунда 30 минг киши ишлайди, уларнинг аксарияти рус миллатига мансуб. Хўш, улар қаёққа боради?

Биз бир-биримизга кўпроқ ишонишимиз керак. Бусиз ҳеч қандай стратегик шериклик ҳақидаги шартнома кутилган самарани бермайди. Ҳамкорлик қилиш зарур. Масалан, космос соҳасида ишлайдиган бир исча объектларимиз бор. Биз Россия академияси билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Гап фақат шунда эмас. Стратегик шерикликнинг энг муҳим жиҳати шуки, у бизни, халқларимизни, минглаб инсонлар тақдири билан боғлиқ мамлакатларимизни бир-бирига яқинлаштиради. Бу алоқаларни ҳеч ким уза олмайди. Давлат раҳбарлари бу жараёнларни тезлаштириши ёки тўхтатишга уриниши мумкин, бироқ уларни узиб ташлашга ҳеч кимнинг қурби етмайди.

— Москвада стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзолангач, Россия келгусида, Қирғизистон ва Тожикистондаги каби, Ўзбекистонда ҳам ўзининг ҳарбий базасини жойлаштирмоқчи, деган гаплар тарқалди...

— Мен минтақамизнинг милитаризация майдонига айланишига мутлақо қаршиман. Ҳар қандай базанинг мавжудлигининг ўзи маҳаллий аҳоли психологиясига таъсир кўрсатади. Биз эса ўз келажагимизни бошқача кўришимиз керак. Шу сабабли, йирик давлатларнинг бундай ўзаро мусобақаси — унчалик яхши иш эмас. Қирғизистонда 30 км.лик масофада иккита — Россия ва Америка аэродромларининг мавжудлигини мен тушуна олмайман. Бу нафақат куч-қудрат намойиши, балки ғайритабиий бир ҳол. Бундай вазиятда биз ўзимиз истамаган ҳолда бу ерда ўз ҳарбий кучларини жойлаштирган давлатлар қўлида гаровга айланиб қоламиз.

— Сиз Ўзбекистондан Америка ҳарбий-ҳаво кучларини чиқариб юбориш ва улар жойлашган аэродромни ёпиб қўйиш ниятидамисиз?

— Ҳозирги пайтда ушбу аэродромнинг мақоми муҳокама қилинмоқда. Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз шундан иборатки, америкаликлар ундан фақат Афғонистоннинг тинч йўл билан тикланиш жараёни якунлангунга қадар фойдаланишади. Афғонистондаги контртеррористик операция охирига етгач, Ўзбекистон ҳудудида ҳар қандай мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларининг бўлишига зарурат қолмайди. Чунки биз суверенитетимиз нимадан иборат эканлигини яхши биламиз ва уни ҳимоя қиламиз.

— Маълумки, 2007 йилда Ўзбекистонда Президент сайлови бўлиб ўтади. Сиз бу сайловда ўз номзодингизни қўйиш масаласига қандай қарайсиз? Айрим МДҲ мамлакатлари президентларида бўлганидек ворисингиз борми?

— Сайловгача ҳали етарли вақт бор, бинобарин, бу масалани бафуржа ўйлаб кўриш мумкин. Муҳими, биз бугун ҳокимиятнинг мустақил тармоқларини, шу жумладан, ижроия тармоғини шакллантириш йўлидан изчил бормоқдамиз. Мен ҳукуматнинг амалда мустақил бўлишини жуда истар эдим. Бугун эса, тан олиш керакки, бизнинг шароитимизда барча масалалар менга — Президентга келиб тақалади ва бу бежиз эмас: биз мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтдик, замоннинг турли таҳдидларига жавоб беришга тўғри келди ва мен бутун масъулиятни ўз зиммамга олишга мажбур эдим. Бундан буён албатта вазият ўзгариб боради. Биз бошлаган ишларни давом эттирадиган авлодни тарбиялаб етиштиришимиз керак. Бу борада мамлакатдаги туб янгиланиш жараёнларини давом эттиришга қодир бўлган муносиб кишиларнинг ижтимоий фаолият майдонига келиши жуда муҳим.

— СССР таназзулга учрагач, кўплаб руслар Ўзбекистондан кўчиб кетишди. Уларни мамлакатга қайта таклиф этиш истаги йўқми?

— Статистик маълумотларга кўра, 1990 йилда мамлакатимизда 1 миллион 550 минг «славян миллатига мансуб» киши яшаган. Сўнгги 15 йил мобайнида уларнинг сони 1 миллионга тушди. Бунга фақат Иттифоқнинг тарқалиб кетганлиги сабаб бўлгани йўқ. Араб, мусулмон давлатларидаги айрим мафкурачилар минтақамизда мафкуравий бўшлиқ вужудга келганлигини пайқаб, бу ерга келиб, масжидлар қуришга киришди, гўёки одамларга динимизни қайтара бошлашди. Бу эса, тўғрисини айтиш керак, бу ердаги аҳолининг мусулмон бўлмаган қисмини муайян даражада ташвишга солиб қўйди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мен мусулмонман ва ҳеч қачон ота-боболаримнинг муқаддас динидан юз ўгирган эмасман. Бироқ ислом динида иккита йўналиш бор. Анъанавий, маърифий ислом билан бирга, минг афсуски, ислом ниқоби остидаги тажовузкор оқим ҳам бор ва у тобора кучайиб бормоқда. «Ҳизбут-таҳрир», «Ал-қоида», «Мусулмон бирodарлар» каби ташкилотлар ҳам шу оқимга мансуб. Бу энг ашаддий, жангари оқим бўлиб, у анъанавий ислом динига эътиқод қиладиган бир ярим миллиард мусулмонни ўзига бўйсундириб олмоқчи. Бу қабиҳ ниятли кучлар иймон-эътиқодни сиёсат билан алмаштиради, ҳаммани ўзининг ортидан кўр-кўрона эргаштиришни, ислом динидан хрис-

тианлик ва бошқа динларга қарши курашишда қурол сифатида фойдаланишни истайди. Улар жуда узоқни кўзлайдиган ғаразли мақсадларга эга. Афсуски, бунга камдан-кам одам аҳамият беради. Америкаликлар бу ёвуз балонинг хавфини энди тушуниб етмоқда ва унга эътибор қаратмоқда. Улар ислом динининг ичида кураш бораётганлигини англай бошлади. Инсоният келажаги кўп жиҳатдан бу курашда қайси тарафнинг устун келишига боғлиқ.

Таассуфки, ислом оламидан ташқарида динимиз ҳақида ниҳоятда сохта, ибтидоий тушунчалар ҳам мавжуд. Мусулмончиликни террорчилик билан тенглаштириш, Бен Ладенни бутун ислом намояндаси деб кўрсатишга уриниш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай қараш ва талқинлар ислом дини ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади ва бутун дунёда унга нисбатан таҳликали муносабатни келтириб чиқаради.

Менинг нуқтаи назаримга кўра, анъанавий исломнинг жаҳолат ва реакцион оқимлар устидан ғолиб чиқиши учун ёрдам бериш ва шу орқали террорчилик илдизига болта уриш керак. Дарвоқе, биз шу мақсадда — мусулмонларнинг тинчлик ва эзгуликни ёқловчи ислом динининг асл моҳиятини чуқур ўрганишлари учун беш йил аввал Тошкент Ислом университетини ва унинг қошида лицей ташкил этдик.

Юқоридаги саволга келсак, шуни айтмоқчиманки, мен шу кунларда республикага қайтиб келган 70 нафар рус кишисига фуқаролик бериш тўғрисидаги фармонга имзо чекдим.

— Халқаро террорчиликка қарши курашиш учун турли давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, хусусан, махсус хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш зарур. Ўзбекистон ва Россия махсус хизматлари ўртасида ана шундай ҳамкорлик борасида аниқ механизм мавжудми?

— «Халқаро терроризм» тушунчаси 2001 йилнинг 11 сентябридан айниқса урф бўлди. Бироқ бундан анча аввал ҳам Италияда «Қизил бригадалар» ва Германияда Баадер-Майнхоф гуруҳи бор эди... Бу ҳақда бугун Европада эслашни ёқтиришмайди. Нима учундир фақат ҳозирги кунга келиб Афғонистоннинг наинки Европани наркотиклар билан таъминлайдиган асосий манба эканлигини, балки энг ашаддий террорчиларни тайёрлайдиган полигон ҳам эканлигини ҳамма бирданига англаб етди. Ҳолбуки, мен бу масала ҳақида анча илгари гапирганимда, менга лоқайдлик билан «Бу сизнинг муаммоингиз», деб жавоб беришган эди...

Террорчиликка қарши курашда бизнинг принципиал нуқтаи назаримиз ўзгаргани йўқ. Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг (МОҲТ) Душанбеда бўлиб ўтган сўнгги йиғилишида МДҲ

ҳудудида ва хусусан, МОҲТ ҳудудида мавжуд бўлган террорчилик гуруҳларини қонундан ташқарида деб эътироф этиш мақсадида уларнинг рўйхатини тузиш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу жиддий тадбир бўлиб, ўз амалий самарасини бермоқда: Германия, Покистон, 16 та араб мамлакати «Ҳизбут-таҳрир»ни ноқонуний деб топди, Россия ҳам, кейинчалик МОҲТ нинг бошқа давлатлари ҳам бу қарорга қўшилди.

Ўзбекистон халқаро коалиция аъзоси бўлиб, Афғонистондаги террорчиликка қарши операцияда муҳим роль ўйнади. 2001 йил 8 октябрда (Афғонистондаги операция бошлангунга қадар) биз коалиция кучларига ўз аэродромимизни бериб туриш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу ҳол ўшанда кўпчиликка, жумладан, Россияга ҳам ёқмаган эди. Операция муваффақиятли ўтгач, бизнинг қўшниларимиз антитеррор коалицияси аъзоси эканликлари, Афғонистонда тинч ҳаёт ўрнатилишида фаол қатнашаётганликлари ҳақида гапира бошлашди. Ва Қирғизистондаги аэродром Афғонистоннинг демократия ва тикланиш йўлидаги ҳаракатини таъминлашда салкам бош омил бўлганини ҳам таъкидлашди.

Дарвоқе, Қирғизистондаги ушбу база операция якунланганидан сўнг пайдо бўлди. Ва у Афғонистонга эмас, Хитойга яқинроқ ҳудудда жойлашган...

Шу ўринда айтиш жоизки, террорчилик мафкураси бошқа динларни инкор этиш мафкураси асосида шаклланади. Бунга бир пайтлар тинчликни тарғиб қилувчи ташкилот сифатида майдонга чиққан, бугунга келиб эса энг ашаддий террорчилар, қотиллар ва зўравонларни етказиб берадиган ташкилотга айланган «Ҳизбут-таҳрир» ни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу сабабли ҳам бизнинг ишончимиз комилки, аввалambор, террорчилар томонидан ёшларнинг онгига сингдирилиб, уларни ғайриқонуний ишларга тортадиган ёвуз мафкурага қарши кескин кураш олиб бориш керак.

Афсуски, террорчиликка қарши кураш ниқоби остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлган Марказий Осиё минтақасидаги ўз таъсирини сақлаш учун кураш олиб боришмоқда. Бундай вазиятда эса террорчиликка қарши ҳақиқий кураш масаласи содир бўлаётган жараёнлардан четда қолиб кетиши мумкин.

Айтайлик, МДҲ давлатлари доирасидаги бирон-бир йиғилиш йўққи, унда террорчиликка қарши курашиш тўғрисида ҳужжат қабул қилинмаган бўлсин. Юзлаб ҳужжатлар қабул қилинган, сўз ўйини авжида, иш эса зиён кўрмоқда, тилда эмас, амалда вазиятни ўнглашга интилаётганларнинг саъй-ҳаракатлари обрўсизлантирилмоқда.

Табиийки, бундай шароитда маккор, ўта шафқатсиз, пихи қайрилган халқаро террорчиликка қарши курашда ижобий натижаларга эришиш мушкул.

— Нима деб ўйлайсиз, МДҲ нинг келажаги борми?

— Бугунги кунда МДҲ расман мавжуд, моҳиятан қарағанда, унинг истиқболи ҳам йўқ эмас. Бироқ бу саволга Украина, Молдова, Грузия ва айрим бошқа мамлакатлардаги вазият ойдинлашганидан сўнггина аниқроқ жавоб бериш мумкин. Ҳамдўстлик бундан буён ўзини кейинги пайтларда ҳеч нарса содир бўлмаётгандек тута олмайди.

Бугун МДҲ мустақил қарор қабул қилишга қодир эмас ва бу кимгадир қўл келмоқда. Украинада рўй берган воқеаларга нисбатан МДҲ бирон марта ҳам ўз муносабатини билдирмади. Ваҳоланки, у ерга кимлар келиб, воқеаларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилмади. Хўш, МДҲ қандай таъсир кўрсатди? Охир-оқибатда бизни Украинадаги воқеалар қизиқтирмаслиги мумкин эмас-ку. Украина — МДҲнинг тўлақонли аъзоси, бунинг устига, бир неча ой аввал президент Кучма Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кенгашининг раиси бўлган эди. Нима сабабдан бу масала бўйича бирон маротаба МДҲ давлатлари бошлиқлари йиғилмади?

— Кучмашинг ўзи мамлакатида содир бўлаётган воқеаларга эътибор қаратишни сўраб МДҲга мурожаат қилган эдими?

— У кўпчиликка, жумладан, Польшага, Литвага, Брюсселга мурожаат этди, фақат МДҲга эмас. Балки унинг фикрича, МДҲ мамлакатлари у ёки бу масалаларни муҳокама қилиш учун у қадар нуфузли шериклар эмасдир. Айтиш жоизки, Грузияда содир бўлган воқсаларга ҳам МДҲ ўз муносабатини билдирмади, умумий қараш ишлаб чиқилмади. Ҳамдўстлик муайян воқеаларга таъсир кўрсатиши мумкин, бироқ амалда бирон маротаба ҳам бундай бўлмади. Умуман, собиқ Иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган Евро-Осиё Иқтисодий Иттифоқи (ЕвраАзЭС), Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ), Ягона иқтисодий макон (ЕЭП) каби турли бирлашмалар ўзи ҳақида баландпарвоз баёнотлар беради, бироқ шахсан мен ҳозирча уларнинг ҳеч қандай самарасини сезаётганим йўқ.

Виктория ПАНФИЛОВА

ПАРЛАМЕНТ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли халқ ноиблари!

Аввало, барчангизни эл-юрт ишончини қозониб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан самимий табриклайман. Мамлакатимизда ўтган парламент сайловларига тайёргарлик пайтида ва бевосита сайлов жараёнида халқимиз ўзининг фаоллиги, сиёсий онги ва савиясини ёрқин намоён этди. Шу боис бу сайловлар халқаро ҳамжамият, хорижий кузатувчилар томонидан юқори баҳоланди ва бунинг учун ҳаммамиз халқимизга, сайловчиларимизга таъзим қилсак арзийди.

Барчангизга маълумки, ушбу сайловлар ошкоралик, очиқлик ва қизғин курашлар билан ўтди. Уларни нафақат юртимизга келган халқаро эксперт ва кузатувчилар, балки бизга хайрихоҳ бўлган, бизни узоқдан биладиган дунё жамоатчилиги ҳам оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб борди.

Шу маънода, бу сайловлар биз учун яна бир синов бўлди. Яратганга шукрлар бўлсинки, сай-

ловчиларимиз, бутун халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди. Бу синов бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, юртимизда демократик давлат барпо этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида салмоқли қадамлар қўяётганимизни яна бир бор кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида саҳифа бўлиб қолади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу сайловларнинг олдинги сайловлардан фарқи ҳар жиҳатдан катта бўлди. Бу ҳақиқатни биз билан бирга халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда. Жаҳон матбуотида таниқли сиёсатчи ва шарҳловчиларнинг бу ҳақдаги хулосалари ҳамон чоп этилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган сиз, муҳтарам депутатларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириб, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман. Гарчи ҳаммангизни яқиндан билмасам ҳам, сиртдан яхши танийман. Сайлов жараёнида телевидение ва матбуот орқали чиқишларингиз, билдирган фикр-мулоҳазаларингиз, дастурларингиз билан танишиб, чеҳрангизни кўриб, худдики, сизлар билан яқиндан танишгандек бўлганимни айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, Қонунчилик палатаси раҳбарлигига сайланган депутатларни ҳам чин

қалбимдан табриклайман. Бугунги мажлис кун тартибидаги барча масалалар бўйича сизларнинг фаоллик кўрсатаётганингиз, уларнинг моҳиятини тўғри тушуниб, ўз фикрингизни эркин баён этаётганингиз — очиқ айтишим керак — мени қувонтирмоқда.

Шу билан бирга, кўнглимдаги бир хавотирни ҳам очиқ билдирмоқчиман. Бу муҳташам залга кирганда, одамни беихтиёр унинг салобати босади, албатта. Сизларнинг орангизда бу залга биринчи марта қадам қўйган депутатлар ҳам бор. Одам бундай салобатли, бетакрор бинога кирганда ўзининг қайси давлатда, қандай жамиятда яшаётганини, кимга, қандай улуғ мақсадларга хизмат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур қилгандек бўлади.

Умуман, бу ерга илк бор келган одам ҳам, илгари бўлган киши ҳам ўзини озгина вазмин, босиқ тутишга уринади. Буни мен яхши тушунаман. Лекин доимо босиқ бўлиб жим ўтириш депутатлик фаолиятига тўғри келмайди. Чунки шу залга кириб, мамлакатимиз ҳаётига дахлдор долзарб масалаларни кўриб чиқаётганда, олдимизда турган вазифалар ҳақида гап кетганда, депутатлик мақомига эришган ҳар бир одам «Мана, энди мен депутат бўлдим, мени сайлаган сайловчилар олдида, эл-юртимиз олдида ўз бурчимни бажаришга, менга билдирилган ишончни

оқлашга ҳаракат қилишим керак», деб ўзининг бу борадаги позициясини яна бир бор қатъий белгилаб олиши лозим.

Шу маънода, ҳар қайси депутат ўз ваколати ва масъулиятини теран ҳис қилиши, муҳокамалар пайтида қадди-қоматини кўтариб, ўз фикрини дадил билдириши зарур. Бу залда вазирлар ҳам, улардан юқори лавозимдаги одамлар ҳам ўтиради. Лекин депутатлик вазифаси улар орасида алоҳида юксак вазифадир.

Депутат — бу мустақил фикрли инсон. У қайси партияга мансуб бўлмасин, аввало халқ олдида жавоб беради. Шунинг учун ана шу халқ манфаатлари йўлида парламентдаги гоялар, ёндашув ва қарашлар хилма-хил бўлгани яхши. Мен бир фикрни қайта-қайта такрорламоқчиман: сиз, азиз депутатлар қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида эркин бўлиб, ўз фикрингизни тортинмай, бемалол билдирсангиз, айни муддао бўлур эди. Муҳокама қилинаётган масалалар бўйича қизгин тортишувлар, ҳатто баъзилар ўз фикрини жойидан туриб билдирса ҳам маъқул, нега деганда, бу жонли фикр алмашув белгисидир.

Шу билан бирга, мен ўзаро муносабатда, мана шу залда бўладиган муҳокама ва мунозаралар вақтида учта нарсани эсдан чиқармаслигимизни истардим.

Биринчидан, ҳар қайси депутат ўзининг қадр-қимматини билиши лозим. Шундагина у бошқаларни ҳам ҳурмат қилади.

Иккинчидан, меҳр-оқибатлилик бизнинг халқимизга ярашадиган, бизнинг халқимизга хос бўлган фазилат эканини ҳеч қачон ёддан чиқармаслик даркор.

Сизларга руҳ ва мадад берадиган **учинчи фикр** шуки, биз киммиз, Амир Темур бобомиз айтганидек, қандай халқнинг фарзандимиз, деган саволни доимо ўзимизга беришимиз керак. Шу билан бирга, кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик, деган саволни ҳам ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Ўйлаб кўринг, биз 90-йилларда қандай аҳволда эдик? Ўша давр билан солиштирганда бугун биз қандай улкан ютуқларга эришганимизни жаҳон аҳли кўриб турибди ва эътироф этмоқда.

Бугун Олий Мажлисимизнинг қуйи палатаси бўлмиш Қонунчилик палатаси раҳбарларини янгича тартибда сайладик. Хўш, бу ниманинг натижаси? Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўришимиз лозим. Нима учун бугун биз айнан мана шундай янги қадамларни қўймоқдамиз? Бу янгиликлар бизнинг умумий ишимизга қандай таъсир кўрсатади?

Аввалambор, биз демократик давлат барпо этаётганимиз, фуқаролик жамияти асосларини

шакллантираётганимизни таъкидламоқчиман. Юқорида айтилган биз ким эдиг-у, ким бўлдик, деган саволга мана шундай ўзгариш ва янгиланишлар мисолида жавоб топиш мумкин. Ва ўйлайманки, бундай ҳақиқатни нафақат сиз, муҳтарам депутатлар, балки юртимизда яшаётган оддий одамлар ҳам бугун чуқур ҳис этмоқда. Яъни, биз демократик қадриятларни ўз ҳаётимизга жорий этишда салмоқли натижаларга эришяпмиз.

Шу ўринда ҳар қандай демократик парламентнинг асосий шарти бўлган кўппартиявийлик масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак.

Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак. Чунки ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний

йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади.

Шу маънода, ҳар бир партия ўзига бўлган ишончни, куч-қувватни халқ ичидан олади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси партия — халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Аллоҳ одамзотни шундай яратганки, ҳар бир инсон ўзига хос бир олам. Шу боис икки нафар инсон ҳеч қачон бир-бирига юз фоиз ўхшамайди. Бинобарин, иккита халқ, иккита давлат ҳам бир-биридан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб туради. Худди шунингдек, сиёсий партиялар ҳам ўз гояси, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар халқни, миллатни қадим-қадимдан бирлаштириб келаётган муштарак ғоялар ҳам борлигини доимо эсда тутиши зарур. Шу боис улар ўз манфаатларини ҳимоя қилишда бир-бирига рақиб ёки мухолифат бўлиши мумкин, лекин ягона Ватан, ягона халқ манфаатлари ҳақида гап кетганда ҳаммаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркор. Бугунги кунда бизнинг юртимизда миллий истиқлол ғояси ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб ҳисобланади.

Албатта, ҳар бир инсон ўз фикри ва иродасини эркин ифода этишга ҳақли. У шунинг учун дунёга келган. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзига маъқул бўлган партияни ўзи танлаши керак. Бошқача айтганда, ҳар қайси партиянинг ўз электорати — уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлам бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди.

Юртимизда бўлиб ўтган парламент сайловлари шуни кўрсатдики, ҳозир бизда ана шундай қатлам шаклланмоқда. Яъни, сайловчилар эндиликда дуч келган одамга эмас, балки ўзи дастур ва ғояларини ёқтирган, келажаги бор деб ҳисоблайдиган партияга овоз бермоқда.

Мана, бир мисол. Сайлов жараёнида Андижонда сайловчилар баъзи бир депутатликка номзодларга, эй оғайни, сиз икки марталаб депутат бўлиб, нима каромат кўрсатдингиз, деб очиқ айтди. Бизга бундай қуруқ савлатдан иборат депутатлар керак эмас, деган аччиқ гаплар ҳам бўлди. Ҳатто айрим партия раҳбарлари ҳам шундай сўзларни эшитишга тўғри келди. Демак, уларнинг шунчаки қуруқ гап билан юрганини одамлар билди ва шунга қараб баҳосини берди.

Бугун сайловчиларнинг номзодларга нисбатан бундай катта талаблар қўйиши халқимизнинг сиёсий савияси ортиб бораётганидан далолат беради. Партиялар ҳам шуни ҳис этиб, шунга

яраша иш юритиши лозим. Ўзини номига «партия» деб атаб, одамларнинг дарду ташвишларидан бехабар юрадиган, ўз тарафдорларини билмайдиган, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилмайдиган партия қандай қилиб сиёсий куч бўла олади? Нима, улар фақат пойтахтда, маълум бир одамлар доирасида партия бўлиб юрадими? Қачон улар халқнинг ичига кириб боради?

Бир фикрни ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз керак. Бизда минтақавий партиялар йўқ ва бўлмайди ҳам. Чунки турли минтақавий партиялар орқали ягона мамлакатимизнинг бўлиниб кетишига биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Ўзингиз ўйланг, агар Сурхондарёда алоҳида, Қорақалпоғистон ёки Фарғона водийсида алоҳида партиялар ташкил этилса, юртимизнинг бугуни ва эртанги куни қандай бўлади? Ахир, биз бундай ҳолатда турли минтақалар ўртасидаги тортишув ва зиддиятлар гирдобида қолиб кетамиз-ку. Шунинг учун ўзини партия деган ҳар қайси сиёсий куч мана шу парламентга бўладиган сайловлар орқали саҳнага чиқиб, қонун доирасида фаолият юритиши даркор. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, ҳар қайси партия умуммиллий партия сифатида фа-

олият юритиши, фақат Марказда қолиб кетмаслиги ва жойларда албатта ўз аъзолари, фаоллари ва тарафдорларига эга бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, ҳар қандай партия сиёсат саҳнасидан тушиб кетади. Ўйлайманки, сиёсий партияларнинг раҳбарлари бу гаплардан тўғри хулоса чиқаради.

Яна бир бор айтаман, агарда ҳар қайси партия муайян ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаатини ифода этадиган бўлса, демократиянинг энг таъсирчан механизми бўлган сайловлар ҳисобидан дастурини амалга ошириш, ўз мақсадига етиш имконига эга бўлади.

Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани. Чунки ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз беряпти, ким унинг ғоя ва дастурларини қўллаб-қувватлаяпти — буларнинг барчасини амалда кўришга муваффақ бўлади. Хуллас, ҳамма нарса сайлов пайтида маълум бўлади. Қайси партия кимни ўз ғояларига ишонтира олгани, кимнинг манфаатларини ифода этгани, шу билан бирга, кимнинг уларга эргашаётгани, кимлар ишонч билдиргани фақат сайлов натижаларига кўра аён бўлади. Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор

фикр-қарашларини, ҳаётни қандай яхшилаш, ислоҳотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги ғояларини илгари суради.

Лекин амалда ҳамма вақт ҳам шундай бўлаётгани йўқ. Мана, масалан, «Миллий тикланиш» партиясини оладиган бўлсак, унинг таъсири жойларда унча сезилмаяпти. Ушбу партия фаоллари буни тан олиб, бу ҳақда ҳар томонлама ўйлаб кўрса, фойдадан холи бўлмасди.

Бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси нима ҳисобидан ғалаба қилди? Мен бу саволга, аввалambор амалий ишлари, аниқ дастури билан, деб жавоб берган бўлардим. Бу партия қисқа давр ичида қандай қилиб халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, Ўзбекистонни тараққий топган давлатлар қаторига қўшиш, иқтисодий юксалишга эришиш мумкин, деган масалалар бўйича ўз ғоя ва мақсадларини кўпчиликнинг онгига сингдириб, уларнинг ишончини қозона олди. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, бу партия сайловга ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрди. Мен бошқа сиёсий партияларни ҳам шу партиядан ўрнак олишга чақирган бўлардим.

Ҳар қандай сайлов — бу жиддий сиёсий кампания. Шунинг учун унга енгил-елпи қараб

бўлмайди. Чунки партияларнинг тақдири, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамоти сайловлар жараёнида ҳал бўлади. Бордию бирор-бир партия сайлов пайтида етарлича овоз ололмаса, инқирозга учраши муқаррар.

Халқ демократик партияси ҳам ана шу ҳақиқатни тушунган ҳолда сайловга яхши тайёргарлик кўргани қўлга киритган натижаларидан маълум бўлди. Мен ана шу икки партия, аввало, халқнинг ичига чуқур кириб боргани, замон талаблари асосида фаолият юритгани учун мана шундай натижаларга эришди, деб ўйлайман.

Айниқса, Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Парламентимизда ўз вакилларига эга бўлган партиялар бу натижалар билан кифояланиб қолмасдан, ҳозирданоқ кейинги сайловлар ҳақида ўйлаши, уларга жиддий тайёргарлик кўришлари керак. Бунда сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни парламентдаги партия фракцияси томонидан қонунчилик борасида қилинаётган ишлардан хабардор этиб, эл-юрт олдида ҳисобот бериб туриш айниқса муҳим.

Бугунги кунда, худди эски даврда бўлгани каби, бир қишлоққа бориб бир хил, иккинчисида эса бошқача ваъда бериш замони ўтди. Энди бунақа йўллар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Мана шу сайловлар давомида 54 та ташаббускор гуруҳлардан 12 нафар депутат сайланди. Бу депутатлар ўзларини оддий одамлар орасидан чиққан, уларнинг дарду ташвишларини яхши биладиган номзодлар деб кўрсатгани, сайловчиларни шунга ишонтира олгани учун ҳам шундай натижаларга эришди. Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, сайлов пайтида «оддий одамлар орасидан чиққанман», деб кўксига уриб гапирадиган, иши битганидан кейин эса депутатлик ваколати тугагунча уларга қорасини ҳам кўрсатмай юрадиган кишилар ҳам топилади. Шунинг учун ҳам депутат деган юксак ишончга сазовор ҳар қайси инсон аввало ўзи учун овоз берган одамлар ҳақида ўйлаши зарур. Бу ҳам демократиянинг яна бир белги-аломати, дсса бўлади.

Ҳурматли дўстлар, мана, сизларни халқ депутат этиб сайлади. Энди шу палатада қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш — сизларнинг асосий вазифангиз бўлади.

Бу вазифаларни тўлиқ адо этиш учун ҳар қайси депутат, ҳар қайси фракция мамлакатимизда

ҳуқуқий давлат қуриш ишига муносиб ҳисса қўшиши лозим. Нима учун биз қонун устуворлигига катта аҳамият бермоқдамиз? Бунинг сабаби шундаки, қонунчилик давлатнинг куч-қудратини, унинг халқ хоҳиш-иродасига таяниб иш олиб боришини кўрсатади.

Шуни ҳам эсда тутишингизни истардим: Қонунчилик палатасининг ҳозирги таркиби аввалги Олий Мажлис таркибидан тубдан фарқ қилади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ўтган чақириқ парламентдаги партия фракциялари номигагина фаолият кўрсатган эди. Мен улардан бирортасининг муайян бир қонун лойиҳасини таклиф қилиб, уни сессия мажлиси тасдиғидан ўтказиш, ҳаётга татбиқ қилиш бўйича аниқ ташаббус билан чиққанини эслай олмайман. Қани ўзингиз айтинг, қайси фракция қайси қонуннинг асосий муаллифи ёки муҳаррири бўлди? Уларни ишлаб чиқиб, муҳокамалардан ўтказишда жонкуярлик кўрсатиб, қаттиқ кураш олиб борди?

Бугун эса вазият бутунлай бошқача. Энди ҳар бир фракция ўзи Қонунчилик палатасидаги қайси қўмита раҳбарлигига номзод кўрсатган бўлса, ўша қўмитанинг фаолиятига жавобгар бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 3 та қўмита, Халқ демократик партияси ва Фидокорлар партияси 2 тадан қўмита фао-

лияти учун масъулдир. «Миллий тикланиш» партияси эса замонавий ахборот коммуникациялари бўйича иш олиб боради. «Адолат» социал-демократик партияси эса кўпроқ давлат бюджети билан боғлиқ масалалар билан шуғулланади.

Мухтасар айтганда, бугун Қонунчилик палатасида қонунларни ишлаб чиқиш партиялар ваколатига топширилди ва барчамиз буни яхши англашимиз лозим. Биз ишни ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишимиз, бунга ўрганишимиз зарур.

Бизнинг заиф томонимиз — ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳукмронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлиши лозим. Бу срда тортишувлар бўлиши керак. Бўлмаса, ҳақиқатни юзага чиқариб бўлмайди. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб бежиз айтилмаган.

Шу сабабли қонун лойиҳаларини шошилмасдан, атрофлича муҳокама қилиш даркор. Такрор айтишга тўғри келади, «вақтни тежаш» деган сўз бу залда бўлмаслиги керак. Қонунлар пухта ишланиши, бу палатада ишчанлик муҳитини қарор топтириш лозим.

Шу билан бирга, ўз рақибига, бошқа партия вакилига ҳурмат билан қараш — бу олижаноблик ифодаси. Бордию бирор-бир тажрибасиз депутат

ўз фикрини билдирса ва у унча тўғри бўлмаса, шунга ҳам ҳурмат билан қараш даркор. Буни ҳам келак чиқармаслигингизни хоҳлардим.

Парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади. Улар бирон-бир янгиликни биз парламент минбаридан эшитдик, деб ўз қишлоғи ёки маҳалласида гапириб юрса, шундагина депутатлар ишининг самараси, таъсири сезилади. Умуман, депутат дегани доимо ўз сайловчилари, уларнинг ташвиш ва муаммолари билан яшаши керак.

Энг ёмон нарса — бу одамнинг оёғи ердан узилишидир. Агарда ким қаерда туғилгани, кимнинг фарзанди эканини, қайси замин, қайси тупроқнинг сувини ичиб, тузини тотганини эсдан чиқарса, билингки, у ўзини бутунлай йўқотган бўлади. Бундай одамнинг келажаги бўлмайди.

Бизнинг олдимизда турган яна бир масала — қабул қилинган қонунларимиз ижросини таъминлашдан иборат. Маълумки, қонун ижросини Ҳукумат амалга оширади. Унинг асосий вазифаси қонунларни сўзсиз ижро этишдир.

Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат қуришимиз мумкин. Сиз, муҳтарам депутатлар қонунларни қабул қилар экансиз, уларнинг ижроси билан ҳам қизиқишингиз, керак бўлса, тегишли мутасадди раҳбарлардан, биринчи навбатда, ижро ҳокимиятидан шуни талаб қилишингиз лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир қонун қабул қилинганда унинг регламентида ижросини таъминлаш механизмлари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Агарки, қаердадир бирон-бир муаммо пайдо бўлса, сизлар, аввалambор, бу масала бўйича қонун қабул қилинганми ёки йўқми, деб ўзингизга савол беришингиз, имкон қадар шундай вазиятга йўл қўймасликка ҳаракат қилишингиз зарур. Лекин, афсуски, қонунчилик ишида шу пайтгача бундай ёндашув,бундай тажриба бўлгани йўқ ва энди бундай ҳолатни бартараф этиш фурсати етди.

Бордию ижро ҳокимияти қонунни бузса, уни поймол қилса, унинг танобини тортиб қўядиган куч — бу мустақил суд ҳокимиятидир. Чунки суд ҳокимияти қабул қилинган қонунларнинг ижросини адолатни жой-жойига қўйиш нуқтаи назаридан назорат қилиб боради.

Юқорида санаб ўтилган учта ҳокимият тармоғини бирлаштирадиган нарса — бу миллий ғоя. Буни барчамиз яхши тушуниб олишимиз керак.

Бизнинг миллий ғоямиз эса юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби юксак тушунчаларни ўз ичига олиши, ўйлайманки, сизларга яхши аён.

Ҳаммамизнинг мақсадимиз шу муқаддас она юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш экан, баҳамжиҳат бўлиб, ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз керак.

Шу йўлда барчангизга бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг биринчи
йиғилишида сўзланган нутқ,
2005 йил 27 январь

БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР

Ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси деган юксак номга, халқимиз ишончига сазовор бўлганингиз билан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва сиёсий багрикенглик шароитида ўтган сайловлар, мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари борастганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Бугун Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларга якун ясар эканмиз, қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга тўлиқ асос бор.

Биринчидан, ушбу сайловлар биз учун чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яхши мактаб вазифасини ўтади.

Иккинчидан, мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кўп жиҳатдан ўзига хос тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикамизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонланиши ва фаоллигини кучайтиришда, айтиш керакки, уларнинг масъулияти ортишида ғоят кучли омил бўлди.

Сайловларда қатнашган барча сиёсий партияларнинг қонунга мувофиқ равишда бугун парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил этиш учун етарли ўринга эга бўлганининг ўзи ҳам уларнинг сайловчилар томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатасига кўрсатилган 54 та номзоддан 12 нафар мустақил депутат сайланганини ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, деб ўйлайман.

Учинчидан, сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларимиз ўзларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклигини, ўз ҳаёти, ўз келажагини умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этдилар.

Тўртинчидан, бўлиб ўтган сайловлар яна бир ҳақиқатни яққол тасдиқлади: мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган муқаррар, қонуний жараёнга айланди. Шундай деб айтишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор.

Ва ниҳоят, бўлиб ўтган сайловлар аввалгиларидан наинки очиқлиги ва кескин кураш олиб борилиши билан, балки, аввало, аксарият сайловчиларнинг бу жараёнлардан ҳар томонлама хабардорлиги, уларга онгли муносабати билан ҳам тубдан фарқ қилди.

Фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашдилар. Бу ҳам бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ҳурматли халқ вакиллари!

Бугун мен Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биринчи қўшма мажлисида сўзга чиқар эканман, асосий мақсадим — жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини,

шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйиладиган асосий вазифаларни қисқача баён этишдир.

Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади —бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.

Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, «бошқариладиган иқтисод» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди.

Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз. Аммо, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида ўзини оқлаган бу тамойилнинг юқорида тилга олинган моделларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Биз бугунги кунда минтақамизда яшаётган халқлар гўёки ҳали демократия учун тайёр эмас, бу борада «пишиб етилмаган», улар олдин камбағаллик ва қашшоқлик билан боғлиқ муаммо-

ларни ҳал қилишлари зарур, шундан кейингина демократия қуриш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар учун шарт-шароит юзага келади, деган гапларни ҳам кўп эшитамиз.

Бундай баёнот ва ёндашувлар — аввало, тарихни билмаслик, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятига, куч-қудратига ишонмаслик, айтиш мумкинки, ҳозирги дунёни жадаллик билан ўзгартириб бораётган объектив, глобал жараёнларни тушунмаслик натижасидир.

Бугун, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдики, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин.

Шу маънода, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим.

Муҳтарам депутатлар!

Биз бугун ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш ҳақида гапирар эканмиз, ўз олдимизга

қўйган қуйидаги устувор вазифа ва йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

1. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат.

Шу борада:

Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи — Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш;

иккинчидан, Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва шу билан бирга, масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш.

Биз олдимизга қўйган мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак — ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими — буларнинг барчаси қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши,

ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.

Икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад:

Биринчи — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш.

Иккинчи — Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш.

Учинчи — Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш.

Тўртинчи — аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш.

Айнан шу мақсад юқори палата — Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам мужассам.

Юқорида зикр этилган мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни ўзида ифода этади.

Бунда нималар назарда тутилмоқда?

Аввалambор, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш.

Яна бир муҳим вазифа — ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим.

Иккинчидан — сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш.

Шу муносабат билан партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак. Дастури ва йўналишидан қатъи назар, шак-шубҳасиз, барча партияларимиз мана шундай йўлни босиб ўтиши муҳим аҳамиятга эга.

Мен шу борада аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодалов-

чи, мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор бераётганимизни ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳеч шубҳасиз, менинг назаримда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади.

Айни вақтда, имкониятдан фойдаланиб, ноҳукумат жамоат тузилмаларини шакллантириш жараёнига хос баъзи масалалар хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман.

Шуни ҳам таъкидлашга тўғри келадики, уларнинг айримларини, аввало турли ҳомийлик кўмагида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотларини текшириш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бундай ташкилотлар фаолияти улар рўйхатдан ўтиш чоғида тақдим этган низом ва

листурлари доирасидан анчагина четга чиқиб кетмоқда ва муайян буюртмага асосланган мақсадларни кўзламоқда.

Табиийки, биз бундай ҳолатлар билан муроса қила олмаймиз. Қонунчилигимизга зид бўлган бу каби лойиҳаларнинг Ўзбекистонда келажаги йўқ эканини айтишга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Яна бир бор такрорлайман, биз мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларида турли инқилоблар ва ақидаиарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қаршимиз.

Маълумки, инқилоблар, одатда, ҳамма даврларда ҳам зўравонлик, қон тўкиш ва аждодлар яратган барча нарсани жоҳиллик билан вайрон қилиш воситаси ва қуроли бўлиб келган.

Ақидапарастлик эса, у қандай қиёфада бўлишидан қатъи назар — бу диний ақидапарастлик бўладими ёки коммунистик ақидапарастлик бўладими — ўз мафкурасига, ҳаётга қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва «кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши» деган тамойил асосида ҳаракат қилади.

Ишончимиз комилки, демократияни ва турли «очиқ жамият моделлари»ни экспорт қилиб бўлмаганидек, давлат қурилишининг универсал лойиҳасини ҳам ташқаридан импорт қилиш ёки тиқиштириш мумкин эмас. Аслида, ҳаммага бир-

дек маъқул бўладиган бунақа моделнинг ўзи умуман йўқ.

Лўнда қилиб айтганда, биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Фақат бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор.

II. Биз ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди.

Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Қонунчиликка биноан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди, тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди.

Суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механиз-

ми яратилди, суд қарорларини ижро этиш бўйича старлича ваколатларга эга бўлган департамент фаолият кўрсатмоқда, судларнинг ўзи эса уларга хос бўлмаган вазифалардан озод этилди.

Прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик нормаларига зарур ўзгартишлар киритилди. Бугунги кунда суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланмоқда. Мамлакат жиноий қонунчилигини эркинлаштириш юзасидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди, ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи ҳамда ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди.

Натижада фақат сўнгги икки ярим йил ичида катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган қонунбузарликка йўл қўйган беш мингга яқин киши озодликда сақланди ва улар томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги моддий зарар қопланди.

Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартишлар жазони ўташ шароитларини анча яхшилаш, маҳкумларга муддатидан илгари озод бўлиш ҳуқуқини берадиган моддаларни кўпайтириш, жазони ўташ жойларида яшаш тартиби ва шаро-

итини сезиларли даражада енгиллаштириш имконини яратди.

Натижада жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларнинг улуши қамоқда сақланаётганлар сонига нисбатан анча кўпайди. Яъни, 1990 йилда манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 21 фоизни ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этади. Айни пайтда ушбу кўрсаткич, масалан, АҚШда — 715, Россияда — 584, Украинада —416, Қозоғистонда — 386, Қирғизистонда — 390, Эстонияда — 339 кишидан иборат.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларидан бири — ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди.

Халқимизнинг табиатига мос келадиган мана шундай усулдан фойдаланиш ўтган давр мобайнида 26 мингдан ортиқ кишини жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини берди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этар эканмиз, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини ҳам инкор эта ол-

маймиз. Бу муаммолар, биринчи галда, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан богликдир.

Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу, энг аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир.

Бугунги кунда жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келди.

Бошқа демократик давлатлар каби **Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак, деб ўйлайман.**

Бироқ, ушбу жараён ташкилий-ҳуқуқий масалаларни пухта ва жиддий тарзда ишлаб чиқишни ҳамда суд тизими ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органларининг ушбу ўзгартишларни киритиш учун зарур тайёргарликка эга бўлишини тақозо этади.

Суд-ҳуқуқ *тизимини либераллаштириш* борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир.

Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда.

Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди.

Эндиликда фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасддан одам ўлдирганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Айни вақтда қонунчилигимиз ўлим жазосининг хотинқизларга, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўлланилишини ман этади.

Бундан битта хулосага келиш мумкин — ушбу масала етилиб келмоқда ва уни ҳал қилиш лозим, лекин, бунинг учун, фикримизча, камида икки-уч йил вақт керак.

Биринчи навбатда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим, чунки бу-

ғунги кунда уларнинг кўпчилиги ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши. Иккинчидан, ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли жазони ўташга ҳукм қилинадиган шахслар учун тегишли жойлар қуриш керак.

Яна бир ўта муҳим масала — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг даражаси, унинг амалий самараси кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот, прокуратура ва суд органлари тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан боғликдир.

Яна бир масала. Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз, **тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак**. Минг афсуски, ўзимиз яхши қонун-

лар яратамиз-у, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз.

Тадбиркорлар фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.

Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар.

III. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир.

Бу борадаги асосий вазифа — мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат.

Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеа-

лар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади.

Шуни тан олиш керакки, биз мустабид тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва цензурасидан жуда катта қийинчилик билан халос бўляпмиз.

Ҳалигача журналистлар фаолиятида ўз-ўзини цензура қилиш, юқоридан буйруқ кутиш кайфиятлари сезилиб турибди.

Айни пайтда, шуни ҳам қайд этиш зарурки, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан — аввало, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак. Бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим.

Биз матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолатини *бозор муносабатлари, ахборот майдонида* соғлом рақобат тамойилларининг ривожланишида кўрамиз.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди тузиш фурсати етди, деб ўйлайман.

Бу фонднинг ташкил этилиши мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлай оладиган электрон, босма ва бошқа турдаги, шу жумладан, хусусий ахборот воситаларини ўз ичига олувчи давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлашга ёрдам берган бўлар эди. Лекин бу — оммавий ахборот воситалари фақат ушбу фонд маблағлари ҳисобидан фаолият юритади, деган гап эмас. Барчага аёнки, улар ўз фаолиятлари ҳисобидан вужудга келадиган молиявий манбаларга ҳам эга бўлиши лозим.

Ушбу фонднинг молиявий асосини ҳам ички, *ҳам ташқи, шунингдек, давлат ва нодавлат ти-*

жорат тузилмаларининг ҳомийлик маблағлари ташкил этмоғи керак.

Фонд маблағлари нафақат нодавлат электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлашга, айни пайтда журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш каби муҳим масалаларга ҳам йўналтирилиши даркор.

Бу иш, жумладан, мамлакатимиз ва хориждаги етакчи таълим муассасалари ва теле-радио журналистика марказларида малака ошириш, тренинглар ташкил этиш орқали амалга оширилиши лозим.

Иккинчидан, бугунги кунда давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, тижорат ва ҳудудий нодавлат теле-радиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш зарур.

A(J)cycKH, 6yryHrn Kyima BHJio^TJiap TejieKaHajiJia-pn Ba CTyflHajrapHHHHr MonjjHH-TexHHKa 6a3acH Ba yjiapjja HiujiaeTraH xo/iHMJiapHHHr Kac6 MaxppaTM x.ajiH-6epn 3aH4)JiHrHHa KpjiMOKJia.

YHJiaHMaHKH, X.03HprH ax60p0T, KOMMyHHKaUHfl Ba KOMnbiOTep TexHOJiorHHJiapn acpHjja, HHTepHeT KyiirtaH-KyHra xaeTHMH3HHHF 6ap*ia aca6x.ajiapHra To6opa uyicyp Ba KeHr KHPH6 6opaeTraH 6np naiiT-jja, oaaMJiapHHHT OHra Ba TacpaKKypH ynyH Kypaui xaji KHJiyBHH ax.aMH5iT Kac6 STaeTraH 6np Ba3H5rw 6y MacajianapHHHr xaMHHTHMH3 yqyH Haicajiap JJOJI-3ap6 Ba ycTyBop 6yjin6 6opaeTraHH xaKHjia ranu-pn6 yTHpHnira xpxaT flyK..

IV. Has6aTJj(arH yTa MyxHM Macajia — TaiuKH cnecaTHMH3HHHr yciyBop iiyHajiHHiJiapH xaKHJja xaM ajioxH.ua TyxTajinS yTMOK,«iHMaH.

ByryH xeu My6ojiaFacH3, Fypyp Ba HCJJTHXOP 6H-jiaH aHTHin MyMKHHKH, MycTaKHJUiHKKa apHiura-HHMH3flaH 6yeH yrraH TapnxaH KHCKa JiaBp *wmiia* MaMJiaKaTHMH3 jjyHe xaMxaMHATHjia y3HHHHr My-HOCH6 ypHHHH arajuiajjH.

y36eKHCTOHHHHr xaxpHJjarH o6py-3T>TH6opH K>KcajiH6 6opaeTraHH SHT aBBajro:

— K)pTHMH3Zia JjeMOKpaTHK Ba 6030P HKTHCOJJH-eTH HCJiox.OTjiapHHH aMajira ouiHpnui HaTHXcacHJja Kyjira KHpHTHJiaeTraH yjiKaH H>KO6HH y3rapnui-Jiapjja, yjiapHHHr xajiKapo xaM>KaMHflT TOMOHHjjaH 3i»THpo(J) 3THJiHuiHjj,a MyacaccaM 6yjiMOKJja;

— 6y — ,n;aBnaTHMH3HHHT xaxpH axnnra JIXIUH teatJiyM 6yjiraH, MHHTaKaMH3jj,a 6apicapopjiHK Ba X;H5(J)CH3JIHKHH MycTaxKaMJianrra KapaTHJiraH Tania66ycjiapHHHHr aMajiHH caMapacHjja y3 ncpo^a-CHHH TonMOKfla;

— Ba HHXOOT, 6y — MaMJiaKaTHMH3HHHT XaJIK.-apo cnecaT MaH/joHHjja OJIH6 6opaeTraH xap TOMOH-jiaMa nyxTa HuuiaHraH, uyicyp yftjiaHraH TauiKH cnecaTHHHHr HaTHxacH CH(paTHJj;a HaMoeH 6yJi-MOKn,a.

ByryH 6H3 2005 HHJI Ba KeHHHrn HHJiJiap yqyH MyjixcajiJiaHraH TauiiCH CHecaTHMH3HHHr ycTyBop HyHajiHiLiJiapHHH 6ejirHJiauijja 6y Macajiara jjyHejja Ba MHHTaK.aMH3Jj;a Byxyjjra KejiaeTraH MypaKKa6 Ba 3HJJJH5ITJIH Ba3H5ITHH HH06aTTa OJIH6, XaeTHH axaMHjrrra ara 6yjrraH MHJIJIHH MaH(paaTJiapHMH3 Ba MaMJiaKaTHMH3 XaB(pCH3JIHTHHH TaBMHHJiaHI HyK.-Tan Ha3apH/j;aH eHjiauiMOFHMH3 KepaK.

ByryH MaHa my K)KcaK MHH6apjjaH Typn6 aftT-MOKHHMaH: **aaBJiaTHMH3 TauiKH cnecaTHHHHr Mai>-Ho-Ma3MyHH ea MaKcaflH SnTTa — y xaM Syjica, Y36e-**KHCTOH **MaH(paaTH ea HHa 6np 6op Y36eKHCTOH MaH-(paaTHHHp**

BH3 MHJIJIHH MaH(paaTJiapHMH3 MOC KejianHraH 6apua MaMJiaKaTjiap 6njiaH (paoji x.aMKopjiHK KHJiHinra TaftepMH3. AHHH *namm* xajucapo xaeTHHHr MyaftaH npHHHHnHaji MacajiajiapH 6yHHia Kapaiu-jiapHMH3jja Ta(pOByT 6yjiraH jjaBJiaTJiap 6HJiaH xaM

очиқ мулоқот олиб боришга ҳозир эканлигимизни билдирамиз.

Биз халқаро муносабатларни мафкуралаштиришга бўлган ҳар қандай уринишга қатъиян қаршимиз.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз.

Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Фақат ўзининг тор миллий қобиғида қолиб кетмаган бозоргина хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жалб қилиб, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлай олади.

Минтақамиздаги ҳозирги мавжуд аҳволни реал ва холис баҳолар эканмиз, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш борасида давом этаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда, **минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганини ҳам тан олишга тўғри келади.**

Бу ерда жаҳондаги йирик давлатлар ва бизга қўшни мамлакатларнинг геостратегик манфаатлари мавжуд бўлиб, баъзида улар бир-бири би-

лан келишмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия ва минтақавий хавфсизликка нисбатан бошқа трансмиллий таҳдидлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Бугун Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатларини қаттиқ ташвишга солаётир.

Бироқ, бу иллатга қарши фақат гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарилаётган ҳудуд атрофида «хавфсизлик зона»сини ташкил этиш, жазолаш ва маъмурий чора-талбирларни кучайтириш билангина курашиш кифоя қилмайди.

Бу муаммони биринчи навбатда Афғонистон иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш, аҳолини тинч ва бунёдкорлик меҳнати билан банд этиш орқали ҳал қилиш мумкин ва лозим.

Бундай таҳдидларга қарши самарали чоралар кўриш, минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ бошқа вазифаларни фақат шу заминда жойлашган давлатларнинг фаол иштироки билан ҳал этиш мумкин.

Айнан шу боис бу ерда яшаётган халқларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологик характердаги умуммингақавий масалаларни сиш учун ўзаро ҳамжиҳатлик ва

амалий ҳаракатлар механизмини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада халқимиз асрлар давомида шаклланган "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган ҳаётий нақлга доимо амал қилиб келмоқда. Биз бундан буён ҳам шу тамойилга қатъий риоя қиламиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Биз бу нуфузли ташкилотнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳозирги замоннинг бошқа долзарб муаммоларини ҳал этиш борасидаги иштироки кенгайишидан манфаатдормиз.

Шу билан бирга, жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, шунингдек, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи —Хавфсизлик Кенгаши-

ни ислоҳ қилиш ва таркибини қайта кўриб чиқишни тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотини модернизация ва ислоҳ қилиш қанчалик зарур бўлмасин, биз бугунги кунда бу ташкилотнинг муқобили йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Биз Европа қитъасидаги **Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи** ва **НАТО** каби муҳим тузилмалар билан юртимизда демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа **йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади.**

Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ушбу ташкилотларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта.

Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар — АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради.

Биз Жанубий Корея Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг кўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатганмиз.

Бугунги купда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда. XXI аср вабоси бўлган ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг муросасиз курашини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватлайди.

Айни пайтда, биз фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни гаровга оладиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлаганмиз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, аввалambор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор.

Яъни, ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак.

Бугун мана шу минбарда туриб, яна бир бор таъкидламоқчиман: биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз — ислом дини билан боғлашдек хавфли ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва иғвогарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда «Ал-қоида» ёки «Ҳизбут-таҳрир» каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга қўл келади.

Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак — бугун ислом динининг ичида кескин қарама-қаршилик мавжуд. Шу муносабат билан бор куч ва салоҳиятни сафарбар этган ҳолда, маърифатли, багрикенг ислом динига мусулмонликни ниқоб қилиб олиб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга уринаётган жангари, мутаассиб кучларга қарши курашишда ёрдам бериш даркор.

Биз наркоагрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм учун ҳеч қандай «транзит» мамлакат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблаймиз. Ишончим комил, бундай тажовузкор кучлар билан «ўйин» қилиш, уларга қарши курашдан ўзини четга олишга ҳар қандай уриниш катта хатодир.

«Сен менга тегма — мен сенга тегмайман» деган ақидага асосланган тактика тобора хавфли тус олиб, аввалambор, шундай позицияда тур-

ган мамлакатларнинг ўзи учун ўта хатарли бўлиб бормоқда.

Бизнинг шунга ишончимиз комилки, Марказий Осиё нафақат ядровий, балки ҳар қандай бошқа оммавий қирғин қуроллари, чунончи, биологик ва кимёвий қуроллардан ҳам холи ҳудудга айланиши лозим.

Айниқса, халқаро терроризм бундай қуролларга эга бўлишга интилаётган бугунги кунда бу масала янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Минтақамиз шароитида ҳар бир давлат оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик режимига сўзсиз амал қилиши, икки хил мақсадда ишлатилувчи материаллар сақланадиган ва фойдаланиладиган объектларнинг хавфсизлик тизимини такомиллаштиришни таъминлаш тўғрисидаги мажбуриятни ўз зиммасига олиши даркор.

Боз устига, шубҳали ва ҳавойи иқтисодий манфаатларни кўзлайдиган айрим раҳбарларнинг бутун бир ҳудудларни жаҳоннинг ядро чиқиндилари ва заҳарловчи моддалар ахлатхонасига айлантириш учун уринишига йўл қўйиб бўлмайди.

Агарда бундай уринишлар амалга ошгудек бўлса, минтақанинг экологик тизими, ҳозирги пайтда шу заминда яшаётган одамлар ва келажак авлодлар соғлиғи учун ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкин.

Бугунги кунда минтақамизни деярли ҳамма томондан ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўраб турибди. Марказий Осиё ядровий таҳдидлардан ҳимояланган эмас.

Айнан шунинг учун Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш бўйича 1998 йилда бошланган ишларни охирига етказиш ва бу борадаги тегишли келишувларни кучга киритиш минтақамиз давлатлари ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи лозим.

Ўзбекистоннинг 2005 ва кейинги йиллардаги ташқи сиёсатининг асосий устувор вазифалари ана шулардан иборат.

V. Иқтисодий соҳадаги муҳим устувор вазифаларга тўхталишдан олдин 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий якунларини қисқача баён қилишга ижозат бергайсизлар.

Гарчи ўтган йил биз учун осон кечмаган бўлсада, 2004 йилда эришилган ютуқлар барчамизни қувонтиради.

Аввалambор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ислоҳот йиллари давомида ялпи ички маҳсулот илк бор 7,7 фоиз ўсди. Иқтисодиётнинг де-

ярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчил ривожланмоқда — саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга, жумладан, саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6 фоизга ўсди.

Иккинчидан, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш натижасида ислоҳот йиллари давомида биринчи марта инфляция даражаси энг паст — 3,7 фоиз бўлишига эришдик. Бу аҳолининг реал даромадлари ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди —2004 йилда бу кўрсаткич 15 фоизга ўсди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 10,1 фоизга ошди. Бошоқли дон экинларидан тахминан 5 миллион тоннага яқин ҳосил олинди. Кейинги йилларда биринчи марта пахта хом ашёси етиштиришда энг катта натижага эришилди — 3,5 миллион тонналик пахта хирмони бунёд этилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда, фермерлик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда.

Бугун республикамизда 85,5 минг фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва айнан улар ҳозирги кунда муҳим қишлоқ хўжалик экинларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айланмоқда.

Тўртинчидан, маҳсулот экспорти бўйича ҳам сезиларли натижалар қўлга киритилди -- унинг ҳажми 30 фоизга ошди. Шу билан бирга, экспорт таркиби сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Тайёр маҳсулотларнинг экспортдаги улуши 52 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасида жами 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди.

Бешинчидан, 2004 йилда мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тармоқ кўлами ҳамда ҳажми салмоқли даражада ўсди. Кичик бизнес корхоналари сони ўтган йилда 14 фоизга кўпайди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу 2003 йилга нисбатан 14 фоиз кўп демакдир. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортди ва 2004 йилда 35,6 фоизни ташкил этди.

Бу натижаларга эришишда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини кафолатлаш, уларни давлат рўйхатига олишнинг соддалаштирилган механизмини жорий қилиш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тартибини унификация қилиш, кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлди.

Олтинчидан, мамлакат реал иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Ўтган йили бу кўрсаткич 5,2 фоизга ўсди ва ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизини ташкил этди. Бунда марказлаштирилган манбалар улуши кескин камайди ва марказлаштирилмаган манбалар, аввало, корхоналарнинг ўз маблағлари улуши ошиб, жами инвестицияларнинг 43 фоиздан ортиғини ташкил этди.

Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш кескин — яъни, 1,5 баробар кўпайди. Айниқса, нефть, газ, тўқимачилик саноатида уларнинг улуши янада салмоқли бўлди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Ўз маблағларимиз ва жалб қилинган сармоялар ҳисобидан йирик саноат, коммуникация, инфратузилма объектлари ва бошқа иншоотлар бунёд этилди.

Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз, деб биламан. Бу йўналишда кўпгина салмоқли ишлар амалга оширилди.

Амударё узра узунлиги 681 метрлик замонавий автомобиль-темирйўл кўприги барпо этилди. Янги Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл магистрали қурилиши жадал суръатлар би-

лан давом этмоқда. Бу йўлнинг 57 километрлик Тошгузар — Деҳқонобод участкасида ўтган йили ишчи поездлар қатнови бошланди.

Тошкент — Самарқанд ва Тошкент —Ангрен йўналиши бўйича электр поездлар қатнови йўлга қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон йўллари кўплаб параметрлар бўйича халқаро андозалар ва замонавий талабларга жавоб беради.

Еттинчидан, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришга қаратилган маъмурий ислоҳотлар босқичма-босқич татбиқ этилмоқда ва ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Давлат бошқаруви органларининг вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос, ўз умрини яшаб бўлган ортиқча бўғин ва вазифалар, биринчи галда, тақсимлаш функциялари кескин тарзда қисқартирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ чегаралаб қўйилди.

Маъмурий ислоҳот жараёнида 20 га яқин давлат бошқаруви органи қайта ташкил этилди ва 40 мингдан ортиқ штат бирлиги тугатилди ёки бошқарув ходимлари сони 22 фоизга қисқартирилди.

Моддий ресурсларни турли квоталар, лимитлар ва разнарядкалар асосида тақсимлашнинг эски тузумдан мерос бўлиб қолган марказлаш-

тирилган тизимига барҳам берилди. Товар-хом ашё биржалари фаолияти тубдан ўзгартирилди.

Маҳсулотларнинг катта қисми, жумладан, юқори ликвидли ва харидоргир товарлар — пахта толаси, линт, бензин, дизель ёнилғиси, минерал ўғитлар, ўсимлик ёғи, ун каби маҳсулотлар бугунги кунда биржа савдолари орқали сотилмоқда.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистонда бўлган Халқаро валюта фонди миссияси 2004 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга юқори баҳо берди. Хусусан, миссия ўз меморандумида 2004 йил Ўзбекистон учун туб иқтисодий ўзгаришлар жараёнининг муҳим бурилиш даври бўлганини қайд этди.

Айниқса, юқори иқтисодий натижаларга эришилгани, бюджет кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилгани, иқтисодий ислоҳотлар жараёни жадаллаштирилгани, жумладан, кенг кўламли хусусийлаштириш ишлари амалга оширилгани, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги ширкатлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилгани, маъмурий ислоҳотлар ўтказилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро валюта фонди миссияси Ўзбекистон ҳукуматининг макроиқтисодий дастури ва 2005

йилда амалга ошириш мўлжалланган таркибий ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини баён этди.

2004 йил якунларига кўра «Наследие» фонди ва «Уолл стрит жорнэл» томонидан тайёрланган ҳамда машҳур «Вашингтон таймс» газетасида чоп этилган Иқтисодий эркинлик индекси бўйича Ўзбекистоннинг жаҳондаги сезиларли тараққиётга эришган ўнта давлат қаторига киритилгани бизга катта мамнуният бағишлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Энди, ижозатингиз билан, 2005 йилда **иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.**

Асосий устувор вазифа аввалгидек —бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат.

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда.

Бу борада ҳам жуда кўп ечилмаган муаммолар бор. Яъни, эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг

иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этишимиз зарур.

Бу йўналишда кўп ишлар қилинди, аммо яқин вақт ичида ҳал қилишимиз лозим бўлган масалалар ҳам оз эмас. Ана шундай масалалардан бирига сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бугун мамлакатимизда аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб боришни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ишлаб чиқаришнинг жадал модернизация қилиниши, замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорини сифатли ва рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Бу вазифани ҳал этишда инфляция даражасини пасайтиришга эришганимиз, пул массаси назорат қилинаётгани, миллий валютамиз — сўмнинг конвертацияси ва барқарор курси асосий омил бўлмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли даромадларининг ўсиши унинг харид қобилиятини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва мамлакатда бар-

қарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Лекин, шуни унутмаслик керакки, аҳоли даромадларининг ўсиши нарх-навонинг кўтарилишига, яъни инфляцияга олиб келмаслиги лозим. Бунинг учун эса пул маблағларини, биринчи навбатда, нақд пулни банк айланмасига жалб этиш бўйича чора-тадбирлар комплекси ва механизмини амалга ошириш зарур. Шу билан бирга, аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ва сервиснинг ҳажми ҳамда турларини кескин кўпайтиришга эришиш лозим.

Бу борада уй-жой қурилишини рағбатлантириш, молиявий оқимни йўналтириш мумкин бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган самарали уй-жой бозорини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Тижорат банклари аҳолининг ўз пул маблағларини депозитларда, айниқса, узоқ муддатли депозитларда сақлашдан манфаатдорлигини кучайтириш учун жиддий ишлашларига тўғри келади.

Иккинчи устувор вазифа — хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш.

Кейинги йилларда республика ҳукумати томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида хусусий бизнес фаолият кўрсатаётган

макроиқтисодиёт ва тадбиркорлик муҳити анча яхшиланди. Буни мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам, хорижий экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Бироқ, бу борада барча муаммолар ҳал қилинди, деб айтишга ҳали эрта.

Бу соҳадаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бўлгани каби, бизда ҳам текширишлар натижалари бўйича молиявий ва маъмурий жазоларни (мисол учун, хўжалик субъекти фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадиган катта миқдорда жарима солиш, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳисоб рақамидан фойдаланишни тақиқлаш ва ҳоказоларни) фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш вақти етди.

Иккинчидан, хўжалик субъектларига нисбатан қўлланадиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқишнинг ҳам фурсати келди. Қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

Шу муносабат билан Адлия, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари тез муддатда манфаатдор тузилмалар билан биргаликда хусусий тадбиркорлик учун ана шундай кафолатлар яратишга қаратилган таклифларни киритишлари лозим.

Учинчидан, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади.

Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Учинчи муҳим устувор вазифа — кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат.

Биз 2007 йилга келиб кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Шу мақсадда Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия ва Адлия вазирликлари Савдо-саноат палатасини, бошқа манфаатдор тузилмаларни жалб қилган ҳолда, кичик бизнес учун қўшимча кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини тайёрлаши лозим. Бунда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши зарур:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошкора, соддалаштирилган усулларини ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш

билан шуғулланадиган янги кичик корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларида касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Шу ўринда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғли катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол тасдиқлади.

Биз зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш борасида яқинда қабул қилинган, 2005—2007 йилларда 1100 та, жумладан, бу йил 406 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш вазифаси белгиланган янги дастур ижросини қатъий назоратга олишимиз даркор.

Бу масалада ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳим-

дир. Бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим.

Фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш жараёнини тезлаштириш зарур.

Фермерларга бўлгуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш керак. Ва энг муҳими — барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариши юзасидан қатъий интизом ўрнатилиши даркор.

Тўртинчи устувор вазифа — банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш.

Гап молия ва банк тузилмаларининг қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасининг барқарорлигини, миллий валютамиз ва унинг алмашув курси мустаҳкамлигини сақлашдаги масъулиятини ошириш ҳақида бормоқда.

Гап банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш ва маблағларини инвестиция мақсадларига, биринчи навбатда, реал иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўриш ҳақида бормоқда.

Банк айланмасидан ҳали-бери четда қолаётган салмоқли молия маблағлари ва пул оқимла-

рини ушбу тизимга жалб қилиш учун аниқ ва қатъий чоралар кўриш лозим.

Юксак ривожланган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаларини синчиклаб, янада кенг ўрганиш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини оширишга эришиш керак.

Бу вазифа кўплаб низом ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишни, аввало, банк хизматчиларининг масъулияти ва маданиятини оширишни тақозо этади.

Навбатдаги устувор вазифа — уй-жой-коммуиал хўжалигини ислоҳ қилишга ниҳоятда жиддий эътибор қаратишдан иборат.

Коммунал хизматлар, айниқса, иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув истеъмолини ҳисобга оладиган асбоб-ускуналарнинг етарли даражада эмаслиги ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу эса ана шу ресурсларнинг кўплаб исроф бўлишига, тарифларнинг асоссиз ўсишига, аҳоли қарздорлигининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шуни тан олиш керакки, бизда коммунал тармоқлардан самарали фойдаланиш тизими, бу тармоқларни капитал тарзда алмаштириш ва модернизациялаш, умуман олганда, аҳолига ком-

мунал-маиший хизмат кўрсатишнинг таъсирчан механизми амалда яратилмаган.

Кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш иши мутлақо қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари турар-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш ишидан умуман бехабар бўлган, тасодифий кишиларга топшириб қўйилган.

Уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланиш ва уни сақлаш борасида ҳам бозор механизми амалда шакллантирилмаган. Буларнинг барчаси ҳақли равишда аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда, мавжуд муаммолар эса шошма-шошарлик билан, юзаки ҳал қилинмоқда.

Бундай ҳолат учун, аввало, ҳукумат, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги жавобгардир. Мавжуд аҳволни ўнглаш учун кўп ишларни бошидан бошлашга тўғри келади.

Қисқа муддатда уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган кенг кўламли Дастур тайёрлаш, унинг ижроси бўйича барча қатъий чораларни кўриш даркор.

Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири — солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. Айтиш жоизки, юқорида зикр этилган устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ.

Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб бўлмайди. 1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб бермайди.

Фақат сўнгги икки йил давомида Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилигига юздан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳам шундан далолат беради.

Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илгор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим.

Шунга эришмогимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромалларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин.

Бугун ҳаётнинг ўзи солиқлар адресли бўлишини тақозо этмоқда. Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор. Бу ўринда асосий юк табиий, минерал-хом ашё, ер-сув ва бошқа захиралардан тежамкорлик билан ва оқилона фойда-

ланишни рағбатлантирувчи ресурс солиқларига тушиши лозим.

Солиқ органларини ташкил этишнинг бутун тизимида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур.

Бу идораларнинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки, энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир.

Шу муносабат билан Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатасини жалб қилган ҳолда, амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тайёрлашлари ва тасдиқлаш учун киритишлари зарур.

Биз бугун мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизга қўяётган ва ўз татбигини кутаётган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифалар асосан мана шулардан иборат.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида икки палатали парламентнинг фаолият юритиши барчамизнинг олдимизга янги талаблар қўяди, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Депутатларнинг Қонунчилик палатасида доимий ва профессионал асосда ишлаши, биз учун мутлақо янги, тажрибамизда синалмаган фаолият шаклидир. Шу маънода, қонунчилик ҳокимиятини бундай шаклда, бундай асосда ташкил қилиш барчамиздан нечоғли сафарбарликни талаб этишини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Айни пайтда бу юқори палата — Сенатда ҳам мутлақо янги бўлган ишни ҳар тарафлама ўзлаштириб олишимизни талаб қилади.

Энг муҳими, парламентимизнинг қуйи ва юқори палаталарининг бир-бирини тушуниб, баҳамжиҳат, самарали ишлашини таъминлаш учун икки томондан ҳам ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат кўрсатиш кераклигини ҳаммамиз яхши англаймиз, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапирганда, бир томондан, мен барчамиз олдимизда турган вазифа нақадар мураккаб ва масъулиятли эканини чуқур ҳис қилишимиз лозимлигини, бизнинг ишимизни нафақат сайловчилар, нафақат халқимиз, балки кўп-кўп

мамлакатларнинг жамоатчилиги ҳам диққат билан кузатиб боришини таъкидламоқчиман.

Иккинчи томондан эса, муҳтарам депутатлар ва сенаторлар, бугун сизларнинг барчангизга мурожаат қилиб, масъулиятли фаолиятингизга бардам ва тетик кайфият билан, ўз кучингиз ва эртанги кунга ишонч билан қараган ҳолда киришишингизни тилайман.

Шуни асло унутмаслигимиз керак — биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, депутатлик фаолиятингизда янги куч-гайрат ва муваффақиятлар, оилавий ҳаётингизда бахт ва фаровонлик ёр бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси ва Сенатининг қўшма
мажлисидаги маъруза,
2005 йил 28 январь

ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 7 февраль куни Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари ушбу мажлисда нутқ сўзлаб, Ўзбекистон ҳукуматининг 2005 йил ва келгуси даврдаги асосий вазифалари, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирлик ва идоралар ишини янгича асосда самарали ташкил этиш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида атрофлича фикр юритди.

Қуйида ана шу нутқ матни эълон қилинмоқда.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Ҳаммангизга маълумки, Конституциямизга асосан шу йилнинг 28 январь куни Бош вазир ва ҳукуматимиз янги сайланган парламент олдида ўз ваколатини зиммасидан соқит қилди. Шундан сўнг парламентнинг қуйи ва юқори палаталари Бош вазир номзодини тасдиқлади, ҳукумат аъзоларининг таркиби эса 4 февралдаги Президент фармони билан тасдиқланди.

Бугун Президентнинг Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан биринчи учрашувини ўтказишдан мақсад ҳукуматимизнинг жорий йил ва келгуси даврдаги асосий вазифалари ҳақида қисқача фикр алмашиб олишдан иборат.

Аввалambор, муҳим бир масалани аниқлаб олишимиз керак. Янги ҳукумат, унинг таркибида иш бошлаётган ҳар қайси вазир, Вазирлар Маҳкамасининг комплексларини бошқарадиган Бош вазир ўринбосарлари ва уларнинг барчасига раҳбарлик қилиб, бошини қовуштириб турадиган Бош вазирнинг ўзи ана шу вазифа ва йўналишларни, уларнинг устувор жиҳатларини қандай тушунади ва уларни қандай бажармоқчи, ишни нимадан бошламоқчи?

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида 2005 йил ва келгуси йилларда олдимизда турган асосий ва устувор йўналишлар ҳақидаги Президент маърузасида бош вазифа — жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида либераллаштириш, яъни, эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришдан иборат экани аниқ белгилаб берилди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунларига бағишлаб 18 февраль куни ўтказиш мўлжалланаётган мажлисининг

кун тартибига, ислоҳотларни амалга ошириш ва эркинлаштириш жараёнларига нималар, қандай муаммолар ғов-тўсиқ бўлиб турибди, деган савол асосий масала қилиб қўйилгани албатта бежиз эмас. Бунинг замирида катта маъно бор.

Эътибор берган бўлсангиз, биз илгари масалани жорий йилда олдимизда турган вазифаларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат ва уларни тез кунда бажариш шарт, деган мазмунда қўяр эдик. Бугун эса, кун тартибидаги масала мутлақо бошқача тарзда, аниқ ва лўнда қилиб қўйилмоқда.

Биз мустақил тараққиёт йўлида ўн тўрт йилдан буён кенг кўламли ислоҳотларни изчиллик билан олиб бормоқдамиз. Бу борада биз танлаган модель, жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари амалда ўзини оқлаганини кўп-кўп мисолларда кўришимиз қийин эмас. Бу — ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатдир.

Шу маънода, биз охирги йиллар, жумладан, 2004 йилда эришган ютуқларнинг асосий омили нимада, деб сўраса, мен, бу ютуқларнинг замини — жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларда, ислоҳотларнинг маъноси, самараси эса эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқ, деб жавоб берган бўлардим.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузада ана шу устувор мақсад ва вазифаларнинг барчаси аниқланиб, уларнинг бугунги ва келгуси ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди. Лекин шу борада бир нарсани таажжуб билан қайд этишга тўғри келади.

Ушбу маърузада баён этилган масалалар — босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаш, олдимизда турган энг муҳим ва етакчи вазифаларни белгилашда мана шу срда ўтирган ҳукумат аъзоларининг ҳиссаси ва улуши қандай бўлди, деган саволга, афсуски, ижобий жавоб бериб бўлмайди.

Табиий савол туғилади: бу маърузада қўйилган устувор вазифаларга юртимиз жамоатчилиги, керак бўлса, халқаро миқёсдаги эксперт ва кузатувчилар, ҳатто бизга танқидий кўз билан қарайдиган мамлакатларнинг мутахассислари ҳам алоҳида эътибор бериб, агарки бу ғоялар амалга оширилса, Ўзбекистон ўзининг кўзлаган мақсадларига албатта эришади, деган фикрларни матбуот ва телевидениедаги чиқишларида очиқ айтаётган бир пайтда бу масалаларга бевосита дахлдор ва масъул бўлган шахсларнинг бундай пассив қарашларини қандай тушуниш мумкин?

Юртимизнинг бугунги куни ва истиқболини ўйлаб яшайдиган одамлар бу маърузада илгари

сурилган мақсадларни тўғри англаб, қўллаб-қувватламоқда. Ҳаётимизни юқори босқичга кўтаришга қаратилган бу янги вазифалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидламоқда. Нега десанда, биз мамлакатимизни модернизация қилиш, барча соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш, эркинлаштириш жараёнларини изчил давом эттирмас эканмиз, бир жойда депсиниб, гақа-тақ тўхтаб қолишимиз, ҳаттоки, кечаги кунга қайтишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

Шу сабабли мен бу масаланинг нақадар муҳим ва долзарблигини яна бир бор таъкидлаб, сизлардаи сўрамоқчиман: бу жараёнга бугун ҳар қайсингиз ўз соҳангизда қандай амалий ҳисса қўшяпсиз?

Масалани айнан шундай қўйишни ўринли, деб биламаи.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Ҳозирги кунда ҳаётимизда ўз ечимини кутаётган қанчадан-қанча муаммолар, аввало, жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш, халқимизнинг оғирини енгиллатиш йўлида ғов-тўсиқ бўлиб турган салбий ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Айниқса, аҳолини иш ва даромад билан таъминлаш, одамларимизнинг бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаёт кечириши учун шароит туғдириб бериш каби қатор долзарб масалаларнинг жойларда ҳанузгача ҳал бўлмай келаётганини таъкидлаш лозим.

Жумладан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг таъминоти ва ижтимоий муаммоларни ечиш сингари муҳим масалаларга беписандлик билан қараш, қонунбузарлик, тамагирлик, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турганини, бундай салбий кўринишларни қонун асосида бартараф этиш ҳақида ҳали кўп бош қотириш кераклигини шу залда ўтирганларнинг барчаси яхши билади, деб ўйлайман.

Умуман, ҳукумат ва унинг аъзолари зиммасига юкланган қайси масалаларни олмайлик — бу иқтисодиётимизга ва хўжалик субъектларига ҳар томонлама эркинлик бериш бўладими, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш бўладими, хусусийлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни монополиядан холи қилиш ва соғлом рақобатни ташкил этиш бўладими, қўшни давлатлар ва хорижий ҳамкорларимиз билан иқтисодий муносабатлар, савдо-сотиқ масалалари бўладими, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш ёки бандлик ва ижтимоий муҳофаза масалалари бўладими — уларнинг барчасида мавжуд муаммоларни ечиш учун, очиқ тан олиш керак, кўпчилик раҳбарларда масъулият, қатъият ва азму шижоат етишмаслигини кўриш қийин эмас.

Бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларининг тўлақонли бажарилиши учун, менинг фикрим бўйича, аввалambор, иккита нарсани талаб қилиш керак.

Биринчи талаб — ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Бизда баъзи вазирлар борки, йил давомида бирон нарсани сўрамасангиз, ўзича ҳеч қандай таклиф ва ташаббус билан чиқмайди. Уларнинг хаёлида бир *гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним* ўтса бўлди. Бу энг номаъқул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир.

Иккинчи масала — ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт. Рус тилида буни «компетентность» дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш — бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак.

Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу иккита талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни, масъулият

масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди.

Бугун халқимиз, жамоатчилигимиз сайлов пайтида ва ундан кейин айтилган шунча яхши гаплар, шунча ваъда ва даъватлардан сўнг, мана, сайлов ўтди, қанча одам депутат, қанчаси сенатор бўлди, ҳукумат аъзолари тасдиқланди, энди ҳаётимизда албатта янги ўзгаришлар бўлади, деган ишонч билан яшамоқда. Узоқ Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ёки Қорақалпоғистондами — шу заминда яшаётган барча юртдошларимизнинг кўнглида шундай ишонч бор.

Бизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифа — эл-юртимизнинг ана шу ишончига муносиб бўлиш, одамларнинг ҳаётини амалий ишлар билан яхшилашдан иборат.

Биз раҳбарлар бир нарсани қулоғимизга қўрғошиндай қуйиб олишимиз керак. Агарки, бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оилавий аҳволида, рўзғор тебратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий ҳол.

Шунинг учун ҳам биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, раҳбарлик ишимизнинг сама-

раси ва маҳсули охир-оқибатда ана шундай мезон билан ўлчанади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар шу мезон асосида баҳо берадиган бўлсак, шуни ҳам афсус билан тан олишга тўғри келади — бугун замон шиддат билан ўзгаряпти, аммо бизнинг онгимиз, дунёқарашимиз жуда секинлик билан ўзгаряпти. Мени ташвишга соладиган, керак бўлса, қийнайдиган оғир муаммо ана шу.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозирги кунда биз турли қийинчиликларни бошимиздан кечиряпмиз, ҳали ечилмаган муаммоларимиз ҳам кўп. Лекин, инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат борки, агар ўзимиз жон куйдирмасак, ўзимиз ишламасак, ҳеч ким четдан келиб бизнинг ўрнимизга ишламайди, бу муаммоларни ҳал қилиб бермайди.

Бу масалаларнинг асосий ечими эса, ҳеч шубҳасиз, юртимизда бошланган ислоҳотлар ва эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказишдан иборат.

Содда қилиб айтадиган бўлсак, эркинлаштириш дегани — бу қўл-оёғимизни кишан каби боғлаб турган ҳар қандай тўсиқлардан бутунлай халос бўлиш дегани. Аслида иқтисодиётга нисбатан ишлатилган бу сўз бугунги кунда суд-ҳуқуқ масаласи бўладими, давлат ва жамият қурили-

ши ёки фуқаролик идораларини шакллантириш бўладими, оммавий ахборот воситалари ёки инсон ҳуқуқлари бўладими, жамиятимизнинг барча соҳасига дахлдор бўлган ғоят муҳим масалага айланмоқда.

Эркинлаштириш жараёнлари аввало иқтисодиётда, биринчи галда, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Айниқса, одамларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши учун, ўз кучига, ақл-заковатига ишониб яшаши учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Лекин савол туғилади: бугун бу жараённи янада чуқурлаштириш учун нималар тўсиқ бўлмоқда?

Очиқ айтишим керак — бунга аввалambор бюрократик аппарат тўсқинлик қилмоқда.

Мана, мисол учун, қишлоқ туманларидан бирида фаолият кўрсатаётган ҳокимнинг фаолиятини олайлик. Аслида бу масала ҳаммангизга тегишли. Шу ҳоким фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, бу соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни ер билан, кредит ресурслари билан таъминлаш, мухтасар айтганда, фермер хўжаликларининг мустақил оёққа туриб олишига имконият яратиб бериш учун қай даражада жон куйдиради? Айтинглар, шундай шароит туғдириб бермасдан туриб, бирон-бир давлатда бу соҳа ривожланганми ўзи? Дунёда бундай тажриба йўқ.

Ҳозирги пайтда республикамизда 159 та қишлоқ тумани бор ва уларнинг ҳар бири учун фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳаётнинг энг муҳим талаби бўлиб турибди. Бу соҳада олдимиздаги асосий мақсад ҳам шундан иборат. Чунки эски колхоз ва совхозларнинг даври аллақачон ўтиб бўлганидек, бугунги ширкатларнинг ҳам даври ўтиб бормоқда.

Модомики, фермерлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усули экан, бу ҳаракатга кенг йўл очиб бериш, фермерларни мулк эгасига айлантириш, масъулиятини ошириш, ерни уларга 50—100 йиллик муддатга ижарага бериш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали бу мақсадга эришиш мумкин.

Шуларнинг ҳаммасини инобатга оладиган бўлсак, биз фермер хўжаликларини, таъбир жоиз бўлса, бамисоли ёш боладек асраб-авайлаб тарбиялашимиз лозим. Майли, буларнинг орасида 10—15 фоиз номига фермерлик қиладигани ҳам бўлсин. Улар ерни олади-ю, ерёнғоқ, қовун-тарвуз экиб, уни фақат ўз манфаати учун ишлатади. Шартномага амал қилмайдиган бундай фермерларга нисбатан эса қонун асосида иш олиб бориш даркор.

Айтайлик, ер бир йил ҳосил бермаслиги мумкин. Шундай ҳолатда унинг эгасини секин чақириб, сабабини аниқлаш лозим. Агарда ижарага

олинган ер икки-уч йил узлуксиз ўз харажатини оқламаса, фермер уни қайтариб топшириши керак. Буларнинг ҳаммаси қонунда акс эттирилган. Фермерликни эплолмаганлар бориб бошқа иш топсин. Нега деганда, шуни ҳам айтиш керакки, дангасалар ҳеч қачон фермер бўлолмайди.

Бугунги кунда ҳокимлар бу ўта муҳим масалага айнан мана шундай кўз билан қараши даркор. Лекин амалда нима бўляпти? Кўпчилик жойларда фермерлик ниқоби остида ерни биринчи навбатда ўз қариндош-уруғларига бериш ҳаракатлари учрамоқда. Шундай сохта "фермер"ларга сувга яқин, ҳосилдор, сифатли ерлар бериляпти. Уларга бошқа масалаларда ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Албатта, шундан кейин адолат бузилади, шундан кейин фермерлар нафақат ҳокимга, балки давлатга ҳам ишонмай қўяди.

Хўш, бундай ҳокимларга давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган шахс деб баҳо бериш мумкинми? Албатта, қонунни менсимасдан, ўз манфаатини устун қўядиган мансабдорларга нисбатан тегишли чораларни қўллаш — ўз йўли билан, лекин жамиятимизда илдиз отаётган бундай иллат, бундай кайфият билан биз асло муроса қилолмаймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, биз учун устувор вазифа бўлган фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида мунтазам иш

олиб бориш, бу борада таъсирчан ва самарали механизмларни қўллаш керак. Масалан, ўтган йили қарздор бўлиб қолган фермерлардан қарзлар ундириб олинди. Чунки фермер шартнома режасини бажармасдан, давлат манфаатига беписанд қарайдиган бўлса, бу албатта яхшиликка олиб келмайди.

Афсуски, кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги соҳасида катта лавозимда ўтирган айрим собиқ амалдорлар ҳокимларни ёмон бир одатга ўргатиб қўйган. Яъни, «фишка» деган қонунсиз кўрсатмаларни жорий қилиб, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари учун олдиндан ҳисоб-китоб қилмасдан, бу моддий ресурсларни хўжаликларга бериб юбораверган. Ҳосил топшириш вақти келганда эса, бу йил баҳор серёгин келди, ёзда сув етишмади, ғўзани дўл ёки сел уриб кетди, деган баҳоналар рўкач қилинаверган. Ана шундай раҳбарлар ва жойлардаги ҳокимлар, кузда битта ёмғир ёғса, қанийди, деб худога ёлвориб юради, чунки номига бир томчи ёғса, ўз айбини ёпиш учун уларга баҳона топилади.

Оқибатда минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий воситалар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарган, етказиб берган заводларда ишчиларга ойлик йўқ, у ёқда дебиторлик, бу ёқда кредиторлик қарзлари кўпайиб кетган.

Энг ёмони, бундай раҳбарлар йил охирида, шунча қарзни нима қилиш керак, мана шу ҳужжатга имзо чекинг, давлат шундан воз кечсин, деб келади, келаверади. Минг афсуски, бундай пайтда юқори ҳукумат мансабида ўтирган айрим шахслар бу масалада старли даражада масъулият кўрсатмайди ва бунинг натижасида давлатга жуда катта зарар етади.

Шунинг учун ҳам мен бугун масъулиятни ошириш масаласини биринчи талаб сифатида сизларнинг олдингизга кескин қилиб қўймоқдаман.

Ҳозирги кунда республикада мингдан зиёд ширкат хўжалиги бўлса, уларнинг аксарияти қарзга ботган. Бу муаммони ечиш учун нима қилиш керак? Аввало қарзни узиш керак. Қарзини узмаса, уларга яна бир йилга олдиндан минерал ўғит, ёнилғи, уруғлик бериш керак бўлади. Бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлган бундай ҳолатлар учун биз одатда ана шу моддий ресурсларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиганларни айбдор қиламиз. Лекин бу иллатнинг шунчалик томир отиб кетишига фақат шулар жавобгарми? Юқорида ўтириб, шу ишларга рухсат берастганлар-чи?

Мана шундай номаъқул ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун бошқарув соҳасида, аввалambор, самарали ишлайдиган изчил система, тизимни шакллантириш керак. Ва бу тизим шун-

дай ишлаши керакки, **бордию бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланадиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур.**

Жамиятда ана шундай қараш, ана шундай тушунча шаклланган тақдирдагина қонунга итоат қилиб яшаш ҳаётий меъёрга айланади, қонун устуворлиги сўзда эмас, амалда таъминланади.

Шу муносабат билан мен ҳуқуқ-тартибот органлари ва олимларимиздан, қандай қилиб шундай тизимни вужудга келтириш мумкин, *қандай қилсак, қонунга итоат қилмайдиганлар* сўзсиз жазога тортиладиган бўлади, нима ҳисобидан аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишимиз керак, деб сўрамоқчиман.

Шу масала юзасидан мутасадди давлат ва ҳукумат идоралари тегишли таклифларни тайёрлаши лозим. Ушбу таклифларда бу мақсадга эришиш учун қайси қонунларни ўзгартириш, қандай янги қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш кераклиги ўз ифодасини топиши зарур.

Агар Ғарб давлатларининг биздан устунлиги нимада, деб сўраса, мен, қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигида, деб айтган бўлардим.

Бизда эса кимдир қонунни бузса, айтайлик, солиқни ўз вақтида тўламаса, кечирамиз. Боз устига, солиқчи текшириб келса, айбдор унинг чўнтагига бир нарса солса, бўлди — олам гулистон.

Мана шундай иллатга чек қўйиш учун солиқ идораларидаги раҳбарларни тумандан туманга тез-тез алмаштириб туриш тажрибасини кенг қўллаш зарур, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу — давлат ходимларини лавозимга танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ.

Бу ҳақда гапирганда, кўп учрайдиган нохуш бир ҳолатни таассуф билан айтишга мажбурман. Масалан, бир номзодга ишонч билдириб, уни вазирлик лавозимига қўямиз. Ярим йил-бир йил ўтгач, қани, ишларингизни бир кўрайлик, деб, у бошқараётган соҳанинг аҳволи билан қизиқсангиз, ҳар қайси бўлим ёки тармоққа, бошқарув ишига ўзининг таниш-билишлари, қариндошларини, бир пайтлар Ғаллаоролдами ёки бошқа жойдами, бирга ишлаган оғайнисини қўйган бўлиб чиқади. Яъни, маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик касалига дучор бўлади.

Қачонки, биз кадрлар масаласининг ишимизга энг катта зиён етказадиган мана шундай салбий

томонларини бартараф эта олсак, кўп муаммоларни ечишга имкон тугилади. Бизнинг асосий вазифамиз қаерда шундай касаллик пайдо бўлди, қаерда илдиз отди — шуни аниқлаб, ўз вақтида чорасини кўришдан иборат. Бордию касаллик кучайиб кетса, *уни жарроҳлик йўли билан кесиб* ташлаш, лўнда қилиб айтганда, нопок ва ноқобил кадрлардан воз кечишдан бошқа илож қолмайди. Чунки битта бемаза раҳбар нафақат ишни барбод қилиши, балки минглаб инсонларнинг *ҳаётини бузиши мумкин.*

Шуни таъкидлаш зарурки, давлат хизматчилари орасида коррупцияга, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатларига қарши доимий кураш олиб борилянти. Қонунни бузган, жиноятга қўл урган нопок ходимларни ҳуқуқ-тартибот идоралари вақтида ушлаб, жазосини беряпти. Лекин бу масалада олиб борилаётган ишлар мутлақо етарли эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Ҳаммангизга маълумки, бизда давлат — бош ислоҳотчи деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсак, *асосий ислоҳотчи давлат ходими* бўлиши керак. **Ҳозирги кунда ислоҳотлар тақдирини энг аввало давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт.**

Муҳтарам дўстлар!

Бугун сизлар Ўзбекистон ҳукуматининг янги аъзолари этиб тасдиқландингиз. Мен сизларни билдирилган бундай ишонч билан табриклаш билан бирга, огоҳлантириб ҳам қўймоқчиман. Буни ҳаммангиз тўғри тушунасиз, деб умид қиламан. Огоҳлантириш шундан иборатки, бу ишончни оқлай олмасдан, қандайдир лоқайд, бепарво бўлиб юриш, сезгирликни, ташаббускорликни йўқотиш сизларга ярашмаслигини, энг муҳими, мендан кетгунча — эгасига етгунча, деган касалликдан бутунлай жудо бўлиш вақти келганини эсингиздан чиқарманг.

Мен юқорида ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги ҳақида ўз фикримни, керак бўлса, танқидий гапларни ҳам очиқ билдирдим. Шундан хулоса — гўёки ҳаётда ҳеч нарса ўзгармагандек, яна эскича ишлайверараман, деганлар қаттиқ хато қилади.

Нега деганда, бугун биз барпо этаётган янги ҳаётни — фаровон ва эркин жамиятни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Сафларимизни ана шундай одамлардан ўз вақтида тозалаш, давлат аппаратининг бутун кучи, имконият ва салоҳиятини шу йўлда сафарбар этиш — бу Президент сифатида менинг асосий бурчимдир.

Бугун барчангиз янги вазифага киришар экансиз, бошиданоқ масъулиятни сезиб, масалани қаттиқ ва принципиал қўйишингиз зарур. Аввало, масалани ечиб бериш, кейин шу бўйича ижросини талаб қилиш лозим.

Айтиш мумкинки, ҳар қайси вазирлик бу — ўзига хос бир штаб. Штаб дегани эса вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил этадиган, мавжуд хавф-хатарларни аниқлаб, жорий ва истиқбол режаларини тузадиган, шу мақсадда конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган марказдир.

Мен ҳар қайси вазирликнинг ўз ишига мана шундай қарашини талаб қиламан. Қўлингизда ишлаётганлардан қайси бири талабга жавоб бермайдиган бўлса, тегишли муддатда шу тўғрида ўз таклифларингизни билдиринг.

Мен аввало ташкилий ишлар, кадрлар масаласини назарда тутяпман. Қайси вазирликда ходимларни кўпайтириш, қўшимча штат бериш керак? Буни ҳам асослаб, таклифларингизни беринг. Қайси вазирликда кимни алмаштириш керак бўлса, буни ҳам сўранг. Майли, бу масалаларни ечишни мен ўзимга оламан. Чунки, кўпчилигингиз кимнидир жойидан қўзғатишдан қўрқасиз. Ишга тайинласангиз, ўз номингиздан тайинлайсиз, лекин ишдан олсангиз, нима қиласиз — юқоридан, яъни Президентдан шундай буйруқ

бўлди, дейсиз. Эй, ака, энди хафа бўлмайсиз, менга буюрса, ишингизни давом эттирсангиз бўларди, лекин на илож, тепадан тушган буйруқни бажариш керак, дейсиз.

Аслида, қандай раҳбар қўл остидаги кишилардан қўрқади? Кимнингки, бир муттаҳамчилиги бўлса, тили қисиқ жойи бўлса, ўша одам қўрқади ва бундай жойда соғлом муҳит бўлмайди.

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммангизга маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузада Конституциямизга киритилган ўзгартишлар бўйича, Президент зиммасидаги айрим вазифалар нафақат Сенатга, балки ҳукуматга ҳам берилгани баён этилди.

Мана шу масалаларга аниқлик киритиш учун мен 5 февраль куни бир фармойишга имзо чекдим. Ана шу ҳужжатда Вазирлар Маҳкамасига юкланган қандай вазифалар Президент билан албатта келишув асосида ҳал қилиниши, қайси масалаларни ҳукумат ўзи ечиши, умуман бу борада ишни ташкил этиш принциплари аниқ-равшан кўрсатилган.

Мисол учун, Ташқи ишлар ёки Мудофаа вазирлигининг вазифаси бўладими, хавфсизликни таъминлаш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идо-

ролар фаолияти бўладими, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш масаласи бўладими — буларнинг барчаси ана шу ҳужжатда аниқ ифода этилган.

Ўйлайманки, ана шу оғир ва масъулиятли вазифаларни Президент ўз зиммасига олиши зарур. Албатта, Вазирлар Маҳкамасининг ҳам бу масалаларга алоқаси бор, лекин масъулият юз фоиз Президент зиммасида бўлиши керак.

Масалан, иқтисодиётни оладиган бўлсак, катта-катта режаларни ишлаб чиқиш, мамлакат ривожининг келгуси йўналишларини, бир йиллик, уч йиллик прогнозларни белгилаш, баланслар масаласи, жумладан, олтин-валюта баланси, унинг захиралари қандай бўлиши сингари жиддий масалалар ҳам Президент билан келишилган ҳолда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси, унинг таркибий тузилмаси, департаментларининг ишини замонавий асосда, самарали ташкил этиш, ҳукумат барча бўғинларининг фаолияти бир-бири билан узвий боғланиб кетишини таъминлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор берган бўлсангиз, нима учун ҳамма масалалар, вазифалар соҳа-соҳа қилиб, яъни комплекслар бўйича бўлиб берилди? Бундан мақсад шуки, ишда аввало қатъий, аниқ тартиб-интизом ва албатта натижа бўлиши керак.

Бинобарин, Бош вазир ўринбосарлари ўз комплекси бўйича ишни бошқариб, жавобгарликни охиригача ўз зиммасига олиши лозим. Ҳар қайси ҳукумат аъзоси, ҳар қайси вазир ўз соҳасига масъул бўлиб, Президент олдида жавоб беради. Керак бўлса, Парламентга бориб, депутатлар олдида ҳам ҳисоб беради.

Биз юртимизда давлат ва жамият қурилиши борасида ҳеч кимдан нусха олмасдан, ўз мустақил йўлимизни танлаб, шу йўлдан изчиллик билан бормоқдамиз. **Давлат қурилиши, давлат бошқаруви, содда қилиб айтганда, давлатни идора қилишда биз, ким нима демасин, ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.** Биз бугун — орадан ўн тўрт йил ўтиб, ким бизга дўст, хайрихоҳ, ким душман эканини жуда яхши билиб олдик.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида бугун жорий этилаётган янги ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад нима? Мақсад — ҳокимият барча тармоқлари, жумладан, ижро ҳокимияти бўлмиш ҳукумат фаолиятининг масъулияти ва самарасини ошириш.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Президент ижро ҳокимиятининг фаолияти билан боғлиқ асосий масалалардан ҳеч қачон четда турмайди. Нега деганда, менда масъулиятни бошқаларга юклаш истаги ҳам, имконияти ҳам йўқ.

Айтайлик, қайсидир вазир бирор-бир муаммони бошқаларга юклашни ўйлаши мумкин. Аммо Президент кимга юклайди? Охир-оқибатда ҳар қандай масала бўйича Бош вазир ва унинг ўринбосарларига ҳам, ҳар қайси вазирга ҳам Президент жавобгар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарув усули Президентлик бошқарув шаклига асосланади ва бу қоида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган. Шунинг учун бу масалада ҳеч қандай тушунмовчилик бўлмаслиги керак.

Юқорида зикр этилган маърузада мен «бошқариладиган иқтисод» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди», деб бежиз айтганим йўқ.

Такрор айтаман, одамларимизнинг сиёсий онги ва савияси қанчалик юксалса, биз демократия йўлида қанча кўп ижобий ўзгаришларга эришсак, эркинлаштириш жараёнлари ҳам шунча тезлашади ва шу асосда Президент 90-йиллардаги мураккаб бир шароитда ўз зиммасига олишга мажбур бўлган ваколатларни тегишли тузилмаларга бериши учун имконият туғилади.

Эътибор қилган бўлсангиз, мен Россиянинг «Независимая газета»си мухбирига берган интервьюда ҳам шу ҳақда фикр юритилган. Яъни, 90-йилларда мен кўп вазифаларни, демакки, масъ-

улият ва жавобгарликни ҳам ўзимга олишга мажбур эдим. Ўша пайтда бу ишларни ишониб топшириш учун атрофимда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Топширсам ҳам бажармасди. Бажариш у ёқда турсин, бир кўзи билан чапга, бир кўзи билан ўнгга қарайдиган одамлар ҳам жуда кўп эди. Уларнинг аксарияти ишлаш ўрнига, айтайлик, кимнинг тарафини олиш, кимнинг орқасидан эргашиш ҳақида ўйлар эди. Шукрки, энди у кунлар ортда қолди.

Бугун биз ҳукумат ўз вазифасини тўлақонли адо этиши, таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини ўзи тортиши учун Р. Азимовни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига тасдиқладик. Айтмоқчиманки, Бош вазир Ш. Мирзиёевнинг юкини енгиллаштириш учун унга биринчи ўринбосар тайинланди.

Биринчи ўринбосарнинг зиммасига, аввалambор, энг мураккаб соҳалар, яъни иқтисодиёт, банк ва молия масалалари учун жавоб бериш масъулияти юкланди. Энди хусусийлаштириш ёки молия-банк соҳаси бўладими, пул муомаласини тартибга солиш ёки миллий валютамиз — сўмни мустаҳкамлаш, унинг курсини барқарор сақлаш бўладими, ана шундай муҳим ва устувор йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишларни тўлиқ Р. Азимовдан сўраймиз.

Айни пайтда, унга истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларини бошқариш вазифаси ҳам топширилди. Бу эса бугунги кунда ушбу масалаларнинг алоҳида эътиборга лойиқ эканини кўрсатади.

Мен шу борада Молия вазирлигининг масъулияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Молия вазири С.Раҳимовга асосий эътироз шуки, агар сиз масалага жуда енгил қараб, ҳамма нарсага имзо чекаверадиган бўлсангиз, билиб қўйинг, янглишасиз.

Молия — бу ўзбек тилида «хазина» дегани. Хазинанинг ўзи нима? Давлатнинг хазинаси, унинг даромад ва буромадини, бугунги ва эртанги кунини белгилайдиган бойлик қаерда сақланади, ким уни ҳимоялайди? Албатта, Молия вазирлиги. Шу маънода, агар менга қолса, Молия вазирлигини Хазина вазирлиги деб атаган бўлардим.

Шунинг учун барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: бордию бирон-бир ҳужжатда Молия вазирининг имзоси бўлмаса, бу ҳужжат устида ишни давом эттиришнинг ҳеч қандай маъноси йўқ.

Бу масалада асло зуғум ўтказиш ва зўравонлик бўлмаслиги зарур. Олдиндан айтмоқчиман, шу залда ўтирган Бош вазир ўринбосарлари ва вазирларнинг ҳар бири ўз соҳаси манфаатини

ўйлайди. Лекин давлатнинг хазинаси битта. Мен хазина деган сўзни бекорга ишлатмадим. Миллий хазина битта — фақат давлатники.

Агар қўйиб берсангиз, бир раҳбар енгил саноатни ривожлантириш учун пул керак, деб келади. Иккинчиси эса, ўзи бошқарадиган нефть ва газ соҳасига маблағ сўрайди. Ўзимизникилар етмагандек, чет элдан ҳам турли корчалонлар келади, гапни фақат шундан бошлайди.

Бир қарашда, ният яхшига ўхшайди. Масалан, хорижий молия ташкилотлари сизга 8 ёки 10 фоизли эмас, 5 фоизли кредит берамиз, дейди. Лекин, ҳисоблаб кўрсангиз, фоизининг ўзи отнинг калласидек пул бўлади. Бугун бизга кўпроқ таклиф қилинадигани — 10 фоизли кредитлардир. Бу — олган кредитни 10 йилда икки баробар қилиб қайтарасиз, дегани. Баъзи вазирлар ва уларнинг қўлида ишлайдиганлар эса кредит дегани осмондан тушади, деб ҳисоблайди шекилли, масаланинг шу томонларини ўйлаб кўрмайди. Мана, у давлатдан, бу банкдан келди, кредит бермоқчи, деб хурсанд бўлади.

Аммо улар кредитни қайтариш нима ҳисобидан бўлади, бизнинг шундай имкониятимиз борми ёки шу тариқа қарз ботқоғига ботиб қолмаймизми, деб ўйламайди. Ота-бобомиздан қолган бир нақл борки, шуни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни, қарз олишдан олдин узишни ўйлаш

керак, деган ҳикматни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бизнинг бугунги ҳаракатимиз шундайки, биз мавжуд имкониятлардан, яъни, валютамиз бақувват, инфляция даражаси паст бўлганидан фойдаланиб, кўпроқ одамларнинг иш ҳақини, пенсия ва нафақа пулларини ошириш ҳақида ўйлайлик. Ҳозир биз учун аввало шу нарса муҳим.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларга бюджет маблағларининг қарийб 50 фоизи сарфланяпти. Табийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтариши қийин, аммо биз, қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурсларни излаб топяпмиз.

Лекин, минг афсуски, бу соҳада баъзи бир хунук ишлар кўзга ташланмоқда. Мана, шунча замонавий коллежлар қурилди, лекин уларда кимлар ишлаяпти? Коллеж директорларини тасдиқлаш расман Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига киритилган. Лекин амалда бу иш қандай йўлга қўйилган?

Янги-янги коллежлар ишга туширилди, уларда ўқиш бошланди, деган гапларни эшитяпмиз, телевизорда кўряпмиз. Хўш, уларнинг раҳбарларини қачон тасдиқлаш керак — ишга киришидан олдинми? Янги директор иш бошлашдан

аввал хўжаликни қабул қилиб олиши лозимми? Ўқитувчиларни тайёрлаш керакми? Коллежларнинг моддий-техник базаси, ўқув жиҳозлари, моддий бойликлар учун кимдир жавоб бериши зарурми? Р. Қосимовнинг шу соҳа бўйича раҳбар бўлиб тайинланганига тўрт ой бўляпти, аммо тартиб ўрнатиш борасида ҳали-бери ҳаракати сезилмаяпти.

Биз катта-катта минбарлардан туриб таълим ислоҳоти ҳақида кўп гапирамиз, жойларда эса, афсуски, аҳвол бошқача. Мисол учун, бир туманда коллеж қурилишига ажратилган маблағнинг 30 фоизи қўшиб ёзиш йўли билан ўзлаштириб юборилган. Қурилган коллежнинг эса усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Мактабларнинг аҳволи ҳам бундан қолишмайди. Шу тариқа бир тўда қаллоб бу борадаги давлат сиёсатини чиппакка чиқаряпти. Туман, вилоят ҳокимларининг эса бу билан иши йўқ. Нима учун бирор киши бундай кимсаларнинг жиловини тортиб қўймайди?

Кеча Бош вазирга учта вилоятдаги коллежларнинг аҳволини ўрганиш тўғрисида топшириқ бердим. Прокуратура ҳам шу масалани текшириши керак. Ўрганинглар, лицей-коллежларда ким директор, ким ўқитувчи, у ерларда қандай ишлар бўляпти? Барчамизнинг эртанги умидимиз бўлмиш фарзандларимизнинг таълим ва тарбия олиши қандай ташкил этилган?

Бу масалада менинг фикрим шуки, Тошкент Техника университети қошида коллежлар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган қўшимча факультет ташкил этиш керак. Бу факультетни сентябрь ойини кутиб ўтирмасдан, июль ойидаёқ очиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳал қилувчи бўғини бўлмиш лицей ва коллежлардаги мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги учрашувда мен тараққиётимизнинг янги босқичида давлат ва жамият қурилиши, жумладан, ҳукумат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ асосий вазифалар ҳақида тўхталиб ўтдим.

Энг муҳим масала — ижтимоий-иқтисодий *ривожланиш борасида ўзимиз танлаган моделга* асосланган ҳолда, халқ ҳаётини яқиндан билиб, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳар томонлама юрагимиздан ўтказиб, олдимизда турган мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш, замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни виждонан ва масъулият билан бажаришдан иборат.

Шу йўлда барчангизга муваффақият ва омад тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Она заминимиз узра офтоб чарақлаб, беғубор Наврўз нафаси уфуриб турган мана шу қутлуғ ва мунаввар кунларда сиз, қадрли юртдошларимни бу улуғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бутун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида — азим пойтахтимиз Тошкентда, гўзал Фарғона водийси, кўҳна Самарқанду Бухоро, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасида, Сурхон ва Қашқадарё, Навоий ва Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида — боғу роғлар, қир-адирлар бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзи оламни катта хурсандчилик билан байрам қилаётган инсонларга, бутун Ўзбекистон аҳлига ўзимнинг самимий тилакларим ва ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Биз Наврўз айёмини ҳамиша орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Борлиқ чирой очиб, яшариб-янгиланаётган мана шу фусункор паллада Наврўз бамисоли эшик қоқиб, «Ассалом, эй азиз

инсон!» деб остонамиздан кириб келаётгандек туюлади. Ва ўз навбатида биз ҳам, шу саховатли заминда истиқомат қилаётган жамики инсонлар «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин!» деб унга пешвоз чиқамиз.

Бу дилбар фаслда табиатнинг уйғониши, майса-гиёҳларнинг тупроқни ёриб қуёшга интилиши, куртакларнинг очилиши, камалакнинг турфа рангда товланиши — еру кўкда рўй берадиган буюк ўзгаришлар, илоҳий мўъжизалар ҳар қандай инсонни ҳам ҳайратга солади. Табиатнинг очилиши билан одамзот қалбида ҳам мудраб ётган эзгу ҳиссиётлар уйғонади.

Шу маънода, Наврўз халқимизнинг юрагини ва ёруғ туйғуларини, ўлмас руҳи ва маънавиятини ўзида ёрқин намоён этадиган энг қадимий, энг ардоқли, асл миллий байрамимиздир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундан минг йиллар аввал ҳам мана шундай Наврўз айёмида аждодларимиз, ота-боболаримиз қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, одамга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим каби таъсирқ таомлар тайёрлаб, мўл ҳосил, ризқу рўз тилаб ноқ ният қилганлар, шоду хуррамлик билан кўклам нашидасини сурганлар.

Бугун ҳам ям-яшил адирларда от чоптириб, кураш тушиб юрган бўз йигитларни, баҳор янглиғ гул-гул очилиб бораётган сулув қизларни,

дошқозонлар атрофида ўйин-кулгу, хурсандчилик қилаётган юртдошларимизнинг қувонч ва шодлигини кўриб, ҳар биримиз тинчлик ва осойишталикнинг нақадар бебаҳо бойлик эканини қайтадан кашф этгандек бўламиз, бу осуда ҳаётнинг қадрини янада теранроқ англаймиз.

Мана шундай шукуҳли дақиқаларда табиат ҳам бамисоли она сингари бағрини очиб, одамларга меҳр улашади, уларни эзгулик ва яхшиликка чорлайди. Ҳар қайси инсон бу ғанимат дунёда Аллоҳ берган неъматлардан баҳраманд бўлиб, бир-бирига, ўз яқинларига меҳр кўрсатишга, нуроний кексаларимизнинг дуосини олишга, беморлар, етим-есир, кўнгли ярим кишиларга ёрдам ва кўмак беришга интилади ва бундай савобли ишлардан беихтиёр ўзининг ҳам дили ёришади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг узоқ-яқин ҳудудларида бўлиб ўтаётган шодиёна сайилларда миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз ватаним деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг иштирок этаётгани, кўплаб хорижий меҳмонларнинг бизнинг қувончимизга шерик бўлаётгани Наврўзнинг одамларни бирлаштирувчи ҳаётбахш кучидан далолат беради.

Шу нурафшон кунларда эл-юртимиз «Сиҳат-саломатлик йили»нинг Наврўзини янги орзу-умидлар билан кутиб олмоқда.

Ана шундай орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш йўлида бу йилги режа ва дастурларимизда кўзда тутилган мақсадлар, аввалambор, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, соғлиғини мустаҳкамлаш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб беришга қаратилган чора-тадбирлар ўз самараси ва ҳосилини беради, иншоллоҳ.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Янги кун, янги йил бошланаётган шу унутилмас дамларда, янги мавсум арафасида барчамиз, энг аввало, Наврўз айёмининг ҳақиқий эгалари, ризқ-рўзимиз бунёдкорлари бўлмиш заҳматкаш деҳқонларимизни қутлаб, уларга мўл ҳосил, бахт ва омад тилаймиз.

Шу байрам кунларида қилаётган эзгу тилакларимиз ушалсин, ҳар қайси хонадонда қувончли кунлар, тўю томошалар кўп бўлсин!

Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Аввалambор, бугун сиз, Тошкент шаҳар халқ ноиблари ва жамоатчилиги вакиллари билан кўришиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Муҳтарам делутатлар!

Ўзбекистоннинг қайси бурчагида бўлмасин, мана шундай учрашувларни мен юртдошларимиз, турли соҳа вакиллари билан мулоқотда бўлиш, бугунги ҳаётимизнинг барча томонлари, мавжуд муаммолари ва уларни ечиш ҳақида атрофлича фикр алмашиб олишнинг яна бир воситаси деб биламан.

Айниқса, азим пойтахтимиз Тошкент аҳолиси билан бўладиган ҳар галги учрашувни — очиқ айтишим керак — мен ўзим учун алоҳида муҳим воқеа сифатида қабул қиламан. Нега деганда, қадимий тарих ва беқиёс салоҳиятга эга бўлган бу шаҳар бутун мамлакатимиз ҳаётини кўзгудек акс эттиради. Тошкент аҳлининг дунёқараши ва кайфияти кўп жиҳатдан эл-юртимизнинг руҳи ва

кайфиятини мужассам этади, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ҳеч кимга сир эмаски, халқимиз пойтахтда рўй бераётган ижтимоий жараёнларни доимо катта қизиқиш билан кузатади ва уларнинг бутун мамлакат ҳаётига бевосита таъсир кўрсатишини яхши англайди. Чунки Тошкент барчамиз учун аввало мустақил давлатимизнинг гўзал пойтахти, мамлакатимизнинг юраги, таъбир жоиз бўлса, Ватанимизнинг муқаддас остонасидир. Жаҳон аҳли учун она диёримиз билан танишув авваламбор ана шу остонадан бошланади. Шу маънода, Тошкентнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётимиздаги, давлат бошқаруви, иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, «Шарқ дарвозаси» деб тан олингани бежиз эмас, албатта. Тошкент — биринчи навбатда йирик сиёсий марказдир. Ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиш ва тамойиллари, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ, узоқ ва яқин келажакка мўлжалланган режалар айнан мана шу ерда ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Тошкент республикамиз иқтисодий куч-қудратининг

шаклланиш ва тикланиш жараёнида доимо мустаҳкам пойдевор бўлиб келган. Ҳозирги пайтда иқтисодиётимизнинг қайси соҳасини олмайлик — бу оғир ёки енгил саноат бўладими, мудофаа соҳасини ташкил қиладиган корхоналар ёки энг юксак технологиялар асосида фаолият кўрсатадиган ишлаб чиқариш қувватлари бўладими — Тошкент буларнинг барчасини ўзида мужассам этган улкан индустрия марказига айланган, иқтисодиётимизнинг жуда катта улуши айнан пойтахтимизга тўғри келади.

Бугунги кунда бу ерда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 14 фоизи ишлаб чиқарилаётгани ва бир ярим миллиард АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдаги маҳсулот экспорт қилинаётганининг ўзи ҳам буни тасдиқлайди.

Тошкентда энг йирик, замонавий корхоналарни ишлатиш ва бошқаришга, уларнинг келажагини таъминлашга профессионал нуқтаи назардан қодир бўлган кўпмингли ва кўпмиллатли ишчилар аҳли, билимдон менежерлар, мутахассислар, мана шундай завод-фабрикаларни бунёд этадиган қурувчилар борлиги билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди, албатта. Тошкент ўзининг юксак интеллектуал ва маданий салоҳияти билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Энг нуфузли илм-зиё масканлари — Фанлар академияси, етакчи олий ўқув юртлари, фан ва

маданият марказлари, театр ва музейлар, кўргазма заллари, кутубхоналар қаерда жойлашган — пойтахтимиз Тошкентда. Албатта, вилоятларимизда ҳам бундай даргоҳлар кўп, лекин уларнинг ишини мувофиқлаштириб, уларга намуна бўлиб, кўмак берадиган таянч ташкилотлар асосан пойтахтимизда фаолият юритади.

Тошкентнинг меҳнаткаш, бағрикенг, ҳамиша изланиб, келажакка интилиб яшайдиган халқи ҳар қандай ҳурмат-эҳтиромга муносиб. Айниқса, бу азим шаҳарда нуроний оқсоқоллар, давлат, жамоат арбоблари, ўз вақтида эл-юртга муносиб хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган кўплаб мўътабар инсонларнинг яшаётгани ҳам пойтахтимизга ўзига хос файз ва тароват бағишлайди. Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва ғурур уйғотади. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси билан ёшларга тарбия ва сабоқ бериб, анъаналаримиз давомийлигини асраб келаётгани ибратлидир.

Миллий ҳаёт тарзимиз, урф-одат ва удумлар, дунёвий ва диний қадриятларни жой-жойига қўядиган бундай одамлардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Шахсан мен шундай оқсоқоллар ва фаоллар билан суҳбатда бўлганимда кайфиятим

қандайдир кўтарилиб, кўнглим ёришиб кетади. Шунча йил бу шаҳарда яшаб, раҳбар бўлиб ишлаб, қалбимда доимо шундай туйғуни ҳис қилиб келаман ва менинг Тошкентга бундай қарашим, муносабатим ва муҳаббатим асло ўзгармайди.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизнинг бош шаҳри бўлмиш Тошкент, мамлакатимизнинг худдики уриб турган юраги ва шу ердан туриб бутун Ўзбекистонимизнинг томир уришини яққол сезиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда Тошкент том маънода яшариб ва яшнаб бормоқда. Пойтахтимизда кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, тураржой бинолари, маданий-маиший объектлар, лицей ва коллежлар, болалар учун спорт масканлари ишга туширилганига, янги йўллар ва кўприклар қурилиб, майдонлар ва хиёбонлар, истироҳат боғлари тубдан реконструкция қилинаётганига барчангиз гувоҳ бўлмоқдасиз.

Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт аҳлига, ишончим комилки, бутун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди. Сўнгги бир-икки йил ичида миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган муаззам ва бетакрор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд-Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман»

каби ўнлаб муҳташам иморатлар айниқса шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Мен бугун бу тўғрида, яъни шаҳримиз қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётгани ҳақида кўп гапирмоқчи эмасман. Лекин, фурсатдан фойдаланиб, фақат битта мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча майдон ва мавзелари қатори Эски шаҳар ҳудудини реконструкция қилиш ва обоолонлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётганидан сизлар хабардорсиз, албатта.

Ўзингизга маълумки, Эски шаҳар кўп йиллар мобайнида эски ва ночор қиёфада қолиб келди. Бу ҳудуддаги аҳвол инқилобдан кейин ҳам, Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва ундан сўнг ҳам амалда ўзгармади.

Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолат одамни беихтиёр ҳайратда қолдиради.

Ўзбекистон табиий газ макони бўлатуриб, улкан газ қувурлари орқали Бухоро ва Қашқадарё конларидан олинадиган газ билан собиқ иттифоқнинг барча марказларини таъминлаб турган бир пайтда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида 90-йилларгача газ у ёқда турсин, ҳатто водопровод қувурлари, кўп жойларда канализация ўтказилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Энг ачинарлиси, ҳатто 1966 йилги зилзиладан кейин Тошкентни тиклаш ва қайта қуриш

бўйича амалга оширилган ишлардан ҳам шаҳарнинг бу қисми яна четда қолаверди. Бу ерда на шаҳарсозлик, на ободончилик масаласида бирон-бир жиддий иш бажарилмади.

Кўпчилик пойтахт аҳли қатори эллик йилдан буён Тошкентда яшайдиган инсон сифатида мен ҳам буни кузатаман. Бундай пайтда одам беихтиёр ажабланиб, ёқа ушлайди: бу, Эски шаҳар аҳлининг нима айби борки, бундай шароитда яшаши керак?

Ўйлайманки, бундай ҳолат ўзини шу шаҳарнинг фуқароси, шу шаҳарнинг фарзанди деб биладиган ҳар қандай одамни хижолат ва ташвишга солмасдан қўймайди.

Шунинг учун ҳам биз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб Тошкентнинг тарихий маркази бўлган Эски шаҳарни буюк ўтмишимизга, шу ерларда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида обод қилиш, уни пойтахтимизнинг замонавий қиёфаси билан уйғунлаштиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Шу мақсадда 90-йилларнинг охирига келиб, Сағбон, Қорасарой ва Форобий кўчалари тубдан қайта қурилиб, магистраль йўлларга айлантирилгани, тангу тор кўчалар кенгайтирилиб, таъмирланган, ушбу ҳудудга табиий газ ва ка-

газификация тармоқлари ўтказилгани ҳам сизларга маълум.

Бироқ, очиқ тан олиш керак, бу ишлар мавжуд аҳволни бутунлай ижобий томонга ўзгартиролмади. Шу маънода, биз Эски шаҳар аҳолиси олдида ҳали-бери қарздормиз. Шунинг учун ҳам бугун иқтисодиётимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиши билан шу оғир муаммони ечишни давом эттирдик, қисқа давр ичида бу йўлда дастлабки амалий қадамлар қўйилди.

Буни Эски шаҳар ҳудудида 500 нафар опа-сингилларимизни иш билан таъминлаган «Сағбонтекстиль» қўшма корхонаси, ҳар сменада 300 кишини қабул қиладиган оилавий поликлиника, «Истеъдод» ёшлар маркази, 3 та болалар боғчаси, 4 та стадион, 12 та маҳалла гузари, 5 та маросимлар уйи, маънавият ва маърифат масканлари, кўплаб маиший хизмат шохобчалари қуриб битказилиб иш бошлагани ҳам кўрсатиб турибди.

Шулар қаторида, Шайхонтоҳур туманининг Қоратош мавзесида хорижий ҳамкорлар иштирокида 350 ишчи ўрнига эга бўлган замонавий тикув ва тўқув фабрикаси, Акмал Икромов туманининг Саккокий кўчасида ҳам худди шундай фабрика қурилиб, ишга топширилиш арафасида.

Бунга қўшимча қилиб, «Чевар» акциядорлик жамияти негизида германиялик ҳамкорлар би-

лан пайпоқ фабрикаси ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар сармояси иштирокида полиэтилен қоплар тайёрлайдиган корхона қуриш бўйича амалий ишлар қилинаётганини ҳам айтиш лозим.

Барчамизга аёнки, Шарқда азалдан бозор халқ турмуш даражасининг, хонадон ободлиги, дастурхон тўкинлигининг кўзгуси бўлиб келган. Шу сабабли Тошкентнинг асосий бозори бўлмиш Чорсу бозорида қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари бошланиб, изчил давом эттирилмоқда.

Сўнгги пайтда бу ерда 560 ўринли кийим-кечак дўконлари, 220 ўринли миллий либос расталари, 500 ўринли сабзавот расталари барпо этилди.

Айни вақтда бозор инфратузилмасини кенгайтириш, савдо маданиятини ошириш, санитария ҳолатини яхшилаш, транспорт қатнови ва йўлларни тартибга солишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғини реконструкция қилиш, шу мавзеда яшайдиган аҳоли ва фарзандларимизга ҳордиқ чиқариш билан бирга, тарбиявий муҳит яратадиган шароит ташкил қилиб бериш, хориждан замонавий аттракционларни олиб келиб ўрнатиш, атрофни ободонлаштириш бўйича бошлаган иш-

ларимиз ҳам тез кунларда ниҳоясига етади, иншоолло.

Эски шаҳар ҳудудида экология масаласида ҳам талай муаммолар мавжудлигини барчангиз яхши биласиз.

Бу жойларнинг ҳавоси оғир, айниқса ёз пайтида қандайдир ғубор ичида қолиб кетишини ҳисобга олиб, экологик шароитни яхшилаш, таъбир жоиз бўлса, Эски шаҳарнинг кўкрагига шабада тегиши учун амалий ишлар қилинмоқда.

Бу қадимий даҳага хос тарихий-маънавий муҳитни сақлаб қолиш мақсадида ён-атрофда жойлашган меъморий обидаларни таъмирлаш, йўллар четида, бекатларда палапартиш қуриб ташланган кўримсиз иморатларни тартибга келтириш, ҳудуднинг умумий ҳолатини тубдан ўзгартириш масаласи ҳам диққатимиз марказида турибди.

Агар эсингизда бўлса, собиқ шўро даврида бетонпарастлик касалига чалинган айрим раҳбар ва мутасаддиларнинг узоқни кўролмаслиги туфайли Тошкент шаҳрида нафақат кўча ва майдонлар, балки одамлар эркин нафас олиши, ҳордиқ чиқариши учун бунёд этилган оромгоҳларни ҳам бетон ва асфальт билан қоплаб ташлаш ёмон одатга айланди.

Оқибатда нима бўлди? Жазирама ёз ойларида аҳоли, айниқса кекса ва касалманд кишилар, ёш болалар нафас олишга қийналадиган, уйида

димиқиб ўтирадиган бўлиб қолди, илгари учрамаган турли касалликлар пайдо бўла бошлади.

Ахир, Тошкентдек иқлими ўта иссиқ, ёзда ҳарорат қирқ даражадан ошиб кетадиган шаҳарда шундай иш тутиш қалтабинлик эмасми?

Бугун биз ана шу иллатнинг асоратларига барҳам бериш учун шаҳарда, жумладан, унинг марказий қисмида яшил ҳудудлар, дарахтзор ва кўкаламзор майдонларни кўпайтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Йиллар давомида тўпланиб, одамларни қийнаб, шаҳримиз елкасида оғир юк бўлиб келган муаммоларни — улар қанчалик қийин бўлмасин — имкон топиб ечишга ҳаракат қиляпмиз.

Лекин бу масалада ҳам ҳар томонлама узоқни ўйлаб иш тутиш лозим. Менинг фикримча, аввало ҳавони кислород билан бойитадиган эман, қарағай, каштан ва қайин каби дарахтларни, одамнинг кўзини қувонтирадиган манзарали буталарни кўпроқ экиш зарур. Ўзидан заҳарли моддалар чиқариб, инсон саломатлигига, экологияга салбий таъсир этадиган дарахтларни имкон қадар камайтириб бориш керак.

Табиийки, бундай ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини нафақат Эски шаҳарда, балки шаҳарнинг бетон босган бошқа жойларида ҳам амалга оширишимиз даркор.

Шунинг учун ҳам Бешёғоч майдонидаги Алишер Навоий номи билан аталадиган миллий боғни обод этиш, у ердаги тарихий кўлни тубдан реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирги пайтда Мустақиллик майдонининг манзараси бутунлай ўзгариб, беқиёс чирой очиб бораётганини ҳаммангиз кўриб турибсиз.

Хабарингиз бор, Буюк Турон кўчасининг Марказий универсал магазинидан Космонавтлар проспектигача бўлган қисми, Шароф Рашидов кўчасининг Алишер Навоий кўчаси билан кесишган чорраҳасидан Абдулла Қодирий кўчасигача бўлган қисмида ҳам яшил ҳудудлар ташкил этилмоқда.

Умуман, ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш, яшил майдончалар ва фавваоаларни кўпайтириш орқали пойтахтимизга замонавий тус бериш, шу тариқа шаҳарда салқин микроиқлим вужудга келишини таъминлаш, бу тажрибани бошқа вилоят ва шаҳарларимизда ҳам кенг қўллаш лозим, деб ўйлайман.

Бу ишлардан кўзланган асосий мақсад — аҳолига фаровон турмуш тарзи билан бирга, ҳар томонлама қулай яшаш шароитларини таъминлашдир.

Токи куни билан ишлаб, уйига чарчаб қайтган инсон атрофдаги сўлим боғлар, шинам хиёбонлар, тинч ва осойишта юртнинг гўзал манзараларини кўриб, бутун чарчоғи чиқиб кетсин.

Ёш авлод эса мана шундай жаннатмакон диёрда яшаётганидан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этсин.

Бугун, шу минбарда туриб, яна бир фикрни халқимизга етказишни жоиз деб биламан. Биз нафақат Тошкент, балки Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари обод ва гўзал бўлишини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашни хоҳлаймиз ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин, ана шундай ҳаёт даражасига етишни орзу қилар эканмиз, аввало, ўз олдимизга катта мақсадларни қўйиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз даркор.

Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак.

Майли, бу кўчатимиз бугун эмас, эртага эмас, балки йигирма, эллик-олтмиш йилда катта бир дарахтга айлансин, лекин такрор айтаман, унинг ниҳолини бугундан кечикмасдан экишимиз керак.

Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса — бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз.

Мен айнан шундай ҳаётий фалсафа қон-қонимизга, суяк-суягимизга кириб бориши, қалбимиздан чуқур жой топишининг тарафдориман ва

барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман.

Табиийки, бундай қараш, бундай кайфиятни одамлар онгига сингдириш осон эмас. Бу иш фақат даъват ёки чақириқ билан битмайди. Биз ҳаётга шундай муносабатни ёшларимиз юрагига жо этишимиз, бу масалани таълим-тарбия ишининг таркибий қисмига айлантиришимиз зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бундай фикр билан яшаш нафақат давлат идораларининг, балки юртимиздаги барча катта-кичик ташкилотларнинг мақсад-вазифасига, бутун халқимизнинг бурчи ва интилишига айланиши керак.

Аммо бунга эришиш учун пойтахт аҳлининг орзу-ниятларига туртки бериш, одамларни шу эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, сафарбар этиш ва бошқариш аввалambор кимнинг зиммасида бўлиши лозим? Шаҳар ҳокимиятининг зиммасида эмасми?

Биз шаҳар ҳокимияти деганда, содда қилиб айтсак, шаҳар ҳукуматини тушунамиз. Шаҳар аҳолисининг барча қувонч ва ташвишлари, муаммоларини таг-томири билан биладиган, англайдиган ва уларнинг ечимини ҳар томонлама ўзига тасаввур қиладиган идора айнан шаҳар ҳокимияти бўлиши даркор.

Бу ҳокимиятнинг асосий бурчи — пойтахтда яшайдиган қарийб икки ярим миллион одамнинг

кундалик турмушига ҳамнафас, керак бўлса, ҳамдард бўлиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга масъул бўлиб, бу вазифани ўз фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билишдан иборат.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши, ички ва ташқи сиёсат масалалари, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларнинг қурилиши, энг йирик корхоналар фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларнинг барчаси давлатимизнинг марказий идоралари зиммасида.

Бошқача айтганда, стратегик аҳамиятга эга бўлган бу масалалар бўйича масъулият ва жавобгарлик аввалambор мамлакатимиз ҳукумати ва тегишли идораларга юкланган.

Албатта, бу ишларда шаҳар ҳокимиятининг ҳам ҳиссаси бор, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Гарчи Тошкент шаҳрида вилоятлардаги каби ғалла ёки пахта етиштириш, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ ўта мураккаб вазифалар бўлмаса ҳам, лекин пойтахтимизни бошқариш, кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, коммуникацияларнинг самарали фаолиятини таъминлаш — булар ҳам ғоят оғир ва масъулиятли иш эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Катта шаҳарнинг юки ҳам, ташвишлари ҳам катта бўлиши табиий. Саноат ёки капитал қурилиш бўладими, хусусийлаштириш, одамларни иш билан таъминлаш, банк-молия ёки савдо-сотиқ масалалари бўладими — бу соҳаларнинг барчасида Тошкент шаҳрининг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бор.

Бироқ биз бугун асосий эътиборни ижтимоий соҳага, аввалambор, одамларни қийнаётган, уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган асосий муаммоларга қаратсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу масалаларда шаҳар ҳокимияти ўзининг зиммасидаги вазифаларни тўла бажариш учун, лўнда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи мустақил ҳолда тортиши керак. Шу нуқтаи назардан бир саволга жавоб излаб кўрайлик: аҳолининг кундалик ҳаётий эҳтиёжларига дахлдор долзарб муаммолар бугун Тошкент шаҳрида қандай ечиляпти? Бу ерда тўпланиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал этишга шаҳар раҳбариятининг қурби, масъулияти ва жавобгарлиги етарлими?

Қўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтадиган бўлсак, шаҳар ҳокимиятининг бугунги фаолиятидан бу саволларга ижобий жавоб топиш қийин.

Мисол учун, Тошкент шаҳридаги кўпқаватли уйларни бошқариш масаласини олайлик. Ушбу

масала шаҳарда кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу биноларни таъмирлаши ва зарур хизматлар кўрсатиши лозим бўлган уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти яқингача бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Тасаввур қилингки, баъзи ширкатлар таркибида 70 тагача кўп қаватли уй бўлган, яъни улар мутлақо бошқариб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолган.

Бундай ширкатларнинг ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари билан ўзаро ҳамкорлиги старли даражада йўлга қўйилмаган. Оқибатда аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорлиги, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 20 миллиард сўмдан ошиб кетган.

Аксарият ширкатлар томонидан аҳоли билан тузилган шартномалар бажарилмай қолиб кетаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Ўзингиз ўйланг, агар уйида иссиқ ва совуқ сув бўлмаса ёки айтайлик, лифт ишламаса, подвалда сув тўпланиб ётган бўлса, электр ўчиб қолаверса ва бундай ҳолат сурункали тус олса, одамнинг хуноби ошмайдими?

Бугунги кунда тез-тез учраб турадиган бундай нохуш ҳолатлар аҳолининг кайфиятига, керак бўлса, ҳокимият ва ҳукумат идораларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда аҳоли томонидан тўланаётган маблағнинг асосий қисми ширкат ходимларига иш ҳақи сифатида бериб келинган. Масалан, Собир Раҳимов туманидаги «Умид коммуналчи» ширкатида ойлик тушумнинг 52 фоизи бошқарув аппаратига, 47 фоизи эса техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақига сарфланган.

Натижада уй-жойларни жорий ва капитал таъмирлаш учун маблағ топилмаган.

Масалага шундай нотўғри ёндашув туфайли шаҳар бўйича 2002—2006 йиллар мобайнида таъмирлаш мўлжалланган 1991 йилгача қурилган уйларнинг 43 фоизида бу иш бажарилмаган.

Бундай камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари нимада?

Аввало, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тегишли назоратнинг йўқлигида. Яна бир сабаби — ширкатларни бошқариш вазифаси коммунал хизмат соҳасидан узоқ бўлган тасодифий кишиларга топшириб қўйилганида.

Масалан, Чилонзор туманидаги «Наврўз» ширкатининг раҳбари С. Рашидов фақат ўрта маълумотга эга бўлиб, оддий қоровулликдан даст-лаб ширкат бош муҳандиси лавозимига тайинланган, кейинроқ эса ширкат раҳбари бўлиб

ишлаган ва тўпланган маблағларни орқа-ўнгига қарамай мақсадсиз сарфлаб юбораверган.

Ўтказилган инвентаризация якунлари бўйича ширкат раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли тураржой ҳудудларида ва 7 мингдан ортиқ уй атрофида ноқонуний равишда қурилган 35 мингдан зиёд гараж ва бошқа объектлар борлиги аниқланди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти юзасидан 2003 йил бўйича 24 та, 2004 йил бўйича эса 37 та жиноий иш қўзғатилгани бу соҳада ҳукм сурган ноҳуш аҳволни кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда бу масала бўйича жорий йил бошида қабул қилинган Президент қарорларига биноан ширкатлар ишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоратадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, мавжуд 822 та ширкатнинг 428 тасида янги раҳбарлар сайланди. Ҳозирги пайтда ширкатлар таркибидаги уй-жойлар сони ихчамлаштирилиб, ҳар бир ширкатга 10—12 та уй ёки 500—600 та хонадон тўғри келмоқда. Лекин бундай ўзгаришлардан мақсад ширкат раҳбарларини номига алмаштириш ёки улар хизмат кўрсатадиган объектлар сонини камайтиришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Буларнинг барчаси, аввало, кўпқаватли уйлардаги одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражаси-

ни оширишга, охир-оқибатда аҳолининг оғирини енгил қилишга таъсир ўтказиши даркор.

Шаҳарнинг қон томири ҳисобланган йўлларнинг ҳолати ҳам бугунги кунда кўп жойларда талабга жавоб бермайди. Айниқса, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманларидаги аксарият йўллар транспорт қатнови учун яроқсиз ҳолга келиб қолган, баъзи ҳудудларда пиёдалар йўлаклари, ирригация тармоқлари ишдан чиққанига нима деса бўлади?

Шаҳар хонадонларида газ ўлчаш асбобларини ўрнатиш режаси атиги 70,5 фоизга бажарилгани бу муҳим масалага юзаки қаралаётганидан далолат беради. Бу соҳадаги аҳвол айниқса Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида ёмонлигича қолмоқда.

Буларнинг барчаси коммунал соҳада ислоҳотларни амалга оширишда жиддий нуқсонлар борлигини, шаҳар ҳокимиятининг бу йўналишдаги фаолияти қониқарсиз эканини кўрсатади. Аҳолига телефон хизмати кўрсатиш бўйича ҳам Тошкент шаҳрида камчилик ва муаммолар кўплиги, албатта, одамни ўйлантирмасдан қолмайди.

Бу соҳадаги дебитор қарздорлик 2005 йилнинг 1 январигача 1,5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6 фоизга ошган. Таксофон аппаратини ўрнатиш режаси 24 фоизга, магист-

раль кабелларни капитал таъмирлаш режаси эса 57 фоизга бажарилган, холос.

Шу сабабли ишда йўл қўйган хато-камчиликлари учун Тошкент шаҳар телефон тармоқлари филиали директори ҳамда Собир Раҳимов ва Чилонзор тумани телефон станцияларининг бошлиқлари вазифасидан бўшатилди.

Аммо шу билан бўлди — муаммо ечилди, деб хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Аҳволни яхшилаш, истеъмолчиларни рози қилиш учун аввало хизмат сифатини ошириш, бунинг учун соҳага қўшимча маблағлар, керак бўлса, хориж сармояларини жалб этиш ҳақида жиддий бош қотириш лозим.

Яна бир муҳим масала — якка тартибда фаолият юритадиган тадбиркорлар бўйича ишларнинг ҳолатини ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Масалан, ўтган йилда режага нисбатан 2 минг 191 та кам тадбиркор рўйхатдан ўтказилган, белгиланган режа, Бектемир туманидан ташқари, бирорта туманда бажарилмаган.

Бунинг сабаби нимада?

Асосий сабаб — тадбиркорлар йўлига сунъий ғов-тўсиқлар қўйилаётганида. Тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, уларга ер майдонлари ва объектларни қонуний асосда сотиш, жой ажратиш масаласида, савдо дўконлари, ма-

иший хизмат шохобчаларининг қурилишида кўплаб палапартиш ишларга йўл қўйилмоқда.

Бу ишларни назорат қилиши лозим бўлган шаҳар ва туман ҳокимликларининг ўзида ошна-оғайнигарчилик, ўзбошимчалик, керак бўлса, тамагирлик, порахўрлик ҳолатлари учраб турибди ва бу ишлар бўйича тегишли идоралар албатта ўз хулосасини чиқариши зарур.

Шаҳардаги 85 та корхона ўтган йилни қарийб 51 миллиард сўмлик зарар билан якунлаган. Ҳозирги пайтда 177 та корхонанинг ҳисоб рақамида маблағи йўқлиги сабабли иш ҳақидан қарздорлик даражаси шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 5,3 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Энг ёмони, бу корхоналарнинг тақдири нима бўлади, деган масала шаҳар ва туман ҳокимларини, мутасадди раҳбарларни ўйлантирмаяпти.

Бугунги куннинг долзарб масаласи бўлган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳам қатор муаммолар йиғилиб қолган. Албатта, бу борада бир қанча тадбирлар амалга оширилаётгани, хусусан, меҳнат ярмаркалари ташкил этилаётганини эътироф этиш лозим.

Лекин, минг афсуски, бу тадбирлар кутилган самарани бермаяпти. Масалан, ўтган йил давомида шаҳар бўйича ўтказилган 57 та шундай ярмаркада атиги 1 минг 714 нафар одамга йўлланма берилган, холос.

Айниқса, Бектемир, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларида бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 минг кишини ташкил этмоқда.

Аҳвол шундай бўлатуриб, Бандлик жамғармаси ҳисобидан ўтган йил мобайнида янгитдан яратилган иш ўринлари 1 минг 264 тани, яъни эҳтиёжга нисбатан атиги 2,6 фоизни ташкил этгани, табиийки, ҳеч қандай талабга жавоб бермайди.

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилиши соҳасида ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йили 2003 йилга нисбатан 79 фоиз даражасида қолиб кетганини афсус билан қайд этиш лозим. Янги қурилаётган тураржойлар ҳудудида тегишли ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш бўйича ҳам муаммолар оз эмас.

Масалан, Собир Раҳимов туманининг Мойқўрғон, Чуқурсой ва Охунбобоев мавзеларидаги тураржойларда канализация ва коммуникация тармоқлари ўтказилмаган, спорт мажмуалари, болалар майдончалари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилмаган.

Шайхонтоҳур туманининг Биринчи Жарариқ, Форобий мавзеларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Акмал Икромов туманидаги 30-кварталда кўп йиллардан буён на йўллар, на коммунал хиз-

матларнинг аҳволи талабга жавоб бермайди, баъзи кўпқаватли уйларда лифтларнинг ишламаслиги, электр энергиясининг мунтазам равишда ўчиши, чиқинди ва ахлатларнинг ўз вақтида ташиб кетилмаслиги сурункали тус олган ва бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шаҳар бўйича ўткир юқумли касалликларга чалиниш кўрсаткичлари ортиб бораётгани соғлиқни сақлаш соҳасидаги умумий манзарани кўз олдимизда яққол намоён қилади, деб ўйлайман.

Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гепатит, шу билан бирга, бошқа ўткир юқумли касалликлар бўйича ҳам кўрсаткичлар салбий томонга ошгани барчамизни ташвишга солиши лозим.

«Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда бундай ҳолатларга чидаб бўлмаслиги барчага аён бўлиши керак.

Қадрли дўстлар!

Тошкент шароитида маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти қанчалик катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Биз мустақиллик йилларида маҳалла тизимини ривожлантириш, дунёда ўхшаши бўлмаган бу бошқарув идорасига янги-янги имконият ва ваколатлар бериш, унинг нуфузини оширишда бошқа ҳудуд ва минтақаларимиз қатори айнан Тошкент маҳаллалари тажрибасига таянганмиз.

Лекин, бугунги кунга келиб шаҳарда бу соҳада ҳам айрим камчилик ва муаммолар борлигидан, таассуфки, кўз юмиб бўлмайди.

Аввалambор, маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласида, уларнинг муаммоларини ечишда маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан эътибор етарли эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу масалада амалий ишдан кўра расмиятчилик, хўжакўрсин ишлар кўп.

Баъзи маҳалла оқсоқолларининг шахсий масъулияти, инсоний фазилатлари улар эгаллаб турган лавозимга муносиб эмаслиги ачинарлидир.

Хусусан, нафақа ва моддий ёрдам пулларини тақсимлашда адолатсизлик, таниш-билишчилик, порахўрлик ҳолатларига йўл қўйилганига нима дейиш мумкин?

Бу маҳалла деган муқаддас масканни оёғости қилиш билан баробар эмасми?

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент шаҳри раҳбариятининг кейинги даврдаги фаолиятини таҳлил қилиб, бундай хатонуқсонларни, ечилмаган муаммоларни кўплаб келтириш, уларнинг рўйхатини давом эттириш мумкин.

Бу масалаларнинг ечимини ўз вақтида топиш, Тошкентдек шаҳри азимда яшаётган миллионлаб одамларнинг ғаму ташвишлари, муаммола-

рини енгиллатиш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш — бу албатта, биринчи галда шаҳар ҳокимиятида ишлаётган кадрларга, туманларда лавозимда ўтирган раҳбарларга, уларнинг масъулияти ва жавобгарлиги, билим ва тажрибаси, керак бўлса, фидойилигига боглиқ.

Ота-бобомиздан қолган бир нақл борки, шаҳар дегани бедарвоза, эгасиз бўлмайди. Узоқ ва яқин тарихда ҳам, бугунги мураккаб замонда ҳам бунинг айни ҳақиқат эканини кўриш мумкин.

Яъни, шаҳарнинг барча ишларида тартиб-интизом, *ҳар қайси вазифани изчиллик билан* бажариш, қарорлар қабул қилишда аҳоли билан, маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат, бир ёқадан бош чиқариб иш тутиш, одамларни бўлаётган ўзгаришлардан доимо хабардор қилиб бориш — бу ҳозирги даврнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Шундай талабларга жавоб бермаслик ёки уларга беписанд қараш, бу борада қандайдир якка-ҳокимлик ёки ўзбошимчаликка йўл қўйиш — бугунги кунда кечириб бўлмайдиган ҳолат. Бундай номаъқул ҳолатни замон кўтармайди.

Бугун раҳбар бўлиш ўзи осон эмас. Бу — ўта мураккаб ва ўта масъулиятли иш. Бу иш раҳбарлик вазифасида ўтирган одамдан, бошқа фазилатлар қаторида, аввало ирода бақувватлиги ва иймон бутунлигини талаб қилади. Чунки раҳбар

зотини доим таъқиб қиладиган бир хатар борки, унинг номини нафс балоси, дейди.

Раҳбарнинг атрофида ҳамиша парвона бўлиб юрадиган чаққон-шоввозларнинг ҳар қандай одамни ҳам ғоят усталик билан қўлга оладиган шундай маккор усуллари борки, бундай хушомадгўйликка, мақтов билан алдаб, ўраб олишга қарши туриш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бундай пайтларда ўз нафсини тийиш, шайтон васвасасидан ва таъсиридан ўзини сақлаш, эл-юрт олдида ўз номига доғ туширмаслик, ўйлайманки, бу ҳар қандай одам учун оғир синов.

Азиз дўстлар!

Бугунги бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замонда олдинги даврларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг кундан-кунга масъулияти ошиб бораётгани ҳақида кўп гапирамиз. Ва ҳар қандай идора ва ташкилот, корхонада аввало биринчи раҳбарнинг масъулияти, аҳамияти ва моҳияти алоҳида ўрин тутишини барчамиз яхши тушунамиз.

Ўта оғир ва мураккаб масалаларни ҳал қилиш тўғри келадиган Тошкентдек шаҳарда биринчи раҳбар курсисида ўтирган инсон ўзининг Худо ато этган ақл-идроки, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатларига эга бўлиш билан бирга, етакчи-

ник қобилиятига, яъни одамларни ўз ортидан ргаштира олишга ҳам қодир бўлиши зарур.

У кенг қамровли тайёргарлиги ва дунёқараши, шижоат ва қатъияти, керак бўлса, қаттиққўллиги, ўзи бошқарадиган ҳудуддаги барча катта-кичик раҳбар, мутахассис, фаолларни бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил эта олиши билан ажралиб туриши керак.

Бугун бу вазифада ўтирган Рустам Шоабдураҳмонов ҳақида гапирганда, бу инсон кўпгина давлат идоралари ва ташкилотларида ишлаб, жумладан, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари, вазир вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида анча тажриба топиб келган раҳбар, десак, ортиқча бўлмайди.

Охирги тўрт йил давомида у шаҳар ҳаётини бошқаришда, бир қанча ижобий ўзгариш ва тадбирларни амалга оширишда ўзининг ҳиссасини қўшганини бугун эътироф этишга асосимиз бор.

Лекин охирги пайтда ҳаётнинг ўзи барча раҳбарлар олдига қўяётган талабнинг кучайиши билан унинг фаолиятидаги заиф томонлар сезилиб қолди. Бу эса шаҳарни ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалаларда, аввало бу ерда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечишда оқсоқликка олиб келмоқда.

Р. Шоабдураҳмонов фаолиятида айниқса кенг кўламда бошланган ишларни тўла қамраб ололмаслик, уларни охирига етказиш учун изчиллик, қатъият ва талабчанлик етишмаслиги кўзга ташланмоқда, десак, ўйлайманки, сиз, ҳурматли депутатлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Бу масалада бугунги мавжуд бўлган вазиятни ва аҳволни ҳисобга олган ҳолда, Р. Шоабдураҳмонов бошқа ишга ўтказиш илтимоси билан мурожаат қилгани ҳақида сизларни хабардор этмоқчиман.

Буларнинг барчасини инобатга олиб, бугунги сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала бўйича — Р. Шоабдураҳмоновни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилиш масаласини овозга қўйишни таклиф қиламан ва сиз, ҳурматли депутатлардан бу борада ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент шаҳрининг янги ҳокимини сайлаб олиш масаласига ўтадиган бўлсак, барчамиз яхши тушунамизки, бундай масъулиятли лавозимга муносиб номзод топиш ўта мураккаб ва оғир масала. Бу ҳақда узоқ ўйладик, бу масалани ҳар томонлама ўргандик, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, кўпни кўрган оқсоқоллар ва фаоллар билан маслаҳатлашдик.

Билдирилган фикр ва таклифларга асосланиб, Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига ҳозирги вақт-

да Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Абдуқаҳҳор Тўхтаев номзодини тавсия этишга қарор қилдик. А. Тўхтаевнинг таржимаи ҳоли ҳақида сизларга — шаҳар аҳли вакилларига батафсил айтиб бериш, унинг мутахассислиги, қаерда ишни бошлаб, қаерда униб ўсгани, қандай раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилгани, унинг шахсий қобилияти ва имкониятлари ҳақида гапириш ортиқча, деб биламан.

Мен ҳам сизлар қаторингизда кўп йиллар давомида бу инсоннинг фаолиятини кузатиб келаман. Менга шахсан маъқул томонлари — аввалambор, ишнинг негизини билиши ва ҳаракатчанлиги билан бирга, унинг оддийлиги ва камтарлиги, тозалиги ва одамийлик хусусиятлари ўзига эътиборни тортади.

Ўйлайманки, сизнинг қароringизга қўйилган бу номзодни шаҳар жамоатчилиги қўллаб-қувватлайди.

Азиз дўстлар!

Бир оддий ҳақиқатни унутмаслигингизни, бу масала доим барчангизнинг эътиборингиз марказида туришини истардим.

Ҳаммамиз яхши биламизки, раҳбар қандай ақлли ва ўткир, чуқур билим ва кенг тажрибага эга бўлмасин, таъбир жоиз бўлса, қанчалик тилла инсон бўлмасин, унинг бир ўзи ҳеч нарсага эришолмайди.

Бугун биз олдимизга қўйган мақсад ва мудда-оларимизга эришиш учун туман ва маҳалла раҳбар-етакчилари, оқсоқол ва кайвонилари, шаҳар аҳли ва жамоатчилиги бу раҳбар атрофида жипслашиб, бу ерда ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳитини ташкил этиши шарт. Бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги ҳоким ўз ишини энг қуйи поғонадан бошлаб, пойтахтнинг кўпгина қурилиш ва бунёдкорлик ишларида иштирок этиб, замонавий раҳбар даражасигача ўсиб-улғайган инсондир.

У юқорида зикр этилган талабларни бажаришга, яъни одамлар билан ўзаро елкадош бўлиб, баҳамжиҳат бўлиб ишлаш, соғлом муҳит яратиш, азим пойтахтимизни янада тараққий топтириш ва шу тариқа Тошкент аҳлини рози қилишга сиз, азиз депутат ва фаоллар билан биргаликда ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз. Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
кенгашининг навбатдан
ташқари сессиясидаги нутқ,
2005 йил 22 апрель

ҒАЛАБА УЧУН ЖОН ФИДО ҚИЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ХОТИРЛАШ, БУГУН ҲАЁТ БЎЛГАНЛАРИНИ ҚАДРЛАШ — БИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

Хотира майдонида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда билдирилган фикрлар

Бугун Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллик байрами куни. Бу ғалаба дунё тарихида, ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ бир сана.

Одамзот тарихидаги энг даҳшатли ва қонли воқеа — Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 60 йил бўляпти. Бу бешафқат урушда собиқ СССРнинг ўзидан 27 миллион одам қурбон бўлган. Бунча одамнинг ҳалок бўлганини ўйлаш, фараз қилиш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи ниҳоятда оғир ҳол.

Фашизм балосини даф этиш, жаҳон аҳли орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда собиқ иттифоқ ва жаҳондаги кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Агар ўтган асрнинг 40-йиллари бошида мамлакатимизда тахминан 6 ярим миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафар ватандоши-

миз Иккинчи жаҳон уруши фронтларида иштирок этган. Уруш майдонларида ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун, мусаффо осмонимиз учун жон берган, қурбон бўлган 450 мингдан зиёд юртдошимиз шулар жумласидандир.

Албатта, ёвузлик ва вайронкорлик ифодаси бўлган урушни эслашнинг ўзи оғир. Лекин Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихида, жумладан, бизнинг тарихимизда шундай оғир жароҳатлар қолдирганки, уларни эсламаслик мумкин эмас.

Шунинг учун бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида абадулабад сақланиб қолади.

Ўзингиз ўйланг, ота-она ва яқинлари, жондан азиз фарзандларини урушга жўнатган, ғалаба кунларининг тезроқ стиб келиши учун фронт ортида туну кун тинимсиз меҳнат қилган, соғинч ва изтиробларда қийналган қанчадан-қанча одамлар, ўз жигарбандларининг ўлими ҳақидаги «қора хат»ларга ишонмаган. Йиллар давомида ўз яқинларининг тирик қайтиб келишига ишониб, уларнинг йўлига кўз тикиб, дунёдан ўтган оналар, отасидан, қаровчисидан жудо бўлган

оилалар, ёш боши билан бева қолган аёллар, уруш туфайли ҳаёти хазон бўлган қанчадан-қанча етим-есирларни ёдга олиш, уларнинг чеккан алам ва изтиробларини тасаввур қилиш, албатта, осон эмас. Аммо ғалаба учун жон фидо қилган, бу йўлда не-не азобларни бошидан ўтказган инсонларни бугун хотирлаш, тирикларининг қадрини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Шу боис бутун жаҳон жамоатчилиги бу буюк санани катта ҳурмат билан эламоқда. Тўғри, бу воқеага бағишлаб собиқ иттифоқнинг катта-катта минтақаларида тантаналар, ҳарбий парадлар ўтказиш, ўзининг ҳарбий қудратини намойиш қилиш, ортиқча шов-шув кўтариш, бир сўз билан айтганда, бу тарихий санага сиёсий тус беришга уриниш ҳоллари ҳам бўляпти. Аммо, бир қарашда, бу санани бундай нишонлашни ҳам тушуниш мумкин. Чунки ҳамма соҳада бўлгани каби, бу масалада ҳам ҳар бир давлат ўзининг тарихи, халқининг турмуш тарзи ва миллий қадриятларидан келиб чиққан ҳолда иш тутади.

Лекин бу санани нишонлашдан мақсад аввало ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англаш, одамзотни турли хавф-хатарлардан огоҳ этишдан иборат бўлмоғи, умуман, кишилик тарихида урушнинг бошқа қайтарилмас-

лиги, бундай даҳшатларни одамзотнинг ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим, деб ўйлайман.

Бу санага муносабатда аввалambор одам зотининг тақдири ва қисмати, фашизм устидан қозонилган ғалабага қандай бўлмасин, ҳисса қўшган инсонларни улуғлаш, уларнинг номини абадий сақлаш, бironта одамни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик бу байрамга бағишланган тантана ва маросимларда диққат марказимизда туриши зарур.

Биз бу санани нишонлашда айниқса «ғалаба» деган сўзга алоҳида урғу берамиз. Нега деганда, ғалаба бўлмаса, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимиз ҳам бўлмас эди. Шу билан бирга, бу галабага эришишда қурбон бўлган минг-минглаб мард ва ботир одамларни биринчи навбатда эслашимиз, хотирлашимиз керак.

Агарки вақтида, тарих ва келажакнинг ўзи талаб этган ҳал қилувчи паллаларда ғалаба учун жон берган юртдошларимизни эсламасак, улардан тирик қолганларини эса, эъзозлаб, бошимизга кўтармасак, бу ғалаба ҳақиқий ғалаба, бу байрам ҳақиқий байрам бўлмайди. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, халқимиз, жамоатчилигимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, биз 1999 йилдан бошлаб 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишон-

лаб келмоқдамиз. Бугунги кунда бу қароримиз қанчалик ўринли ва тўғри бўлгани, унинг нақадар чуқур маъно ва мазмунга эга бўлиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.

Бугун бу муқаддас зиёратгоҳга йиғилган фахрийларимиз, илоҳим, ғалабанинг 70 йиллигини ҳам нишонлайлик, ўша кунларга ҳам соғ-омон етайлик, деб ният қилмоқда. Мен уларнинг бу фикрига қўшимча қилиб, ғалабанинг фақат 70 йиллик санасига эмас, балки 100 йиллик санасига ҳам ҳаммамиз биргаликда етиб борайлик, деб ният қилишни, Яратгандан шуни сўрашни истардим.

Бу — менинг қалб амрим, самимий тилагимдир. Орадан юз йил ўтар, минг йил ўтар, аммо, ишончим комилки, Хотира ва қадрлаш куни халқимизнинг энг қутлуғ байрамларидан бири сифатида тарихда қолади. Ўйлайманки, бошқа давлатлар, айниқса собиқ иттифоқ ҳудудида жойлашган мамлакатлар ҳам барибир бир куни бу санани кўпроқ шундай мақсадда, яъни хотира ва қадрлаш айёми сифатида нишонлаш лозимлигини англаб етади.

Нега деганда, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмаган, ҳаммамиз ўтамиз, бироқ хотира қолади.

Биз хотирлаш деганда жуда катта маънони тушунамиз. Аввало хотирасиз келажак йўқ. Ўзингиз ўйланг, инсоннинг хотираси бўлмаса, у ўз кела-

жагини қандай тасаввур қилади? Агар хотира бўлмаса, ота-боболаримиз тўплаган керакли билим ва тажрибаларни билмасдан, ҳар куни, ҳар қадамда янги-янги муаммо ва гов-тўсиқларга дучор бўлар эдик. Жумладан, даҳшатли урушларга бошқа қайтмаслик, умуман, бундай қирғин-баротларни одамзот тарихидан ўчириб ташлаш учун нима қилиш керак, деган мақсадни ўз олдимизга асосий масала қилиб қўядиган бўлсак, уни ҳал этишда бизга аввало хотира ёрдам беради.

Одамзот ўзининг кечаги кунини хотирлай олсагина, ўтмишдан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб, онгли ҳаёт кечириши мумкин.

Шунинг учун ҳам хотира ва қадрлаш деганда, бир-бирини тақозо этадиган, доимо ёнма-ён турадиган, ўзаро узвий боғлиқ ҳодисани тушунамиз. Шунинг учун ҳам 9 май санасида «Хотирасиз келажак йўқ» деган иборани кўп такрорлаймиз ва доимо ёдимизда сақлаб келамиз.

Ҳақиқатан ҳам, агарки миллат ўз келажагини кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлиши лозим. Чунки халқ, миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан керакли хулоса ва сабоқлар чиқармаса, келажакда яна йўлини йўқотиши ва инқирозга дучор бўлиши турган гап.

Хотира ва қадрлаш деганда, бугун биз кечираётган ёруғ ҳаётни асраб қолиб, Ватан озодли-

ли йўлида қурбон бўлган фидойи зотларни эслаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, ҳаёлимизда, фикру ёдимизда мангу сақлашни шиглаймиз. Шу билан бирга, хотира ва қадрлаш деганда, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларини қадрлаш, асраб-авайлаш, оғирини енгил қилиш, қўлимиздан келадиган барча ёрдамимизни улардан аямаслик, уларнинг олдидаги муқаддас бурчимизни адо этишни назарда тутамиз.

Мен қадрлаш деганда, аввало бизга бор меҳру муҳаббатини бағишлаган, оқ ювиб-оқ тараган, кийинтирган, тарбия қилган ота-оналаримиз, бобою момоларимизга улар тирик бўлган пайтда катта бойлигимиз, бахтимиз сифатида қарашимизни хоҳлардим.

Яна бир тилагим шундан иборатки, ота-онани ҳурмат қилиш, ёши улуғларга нисбатан ўз эҳтиромини бажо келтириш, ўзбекча айтганда, меҳр-оқибатли бўлиш бизнинг нафақат миллий, балки энг улуғ қадриятимиз, асосий мақсадимиз бўлиб қолиши лозим. Меҳр-оқибат бизнинг халқимизга хос бўлган шундай ноёб тушунчаки, бу иборани энг моҳир таржимон ҳам бошқа тилларга аниқ таржима қилиб бсролмайди. Бу ерга тўпланган шоир ва адибларимиз ҳам бу фикрни тасдиқлаши мумкин.

Меҳр-оқибат тушунчаси фақат ўзбек халқида бор, десам, балки бу бир томонлама ёндашув

бўлар, бироқ айнан меҳр-оқибатнинг бошқа қадриятлардан устун туришини мен бошқа миллатларда камдан-кам учратганман. Агар ҳозирги кунда ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз ана шу қадриятларимизни асраб-авайласа, шу орқали ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англасагина четдан жуда катта хуруж сифатида ҳамла қилаётган, фарзандларимизнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоявий ва мафкуравий таъсирларга ҳам қарши тура олади.

Бундай таъсир қуролларига эга бўлган кучларнинг асосий мақсади нимадан иборат? Ёшларимизни аввало миллий заминдан, азалий қадриятларидан жудо қилиш, қандайдир қиёфасиз инсонларга айлантириш — мана уларнинг мақсади. Агарки миллатимиз жозибали, лекин сохта ва зарарли ғоялар тажовузи зимдан кучайиб бораётган бугунги мураккаб замонда ўз қадриятларини эъзозлаб, авайлаб сақлайдиган бўлса, билиб қўйинглар, бизга ҳеч қандай куч хавф сололмайди. Биз ўзлигимизни, асл қиёфамизни йўқотмасак, ўзаро меҳр-оқибат ва аҳилликни сақласак, ота-боболаримиз ҳеч кимдан кам бўлмаганини, биз ҳам уларнинг йўлидан бориб, эртага ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизга ишониб, бу ҳақиқатни чуқур англаб яшасак, мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз.

Тўғри, ҳар қандай давлат учун ҳарбий куч-қудрат, дейлик, замонавий қурол-аслаҳа, ракета ва самолётлар, замбараклар, профессионал аскар ва офицерлар, умуман, армия ҳам керак. Лекин биз учун бугун энг катта куч — бу миллий қадриятларимиз, қадим тарихимиз, ўзимизнинг маънавий ва моддий қудратимизга, эртанги кунимизга бўлган ишонч. Бу гапни айнан бугун — 9 май куни айтишни, албатта, ҳар томонлама ўринли, деб ҳисоблайман. Чунки эл-юртимиз босиб ўтган оғир ва оловли йўллар, бутун тараққийпарвар инсоният билан биргаликда эришилган ғалаба инсонни мана шундай хулоса ва сабоқлар чиқаришга даъват этади. Бундай хулоса ва сабоқлар биз учун, айниқса ёш авлодимиз учун сув билан ҳаводек зарур.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлаш масаласини аввало давлат идораларида вазифада ўтирганлар, жамоатчилик вакиллари, тадбиркорлик, тижорат иши билан шуғулланадиган, қўлидан амалий иш келадиган, бошқаларга ёрдам-кўмак беришга қодир бўлган инсонлар ёдда тутиши лозим.

Ёрдам-кўмак ҳақида гапирганда, биргина рақамни келтиришни ўринли деб биламан. Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт

ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига фақат ёрдам тариқасида, яъни пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили тахминан 20 миллиард сўм миқдорида ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай ёрдам аввало бепул медицина хизмати, санатория ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминлашга, жамоат транспортида бепул юриш, коммунал хизматлар бўйича компенсациялар беришга қаратилган.

Аҳолининг иш ҳақи миқдорини ошириш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳам шулар жумласидандир. Шу муносабат билан 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақини 20 фоизга ошириш ҳақида қарор қабул қилганимизни эслаш жоиз, деб биламан.

Насиб этса, йилнинг охиригача барча имкониятларимизни ҳисоб-китоб қилиб, иш ҳақи ва нафақалар миқдорини яна 20 фоизга оширишга эришсак, ўйлайманки, юртдошларимиз, айниқса биз учун мана шундай дориломон кунларни таъминлашга ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари олдидаги бурчимизни бажариш йўлида навбатдаги салмоқли қадамни қўйган бўламиз.

Минг афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Халқимизда «одам ғанимат» деган ҳикматли бир ибора бор.

Дарҳақиқат, биз учун барча ота-боболаримиз, кексаларимизнинг ҳаёти ғанимат. Уларнинг умрини узайтириш, ҳар томонлама мазмунли ҳаёт кечириши учун ҳисса қўшиш, уларга шароит яратиб бериш, бундай эзгу ишларни амалга ошириш айниқса «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда барчамизнинг бурчимизга айланишини истардим.

Бугун Хотира ва қадрлаш кунининг энг асосий иштирокчилари бўлмиш уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизни табриклаб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт ва омонлик тилаб, яна бир бор ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни билдирмоқчиман. Келгуси байрамларда ҳам мана шу табаррук зиёратгоҳда учрашайлик. Бу майдон йилдан-йилга очилиб, ҳуснига ҳусн қўшилиб бормоқда. Айниқса, кейинги пайтда амалга оширилган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари туфайли бу йил жуда чиройли бўлиб кетди. Насиб этса, кейинги байрамларимизда бундан ҳам гўзал бўлади.

Биз ҳар гал мана шу майдонда кекса авлоднинг жасорати, улар босиб ўтган оғир ҳаёт йўли ҳақида гапирганда, уларнинг давомчилари бўлган, бизнинг ўрнимизга келаётган ёшларимиз ҳақида ҳам сизлар билан кўп фикр алмашамиз. Мен бугун ҳам бу мавзуга эътиборингизни қаратиб, «Фарзандларимиз биздан кўра билим-

бундай фикрга қўшилмайман. Нега деганда, содда қилиб айтадиган бўлсак, Интернет — бу катта бир дўкон. Дўконга борганда, одам хоҳлаган молини сотиб олади. Мана, масалан, сиз катта бозорга кирдингиз. Ундан ўзингиз истаган буюмни сотиб оласиз. Интернетни ҳам шундай бир бозор, яъни ахборот бозори деб тушуниш керак.

Интернетни ёпиб қўйиш, ундан фойдаланишни тақиқлаш — мутлақо аҳмоқона иш. Лекин биз болаларимизни шундай тарбиялашимиз керакки, улар Интернет бозорига кирганда фақат ўзи учун зарур нарсани олсин. Ўғил-қизларимизга Интернетдан, ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўргатишимиз зарур.

Болани Интернетга ўргатишдан олдин унинг фойдаси ва зарарини тушунтириш керак. Эй, барака топкур, бу бозорга кирганда сен нимани олмоқчисан? Билиб қўй, бу бозорда дунёнинг турли мамлакатларидан олиб келинган ўзининг усти ялтироқ молларини таклиф қиладиганлар жуда кўп. Аммо сен нимани танлайсан? Ўз ақлингни ишлатиб, керакли нарсани танлай оласанми ёки йўқми? Бу информация, яъни таклиф этилаётган молнинг қайси бири сенга маъқул ва фойдали деган гапларни айтиб, болага тўғри йўналиш бериш зарур.

Сир эмас, Интернетдаги бизнинг миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган маълумотлар,

масалан, беҳаё тасвирлар ҳам бор. Таажжубки, ҳозир дунё бозорида яланғоч аёлнинг танаси кўрсатилмаса, бу реклама реклама ҳисобига ўтмайди. Нафақат Интернет, балки телевизорда ҳам шундай.

Шунинг учун ҳам биз болаларимизни шундай тарбиялашимиз керакки, дунёнинг қайси бурчагидан қандай маълумот келмасин, қандай ахборот тажовузи бўлмасин, улар ҳар қандай ҳолатга тайёр туриши лозим. Бундай хуружлардан ўзини *йўқотиб қўймаслиги керак.*

Албатта, уларни фақат ўраб-чирмаб, йўқ, болам, у ерга борма, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш бугунги замонга тўғри келмайди. Айтмоқчиманки, ёшларнинг атрофини темир девор билан ўраб бўлмайди.

Бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун Интернет тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан тўлдириш керак. Нима учун шу масалалар бўйича иш олиб бормаяпмиз?

Очиқ айтиш керакки, ҳозир ёшлар кутубхонага камдан-кам боради. Бордию уларга бир нарса, дейлик, муайян китобнинг муаллифи ёхуд мазмуни керак бўлсагина кутубхонага боради. Чунки замонавий таҳсил топаётган йигит-қизлар кўп маълумотларни Интернет орқали олади.

Бизнинг заиф томонимиз шундаки, Интернетда Ўзбекистон билан боғлиқ маълумотлар жуда кам. Нега деганда, бизда бу жараённинг техникаси ва технологияси талаб даражасида эмас. Миллий қадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини Интернетга киритиш дастури ишлаб чиқилмаган.

Интернетда «Ўзбек адабиёти» деган сайт борлигидан мен хабардорман, лекин, мисол учун, нега Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидов каби катта шоирларимизнинг шахсий сайтлари йўқ? Нафақат юртимиздаги болалар, балки дунёнинг бошқа чеккасида, айтайлик, Америкада яшайдиган бир ўқувчи ёки талаба, ё бўлмаса, тадқиқотчи Ўзбекистондаги атоқли шоир, артист ёхуд олимнинг ижоди ҳақида маълумот олмоқчи бўлса, қаерга мурожаат қилади? Шу шахсга хат ёзиб, барака топкур, менга шундай-шундай маълумотларни юборинг, дейдими? Кечаги замонда шундай бўлиши мумкин эди. Энди у даврлар ўтиб кетди. Бугун замон бошқача, талаб бошқача.

Албатта, Интернетда миллий маълумотлар тизимини яратиш учун ҳам маблағ, ҳаракат ва интилиш зарур. Минг афсуски, болаларимизга шундай шароитни яратишда бироз оқсоқлик қиляпмиз.

Нима учун биз бу борада замондан орқада қоляпмиз? Тарбия ҳақида кўп гапирамиз. Лекин тарбия ҳозир кўпроқ Интернет сайтлари орқали бўлаётганини ҳам тушунишимиз лозим. Хўш, айни пайтда Интернет тизимидан ким энг кўп ва унумли фойдаланяпти? Мана, Америка Қўшма Штатларини олинг, бу мамлакатда ҳар ким ўз манфаатини ифода этадиган маълумотларни Интернетга киритса бўлди, одамлар ўзи излаб топади. Дунёнинг бошқа чеккасида турган киши эса шу маълумотни олади. Қаранг, хат ёзиш, уни почта орқали юбориш билан эмас, балки ҳамма ишни Интернет орқали ҳал қилиш у ерда бугун одатий ҳолга айланган.

Мана, Хитой ёки Ҳиндистонни олайлик. Хитойда 1 миллиард 300 миллион киши яшайди. Ҳиндистоннинг аҳолиси эса 1 миллиард 100 миллиондан зиёд. Бу икки мамлакат аҳолисини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, икки ярим миллиард одам бўлади. Хитой информацион ва коммуникацион технологиялар бўйича бугун жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ҳademай биринчи ўринга чиқади. Ҳиндистон ҳам ундан кам эмас.

Шу йил апрель ойида бу мамлакатга расмий ташриф билан борганда яқиндан танишиб билдикки, Ҳиндистон Президенти жаноб Абул Калам ядро қуроли, ракеталар соҳасида йирик му-

тахассис, ҳам ёзувчи, ҳам рассом экан. Ёзган асарларини, чиқарган китобларини бизга тақдим қилди. Шеър ҳам ёзар экан, мусиқа ҳам басталар экан. Булар ўз йўли билан. Лекин гап ҳозир Ҳиндистонда ахборот технологияларига катта эътибор берилаётганида.

Биз баъзан Ғарб маданияти тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирамиз. Бу шундай кучли оқимки, унга қарши чиқиш жуда мушкул. Бунинг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса, Интернетга ўзимизга керакли, миллий ғоямиз, миллий манфаатларимизга мос бўлган маълумотларни ўз вақтида киритишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам бу масалага чуқурроқ ёндашиб, керакли ишларни вақтида қилмасак, ота-оналар ва мутасаддиларнинг диққатини шу муҳим масалага жалб қилмасак, қолоқ бўлиб қолишимиз мумкин. «Ҳолва деган билан оғиз чучимайди», деган мақолни назарда тутиб, тезроқ амалий ишларга ўтиш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу мақсадда биз алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз ва уни ҳаётга жорий этишимиз даркор, деб ўйлайман. Бу дастурда мазкур соҳани ривожлантириш бўйича тегишли моддий-техник базани вужудга келтириш, малакали мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг филиаллари-

ни Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида ҳам ташкил этиш, ёш компьютер программачиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сингари масалалар кўзда тутилиши лозим.

Шундагина эзгу мақсад-муддаоларимиз сари яна бир улкан қадам қўйган бўламиз.

2005 йил, 9 май

БИЗНИ ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ

Шу йилнинг 12—13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнот ва мухбирларнинг саволларига жавоблар

Ҳурматли матбуот конференцияси иштирокчилари!

Куни кеча Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар барчангизни қизиқтириши, ҳаяжонлантириши табиий, деб ўйлайман. Шунинг учун саволларга жавоб беришдан олдин Андижон шаҳрида 12 майдан 13 майга ўтар кечаси ва куни кеча — 13 май куни рўй берган воқеалар ривожи қандай бўлганини қисқача баён этмоқчиман.

Аввало, кичкина чекиниш қилишга рухсат бергайсиз. Бугун Россия телевидениеси орқали Андижонда жиноий ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан «қўзғолон кўтарганлар» деган ибора ишлатилганини эшитиб қолдим. Шу муносабат билан сизларни, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган ҳурматли журналистларни бирон-бир иборани қўллашда, ҳар қалай, журналистик одоб доирасидан чиқмасликка, ҳар қайси сўзни билиб, вазминлик билан ишлатишга чақираман.

Кеча ва ўтган куни тунда Андижон шаҳри ҳудудида жиноий ҳаракатлар содир этганларни мутлақо *«қўзғолон кўтарганлар» деб бўлмайди.* Шунинг учун яна бир бор таъкидламоқчиманки, 12 майдан 13 майга ўтар кечаси соат 00.30 да бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар — мен уларга нисбатан айнан шундай ибора кўпроқ тўғри келади, деб ҳисоблайман — шаҳарда жамоат тартибини сақлайдиган милиция батальони — соқчи-патруль хизмати ҳудудига ҳужум қилган. Ярим тун бўлгани учун, қолаверса, навбатчилар томонидан зарур даражада ҳушёрлик кўрсатилмагани сабабли жангарилар батальон ҳудудига бостириб кирган, навбатчилик қилаётган тўртта милиция ходимини отиб ташлаб, қурол-яроғ омборини бузиб, ўнлаб автоматлар, тўппончалар, граната ва бошқа қуролларни эгаллаб олган.

Шундан кейин улар бу ерни тарк этиб, йўл-йўлакай ўзларига ўхшаган баъзи одамларни сафларига қўшиб, Мудофаа вазирлигига қарашли 34-ҳарбий қисм жойлашган ҳудудга йўл олган. Улар ҳарбий қисмга яқинлашиб келганда соат кечаси тахминан биру ўттизлар бўлган. Жангарилар бу ерда ҳам аввало навбатчилик қилаётган тўрт-беш кишини отиб ташлаб, жуда кўп автомат ва бошқа қурол-яроғларни эгаллаб олган.

Кейин улар ҳарбий қисмдан олиб чиқилган «ЗИЛ-130» оғир юк машинасида тергов изоля-

тори ҳудуди томон йўл олишган. Ана шу машина билан қамоқхона дарвозасини уриб йиқитиб, ичкарига киришган ва деярли барча маҳбусларни — чамаси 600 кишини у ердан бўшатишган. Қамоқда ўтирганлар орасида босқинчиларга қўшилишдан қайтмайдиган одамлар ҳам бўлган.

Сўнгра жангарилар машиналарга ўтириб, кўчада учраган кишини гаровга ушлаб, хоҳлаган одамнинг машинасини тортиб ола бошлаган. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий бузғунчилик бошланган. Улар кўчадаги одамлардан тортиб олинган автомобилларда бақир-чақир билан, осмонга ўқ отиб, шаҳар кўчалари бўйлаб шовқин-сурон кўтариб ўтган ва учта объектга яқинлашиб келган. Биринчи объект — вилоят ички ишлар бошқармаси биноси, иккинчи объект — вилоят миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси бўлган. Учинчи объект эса вилоят ҳокимияти биноси эди. Табиийки, бу пайтда вилоят маъмурияти биносида хизматчилардан ҳеч ким бўлмаган, фақат навбатчилик қилаётган қуролсиз кишилар бўлган. Биласизки, бизда маҳаллий маъмурият идоралари биноларига махсус қўриқчилар қўйилмайди.

Жангарилар ҳокимият биносига яқинлашиб келиб, уни бутунлай ишғол қилган. Шу билан бирга, унга туташ биноларни, темир панжара билан ўралган бутун мажмуани эгаллаб олишган.

Ва кўнгилларига келган бузғунчилик ва номаъқулчиликни бошлашган.

Улар вилоят ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати бошқармалари биноларига ҳужум қилганида, табиийки, бу икки бинода ўз бурчини бажараётган хизматчилар томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келишган. Шунинг учун террорчилар бу биноларни қўлга ололмаган.

Вилоят ҳокимияти биносини ишғол қилгач, жангариларнинг асосий эътибори нимага қаратилган? Улар бино ичидаги телефонлардан фойдаланиб, Андижон шаҳрида истиқомат қилаётган ўзларининг таниш-билишлари, аввалambор, оила аъзоларини — улар қариялар бўладими ёки аёллар, ёш болалар бўладими — барчасига қўнгироқ қилиб, уларни шу ерга келишга чақирган. Жангарилар ўз яқинларини ҳокимият биноси атрофига жойлаштириб, шу тариқа ўзлари учун жонли девор ташкил қилиш мақсадини кўзлаган.

Чунки бу босқинчилар биладики, ҳарбийлар ҳеч қачон аёллар, болалар ва қарияларга қарши хуруж ёки ҳамла қилмайди, уларга шикаст етказмайди. Шунинг учун ҳам улар бино атрофида жонли девор ташкил қилганидан сўнггина телефон орқали ўзларининг ташвиқот ва тарғибот ишини бошламоқчи бўлган.

Биздаги аниқ маълумотлар шуни тасдиқлайдики, жангарилар ҳокимият биносидан туриб

Қирғизистоннинг Жалолобод ва Ўш вилоятларига, ҳатто Афғонистон ҳудудига ҳам қўнғироқ қилишган. Яъни, ўзларининг жиноий қилмишларини ташкил қилишга ёрдам ва кўмак берган ҳомий ва хўжайинларига телефон қилиб, «Мана шундай воқеалар бўлди, биз галаба қозондик» деган мазмунда ахборот берган.

Бу қўнгироқларни бизнинг махсус хизмат вакиллари эшитган, уларни ёзиб олган ва тергов пайтида буларнинг ҳаммаси ашёвий далил сифатида албатта кўрсатилади. Бу воқеалар қандай бўлган, уларнинг тагида, негизида нималар, қандай мақсадлар борлигини биз одамларга, жамоатчиликка етказамиз.

Жангарилар ўз ҳомий ва хўжайинларига ахборот берганидан кейин тарғибот-ташвиқотини бошлаб, ўз мавқеини мустаҳкамлашга ўтган.

Шу ўринда бир муҳим детални таъкидламоқчиман. Жиноятчилар йўл-йўлакай ўзлари учун зарур деб ҳисоблаган одамларни ушлаб, уларни гаровга олган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, гаровга олинганларнинг сони 20 кишидан кам бўлмаган. Такрор айтаман, улар ярим тунда йўлда дуч келганларнинг ҳаммасини ҳам гаровга олавермаган. Уларнинг қандай принцип бўйича одамларни гаровга олгани — бу энди иккинчи масала, буни тергов кўрсатади.

Жангарилар гаровга олинганларни ҳокимият биносига олиб кирган, уларни арқон билан боғлаб ташлаган ва деярли бир сутка давомида таҳқирлаган. Айни пайтда вилоят ҳокимияти биносини эгаллаши биланоқ, юқорида айтилганидек, улар ўзларининг барча қариндош-уруғлари, хотинлари ва оила аъзоларига телефон қилишни бошлаган. Ва улар ҳали бинони деярли эгаллаб бўлмасидан туриб, уларнинг оила аъзолари — аёллар, кексалар, ёш болалар бу ерга тўпланабошлаган.

Мен хорижий журналистлардан бу воқеаларнинг айнан ана шу жиҳатларини ёзиб олишни сўрайман — буларнинг ҳаммаси қанчалик ваҳшийлик, инсонпарварлик меъёрларига қанчалик зид эканига эътибор беринг. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ерда аёлларнинг, болалар ва кексаларнинг нима айби бор? Лекин, такрор айтаман, бино атрофида, нари борса, 300 киши — аёллар, болалар ва кексалар тўпланган, холос.

Ўша куни эрталаб тахминан соат олтиларда Андижон шаҳрида ҳукм сурган вазият шундан иборат эди. Шундай қилиб, жангарилар кечаси соат 00.30 да ўз ҳаракатларини бошлаган ва эрталаб соат олтиларга бориб ўз мақсадларига эришган — жиноятчиларни қамоқхоналардан бўшатишган, вилоят маъмурияти биносини эгаллаб олишган ва ички ишлар ҳамда миллий хавф-

сизлик хизмати бошқармалари биноларини қуршаб олишган. Мен Андижонга етиб келганда вазият шундай эди.

Шахсан мен бу воқеалардан 12 май кечаси тахминан соат биру қирқ бешларда хабардор бўлдим. Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов менга телефон қилиб ахборот берди. Мен ҳамроҳларим билан бирга эрталаб соат еттию ўттизларда Андижонга етиб бордим.

Андижонга бориб биринчи навбатда штаб туздик. Штаб олдига вужудга келган вазиятни бартараф этиш ва гаровга олинганларни қутқариш, узоқни кўзлаган бу жиноятчи тўдалардан маҳаллий маъмурият биносини озод қилиш, шаҳар аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, хавфсизлигини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Ўйлайманки, 400 минг аҳоли яшайдиган Андижон шаҳрига, андижонликларга бўлган ҳурмат-эҳтиромим, қалбимдаги эзгу фикрларим ҳақида бу ўринда ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Лекин бугун мана шундай мураккаб вазиятда яна бир бор айтмоқчиман: аввалambор менинг мана шундай қадрдонларимни ҳимоя қилиш учун амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Жангариларнинг режалари ҳақида кейинроқ маълумот бераман, чунки бу режалар улар би-

лан мулоқот олиб борган чоғимизда аниқ бўлиб қолди.

Шундай қилиб, штаб тузилди, вилоят ҳокимияти биноси ва бошқа биноларни ўраб олиши лозим бўлган кучлар тақсимланди. Такрор айтаман, бошқа бинолар — вилоят ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати бошқармалари бинола-рини ўраб олиш ва шунингдек, портловчи модда-лар бўлиши мумкин бўлган муҳим объектлар — ёқилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа бинолар-ни қўриқлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Кечаси жангарилар ўтган кўчаларда ёқиб юборилган ўнлаб автомобиллар, юк машиналари ва бошқа нарсалар уюлиб ётарди. Ҳокимият биноси ёнида кесишадиган учта кўча ҳам ёқиб юборилган енгил автомобиллар билан тўсилган, бу ерга киришга йўл қўймаслик учун барча чоралар кўрилган эди. Маълумки, ҳокимият биносининг ёнида етти қаватли иморат бор. Ана шу иморатнинг томига, шунингдек, ҳокимият биноси мажмуи таркибига кирадиган бошқа биноларнинг тепасига жангарилар томонидан қўйилган бешолтита снайпер ўрнашиб олган эди. Афтидан, жиноятчилар бу ёвузликларга жуда қаттиқ тайёрланган эди.

Иккинчи қилган ишимиз шу бўлдики, мен вилоят ҳокимидан, шаҳар ва вилоят жамоатчи-

лиги вакилларини тўпланглар, улар билан гаплашмоқчиман, деб илтимос қилдим. Аввало маҳаллалар раҳбарлари билан учраштирсангиз, мен биринчи галда улар билан маслаҳатлашмоқчиман, дедим. Улар билан мавжуд вазият бўйича фикр алмашиб, ундан кейин тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширишга киришишни маъқул топдим.

Мен бу масалага алоҳида урғу бериб айтмоқчиман: аҳолининг орзу-ниятлари ва кайфиятини, воқеаларга муносабатини билмасдан туриб, қандай чора-тадбир кўришимиз мумкин эди? Муқаддас Андижон заминида яшайдиган одамларнинг, аввало кайвонилар, маҳалла оқсоқоллари, қариялар ва фахрийларнинг фикрини билмасдан туриб, уларнинг ёрдамига суянмасдан туриб, минглаб аскарларни Андижонга олиб келганда ҳам ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги аниқ эди.

Мен учун энг муҳими — Андижон фаолларининг бу хунук ва нохуш воқеаларга қандай қараётгани, уларнинг фикри ва муносабатини билишдан иборат эди. Уларнинг фикри ва муносабатига таяниб-суяниб, шундан кейингина бирон-бир чора-тадбир кўриш мумкин эди.

Қарияларга, маҳалла оқсоқолларига ҳам айтдим: мана, мен келдим Андижонга, ҳаммасини албатта ҳал қиламиз. Мен нима учун келдим?

Одамларни ҳимоя қилиш, уларнинг жонини сақлаш, ҳаётини асраш учун келдим. Аввалambор, бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, ишончимиз бўлган ёшларимизнинг ҳаётини сақлаш, уларнинг жони шикаст топмаслиги учун келдим, деб уларни хотиржамликка чақирдим.

Бу ишларни қилмасдан туриб, бирор-бир қарорга келиш, бирор топшириқ бериш албатта номаъқул эди. Вилоят ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан гаплашиб, уларнинг фикрини билгандан кейин штаб аъзоларини тўплаб, аввало ҳокимият биносига ўрнашиб олган жангариларнинг раҳбарларини қидирдик. Уларнинг ҳаммасида қўл телефонлари бор эди. Бу телефонларнинг рақамларини аниқлаш анча-мунча вақтимизни олди, лекин қанчалик қийин бўлмасин, аниқладик.

Телефон орқали жанғарилардан уларнинг орасида номига бўлса ҳам, мен бу сўзни таъкидлаб айтмоқчиман, номига бўлса ҳам бу тўданинг бирон-бир бошлиғи ёки етакчиси бор-йўқлигини сўрадик. Шундан кейин улар билан мулоқотга киришдик. Такрор айтаман, улар билан мулоқотга киришдик.

Биз томонимиздан мулоқот олиб борган одамлар ҳақида ҳам гапиришим мумкин. Бу жуда ҳам оғир, жуда ҳам мураккаб вазифани ички ишлар вазири Зокиржон Алматов ва вилоят ҳокими Сай-

дулла Бегалиевга топширдик. Албатта, бошқа одамлар ҳам бу ишга жалб этилди, лекин асосан ана шу икки киши мулоқот олиб борди.

Мулоқот чоғида жангарилар олдига қўйган бизнинг асосий шарт ва саволларимиз нималардан иборат бўлди?

Мен Алматовга биринчи навбатда шуни уқтириб айтдим: уларга етказингларки, қилғиликни қилдингиз, ҳеч нарса демасдан дарвоза олдига келиб, бегуноҳ одамларни отиб ташладингиз. Нима учун бундай ишларни қилганингизни ҳалок бўлганлар энди сизлардан охиратда сўрайди. Ўлганларнинг ҳам болалари бор, уларнинг ҳам бу ҳаётда орзу-ҳаваслари мўл эди. Ҳаётдан бевақт кўз юмишни ким хоҳлайди? Бу дунёда Аллоҳ бизларни нима учун яратган? Бола ўстириш, келажакда ўзимиздан яхши из қолдириш, худонинг буюрганини бажариш учун яратган. Бизнинг инсоний бурчимиз ана шу ишларни қилишдан иборат.

Менимча, охиратни ўйламаган инсон виждонан ҳаёт кечиролмайди. Охиратни ўйлаган, охиратдан қўрққан одамгина бунақанги мудҳиш ишларга ҳеч қачон қўл урмайди. Бир одамни ўлдириш, кимнидир сағир ва етим, кимнидир бева қолдириш — бу инсоннинг ақлига сиғадиган ишми?

Хуллас, жангариларга қаратилган гап шундай бўлди — бўлгани бўлди, қилганингизни қилиб

бўлдинглар, лекин сизларга қўядиган қаттиқ талабимиз, шартимиз, керак бўлса, таклифимиз шу: хоҳласангиз, қуролни топширинглар, хоҳламасангиз, қуролни топширмасдан — мана, сизларга 3—4 та автобус — уларга ўтириб истаган жойингизга боринглар, бошингиздан бир тола ҳам сочингиз тушмайди, ҳеч ким сизларга тегмайди. Такрор айтаман, ҳеч ким сизларга тегмайди, дедик. Албатта, содир бўлган воқеалар бўйича тегишли тергов-суриштирув ишларини олиб борамиз, агар сизлар ҳақ бўлсангиз — ҳақлигингизни тасдиқлаймиз, айбдорларга эса қонуний чора кўрамиз. Лекин билиб қўйинглар, Президентнинг ваъдаси — ваъда, шартимизни бажарсангиз, сизларга ҳеч ким тегмайди. Шу шартга кўнинглар, бошқа иложингиз йўқ. Чунки давлат билан қандай курашасиз? Бизнинг қўлимизда катта куч бор. Агар бу кучни жалб қилсак, сизлардан нима қолади? Шуни билингларки, қурол ишлатадиган бўлсак, ҳарбий ҳаракатлар бошланадиган бўлса, кейин уни тўхтатиб бўлмайди, деб таъкидладик.

Ҳокимият биноси томонда жангарилар қўлида қурол ва автомат билан турган, томнинг тепасида уларнинг снайперлари ўтирган мана шундай вазиятда мен уларга қарата айтдим: сизлар билан ҳали ҳеч ким қурол орқали гаплашгани йўқ. Сизлар билан мулоқот олиб бораётганда би-

ронта ҳарбий сизлар турган бинога бир километр ҳам яқин келгани йўқ.

Мен ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва ҳарбийларга бу бинога яқин бормангланр, деб топшириқ бердим. Умуман, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва биз сафарбар этган қўшимча кучлар вилоят ҳокимияти биноси мажмуига 13 май куни кечқурун соат олтигача яқин бормади. Такрор айтаман, бирорта ҳарбий хизматчи вилоят ҳокимияти биносига яқин бормади. «Нима учун?» деб сўрашингиз мумкин. Музокаралар олиб бориш учун имкон яратиш мақсадида шундай қилдик. Бу шахсан менинг топшириғим эди. Яна айтаман, тинч музокаралар олиб бориш, ҳокимият биносига ўрнашиб олганларни қўрқитмаслик, жуда бўлмаса, уларнинг ишончини қозониш учун шундай қилиш керак, деган фикрда шу тахлит иш тутдик.

Бизнинг гапларимиз етказилганидан сўнг уларнинг бошлиғи З. Алматовга телефон қилиб, бўпти, мен ҳозир жамоа билан маслаҳатлашаман, деди. Биз, хўп, маслаҳатлашинг, дедик. Ярим соатдан кейин у яна телефон қилиб, сизлар қўлга олган 6 та одамимиз бор, шуларни олиб келиб, бизга топширсангиз бўлди, шартларингизни бажарамиз, бизнинг ҳам гапимиз битта, деди. Шу билан ўзини мард қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

Уларнинг бу шартини менга айтишганда, хўп, ҳеч қандай гап йўқ, улар сўраётган одамларни

олиб бориб беринглар, дедим. Ҳозирча шартини бажарайлик-чи, кейин кўрамиз уларнинг қандай одамлигини, ҳамма сўроқ-суриштирув кейин бўлади, уларнинг ота-онаси ким, нима мақсадда жангарилар сафига қўшилди ва ҳоказо — ҳаммасининг тагига етиб борамиз, деб улар айтган шартга рози бўлдик.

Аммо, жангарилар сўраган одамларни олиб келиб топширмоқчи бўлган пайтимизда, у томондан яна телефон бўлди. Уларнинг бошлиғи, йўқ, бизнинг яна бошқа талабимиз бор, деган гапни айтди. Хўш, қандай талаб экан, деб сўрадик. Ҳозир қамоқда ўтирган бизнинг тарафдорларимиз, дедими, доҳийларимиз, дедими, биттасининг исм-фамилияси Акром Йўлдошев экан, яна икки-учтасининг номини айтиб, уларнинг ҳам барчасини шу ерга олиб келишимизни талаб қилди. Бизлар шу ерда ўтирамиз, мана, қўлимизда қурол бор, ҳеч кимни бу бинога яқинлаштирмаймиз, айтган одамларимизни олиб келиб бизга топширасиз, деб яна шарт қўйди.

Хўп, ундан кейин нима бўлади, дедик биз. *Ундан кейин яна гаплашамиз, деди уларнинг* бошлиғи. З.Алматов улардан, хўп, шу охирги талабми, деб сўради. У ёғини яна кўрамиз, деди жангариларнинг етакчиси.

Штаб аъзолари билан яна кенгашдик. З. Алматов ахборот берди. Орамизда баъзилар, май-

ли, уларни олиб келиб топширайлик, икки-учтасини озод қилсак, нима бўлибди, деган фикрларни ҳам билдирди. Аммо соғлом фикрловчи одамлар айтдики, хўп, уларни топширдик ҳам дейлик, лекин бунинг оқибати нима бўлади? Тинч ҳаётимизга тажовуз этиб, юртга хиёнат қилиб, бегуноҳ одамларни ўлдирганлар билан муроса қилиб бўладими? Ахир, ўлган ҳарбийлар ким? Ўзимизнинг болаларимиз-ку! Бир йилга хизматга чақирилган ёки шартнома асосида хизмат қилаётган ўзбек боласи, қора кўзлар-ку. Ўлдирилганлар ҳаммаси ўзимизнинг миллатимиз фарзандлари-ку. Биз жангариларнинг талабини бажариб, самолётда Навоийдан, Тошкентдан ва бошқа жойлардан улар сўраган одамларни олиб келиб қўлига топширсак, эртага улар яна бошқа, бундан каттароқ талаб қўймайдими? Бундай муроса эртага қандай оқибатларга олиб келади? Аввалambор, булар ҳаммаси, биз ғалаба қозондик, деб дунёга жар солади-ку!

Бу ишимиз бошқалар учун қандай ўрнак, ибрат бўлади? Эртага Ўзбекистоннинг қайси қишлоқ, туман ёки шаҳрида қайси болалар боғчаси, қайси мактаб ёки касалхона улар томонидан ишғол қилинади? Агар 1995 йил 13—14 июнда Ставрополь ўлкасининг Будённовск шаҳрида чечен жангарилари томонидан амалга оширилган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, бундай во-

қсалар юз бермаслигини ким инкор эта олади? Бу жангарилар ҳам эртага қайси аёл ёки чақалоқни ўз олдига жонли девор қилиб, яна қандай янги талаблар қўяди? Уларнинг талаби сиёсий талабга айланиб кетмоқда-ку! Қўйиб берса, улар Ўзбекистонни ислом республикаси деб эълон қилиш, конституциявий тузум қоидаларидан воз кечиш талабларини қўйишгача ҳам боради. Буни мутлақо истисно қилиб бўлмайди. Агар бу жангариларнинг жони ўзига азиз бўлса, бошқаларнинг жони ҳам ўзи учун, яқинлари учун азиз.

Бундай ён беришларга дунёдаги ҳеч қайси давлат йўл қўймайди. Буни сизлар жуда яхши биласизлар. Жиноятчилар томонидан қўйилган сиёсий шарт ва талаблар биз томонимиздан ҳеч қачон қабул қилинмаган ва қабул қилинмайди ҳам.

Юқорида айтилганидек, биз уларнинг телефонда гаплашган барча гапларини махсус асбоблар орқали эшитганимиз сари уларнинг ёвуз ниятлари янада кўпроқ ошкор бўла бошлади.

Масалан, жангариларнинг бошлиғи телефонда ўз ўғли билан тахминан шу мазмунда гаплашди: бўлди, иш пишди. Булар ўзини орқага ташлади, бизнинг шартимизга кўнди, халқни кўтар, майдонга чиқар, тушунарлими? Яъни, ҳали иш пишмасдан туриб, келишувни амалга оширмасдан туриб, телефонда халқни кўтар, дейишни бош-

лади. Одамларни майдонга чиқар, улар ҳозир раҳбарларимизни озод қилиб, самолётда олиб келади, кейин яна гаплашамиз, фақат халқ майдонга чиқсин, деб кўрсатма берди.

Бу гапларни эшитиб, албатта, биз ўз хулосамизни чиқардик. Бир соатча маслаҳатлашгандан сўнг телефонда айтдик: бизда ахборот етарли, сизлар чучварани хом санабсизлар, бунақа ўйинлар кетмайди, сизларга биз холисона таклиф бердикки, ўз жонингизни сақламоқчи бўлсангиз, тўрт томонингиз қибла, хоҳлаган жойингизга бораверинг, деб. Лекин бунақа сиёсий ўйинларни ташкил қилиш, бошқаларни камситиш, ҳокимият одамларининг ақли йўғ-у, улар нима десак, айтганимизни қилаверади ва охир-оқибатда мақсадимизга эришамиз, деб ўйлаётган бўлсангиз, тушингизни сувга айтинг. Биз ҳам энди керакли чорани кўрамиз, дедик.

Сизлар Ўзбекистонда қандайдир халифалик тузиш ва давлатни Конституция орқали эмас, шариат қонунлари асосида бошқариш, гўёки Афғонистон, Покистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатлардан таркиб топган халифаликка бизнинг юртимизни ҳам киритишдек ғаразли ниятларни кўзлаб юрган бўлсангиз, бизнинг ҳам ақлимиз бор. Бизларни ким сайлаган — халқ сайлаган. Сизларнинг сонингиз юз нафардан ошиқроқ бўлса, бизларга миллион-миллион одамлар

овоз берган. Биз ана шу одамларнинг ишончи, хоҳиш-иродаси ва ваколатига ҳар томонлама суяниб давлатни бошқармоқдамиз. Сизлар хомхаёлда юрибсизлар, вақт борида қайтинглар бу нотўғри йўлдан, деб айтдик.

Бир соатдан кейин, кундузи соат бирларга яқин телефон бўлиб, йўқ, бизнинг одамлар кўнмаяпти, дейишди. Биз уларга қарата шундай дедик: агар кўнмаса, сизларга яна икки-уч соат муҳлат. Лекин, билиб қўйинглар, бошқа имконият берилмайди. Агар биз билдирган таклифни, яъни тўрт томонингиз қибла, хоҳлаган жойингизга боринглар, аммо ҳокимият биносини бўшатинглар, қуролларни топширинглар, уйларингизга қайтинглар, деган таклифни қабул қилсангиз, ҳаммаси жой-жойида бўлади, ортиқча қон тўкилмайди, яна бир марта айтамиз, сочингиздан бир толаси ҳам тушмайди, бирортангизга ҳам тегмаймиз.

Тепамизда худо бор, мен бу гапларни холисона айтяпман. Агар шу таклифларни қабул қилишса, ҳеч нарса бўлмасди. Ҳаммаси қуролни топширса, жой-жойига бориб ётарди. Кейин қонун асосида тергов ва сўроқ бўларди, ким қаерда хато қилгани, қонунни бузгани, хуллас, бу воқеаларнинг сабаблари аниқланарди. Мен «кечирдим», деганим йўқ. Мен фақат, сизларга ҳеч ким тегмайди, деб ваъда бердим.

Уларга, агар сизларнинг қандайдир қонуний талабларингиз бўлса, дейлик, Андижон шаҳрида «Ҳизб-ут-таҳрир» ғояларини тарқатиб юрган бир нечта ақидапарастни суд қилишаётганидан норози бўлсангиз, биз уларнинг ҳаммасининг тубига етишга тайёрмиз, деб айтдик. Агарки қаердадир қонун бузилган бўлса, кимнидир қаердадир ноқонуний ҳибсга олишган бўлса, бу масалаларни ҳам кўриб чиқамиз, дедик.

Мен қатъий баён қилмоқчиман: уларга, қуролярогларни топширинглар, сизларга ҳеч ким тегмайди, бу ишларни қонунда белгиланган тартибда ҳал қиламиз, сизларнинг ҳаётингиз ўзингиздан бошқа ҳеч кимга керак эмас, ҳукумат мавжуд қурбонларга қўшимча яна янги қурбонлар бўлишидан асло манфаатдор эмас, деган таклиф бир неча марта айтилди.

Такрор ва такрор айтаман: кеч соат олтигача ҳукумат кучларидан ҳеч ким бинога яқин ҳам боргани йўқ. Тахминан кечки соат олтиларда охирги телефон бўлиб, булар кўнмаяпти, дейишди. Шундан кейин ҳарбийларимиз ҳокимият биноси атрофини ўраб олишни бошлади. Ҳарбий кучлар бу ишни олти яримларда тугаллади, шу вақт давомида битта вертолёт тепада айланиб юрди. Бино томига ўрнашиб олган уларнинг снайперлари шу тариқа огоҳлантирилди: мабодо

йқ узадиган бўлсанг, билиб қўйгинки, сени ҳам тепадан туриб бир зумда йўқ қилиш мумкин.

Лекин воқеалар ривожи шундай бўлдики, улар соат етти ярим-саккизларда ҳарбийларнинг келишини сезиб, олдинроқ ҳаракат бошлаб, биноннинг асосий эшикларидан уч гуруҳ бўлиб чиққан ҳолда, шаҳар ташқарисини кўзлаб уч томонга қараб қочишни бошлади. Албатта, шу заҳотиёқ уларнинг орқасидан қувиш бошланди. Улар балки *ўзининг олдиндан тайёрлаб қўйган жойига*, узоқ-яқин паноҳларини кўзлаб, аввалambor, Қирғизистон томонга қоча бошлади. Ҳарбийлар, милиция ходимлари билан биргаликда ҳаммаси бўлиб, қанча одам ўлганини ҳозирча аниқ айтолмайман. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича, ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан, бегуноҳ одамларни ҳам ҳисобга олсак, 10 нафардан кўпроқ одам қурбон бўлди, улар томонидан берилган талафот анча кўп. Икки томондан қарийб 100 киши ярадор бўлган.

Кечаси жиноятчиларни охиригача тутишнинг имкони бўлмади. Уларни таъқиб қилиш тунги соат ўн бирларда тўхтатилди. Эрталаб бу жараён яна давом этди.

Улар тун бўйи Андижон вилояти ҳудудининг ўзида ёки чегарадан ўтиб, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари ҳудудида тарқалиб кетган бўлиши мумкин.

ByryH CH3Jiapra aHa uiy pacMHH axSopoTHH eT-Ka3MOKUH 3JJHM. TOKH XaJIKHMH3, XaMOaTHHJIHFH-MH3, jjyHe axjm 6y BOKeajiap/raH 6oxa6ap 6yJicHH.

MeH 6y epaa 6aeH 3TraH ranjiap (paKar (J)aKT-jiapjjaH n6opaT. MeH KypyK. (paKTJiapHHHr y3HJjaH 6oniK.a xeu Hapca aiiTraHHM HyX- 3T>TH6OP 6ep/j,HH-TH3MH, MeH uiy naHTraHa 6yjra6 yrraH BOKeajiapHH yMyMaH uiapx^fiaraHHM nyK,-

3HJJH H5K03aTHHrH3 6njiaH iuy BOK.eajiap 6yHHHa KHCKana iuapx. 6epn6, y3 xyjiocajiapHMHH 6aeH KHJI-MOKHHMaH.

AKH/janapacT Ba xaHrapHJiapHHHr acji MaKca/j-jiapH, 6HpHHHHJraH, Kyjiaft Ba3H5rr/jaH cjboHflajiaHHHi 6yjiraH. AirjjKscoH/ja COJJHP STHjiraH cpoacHajiH BO-iceajiap/ja KeHHHrn iiHJUiap/ja Ba aftHHKca cyrirrH naHT/ja KiipFH3HCTOHjj;a 6yjra6 yrraH BOKeanapHHHF 6apnacHHH afiHaH TaKpopjiaiura 6yjiraH ypHHHHiHH KypHHi KHHHH 3Mac. BoniKaHa aHTraHJj,a, xaHrapn-Jiap KjipFHSHCTOHHHHr Yui Ba)Kajiojio6ojj maxpH-/ja pyn 6epraH BOKeajiap/jaH (poH/j,anaHH6, 6yH/jaH eBy3JiHKJiapHH y36eKHCTOHHHHr 3HT ry3aji MacKa-HH 6yJTMHHI AHJJH5KOH/ja TaKpOpJiaiHHH HHilT KHJT-raH. ByHHHr ynyH yjiap nyKyp Ba y30K, TaHeprapjiHK KypraH. By — iweHHHr GHPHHHH xyjiocaM.

MeH y3 HHK.HHiJiapHMJj;a Kyn MapTa TawcHjjjiaraH (pHKpHMHH HHa 6np 6op aHTMOKHHMaH — 6npop-6np /jaBJiaT SKH xy/jy/warH HOTHHH Ba3H>iT, Kapa-Ma-K.apuiHJiHK, K.030HjieK K.aftHa6 eTraH Moacapo-

ар, фуқаролар уруши ёки барқарорликнинг бузилиши билан боғлиқ шунга ўхшаш ҳодисалар ҳеч қачон шу ҳудуд чегарасида узоқ вақт сақланиб қолмайди ва уларнинг чегаралардан ошиб, қўшни давлатлар ҳудудига тарқалиб кетиши табиий ҳол. Бугун буни ҳеч кимга исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ҳаётнинг ўзи шуни яққол тасдиқламоқда. Буни Афғонистон ва Қирғизистон мисолида кўриш мумкин. Бу мамлакатларда юз берган воқеаларнинг таъсири ҳали-бери барҳам топгани йўқ.

Қирғизистондаги воқеаларни оладиган бўлсак, мен уларнинг сабаблари ва пайдо бўлишининг асосий омиллари ҳақида батафсил гапириб ўтирмайман. Фақат Қирғизистонда аҳолининг норозилиги — қаршилик кўрсатиш салоҳияти деб аталадиган жараён жуда узоқ вақтдан буён тўпланиб келганини таъкидламоқчиман. Бу норозилик ҳукуматнинг ва шахсан мамлакат Президентининг халқнинг талаб ва эҳтиёжларига мутлақо бепарволиги билан қўшилиб кетди.

Албатта, мен бугунги кунда қиргиз ва хориж матбуотида ёзилаётган коррупция ва бошқа нарсалар ҳақидаги гапларни такрорлаб ўтирмайман. Бу — бошқа масала.

Иккинчидан, бу қора гуруҳлар, Қирғизистонда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият заифлигини кўрсатади, деб

хом ўйлашган ва онги заҳарланган ёшларни эргаштириб, ёвуз ҳаракатларни бошлашган.

Маълумки, Қирғизистондаги воқеаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган иккинчи омил — бу ҳокимиятнинг заифлиги, унинг мутлақо фаолиятсиз бўлиб қолишидан иборат эди. Ва буларнинг барчаси муқаррар равишда норозиликларга олиб келиши табиий эди.

Бу худди физикадаги қонуниятларга ўхшайди: қозонда буғ тўпланиб қолади ва ташқарига қараб интилади. Агар бу буғнинг йўли очиб берилмаса, бутун қозон ёрилиб, портлаб кетиши мумкин. Бошқача натижа бўлмайди. Шунинг учун Қирғизистон воқеаларининг барчаси, таъбир жоиз бўлса, мантиқий боғлиқлик нуқтаи назаридан тўлиқ тушунарли эди. Такрор айтаман, сабаб ва оқибатнинг мантиқий боғлиқлиги нуқтаи назаридан тўлиқ тушунарли эди.

Одатда бундай вазиятларда ташқи сабаблар деб аталадиган омиллар ҳақида кўп гапирилади. Мен шу муносабат билан Грузия ва Украинага нисбатан неча бор айтган гапимни яна бир марта такрорламоқчиман: вазиятга ташқаридан аралашиш деб аталадиган омиллар ластлабки иккита сабаб иш бергандагина самарали бўлиши мумкин. Уларнинг биринчиси, юқорида айтганимдек, бу — аҳолининг норозилиги, унинг ижтимоий ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум бўлиши, одамлар-

нинг чорасиз қолиши. Иккинчиси — ҳукумат томонидан халқнинг аҳволини англаш, ҳаммага тушунарли бўлган сиёсатнинг йўқлиги, фақат ваъда бериш билан шуғулланиб, амалда деярли ҳеч нарса қилинмаслиги, энг ёмони — унинг коррупция ботқоғига ботиб қолиши.

Ҳар қандай мамлакат раҳбарияти ислоҳотларни амалга оширар экан, аҳолида озгина бўлсада, умид учқуни пайдо бўлиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилиши керак. Агар одамлар буни ҳис қиладиган бўлса, унда «қозондаги буғ» ташқарига чиқа бошлайди ва ижтимоий норозиликлар содир бўлмайди. Бордию аксинча бўлса, унда вужудга келган шароитдан юқорида зикр этилган ташқи кучлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қоладиган, «тўпланиб қолган буғ»нинг кучи — одамларнинг норозилигини ўзларига керакли томонга буриб юборадиган, етакчи бўлишга, эртага вазиятни назорат қилишга қодир бўлган ва табиийки, янги ҳукумат таркибига кирадиган кишиларни топиш талаб этиладиган вазият содир бўлади. Айтиш мумкинки, элитани, мамлакат етакчиларини алмаштириш зарурати туғилади. Эскилар кетади, уларнинг ўрнига янгилари келади.

Бундай «саҳна безаклари»ни алмаштириш жараёнида ташқи кучлар ўта фаол иштирок этади. Бу кучлар узоқ вақт давомида бу ишда ўзла-

рига маъқул етакчиларни тайёрлайди ва уларнинг бошини силайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси мамлакат бундай воқеаларни алоҳида ўз бошидан ўтказади. Ва мен бугун Грузия, Украина ва Қирғизистондаги воқеаларни ягона занжирга боғлаш мутлақо ноўрин, деб ҳисоблайман. Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи бор, ўзига хос шарт-шароити бор. Шунинг учун ҳам айрим воқеаларни «атиргул рангли инқилоб», бошқасини — «апельсин рангли инқилоб», учинчисини — «лоларанг инқилоб» деб аташга бўлган уринишлар мутлақо самарасиздир. Буларнинг барчаси, таъбир жоиз бўлса, мутлақо бошқа-бошқа бўлган воқеаларни қандайдир бирлаштиришга қаратилган зўрма-зўраки, беҳуда уринишлир.

Албатта, улар ўртасида қандайдир умумий боғлиқликлар ҳам бор, лекин яна такрорлайман, ҳар қайси мамлакатдаги воқеалар унинг ўзида мавжуд бўлган шарт-шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда содир бўлади. Бу мамлакатлардаги ҳар бир халқнинг турмуш тарзи бир-биридан мутлақо фарқ қилади. Ва «рангли инқилоблар» деб аталадиган бу воқеаларга олиб келган сабаблар ҳам мутлақо бир-бирига ўхшамайди.

Қирғизистондаги вазият билан мен узоқ вақтдан буён яхши танишман, уни Грузия ва Украинадаги шароит билан қиёслай оламан. Қирғизис-

тоидаги воқеаларни «лоларанг инқилоб» деб қанча гапиришмасин, Украинадаги воқеаларни эса «апельсин ранг инқилоб» деб қандай жар солишмасин, буларнинг барчаси қуруқ сўздан бошқа нарса эмас ва фақат шу маънодагина бу икки мамлакатдаги воқеалар ўхшаш бўлиши мумкин.

Кези келганда яна бир бор айтмоқчиман: мен ҳар қандай инқилобларга қаршиман, мен — тадрижий тараққиёт тарафдориман. Яъни, барча воқеалар мавжуд объектив қонуниятлар асосида ривожланиши керак. Кимдир оғизда бу қонуниятларни инкор этиши мумкин. Аммо шулар ҳам «объектив реаллик мавжуд, объектив қонуниятлар бор» деган ҳақиқатни тан олишса керак. Агарда кимдир ижтимоий тараққиётнинг навбатдаги босқичини босиб ўтмасдан, ундан кейинги босқичга, айтайлик, қулдорлик тузумидан бирданига ривожланган капитализм тузумига ўтиб кетиш мумкин, деб ўйласа, қаттиқ адашади. Шундай экан, ўзингиз ўйлаб кўринг, қандай қилиб патриархал ва қариндош-уруғчилик муносабатлари устун бўлган, боз устига, уруғ-аймоқчилик манфаатлари ҳал қилувчи омил бўлган феодал жамиятдан бир сакраб, демократик давлатда пайдо бўлиш мумкин?

Қирғизистонни оладиган бўлсак, бу ерда айнан шундай ҳолат мавжуд — бир уруғ бошқаси билан давлатнинг ёғли луқмаси учун кураш олиб

боради. Шундай вазиятда инқилоб ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Қайси томондан қараманг, қариндош-уруғчилик муносабатлари — бу барибир феодал тузумга хос белги-аломатлардир. Ана шундай босқичдан, керак бўлса, тартибдан бошқа бир тузумга, ривожланган демократия, боринғки, ўтиш даври демократияси деб аталадиган тартибга қандай қилиб бирданига сакраб ўтиш мумкин?

Учинчидан, Андижондаги жангариларнинг орасида қўшни давлатлардан келганлар ҳам бор эди. Уларнинг шахси ҳақида яна қўшимча ахборот берамиз. Бу масала бугун аниқланмоқда. Айтмоқчиманки, четдан ёрдам бўлмаса, ҳомийлари моддий кўмак кўрсатмаса, улар ҳеч қачон бундай чуқур тайёргарлик кўролмасди, умуман, бундай жиноятни қилолмасди. Бу — табиий ҳол. Бундай дейишга барча асосларимиз бор.

Мен бу мавзуни давом эттирмоқчи эмасман, фақат бир нарсани айтмоқчиман: бу воқеаларга ҳозирги пайтда кўп гапирилаётган четдан аралашувлар ҳам бўлган, албатта. Лекин, такрор айтаманки, агар мамлакатда давлат ва аҳоли ўртасида ҳамжиҳатлик бўлса, бундай аралашувлардан ҳеч нарса чиқмайди. Агар ҳукумат одамларнинг кайфияти, уларнинг орзу-интилишларини ҳис қилиб турса, халқ бугун нимани хоҳлаётгани ва эртанги кунга қандай режалар билан яшаётганини, қан-

дай қарорлар халққа ёқиши ва унинг томонидан қўллаб-қувватланиши, қандай қарорлар эса аҳоли тарафидан рад этилишини билса, бир сўз билан айтганда, агар давлат билан халқ бир-бирини тушунса, бундай мамлакатда ҳар қандай ташқи таъсир ва аралашувлар ҳам ҳеч нарса қилолмайди.

Ана шу айтилганларнинг барчасини якунлаб, хулоса қилганда, Андижон шаҳрида бўлиб ўтган воқеаларга кўпгина омиллар сабаб бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўринда бир омилни иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Уларнинг ҳаммасини биргаликда олиб қараш, ҳар бир омилнинг таъсирини ҳисобга олиш лозим. Шундагина яхлит бир манзара ҳосил бўлиб, ҳаммаси тушунарли бўлади.

Агарки, носоғлом вазият юзага келиб, турли унсурлар ундан фойдаланиб қолишни кўзласа, тийиқсиз оломон кўча ва майдонларга чиқиб, ҳаммаёқни тартибсизлик ва бошбошдоқлик эгаллай бошласа, одамлар ақл-ҳушини йўқотиб, ваҳший тўдага айланса, бу ўта хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда деярли ҳеч ким ана шу тўдани бошқаришга қодир бўлмай қолади. Аксинча, тўданинг ўзи одамларни қандай бошқариш бўйича ўз ҳукмини ўтказа бошлайди. Бундай ҳолатда айрим кимсалар, баъзи кучлар оломонга ортиқча эрк бериб, аввалдан ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун ана

шундай воқеалар тўлқини узра кўтарилиб, обрў топишга ҳаракат қилади.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида 24 март куни содир бўлган воқеалар моҳият эътибори билан шуни кўрсатдики, улар ҳукумат учун ҳам, мухолифат учун ҳам, бу воқеаларни четдан диққат билан кузатиб юрганлар учун ҳам мутлақо кутилмаган ҳол бўлди. Яъни, бу воқеаларнинг фақат қирғизларга хос намунасини амалга оширишни жуда-жуда истаб турган четдаги кимсалар уларни ўзлари хоҳлаган ўзанга солиб юборишга ҳам улгурмай қолди, вазият уларнинг мўлжалидан кўра бошқачароқ бўлиб чиқди. Воқеалар шу қадар тез юз берганки, бу жараён уларнинг барча режаларини остин-устун қилган ва назоратдан чиқиб кетган.

Бу — бош қотириб кўришга арзийдиган, жиддий масала.

Шунинг учун буларнинг ҳаммасини бизнинг шароитга олиб келиб боглайдиган бўлсак, шундай хулоса чиқариш мумкин: одамларни гижгижлаб кўчага чиқариш, сўнгра оломоннинг содда ва гўллигидан фойдаланиш ва шу орқали бутун жараённи бошқариш — Андижонда юз берган воқеаларнинг моҳияти шундан иборат.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, Андижон воқеалари ўз-ўзидан бирданига содир бўлгани йўқ. Бугун бизда бу воқеаларга тайёргарлик

кўриш учун унинг ташкилотчиларига камида уч-олти ой вақт керак бўлганини тасдиқлайдиган маълумотлар бор. Андижон кўчаларида содир этилган бузғунчиликлар, айниқса, ҳокимият биносини эгаллаш пайтидаги ҳаракатлар ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилгани шундан далолат беради ки, бу воқеаларнинг ҳаммаси олдиндан қаерлардадир пухта режалаштирилган, майда-чуйда деталларигача ҳисоб-китоб қилинган ва кўзда тутилган.

Бу воқеаларнинг ҳаммасини ташкил этганлар қандай мақсадни кўзлаган? Ва улар кимлар? Улар қандай оқим ва кучларнинг вакиллари? Биздаги маълумотларга таянган ҳолда, бу воқеаларни уюштирганлар «Ҳизб-ут-таҳрир» оқимларидан бири эканини айтмоқчиман. Бу ишларни ташкил қилиб, кейин ҳокимият биносида ўзича кенгаш ўтказган бу тўданинг барча бошлиқлари кимлигини ҳам бугун биз биламиз. Уларнинг ҳаммаси «Ҳизб-ут-таҳрир»нинг Андижонда «акромийлар» деб аталадиган оқимига мансуб. Уларнинг ғояси, мақсад-муддаолари моҳият эътибори билан «Ҳизб-ут-таҳрир»никидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Уларнинг пировард мақсади ҳам барча мусулмонларни бирлаштириш ва «мусулмонлар халифалиги» деб аталмиш тузилмани ташкил қилиш. Бу халифаликда ўрта асрларга хос шариат қонунлари амал қилиши керак — мана,

улар нимани тарғиб қилмоқда. Улар ҳар қандай конституциявий тузум ва дунёвий ривожланиш йўлига тиш-тирноғи билан қарши.

Бу ақидапарастлар Андижонда террорчилик ҳаракатларини содир этаркан, нималарга умид боғлашди? Улар воқеалар Қирғизистондаги сценарий бўйича ривожланади, деб умид қилишган эди. Ўшда ва Жалолободда бўлгани сингари, ҳафталаб, балки ойлаб бузғунчилик билан шуғулланишмоқчи эди. Ўз вақтида Қирғизистоннинг бу вилоятларида ҳукумат деярли ҳеч нарса қилмаган, фақат воқеаларни четдан кузатиб, томоша қилиб турган эди. Жиноятчилар Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият ҳеч қандай қатъият кўрсата олмайди, деб хомхаёл қилишган эди.

Тўртинчи хулоса шундан иборатки, жангарилар Андижон халқи, аҳолиси бизларни қўллаб-қувватлайди, деб ўйлашган. Уларнинг режаси оддий эди — маъмуриятни эгаллаш ва одамларни, халқни қўзғатишга чақириш.

Агар биз уларнинг шартига кўниб, қамоқда ётган етакчиларини самолётда олиб келсак, бу уларнинг режасини амалга ошириш учун кучли туртки берган бўларди. Ва 24 март куни Бишкекда майдонга чиқиб, марказий ҳокимиятни ағдариб ташлаган оломонга ўхшаш тўдани тўплашни ният қилган кишилар пайдо бўлар эди.

Аввал айтилганидек, жиноятчилар ҳокимият биносига ўрнашиб олиб, телефон орқали ташқаридаги — Андижон шаҳри ва яқин атрофдаги туманлардаги одамларни қўзғатишга тун бўйи уринишди. Ўз яқинлари ва тарафдорларини Андижондаги майдоига тўпланишга чақиришди. Аёллар ва болалар ортига беркиниб олиб, аскарларни аёллар ва болаларга қарата ўқ узишга мажбурлаш учун ҳийла-найранг ишлатишга уриниб кўришди.

Такрор айтаман, уларнинг аввалдан ишлаб чиқилган режаси бор эди ва бу режа Жалолобод ҳамда Ўшда худди шундай ҳаракатларни амалга оширганлар томонидан қўллаб-қувватлаб турилди. Сценарий ҳам айнан бир хил — тартибсизликларни Андижонда бошлаб, кейин Тошкентга қараб ҳаракат қилишмоқчи эди.

Бу жиноий тўда Ўзбекистондаги вазият мутлақо бошқача эканини, қайтариб айтаман, Қирғизистондаги вазиятдан мутлақо ўзгача эканини ҳисобга олмаган. Одамларнинг кайфияти, халқнинг хоҳиш-иродаси Қирғизистондагидан мутлақо бошқача эканини ҳам улар эътибордан четда қолдирган. Ва шу маънода бу машъум режани тузганлар қаттиқ адашди.

Мен Грузия ва Украинадаги воқеалар ҳақида гапирмоқчи эмасман, уларни баҳолаш ўша мамлакатлардаги вазиятни яхшироқ биладиганларга

ҳавола. Лекин етарлича нуфуз ва мавқега эга айрим етакчиларнинг Қирғизистон воқеаларини эркинлик ва демократияни ёйиш билан боғлашга уринишларини катта хато, деб ҳисоблайман.

Бу жараёнларни сунъий равишда чиройли шиорлар билан, эркинлик ва демократияни ёйиш назарияси билан изоҳлаб бўлмайди.

Қани, айтинг-чи, Андижондаги қуролли ҳаракатларни нима деб аташ мумкин? Ҳарбий хизматчилар ёвузларча отиб ташланса, ҳарбий қисмга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган босқинчилик уюштирилса, ўнлаб автоматлар эгаллаб олиниб, вилоят ҳокимлигининг биноси ишгол қилинса, бундай воқеаларни қандай баҳолаш керак? Ахир, бу конституцион ҳокимиятни эгаллаб олишга бўлган уринишдан бошқа нарса эмас-ку? Жангарилар ҳокимият биносини эгаллаб олса, томга снайперларни чиқарса, аёллар ва болаларни жонли девор қилиб, уларнинг ортидан жирканч ишларини амалга оширса, ўзларининг қабиҳ даъволарини илгари сурса... Қани, айтинг-чи, буларнинг барчасини нима деб аташ мумкин? Шундай йўл билан эркинлик ва демократияни ривожлантириш мумкинми?

Бешинчи хулоса шундан иборатки, жангарилар томонидан ўйланган асосий ният — шундай вазиятлардан фойдаланиб, вилоятда халқ сайлаган конституцион ҳокимиятни ағдариш, хали-

фалик деган ғирт хомхаёлдан иборат афсонавий давлатнинг бир қисмини Андижонда ташкил этиб, ҳокимиятни қўлга олишдан иборат эди.

Шунинг учун ҳам Андижондаги воқеаларни «қўзғолон» деб атаётганлар, диний экстремистларнинг жиноятқорона қилмишлари замирида эркинлик ва демократияни ёйишдек олижаноб мақсадларни кўришга уринаётганлар, юмшоқроқ қилиб айтганда, ҳақиқатдан жуда йироқдир.

Ҳозирги пайтда маълум тарихий сабаб ва шароитларга кўра демократик андозалардан ҳали узоқ бўлган мамлакатларда демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, демократия ғояларини зўрма-зўраки қарор топтириш учун уринишлар тескари натижа бериши — бундан учинчи бир куч фойдаланиб қолиши муқаррар бўлган вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Бу учинчи куч — радикал исломдир.

Бундай вазият қарийб 80 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган Марказий Осиё ҳудудида ислом динини ниқоб қилиб олган турли тоифадаги экстремист ва ақидапарастларга жуда қўл келиши мумкин. Албатта, биз ҳам Ғарб дунёси, демократия ривожланган давлатлар ҳаракат қилаётган мақсадларга етиш учун интилишимиз керак. Лекин, ижозатингиз билан айтишим мумкин, ҳозирда демократиянинг бутун

дунёда тан олинган тарафдори бўлмиш Збигнев Бзежинский ҳам демократияни экспорт ёки импорт қилиб бўлмаслигини эътироф этмоқда. Чунки бу борадаги шошқалоқлик жиддий фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин. Мен Збигнев Бжезинскийни ўткир ақл ва тафаккур эгаси, таъбир жоиз бўлса, кўп нарсани олдиндан кўра биладиган ва одатда тахминлари тўғри чиқадиган сиёсатчи сифатида ҳурмат қиламан. Ғарбда унинг обрўси қанчалик катта эканини гапирмасам ҳам бўлади.

Шундай қилиб, бу инсон ҳам демократик жараёнларни экспорт қилиб бўлмаслиги, улар тегишли шарт-шароитнинг етилиши ва инсон тафаккурининг ўзгаришига мувофиқ тарзда тадрижий йўл билан рўй бериши кераклигини айтмоқда.

Демократик жараёнларнинг қонуний ривожланишини, одамларнинг демократик фикрлаш даражасининг ўсиб боришини ҳеч қайси президент, ҳеч қайси етакчи тўхтата олмайди. Агарда кимда-ким бунга тўсқинлик қилмоқчи бўлса, уни йўлдан олиб ташлашади, вассалом. Бу — объектив жараён.

Мен айрим журналистларга «бу мамлакатда фалончи қулади, у ерда фалончи кетди, энди кимнинг навбати экан?» қабилидаги сўзлардан тийилишни маслаҳат берган бўлардим.

Бугун бизнинг минтақамизда мавжуд вазиятга бу қадар ҳурматсизлик ва сурбетлик билан ёндашиш мумкин эмас, ахир. Бу — инобатга олишимиз, ҳисоблашишимиз зарур бўлган воқелик. Мен ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлган, аллақачон демократик тараққиёт йўлига ўта бошлаган халқни ҳурмат қилишингизни истайман. Биз ўз олдимизга улуғ ва эзгу мақсадларни қўйганмиз. Агар бизнинг энг асосий ютуғимиз ҳақида сўраса, энг катта ютуғимиз — бу ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидаги одамлардан кескин фарқ қиладиган янги инсонни тарбиялашга эришганимиздир, деб жавоб берган бўлардим. Бу янги инсоннинг фикрлаш даражаси бутунлай бошқача. Шу сабабдан унга беписанд муносабатда бўлиш мумкин эмас.

Минг афсуски, фожиа натижасида бегуноҳ одамлар, ўн гулидан бир гули очилмаган ёшлар ҳалок бўлди. Андижонда қариялар билан учрашганда шуни айтдимки, ўнтадан кўпроқ ҳарбийларимиз ҳалок бўлибди, лекин жиноят содир қилганлар томонидан ҳам ҳалок бўлганлар бор. Агарки улар ақлини, эс-ҳушини йиғиштириб олмаса, яна қанча қон тўкилади.

Шахсан мен Ўзбекистон Президенти бўлиб, жиноят йўлига кирганлар ҳам аслида ўзбек миллатининг болалари эканини афсус ва надомат билан айтмоқчиман. Лекин уларнинг ҳарбийла-

римиздан фарқи нимада? Фарқи шундаки, уларнинг мияси заҳарланган. Эртага тушунтириш ишларини олиб борсак, ота-онаси, маҳалла ва жамоатчилик ёрдам берса, балки уларнинг ҳам ақли кирар. Шунинг учун уларнинг ҳалок бўлиши ҳам ҳаммамиз, аввалambор, Андижон аҳли учун катта фожиа.

Биз бу фожиадан чуқур хулоса чиқаришимиз керак. Мен, биз устун келдик, биз галаба қилдик, деган фикрдан йироқман. Бу воқеаларда ҳеч қандай ғалаба йўқ. Андижонда содир бўлган бу ҳодисалар ҳали чуқур ўрганилади, таҳлил қилинади.

Мен бу воқеалардан афсусланиб айтмоқчиманки, бу — бизнинг халқимиз, миллатимизга асло ярашмайдиган ҳодисадир. Агарки, ҳаммамиз шундай бир хулосага келсак, шундай фикр билан яшасак, ўйлайманки, келгусида бундай нохуш воқеалар юртимизда ҳеч қачон қайтарилмайди.

Энди, марҳамат, саволлар бўлса, жавоб беришим мумкин.

Валерий Ниёзматов, Россиянинг «РИА-Новости» агентлиги мухбири:

— Ислом Абдуғаниевич, Сиз жангариларнинг бошлиғи ваҳҳобийликнинг кўпчилик одамлар билмайдиган тармоғига мансуб, делингиз. Бу одамлар илгари ҳам қонунга қарши ҳаракатлар

қилганми ёки улар биринчи марта ҳокимият билан куч синашмоқдами? Шуни билмоқчи эдик.

Ислом Каримов. Биринчидан, шуни айтмоқчиманки, агар ҳозирги вақтда мадраса ва диний олий ўқув юртларида таҳсил олган, бу борада етарли билимларга эга бўлган ўта саводли одамдан, ваҳҳобийлик «Ҳизб-ут-таҳрир»дан ёки «Мусулмон бирадарлар»дан, айни пайтда ўзини «Акромийлар» деб атаётган оқимдан нимаси билан фарқ қилади, деб сўрасангиз, ўйлайманки, аниқ жавоб ололмайсиз. Бу радикал гуруҳларнинг барчасини бирлаштириб турадиган умумий бир хусусият бор. Улар, моҳият эътиборига кўра, биз учун мутлақо ёт бўлган бир мақсадни — диний давлат, мусулмон халифалигини ўрнатишни тарғиб қилмоқда. Уларни бирлаштириб турган нарса — дунёвий тараққиёт йўлига бўлган нафрат, ғарблик журналистлар учун яна бир бор айтмоқчиман, конституциявий, дунёвий тараққиёт йўлини қабул қила олмаслик, уни кўролмасликдир.

Биз демократия йўлини, дунёвий тараққиёт йўлини танладик ҳамда ривожланган давлатлар эришган даражага етиш учун босқичма-босқич қадам ташламоқдамиз. Бу йўлни дунёдаги деярли барча тараққийпарвар халқлар қабул қилган, у ҳамма учун бирдай тушунарли ва биз ҳам шу йўлдан боришга муносибмиз. Бинобарин, биз ҳеч қандай янгилик яратаётганимиз йўқ. Биз худди

Франция, Нидерландия, Бельгия, Италия, Испания ва Америка Қўшма Штатлари каби, кўпкўп мамлакатларда бўлгани каби эркин жамият қурмоқчимиз. Биз Япония ёки Жанубий Кореядаги каби тизимни барпо қилмоқчимиз.

Демократия ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамойиллари ҳамма учун тушунарли: бу — демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлардир. Бу — охир-оқибатда ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.

Бу тамойилларни диний-экстремистик оқимлар қабул қила олмайди. Сиз ваҳҳобийлар ҳақида сўрадингиз, лекин шу ўринда мен масалага аниқлик киритиб ўтмоқчиман, чунки бу ўринда гап «Ҳизб-ут-таҳрир» оқими ҳақида кетмоқда. Ваҳҳобийлик айрим мамлакатларда расмий диний йўналиш ҳисобланган боис, мен кейинчалик қандайдир англашилмовчилик келиб чиқишини, бизга нисбатан эътирозлар билдирилишини истамайман.

Халифалик нима ўзи? Халифалик Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнг 30 йил ҳукм сурган давлат тузуми. Ўз вақтида ҳатто пайғамбарнинг ўзи ҳам даврлар ўтиши билан халифаликка ҳеч қандай зарурат қолмаслигини уқтирган. Аммо кейинчалик халифаликни қайта тиклаш ғояси

турли даврларда, чунончи, XX аср охирида ҳам бир неча бор кўтарилди. Шуниси ажабланарлики, халифалик ғоясини тарғиб қилаётганлар, хусусан, Иорданияга уя қуриб олган «Ҳизб-ут-таҳрир» оқимининг вакиллари ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаёқ Ўрта Осиёда ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олган эди.

Айниқса, биз истиқлолга эришган дастлабки йилларда, ўзимизни озод ва эркин ҳис қилаётган, энди БМТ аъзосимиз, барча имконият бор, энди демократия йўлидан борамиз ва умуман келгусида ҳаммаси жойида бўлади, деган кўтаринки кайфиятда юрган пайтимизда ана шу хатар яққол сезила бошлади. Биз эски совет мафкураси, коммунистик ғоялар ҳукмронлигидан халос бўлдик. Бироқ, ўша эски мафкура ўрнида пайдо бўлган бўшлиқни ким тўлдира бошлади?

Минтақамизга ислом динининг турли-туман ва унчалик ҳам беозор бўлмаган оқимларининг янги эмиссарлари ёғилиб кира бошлади. Ҳар қадамда масжиду мадрасалар қуриш таклиф этилар ва қурилларди ҳам. Бу жараён биз то эс-ҳушимизни йиғиб олгунга қадар давом этди. Худди шундай ишлар ҳозир бизнинг қўшниларимиз ҳаётида ҳам рўй бераяпти, сиз буни жуда яхши биласиз. Мисол учун, Жанубий Қозоғистонда 1500 та масжид бор, уларнинг 500 таси рўйхатдан ўтмаган. Бу ерда ҳар ким кредит ажратишга,

қўйиб берса, ҳатто текинга масжид қуришга ҳам тайёр.

Такрор айтаман: коммунистик ғояларнинг таназзулидан кейин пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиб, «Ҳизб-ут-таҳрир» айнан Марказий Осиё мамлакатларида, Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида чуқур илдиз отди. Тошкент шаҳрида ҳам худди шундай кўринишлар мавжуд. Бу оқим тарафдорлари бўлган одамлар бизга маълум, албатта. Биз Андижонда ҳокимият биносини эгаллаганлар орасида улардан кимлар борлигини суриштирганимизда, табиийки, аниқ исм-фамилияларга дуч келдик. Бугун мен аниқ айта оламан — булар «Ҳизб-ут-таҳрир» вакиллари, «акромий»лардир. Биздаги мавжуд маълумотларга кўра, бу одамлар, «Ҳизб-ут-таҳрир»нинг ташвиқотчилари бўлган. Лекин биз уларга тегмаганмиз. Чунки қонун чегарасидан чиқмагунича уларни ушлаш учун бизда асос йўқ эди. Бироқ, улар Андижон шаҳрида бўлган жиноятларни содир этди, энди жавобгарликка тортилиши шарт.

Дарвоқе, Андижондан телефон орқали берилган охирги маълумотга кўра, жиноятчи тўда бошлиқларининг деярли барчаси ғойиб бўлган. Биз музокара олиб борган одамлар кумга сингган сув каби қаёққадир ғойиб бўлди. Яъни, ёшларни ҳалокатга гирифтор этиб, ўзлари изсиз йўқолди. Мана,

сизларга уларнинг мафкураси. Бундай қабиҳ кимсалар бир хил услубда ҳаракат қилади: яъни, чигал вазиятда ўз йўлини топа олмайдиган, бегуноҳ ёшларни балога дучор қилиб, ўзлари эса ғойиб бўлади, эртаси куни қайси бир хорижий давлатда пайдо бўлади. Бир пайтлар Афғонистон шундай маконга айланиб қолган эди, у ерда нукул қотиллар, террорчи ва экстремистлар ва ҳоказо шунга ўхшаш ашаддий жиноятчиларга бошпана бериларди. Билмадим, энди қайси мамлакат бу жиноятчиларни ўз бағрига олар экан. Лекин, ўйлашимча, ҳали-бери ён-атрофимизда шундай давлатлар бор.

Юрий Черногаев, «Дойче велле» радиоси мухбири:

— Ислом Абдуғаниевич, Сиз Андижон шаҳрида содир этилган қўпорувчилик хуружига камида уч-олти ой жиддий тайёргарлик кўрилган, дейишга етарли асослар бор, деб айтдингиз. Айнан қаерда, қайси мамлакат ҳудудида шундай тайёргарлик ишлари олиб борилганини бугун айта оламизми? Сиз, шунингдек, Андижон вилояти ҳокимияти биносидан туриб, босқинчилар томонидан Ўзбекистондан ташқарига, Қирғизистон ва Афғонистонга телефон қўнғироқлари бўлганини айтдингиз. Улар Қирғизистоннинг қайси ҳудудига, мисол учун, Боткентгами ёки яна бошқа жойгами — айнан қаерга телефон қил-

ган? Яъни, биз жугрофий жиҳатдан бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкинми? Агар мумкин бўлса, илтимос, айтинг-чи, қанча жангари қочиб улгурган?

Ислом Каримов. Жавоб беришни охирги саволдан бошлайман. Менга бугун ўнга яқин ёки ундан сал кўпроқ жангари қочиб улгургани ҳақида хабар қилишди. Бу масалага ҳозир ойдинлик киритилмоқда. Топилган жасадлар кимники эканини аниқлаш керак, айни пайтда биз бу ишга ҳали қўл урганимизча йўқ, шу боис дастлабки маълумотлар бошқача бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Телефон қўнғироқлари ҳақида аниқ айтадиган бўлсак, биз бир маротаба Афғонистонга, иккинчи марта Ўшга, учинчи марта Жалолободга қўнғироқ бўлганини кузатдик. Уларнинг суҳбатларида асосан ундоқ қилдик, бундоқ қилдик қабилидаги дабдабали баёнотлар, жангарилар тасаввуридаги яна қандайдир хомхаёл орзулар ҳақида гап борди.

Энди сизнинг биринчи саволингизга — тайёргарлик масаласига қайтсак. Мен анча олдин, жумладан, ўтган йили 30 мартда, кейинчалик июль ойининг охирида Тошкентда террорчилик хуружлари содир этилганда асосий буюртмачилар қаердан кириб келгани ва улар қаерга уя қуриб олгани ҳақида гапирган эдим. Албатта, биз барча буюртмачиларнинг номини очиқ айта ол-

маймиз, лекин, энг асосийси шуки, улар — катта молиявий манбаларга эга бўлган экстремистик гуруҳлардир. Биз фақатгина маблағлар қаёқдан оқиб келаётгани ва уларнинг асосий манбалари қаерда экани ҳақида айта оламиз.

Очиқ айтадиган бўлсак, бу қўпорувчилик ҳаракатларининг барчасини Покистонда «имтиёзли асосда» қўним топган ўзбекистонлик Жалолов бошқарган. Яна биттаси — асли қирғизистонлик, Қирғизистон ва Қозоғистон фуқаролигига эга бўлган, Чимкент шаҳрига ўрнашиб олган Бойимирзаев. Ҳозир бу шахс қамоққа олинган, унинг устидан Қозоғистонда суд жараёни кетмоқда.

Бироқ, бу ишлар бир-икки киши томонидан ташкил этилган, деб бўлмайди. Ўзингиз ўйланг, бир киши ҳар қанча бой ва қудратли бўлмасин, бундай бузғунчиликларнинг барчасини ёлғиз ўзи ташкил этишга ожизлик қилади. Бу, биринчи навбатда, катта имкониятларга, энг аввало, молиявий имкониятларга эга бўлган экстремистик гуруҳларнинг ишидир.

Куни кеча Андижонда содир этилган воқеалар ҳақида яна шуни айтмоқчиманки, уларнинг асосий маркази, шаклланган жойи — Қирғизистоннинг жануби ва Фарғона водийси ҳудудидир. Такрор айтаман, бу ҳали дастлабки маълумотлар. Унда бу ишнинг «ҳавосини олган» кўпдан-кўп халқаро жиноятчилар иштирок этгани эҳти-

молдан холи эмас. Дарвоқе, яраланганлар орасида қирғиз миллатига мансуб битта Қирғизистон фуқароси ҳам бор, Қирғизистон жанубида яшайдиган ўзбеклар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Бошқача айтганда, далиллар асосли, нафақат асосли, балки аниқ ҳужжатлар билан тўлдирилган.

Никис Колман, «Франс-пресс» агентлиги мухбири:

— Жаноб Президент, отишга ким буйруқ бергани ёки биринчи бўлиб ким отишни бошлаганини айта оласизми? Яна бир савол. Маълумотларга қараганда, Андижонда бугун ҳам одамлар йиғилибди. Бу бўйича қандай чоралар кўрилади?

Ислом Каримов. Биринчи саволингиз бўйича. Патруль-пост хизмати батальонида ўз вазифасини ўтаётган инсонларни отишга ким буйруқ берганини мен билмайман. Лекин бунинг оқибатида тўрт нафар йигит ўлдирилганини биламан. Ҳарбий қисмга бостириб киришга ва ҳарбийларни, жумладан, офицерларни ўлдиришга ким буйруқ берганини ҳам мен билмайман. Аммо мен сизни бошқа нарса қизиқтиришини биламан. Сизни жангариларга қарши ўқ отишга ким буйруқ берган қизиқтиради. Мана шу «бозори чаққон факт» сизнинг ичингизни қиздиряпти. Чунки, сиз бу билан ўзингизнинг нархингизни ошириб, даромад орттирасиз.

Лекин нега сиз, ҳарбийларга қарата ўқ узишга ким буйруқ берди, деб сўрамадингиз? Агар сиз масалани шу тарзда қўйганингизда эди, мен сизни холис журналист, деб атаган бўлардим.

Шундай бўлса-да, саволингизга жавоб бермоқчиман. Умуман, мен ҳеч қачон жавоб беришдан қочган эмасман. Жангариларни отишга ҳеч ким буйруқ берган эмас. Мен сизга содир этилган барча воқеалар тафсилотини батафсил айтиб берган бўлсам-да, яна такрорлаб айтаман. Ҳокимият биносига ўрнашиб олганларга қарата ҳеч ким ўқ отган эмас, улар ўраб олинаётганини англагач — буни сиз аниқ билиб қўйишингизни истар эдим — жуда қаттиқ қуршаб олинаётганини сезгач, уларнинг ўзи тахминан соат 19.40 да уч тўдага бўлиниб, бинодан чиқиб, учта йўналиш бўйича қочиб кетишди.

Табиийки, махсус гуруҳлар уларни барча йўналишлар бўйича қува бошлади. Ўзингизга маълум, бундай вазиятда қочаётганлар қўлидаги қуроллари билан қуваётганларга қарата ўқ ота бошлайди.

Ва табиийки, таъқиб этаётганлар ҳам ўзларини ҳимоя қилиш учун қочаётганларга қарата ўқ уза бошлайди. Хуллас, бундай вазиятда ўзаро отишма бошланади — буни яхши биласиз. Сизнинг саволингизга жавоб шу.

Энди иккинчи саволингизга келсак. Ҳақиқатан ҳам, бугун ҳокимият биноси олдига 200 нафарча одам йиғилди. Улар — кеча ҳокимият биносини эгаллаб олганларнинг қариндошлари, асосан қариялар ва аёллардан иборат. Яъни, улар — ўз яқинлари учун хайрихоҳ одамлар. Гарчи яқинлари жиноятчи бўлса ҳам, жигари бўлгани учун жон куйдиради — бу тушунарли.

Ҳозир Андижон шаҳрида тузилган штабга раҳбарлик қилаётган ички ишлар вазирига тўпланган бу одамларга нисбатан ҳеч қандай куч ишлатмаслик тўғрисида аниқ кўрсатма берилган. Улар билан фақат шаҳар раҳбарияти, жамоатчилик вакиллари иш олиб бормоқда. Яна бир марта такрорлайман, мен телефон қилиб гаплашганда бу одамларга нисбатан ҳарбий куч у ёқда турсин, ҳатто шунчаки жисмоний куч ишлатишни ҳам қатъиян тақиқладим.

Ўзбекистонда ҳеч ким аёллар, қариялар ва болалар билан жанг қилмайди, уларга ўқ отмайди. Мана шу ҳақда ёзсангиз, мен сиздан миннатдор бўлардим.

Игорь Рискин, Россиянинг 1-телеканали мухбири:

— Жаноб Президент, марҳамат қилиб айтсангиз, Андижонда рўй берган воқеаларда қай даражададир Ўзбекистоннинг мудофаа ва қонунни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг айби борми?

Уларнинг ишидаги камчиликлар ҳам бу воқеаларга сабаб бўлгани ҳақида гапириш мумкинми? Шу муносабат билан мазкур тузилмаларнинг иши бўйича қандайдир хулосалар чиқариб, уларга нисбатан жазо чоралари кўрасизми, бу борада қаттиқ қарорлар қабул қиласизми?

Ислом Каримов. Сиз ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Мен ўша куни Андижон шаҳрида тўлиқ бир сутка бўлдим. Кўплаб жиддий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этдим. Албатта, бу воқеаларнинг содир бўлишида, айниқса патрул-пост хизматига, ҳарбий қисмга ҳужум уюштирилишида, қурбонлар берилганида хизматда турганларнинг ҳам айби бор. Бунда хатарларни билиши лозим бўлган, лекин олдиндан кўра билмаган ва уларнинг олдини ололмаган шахсларнинг ҳам айби бор.

Қоровул хизматини амалга оширишда, айниқса, тергов изоляторини қўриқлашда кўпол хатога йўл қўйилган — бетон тўсиқлар ўрнатилмагани учун жиноятчилар оғир юк машинасида дарвозаларни уриб йиқитиб, унинг ҳудудини босиб олишга муваффақ бўлган. Бу воқеаларнинг ҳаммасида кимларнингдир айби бор, албатта, ва улар қонун олдида жавоб беради.

Мен кечанинг ўзидаёқ зарур қарорларни қабул қилдим — сиз бу ҳақда ҳали хабардор бўласиз. Биринчи навбатда вилоят ички ишлар бошқар-

маси бошлиғи ишдан бўшатилди, яна вилоят ва шаҳар миқёсидаги айрим раҳбарлар ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.

Шаҳарда масъул лавозимда фаолият юритадиган, хизмат қиладиган масъул раҳбар одамларнинг кайфиятини, эртага нималар содир бўлиши мумкинлигини билиши керак. Агар хавфсизлик хизмати, милиция идоралари буни билмас экан, мен улар ўз хизмат вазифаларини ёмон бажаряпти деб ҳисоблайман.

Питер Бём, немис газетаси мухбири:

— Кеча шаҳарнинг марказий майдонига қанча одам йиғилди? Биз шу кунларда Андижонга бора оламизми?

Ислом Каримов. Биринчидан, майдонга ҳеч ким йиғилгани йўқ. Юқорида таъкидлаганимдек, одамлар уч жойда йиғилган. Биринчиси — вилоят ҳокимлигининг биноси. Жиноятчилар бу бинони босиб олишгач, аёллар, қариялар ва болалардан иборат жонли девор билан ўзларини ўраб олган. Иккинчи нуқта — Ички ишлар бошқармаси биносининг олди. Террорчилар бу бинога ҳужум қилган. У ердаги одамлар 200—300 нафар атрофида бўлган. Учинчи нуқта эса — Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси биносининг олдидаги майдонча. Бошқа жойларда ҳеч ким тўпланган эмас.

Андижон шаҳрига боришга рухсат беришга келсак, бу масала журналистларга аккредитация бериш билан шуғулланадиган Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мавжуд тартиб-қоидалар асосида ҳал этилади. Вазирлик сизларга Андижонга боришингиз ва воқеалар ҳақиқатда қандай юз берганини ўз кўзингиз билан кўриб келишингиз учун барча имкониятни яратиб беради.

Менинг шахсий фикримча, бирор жойда қуролли тўқнашув ва отишмалар бўлаётганда, журналистлар қандайдир саҳналарни суратга тушираман, деб довюраклик кўрсатишдан тийилиб тургани маъқул. Бу — инсонийлик нуқтаи назаридан қўйиладиган талаб. Лекин сиз кўришни, танишишни истасангиз, ўйлайманки, барча имконият берилади. Биз ҳеч нарсани яширмоқчи эмасмиз. Бунинг фойдаси йўқлигини ҳам биламиз.

Нима бўлганда ҳам, барибир барча фактлар ошкор бўлади. Мен бунга шубҳа қилмайман. Бу фактларни қандай талқин қилишга келсак, бу ёғи сизнинг виждонингизга ҳавола. Бугун сиз менинг талқиним билан танишдингиз. Эртага ўзингиз Андижонга борасиз, одамлар билан учрашасиз ва ўз тасаввурингизга эга бўласиз. Табиийки, алданиб жиноятчиларга қўшилган ва оқибатда ҳалок бўлган ёшларнинг қариндошлари ўз фикрларини айтишади. Буни эшитар экансиз, ҳеч бир

она ўз боласини босқинчи-жиноятчи демаслигини ҳисобга олишингиз лозим. Демоқчиманки, ўринли-ўринсиз шикоятлар, иғволи гаплар ҳам бўлади. Бу каби ҳолатларга тайёр бўлишингиз лозим.

Севара Турсунова, Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» дастурининг мухбири:

— Ислом Абдуғаниевич, сиз журналистларни Андижон шаҳрида бўлган воқеаларни ёритишда холис бўлишга чақирдингиз. Лекин мана шундай беқарор вазиятда айрим сиёсий сафсатабозлар ўзича асоссиз тахминлар қилишга зўр беради. Хусусан, Андижон воқеалари Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам тарқалиши мумкин, деган миш-мишлар тарқалмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Хавфсизлик кенгаши раҳбари, Қуролли Кучларнинг Олий бош қўмондони сифатида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик, бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юртимизда ҳукм сураётган барқарорликни сақлаб туришга қодирлигини қандай баҳолайсиз?

Ислом Каримов. Аввалambор, сиз айтган четдан келган ва ўзимиздан чиққан сафсатабозлар ўзининг юзаки қарашлари, уйдирма гапларини тарқатиб турмаса, уларга ҳеч ким ҳақ тўламайди. Бундай сафсатабозлар шунинг учун яшаяпти, шунинг учун фаолият кўрсатяпти.

Ўзимиздан чиққан сафсатабозларнинг фамилияларини айтмайман, уларни узоқдан танийман. Совет даврида биттаси коммунистик партиянинг Тошкент область комитетида идеология бўйича котиб лавозимида ишлар эди. Бугун бу одам ким? У бир думалаб Ғарбга жуда ёқадиган сафсатабозлардан бирига айланди. Шундан фикр-хулоса: Ватан, халқ тақдири ҳақида кўп бош қотирмайдиган бундай сафсатабозларнинг ҳам тирикчилиги бор. Фақат улар нонини қандай топади, ҳалол ёки ҳаром йўл биланми — ҳамма гап шунда. Бу нарса инсоннинг виждонига ҳавола. Охиратда ҳар ким ўз қилмиши учун ўзи жавоб беради.

Кеча коммунистик ғояларни кўкларга кўтарган одамлар бугун, қарангки, Ғарбдан келган демократия тарафдорларига ўзининг хизматини таклиф этмоқда. Агар «ҳомий»лари бўлмаганида бундай ҳаромхўрлар ўз нонини қаердан топиб ерди?

Лекин бизнинг журналистларимиз кўп масалаларда ўзини тортиб туради. Улар бошқалар билан баҳс қилишга заиф, чет тилини билмайди, малакаси ҳам етарли эмас. Эртага сафсатабозлар яна ўз овозини кўтаради, бўҳтон ва уйдирмалардан ҳазар қилмай ғапиради, шунинг ҳисобидан қўшимча даромад топади. Аслида буларнинг ҳаммаси ўйин эканини яхши биламиз.

Албатта, ички ишлар ва хавфсизлик идоралари фаолиятидан юз фоиз мамнунман, десам нотўғри бўлади. Охирги йилларда биз милиция ходимларини жуда кўп синовлардан ўтказдик. Кечаги Андижон воқеалари ҳам улар учун катта синов бўлди.

Аслида, ибратни бундай хунук воқеалардан топиш керакмас, буни худо кўрсатмасин. Бу воқеалар биз учун, бутун Ўзбекистон аҳли учун фожиа. Ватан учун қайғурадиган инсонлар буни тушунади, лекин Ғарб журналистлари тушунмайди. Сизлар, шу юрт учун жони ачийдиган ўзимизнинг журналистлар ҳам буни тушунасиз.

Бундай фожиалар яна бўлиши мумкинми ёки йўқми, деган саволингизга жавоб шуки, фалак гардиши бизни яна қандай синов ва машаққатларга дучор қилади — буни фақат Аллоҳ билади. Бизлар бу воқеалар яна қайтарилмаслиги учун керакли чора-тадбирларни кўрамиз, албатта. Мисол учун, икки ҳафта олдин мен бир ҳужжатга имзо чекдим. Унга биноан Тошкент шаҳрида июнь ойининг ўртасида катта штаб ҳарбий машғулотлари бўлиб ўтади. Мақсад — 2004 йилда Тошкентда бўлиб ўтган фожиали воқеалар сценарийсини асос қилиб олиб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, террористик ҳаракатларни тезлик билан бартараф қилиш.

Бу фақат штаб машғулотлари, уларнинг ўтказилишидан ҳеч ким безовта бўлмайди. Унда ички

ишлар ва хавфсизлик идоралари ходимлари иштирок этади.

Бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳар қандай пок ниятли инсон эрталаб туриб Аллоҳдан аввало бир нарса сўрайди: эй худо, бизларга тинчлик-осойишталик ва омонликни, Ўзбекистонимизнинг омадини бер, деб илтижо қилади. Ҳалол яшайдиган, юртини севадиган одам албатта шундай эзгу тилак қилади. Бу ҳар бир инсон учун қандайдир сирли ҳодиса. Уни ҳамма ҳам ошкор қилавермайди. Чунки Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда бўлгани каби, бундай соф ниятлар ҳам дилимизнинг тубида яшаб, бизга умид ва ишонч, куч-ғайрат бағишлаб туради.

Моника Уитлок, Би-би-си мухбири:

— Бугун Андижондаги майдонда йиғилаётганлар ўзи кимлар — мен шуни аниқлаб олмоқчи эдим.

Ислом Каримов. Мен бу саволга жавоб берган эдим. Сиз ҳар қанча хоҳламанг, у ерда йиғилаётганлар аллақандай жамоатчилик вакиллари эмас, балки бўлиб ўтган воқеалар иштирокчиларининг қариндошлари, биринчи навбатда ҳалок бўлганларнинг хотинлари ва болалари.

Шу муносабат билан сизни яна бир марта ишонтириб айтмоқчиманки, уларга нисбатан ҳеч қандай куч ишлатилмайди. Мен уларни тушуна-

ман. Аёллар бундай воқеаларга ўзлари аралашмайди, лекин қалбан доимо ўз яқинларининг томонини олади. Аёл шунинг учун ҳам аёлки, у ҳамма нарсани ўз юрагидан ўтказади. Бундай вазиятда ҳамиша ҳиссиёт олдинга чиқиб, ақлу ҳуш иккинчи ўринга сурилади.

Сизнинг Андижондаги воқеалар бўйича эфирга берган шошилинч маълумотингизга келсак, гўёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг барча ходимлари тумтарақай қочиб кетди, деган фикрга мен қўшилмайман. Бу борада сиз ноҳақсиз. Ҳеч ким ҳеч қаёққа қочиб кетгани йўқ. Андижон вилояти ва шаҳар милицияси ҳамда хавфсизлик хизмати ходимлари ўзларини мардона тутди, мен фақат шуни айта оламан. Ҳеч ким қўрқишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Ҳамма жуфтакни ростлаб қочиб қолди, шаҳарда тўла бошбошдоқлик ҳукм сурди, дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Келгусида эътиборга олиб қўйишингиз учун айтяпман: бундан кейин ҳам ҳар қайси инсон ўз бурчини бажаради.

Мария Головшина, Рейтер ахборот агентлиги мухбири:

— Кечаги воқеалар, шубҳасиз, халқингизни хавотирга солди, одамларни жунбушга келтирди. Яна янги ғалаёнлар бўлиши мумкинми? Бундай бўлмаслиги учун қандай чора-тадбирлар кўрмоқчисиз?

Ислом Каримов. Аввалambор, саволингизга савол билан жавоб бермоқчиман. Сиз кун бўйи Тошкент шаҳрида юрасиз, лекин бу ерда ғалаённи эслатадиган бирон-бир аломатни кўрдингизми? Ҳамма йўллар очиқ, тинч-осойишта ҳаёт давом этмоқда. Шундай экан, келгусида яна шундай ғалаёнлар бўлади, деб айта оласизми?

Ўйлайманки, сизнинг мулоҳазангиз мантиққа хилоф. Бугун шаҳар бўйлаб хотиржам юрдингиз, кеча ҳам хотиржам юргансиз, шаҳарда ҳеч ким ҳеч қандай хавотир аломатларини пайқагани йўқ. Биз кечаги воқеалардан қанча йироқлашсак, халқимизни қанчалик кўп хабардор қилсак, одамлар шунчалик хотиржам бўлиб бораверади. Тошкентда Сиз танийдиган одамлар кўп, ўйлайманки, уларнинг хотиржамлиги бузилгани ҳақида ҳеч нарса эшитганингиз йўқ, мен ҳам бундай маълумот олганим йўқ.

Албатта, безовталик бор, аввало, Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида. Бироқ бу — асосан фожиага учраган кишиларнинг қайғуси. Ахир, ушбу бузғунчиликка тайёргарлик кўрганлар аҳоли орасида ўз тарафдорларига эга бўлган.

Мен уларни бир тўда «бандитлар» деяётганим йўқ. Ё мен уларни «бандит» деганимни сиз бугун эшитдингизми? Мен ҳатто «бандит» деган сўзни тилга ҳам олмадим. Мен Ғарб журналистларининг буни тушунишларини истайман. Мен

бирор бир ҳодисага, жумладан, кеча бўлиб ўтган воқеаларда иштирок этган у ёки бу кучларга баҳо бераётганимда баҳоли қудрат холис фикр юритяпман. Бироқ, Фарғона водийсида, балки шу ерда, яъни Тошкентда ҳам уларга хайрихоҳлар борлиги эҳтимолини инкор этмайман.

Биз воқеаларни етарли даражада холис баҳоламоқдамиз. Сизларга жавоб бериб айтаманки, бундан буён бундай фожиали воқеаларнинг олдини олиш учун ҳамма ишни қиламиз. Менинг бу сўзларимни матбуотингизда эълон қилишингизни истар эдим.

Мен Рейтер агентлигини ҳурмат қиламан ва у ҳақда етарли ахборотга эгаман. Шахсан мен унинг воқеаларни бошқаларга нисбатан анча холис ёритаётганига кўп бор иқрор бўлдим.

Энди биз қандай чоралар кўрмоқчи эканимиз ҳақида. Биз демократияни мустаҳкамлаймиз. Мен ҳозир ўз режаларимни ошкор қилмоқчи эмасман, бироқ шуни айтишим мумкинки, демократияни чуқурлаштириш, жамиятимизни эркинлаштириш юзасидан парламентимизнинг қўшма сессиясида мен баён этган режа ва дастурлар амалга оширилади, улар ривожлантирилади ва мустаҳкамланади.

Ўша нуткда Ўзбекистон тараққиётининг бешта йўналиши белгилаб берилган эди. Ҳозир ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида гуруҳлар ишлаяпти.

Яқин вақт ичида ҳар бир гуруҳ билан алоҳида-алоҳида ишлаб, тақдим этиладиган таклифлар бўйича фармонлар қабул қилинади, қонун лойиҳалари тайёрланади, сўнгра улар парламентнинг навбатдаги сессиясига киритилади. Биз ҳозирнинг ўзида АҚШга одамларимизни юбордик, яқин вақт ичида у ерга мутахассисларнинг яна янги гуруҳлари жўнатилади. Шундай гуруҳ Германияга *ҳам боради, бу ҳақда ҳам келишиб олинди.* Нима учун, деб сўрашингиз мумкин. Мақсадимиз Америка ва Германиянинг суд тизимини либераллаштириш борасидаги тажрибасини ўрганиш, одил судлов, қонунчилик тизимлари билан танишиш ва уларни ўзимизда қўллашдан иборат. Албатта, уларни қандай бўлса, шундайлигича, кўр-кўрона қўлламоқчи эмасмиз. Биз Европа ва АҚШ тажрибасини ижодий ёндашган ҳолда ўрганамиз ва ўзлаштирамиз. Бу фақат биргина мисол.

Оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение соҳасида қандай фикрлар айтилган бўлса, ҳаммаси албатта амалга оширилади. Оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилади. Телевидениеда жамоатчилик канали тузилади.

Мен фуқаролик жамиятини барпо этиш, хусусан нодавлат, ноҳукумат ва нотижорат ташки-

лотлари иш кўламини кенгайтириш ҳақида гапириб ўтирмайман — уларнинг ҳаммаси ривожлантирилади.

Энг муҳими — биз одамларни демократик руҳда тарбиялаш ишини давом эттирамиз. Бу эса диний экстремизм оғусига қарши энг кучли ва таъсирчан воситадир.

Тўғри, бизнинг олға қараб боришимиз суръати ҳозирча кўнгилдагидек эмас, кўраётган чораларимиз ҳам етарли эмас. Бироқ, биласизми, шундай ибора бор: «Жангни четдан кузатаётган ҳар бир одам ўзини лашкарбоши деб ҳис қилади». Бинобарин, сиз Ўзбекистондаги жараёнларни кузатаётганингизда, албатта, кўплаб маслаҳатлар беришингиз мумкин. Аммо, ҳамма гап — уларни қандай амалга оширишда. Маслаҳатлар — яхши, албатта, бироқ уларни амалга ошириш мутлақо бошқа ва жуда оғир масала. Чунки, йўл-йўлакай кўплаб муаммолар туғилади, улар орасида қисқа вақт ичида амалга ошириш қийин бўлгани ҳам кўп бўлади.

Ирина Брюнеро, Бельгиянинг «Ле суар» газетаси мухбири:

— Муҳтарам Президент жаноблари, МДҲ мамлакатларининг айримларида яқинда ҳокимият алмашгани муносабати билан Сиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг келажагини умуман қандай тасаввур этасиз?

Ислом Каримов. Бу саволингиз учун сиздан миннатдорман. Шундай бўлдики, биз охирги марта 8 майда — Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллигини нишонлаш олдидан Москвада йиғилганимизда бу мавзу муҳокама қилинди, бироқ ушбу мажлис материаллари матбуотда чоп этилмади. Аммо мен бу материаллар юзасидан кимдир қисқача обзорни эълон қилишини истардим.

Мен бу йиғилиш бўйича «Интерфакс» ахборот агентлигининг хабарини ўқидим. Унда айрим мулоҳазалар келтирилган, асосан 9 май санаси муносабати билан давлат бошлиқларининг бир-бирига табриклари ўрин олган: у бундай деб табриклади, бу ундай деб табриклади ва ҳоказо. Президент Каримовга келганда эса, бундай дейилган: «Президент Каримов илиқ кутиб олгани учун Путинга миннатдорлик билдирди ва уни 9 май билан табриклади». Ваҳоланки, мен ўз нутқимда МДҲдаги аҳвол юзасидан анча жиддий танқидий фикрлар айтган эдим. Ва бу нафақат танқидий фикрлар, балки ушбу тузилма фаолиятига берилган кескин баҳо эди.

Шу билан бирга, мазкур ташкилот келажагининг иккита манзарасини чизиб бердим. Буларни МДҲ ривожининг иккита тахминий сценарийси дейиш мумкин.

Биринчи сценарийга мувофиқ — мен ўзим айнан шу вариант тарафдориман, — МДҲнинг истиқболи Европа Иттифоқи каби моделнинг амалга оширилишида кўринади. Маълумки, 1947 йилда Европа Иттифоқининг ташкил этилиши «Кўмир ва пўлат» концерни таъсис этилишидан бошланган эди.

Албатта, мен бу модель МДҲ учун асос қилиб олинар экан, бошқа моделлар, айтайлик, Осиёнинг ривожланган мамлакатлари моделларига хос хусусиятлар эътиборга олиниши мумкинлигини ҳам таъкидладим. Аммо, такрор айтаман, шахсан мен учун энг мақбули Европа Иттифоқи моделидир. Тўғри, у жаноб Лукашенко ва яна айрим давлат раҳбарларига ёқмаслигини истисно этиб бўлмайди. Бироқ, мен ўз нуқтаи назаримни аниқ қилиб баён этдим.

Менимча, тараққиётнинг энг истиқболли йўли шу. Айнан шу модель МДҲни жонлантириши, унга тоза ҳаво бериши мумкин. Ҳамдўстликнинг ҳар бир аъзоси ўзининг муносиб ўрнини топа оладиган истиқбол — бу Европа Иттифоқи модели асосида ривожланиш, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, мен бундай иттифоққа эришиш йўлида биринчи галда эркин савдо ҳудудини ташкил этишни таклиф этдим. Фақат шундан кейингина истиқболдаги, таъкидлаб айтаман, олис истиқболдаги мақсад — ягона иқти-

содий маконни барпо этишга ўтиш мумкин. Ҳозир тўртта давлат шунга интилмоқда. Такрор айтаман, фақат ҳеч қандай чеклашлар бўлмайдиган эркин савдо маконини яратгандан сўнггина ягона иқтисодий макон босқичига чиқиш мумкин.

Албатта, демократияни ривожлантириш ва демократик жамият қуриш соҳасида ҳам биз Европа Иттифоқи андозаларини қўллашимиз керак бўлади. Бу — менинг қатъий фикрим. Европа *Иттифоқига хос демократик қадриятлар, инсон* тафаккури, таълим тизими, ижтимоий кафолатлар, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари — буларнинг барчаси биз учун тўла мос келади. Мен ушбу тизимни кўр-кўрона кўчириб олишни назарда тутаётганим йўқ, албатта. Бизнинг ўз менталитетимиз, ўз муаммоларимиз бор ва биз бу жиҳатларни ҳисобга оламиз.

Мен айтган иккинчи муқобил вариант шуки, МДҲ мўрт ҳолатда, яъни бугунги мавжуд кўринишида сақланиб қолади. Бу, албатта, кимгадир ёқади, бироқ менга маъқул эмас. Назаримда, биз шунчаки гаплашиш, турли баёнотлар бериб, ўзимизни кўрсатиш учунгина йиғилишимиз керак эмас. Биласизми, ҳозир МДҲ минбаридан навбатдаги баландпарвоз ташаббус билан чиқиш учун фойдаланиш расм бўлиб қолди. Кейин эса,

ушбу давлат раҳбарининг зўр чиқиш қилганию қандай танқидий фикрлар билдирганини ўз журналистлари тили билан телевидение орқали узоқ реклама қилишади.

Суриштириб кўрилганда эса, бу ташаббус илгари ҳам юз марталаб айтилган гапнинг такрори бўлиб чиқади.

Балки учинчи вариант ҳам бордир. Эҳтимол, МДҲ барҳам топиб, шунчаки тарихга айланиб қолиши, ҳозир унга аъзо бўлган давлатлар ўртасидаги алоқалар эса икки томонлама негизда давом этиши ҳам мумкин.

Мана, МДҲ истиқболининг уч варианти. Менга биринчи вариант маъқул. Ўйлайманки, мамлакатимиз халқи мени бу масалада тўла қўллаб-қувватлайди. Шундай экан, яъни асосан мусулмонлардан иборат бўлган халқимиз МДҲ тузилмасининг айнан европача моделини қўллаб-қувватлар экан, бу сўзсиз бизнинг ютуғимиз бўлади.

Менимча, бутунги учрашувимизни шу билан якунласак ҳам бўлади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2005 йил. 14 май. Тошкент. Оқсарой

ҲАҚИҚАТ — ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ДОИМИЙ, ЎЗГАРМАС ҚОИДАСИ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛИШ ШАРТ

2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан баёнот берди ва мухбирларнинг саволларига жавоблар қайтарди.

Мен аввало Бош прокуратура залида ҳозир бўлган сиз, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналарининг мухтор вакилларига ва турли ахборот агентликлари, электрон ва босма ахборот воситалари мухбирларига, барча журналистларга ўз ҳурматимни изҳор этмоқчиман.

Ҳозиргина сиз икки кун давомида Андижон вилоятида бўлиб, дастлабки тергов ишларига раҳбарлик қилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодировнинг ахборотини тингладингиз. У фақат аниқ рақам ва далилларга асосланган маълумотни баён этди, лекин шунинг ўзи ҳам кўп масалаларга ойдинлик киритади.

Андижон шаҳрида 12 майдан 13 майга ўтар кечаси содир этилган воқеалар жаҳон ҳамжами-

ятини жиддий ташвишга солаётганини биз яхши англаймиз. Шунингдек, бу ҳақдаги объектив ахборотга тез ва батафсил эга бўлиш, ўз ўқувчи ҳамда тингловчиларига ҳақиқий аҳволни маълум қилишни истаётган журналистларнинг қанчалик бетоқат бўлаётганини ҳам яхши тушунамиз.

Бироқ, вазият шундай тус олмоқдаки, айрим ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари — мен тушунаман, улар буюртма асосида ишлайди — ҳатто дастлабки тергов натижаларини кутмасдан ҳозирнинг ўзидаёқ ҳеч қандай асосга эга бўлмаган уйдирма ва бўҳтонларни тарқатиш билан машғул.

Мен, бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда, бугун шу фикрни баён қилмоқчиман ва бундай журналистларни, уларнинг буюртмачиларини ҳар қалай инсофга чақирмоқчиман. Сабр қилинг ва албатта барчасидан хабардор бўласиз. Сизлардан яна бир бор Ўзбекистонга ва тергов органларимизга ҳурмат кўрсатишингизни сўрайман. Бугун шундоқ ҳам етарли бўлган турли уйдирмалар билан шуғулланмасдан, жилла қурса, тергов органларимиз ушбу воқеани текшириб чиқишига ва шу асосда ўз хулосаларимизни маълум қилишга имкон беринг.

Агар мен ҳозир маҳорат билан тўқиб чиқарилаётган иғво ва уйдирмалар, сохта талқинларни

бирма-бир айтиб ўтсам, бу залда ўтирганларнинг кўпчилиги ноқулай аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Биз журналистларнинг ўз фикрини баён этиш, далилларни қандай тушунса, шундайлигича талқин қилиш ҳуқуқига ҳурмат билан қараймиз, лекин барча учун бирдек қатъий бир қоида мавжудки, журналист ҳар қандай вазиятда ҳам аниқ далилларга таяниши лозим. Яна бир бор айтаман: сизлар бирон-бир воқеани турлича талқин қилишингиз мумкин, бироқ журналистиканинг лоимий ва ўзгармас қоидасига риоя этишингиз шарт — сизлар фақат далилларга, далилларга ва яна бир бор далилларга асосланишингиз керак.

Сизлар «Андижон шаҳрига кириш йўллари ёпиб қўйилган, бизни у ёққа қўймаяпсиз, шу боис керакли маълумотни ололмаяпмиз», деб адолатли талаб қўймоқдасиз. Мен бугун кўплаб радиостанция ва телеканаллар орқали бу ҳақда айтилаётган гапларни эшитдим. Бизни ҳозирча шундай йўл тутишга мажбур қилаётган бирдан-бир сабаб, ўйлайманки, сизларга тушунарли бўлса керак. Дунёнинг истаган давлатида оташмалар бўлаётган ҳудудга журналистларни киритиш чеклаб қўйилади, боз устига, оғир жиноят содир этган, жумладан, одам ўлдириб қамоқда ўтирган ашаддий жиноятчилар қўлида қурол билан қамоқхоналардан чиқариб юборилган ва-

зиятда бошқача йўл тутиш мумкинми? Бирор-бир хорижлик журналист воқеа жойига бориб азият чекса, ярадор бўлса, ёки худо кўрсатмасин, отишмалар чоғида қурбон бўлса, дунё бўйлаб қандай шов-шув кўтарилиши мумкинлигини аниқ тасаввур қиламан.

Мана, ҳозир Бош прокурор шу кечанинг ўзида 7 та йирик калибрли ўқотар қурол ва ўнлаб тўппончалар мусодара қилингани, ҳибсдан чиқариб юборилгач, жазо муддатини ўтаётган қамоқхонага ўз ихтиёри билан қайтмаётган ўнлаб маҳбуслар қўлга олингани ҳақида сизларга ахборот берди. Биз сизларнинг хавфсизлигингиз учун жавобгармиз ва мен Президент сифатида бунинг учун шахсан масъулман.

Бугун барча дипломатик ваколатхоналарга маълум қилиндики, уларнинг хоҳлаган вакили эртага эрталаб соат 9.00 да махсус самолётда, Андижонга бепул бориши ва у ерда истаган одами билан кўришиши, суҳбатлашиши мумкин. Ўйлайманки, хоҳловчилар у қадар кўп бўлмайди, чунки, воқеа жойидан узоқда туриб, «Андижонда рўй берган хунрезликлар» мавзуида уйдирма ва бўҳтонлар тарқатиш қулайроқ.

Ярим соат олдин менга Андижон воқеалари бўйича бугун чет эл оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат арбоблари билдирган фикр ва муносабатлар, аниқроги, бундай чиқишларнинг

мухтасар шарҳи тақдим этилди. Шу ўринда мен Ўзбекистонга ҳеч қачон хайрихоҳ бўлмаган, лекин, бу воқеалар бўйича ўз нуқтаи назарини холис ифода этаётган ўнлаб одамларнинг номини тилга олишим мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, 14 май куни айтган фикримни яна такрорламоқчиман. Шахсан менинг, масалан, Рейтер агентлигига, Би-би-си, Си-эн-эн, «Немис тўлқини» ва умуман Германия оммавий ахборот воситаларига ҳеч қандай эътирозим йўқ. Балки мен уларнинг нуқтаи назари ва қарашларига қўшилмасман, лекин уларга нисбатан эътироз билдирмайман. Асосий ахборотлари аниқ далиллар ва жиддий фикрларга асосланган учун мен уларнинг нуқтаи назарини ҳурмат қиламан. «Синьхуа» агентлиги, Жанубий Корея ва араб мамлакатлари оммавий ахборот воситалари, бошқа электрон ҳамда босма нашрларни ҳам шулар жумласидан деб биламан. Мен Ўзбекистонда бўлаётган барча воқеалар Қоҳира газеталари саҳифаларида одатда ўта холислик билан баҳоланишини биламан.

Юқорида айтганимдек, мен Андижон воқеаларига доир кўплаб ахборотлар билан танишиб чиқдим. Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вазиятни диққат билан кузатиб, воқеаларга тўғри баҳо бермоқда. Мен фақат айрим оммавий ахборот воситалари ҳақида гапиряпман. Лекин,

менда уларнинг барчаси ҳақида етарли фикр шаклланди ва уни асослаб бера оламан. Япония ёки Туркия оммавий ахборот воситалари бизга алоҳида меҳр билан қарайди деб айтолмайман, аммо улар Ўзбекистондаги сўнгги воқеаларни вазминлик ва холислик билан ёритаётганини таъкидлаб ўтишим жоиз.

Лекин, Россия телеканаллари ҳақида бундай дея олмайман. Бу ҳақда кўп гапирмасдан иккита мисол келтираман. Кеча РенТВ канали орқали берилган «24 соат» кўрсатувини кўрдим. Бугун эса бир неча соат илгари НТВ каналининг Андижон воқеалари ҳақида тарқатган янги уйдирмаларини эшитдим. Бу мени шу қадар ларзага солдики, охири мана шу залга келиб, сизларнинг олдингизда яна чиқиш қилишга мажбур бўлдим.

Кечаги кўрсатувда Романова деган бир хоним — мен унинг чиқишларини бир неча бор кўрганман, шунинг учун ҳам фамилияси эсимда қолган — Андижон воқеалари, умуман Ўзбекистонда гўё анчадан буён давом этаётган қандайдир жараённинг сабаблари тўғрисида узоқ гапирди. У ҳатто 1991 йилда Наманганда содир бўлган тартибсизликларни ҳам эслади, кейин нима учундир Қўқон воқеаларини тилга олди. Лекин бу ҳодисаларни тегишли шарҳлар асосида кейинги воқеаларга боғлаш учунгина эсга олди. Ушбу шарҳлар, албатта, ғирт саводсизларча тайёрлан-

ган бўлиб, ҳақиқатдан бутунлай йироқ эди. Унда ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига доир далиллар нотўғри талқин этилди.

1991 йил декабрь ойида Ўзбекистонда Марказий Осиёда илк бор муқобиллик асосидаги Президент сайлови ўтказилди. 8 декабрь куни мен сайловолди тадбирлари доирасида Наманган шаҳри жамоатчилиги билан учрашдим ва кечқурун Тошкентга қайтиб келдим. Эрталаб тахминан соат бешларда телефон бўлиб, Наманган шаҳри марказидаги собиқ обком, ҳозирги вилоят ҳокимиятининг биноси оломон томонидан эгаллаб олингани, улар Ўзбекистон Президенти билан учрашишни талаб қилаётгани ҳақида хабар етказишди.

Агар бутун айрим журналистлар яхши кўриб ишлатаётган ибора билан айтадиган бўлсак, ўшанда «қўзғолончилар» мени Наманганга келмайди, деб ўйлашган эди. Лекин мен эрталаб соат 6.30 да Наманганга етиб бордим. Ўша пайтда ҳозиргидек кўриқчиларим йўқ эди. Наманганда ҳаммаёқ сукунатга чўмган, кўчаларда одам зоти кўринмасди. Гўё шаҳар қамалда қолгандек туюларди. Маҳаллий ҳокимият бутунлай фаолиятсиз бўлиб қолган эди. Мен маҳаллий маъмурият биносига яқинлашганимда унинг атрофи 8—10 минг кишилик оломон томонидан ўраб олинган эди. Бино ичкарисида ҳар бир қаватида галереялари бўлган

ички ҳовли бор эди. Ана шу галереяларда наша чекиб, ароқ ичиб ақлу ҳушини йўқотган икки мингга яқин ёш-яланг қўлларини баланд кўтариб «Оллоҳу акбар» деб ҳайқирарди. Пастки қаватга микрофонлар ўрнатилган бўлиб, биласизми, у ерда ким турарди, ҳозир Покистонда яшириниб юрган ва қўли қонга ботган Тоҳир Йўлдошев билан ҳаммага маълум Жума Намангоний ёнмаён туриб, одамларни исёнга даъват этарди. Ўша дамда мени ёнимдаги қўриқчи ва ҳамроҳларимдан бутунлай ажратиб қўйишди. Мен микрофон олдига бир ўзим бориб, ваъз айтаётган Тоҳир Йўлдошевнинг қўлидан микрофонни тортиб олдим-да, оломонга мурожаат қилдим: сизлар Президент билан учрашишни хоҳлаган экансиз, мана, мен келдим, қани, айтинглар, нимани истайсизлар? Шуни билиб қўйингларки, мен ҳам, алҳамдулиллоҳ, сизларга ўхшаган мусулмонман. Менга қандай саволларингиз бор?

Шундан сўнг улар мендан Наманганда туриб Ўзбекистонни ислом республикаси, деб эълон қилишимни талаб этишди. Биз уларнинг ўнта вакилини олиб, қўшни хонага кирдик ва музокаралар давомида ҳамма нарса жой-жойига тушди, амалда уларнинг бирорта ҳам талаби бажарилмади.

Романова хоним эса бу ҳақда ҳеч нарса билмасдан туриб, барча воқеаларни бузиб талқин

ётади, ҳақиқатдан йироқ хулосалар чиқариб, ўзича қандайдир баёнотлар беради. Унинг чиқишидаги бутун маъно Андижон кўчаларида тинч намойиш ўтказилди, ҳукумат кучлари эса намойишчиларни ўққа тутди, деган хулосага қаратилган. Бу ҳам етмаганидек, у «тинч намойишчилар» фақат бир нарсани — Ўзбекистон Президенти билан учрашишни истагани ҳақида лоф уради. Бундай тутуриқсиз гапларни айтиш учун одам қанчалик сурбет бўлиши керак. Эҳтимол, айнан ўша пайтда мен Андижонда бўлганимдан у бехабардир? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, чунки барча ахборот агентликлари менинг Андижонга эрталаб соат 8 да етиб борганим ҳақида хабар тарқатган эди. Эрталаб соат 8 да бошланиб, кечқурун соат 19 гача, 11 соат давом этган музокаралар Президент номидан, Ислом Каримов номидан олиб борилди. Музокараларни ички ишлар вазири З. Алматов ва вилоят ҳокими С. Бегалиев олиб борди. Улар ҳар бир таклифни аввал мен билан маслаҳатлашиб, кейин менинг номимдан жангариларнинг «расмий» етакчиларига етказиб туришди.

Энди сизларга бугун НТВ телеканали боцловчиси нима деганини айтиб бермоқчиман. У гўё Андижонда 520 киши, Андижондан 70—80 километр наридаги Пахтаобод туманида эса яна 200 киши отиб ўлдирилгани ҳақида маълумот берди.

Бирон-бир каналда мана шундай уйдирма айтилса бас, уни шу заҳоти бошқалари «илиб» олади. Ҳеч ким «Бунинг манбаси қасрда?» деб сўраб ўтирмайди. Бу ҳам етмагандек, эмишки, кеча кечқурун чегарани кесиб ўтиш чоғида яна 17 киши отиб ўлдирилибди, шундай қилиб, уларнинг ҳисоб-китобича, гўё 700 нафардан ортиқ «тинч намойишчи» ҳалок бўлибди. Тошкент шаҳрида бўлган НТВ мухбири эса Ҳидоятова деган фуқародан интервью олади ва у 704 нафар «тинч намойишчи» ҳалок бўлгани ҳақида «маълумот» беради. Шунақа журналистларга мурожаат қилиб айтмоқчиман: «Олой бозорига боринг, у ерда бундан баттарини эшитасиз».

Бас, мутлақо асоссиз тахмин ва фаразларни тарқатиш етар, деб ўйлайман. Сизлар ўзингиз узатаётган ахборотга ўта масъулият билан муносабатда бўлишингиз лозим.

Яна бир мисол. НТВ телеканали бошловчиси Россия Давлат Думаси спикери жаноб Гризлов Ўзбекистонга бир гуруҳ депутатлардан иборат делегацияни жўнатмоқчи экани ҳақида маълум қилади. Мен жаноб Гризловни биламан ва жуда ҳурмат қиламан. У аввал қўнғироқ қилиб, нималар юз бераётганини сўраб-суриштириб, сўнг қандайдир қарор қабул қиладиган жиддий одам. Ўйлайманки, бу НТВ ўйлаб топган яна бир сафсата, холос.

Мен, шунчаки билмоқчи эдим: НТВ ходимлари маош ва қалам ҳақини қаердан олишади — Россиянинг ўзиданми ёки бошқа жойданми?

Бугун соат 16.00 да Лондон шаҳридаги Ўзбекистон элчихонаси биноси олдида «ҳизб-ут-таҳрир»чилардан иборат бир тўданинг йиғилгани маълум бўлди. Албатта, уларнинг қўлига ўзбекларга қарши қаратилган шиорлар ва бошқа нарсалар тайёрлаб берилган. Халқимизда «Қўрққан олдин мушт кўтарар» деган мақол борки, бундай кимсаларга нисбатан шуни қўлласак, ўринли бўлади.

Ўйлайманки, Лондон шаҳрида ўзларини ўз уйида юргандек хотиржам ҳис қилаётган «ҳизб-ут-таҳрир»чиларни тартибга чақириб қўйишга инглизларнинг ақли етади.

Оммавий ахборот воситаларида бошланган мазкур кенг қамровли кампания бу — тергов ишлари тугагунга қадар воқеалардан илгарилаб кетиш, Ғарбдаги кенг жамоатчилик онгига ўзлари истаган сохта манзарани чуқур сингдириш, Европа ва АҚШда яшайдиган ҳар бир одамда Андижонда «тинч намойишчилар» ўққа тутилди, мана Ўзбекистонда қандай мустабид тузум ҳукмронлик қилмоқда, деган фикр уйғотишга интилишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Бу кенг қамровли *кампания ташкилотчилари мана нимани хоҳлайди*. Улар бунинг учун катта пул тикишган.

Тиш-тирноғигача қуролланиб олиб, милиция постига, кейин мунтазам ҳарбий қисмга ҳужум қилиб, бугун прокурор айтиб ўтганидек, 305 дона автомат ва тўппонча, граната, 4 та қўл пулемётини қўлга киритиб, қамоқхонага бостириб борган ва 600 тача маҳбусни чиқариб юборганларни, сизларнинг таъбирингиз билан айтганда, «тинч аҳоли» «тинчгина намойиш» ўтказмоқчи эди, деб айтиш учун одам қанчалик безбет бўлиши керак. Ушбу хунрезликлар, одамларни гаровга олиш, ҳокимият биносини ишғол этиш — буларнинг барча-барчаси охир-оқибатда тинч намойиш ўтказиш учун қилинганмиди?

Айтинг, муҳтарам жаноблар, ҳурматли журналистлар, буларнинг ҳаммаси ақлга сиғадими ўзи, уларнинг бирини иккинчисига — қуролли босқин билан тинч намойишни қандай қилиб бир-бирига боғлаш мумкин?

Мен ўз халқимга ҳам мурожаат қилмоқчиман, қўлида қуроли бўлмаса, ҳеч кимга хавф солмаса, ким уларни ўққа тутади? Ким шундай қилади? Шундай қилган тақдирда, бу ишга қўл урган ақлу ҳуши йўқ одам ҳисобланади. Нима учун ана шу оддий саволни ҳеч ким ўзига бермайди? Улар — бугун бизга четдан туриб мана шундай туҳмат қилаётганлар, нимани хоҳлаяпти, фақат битта нарсани хоҳлаяпти — худдики Ўзбекистонда ҳеч қандай тартиб йўқ, Ўзбекистонда ҳамма-

си зўравон, мамлакат раҳбарларининг калласи йўқ, ҳаммаси фақат ўзини ҳимоя қиляпти, халқнинг аҳволи чатоқ, қаёққа боришини билмайди ва агар кўчага чиқса, ҳукумат кучлари қурол ўқталиб, ўзининг оддий фуқаролик ҳуқуқларини талаб қилган одамларни ўлдирар экан.

Ҳой, барака топкурлар, айтинглар, бу қайси ақлга сиғади? Шунақа одамлар дунёда борми ўзи? Нима учун мен ўзимнинг таянчим ва суянчим бўлган, жондан азиз халқимни ўлдиринглар, деб буйруқ берар эканман? Нима учун? Ахир, бу қайси ақлга тўғри келади? Ҳозир бутун дунё жамоатчилигининг онгига мана шу фикрни қуйишмоқчи. Нима эмиш, Каримов режими, яъни Каримов ҳокимияти ўзини ҳимоя қилиш учун шунча одамни ўлдириб юбораётган эмиш. Ахир, жангарилар қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни ўлдирди, қўлларига автомат олиб, қанча зўравонлик қилди. Хўш, қўлида қуроли бўлган бундай тўда билан қандай муносабатда бўлиш, қандай гаплашиш керак?

Бугун дунёдаги бирор-бир ҳукумат таркибида қўлида қуроли бўлмаган кишиларни ўққа тутишга буйруқ берадиган одам топилмаса керак. Айтинглар, бундай уйдирмани қаердан топдингиз, у қаердан пайдо бўлди, бундай ҳукуматни қаерда кўргансиз? Лотин Америкасида кўрдингизми,

Африкада кўрдингизми ёки Осиёда кўрдингизми, қаерда кўрдингиз?

Умуман, намойишчилар ўққа тутилди, деган уйдирма фикр қаёқдан пайдо бўлди ўзи? Қирғизистонлик бир инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, бугун биз Ўзбекистондан бир миллионга яқин қочоқларни кутяпмиз, деган гапни тарқатди. Айтинглар, бундай уйдирмани қандай ўйлаб топиш мумкин? Ахир, яқинда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг Қирғизистоннинг ўзи мададга муҳтож бўлиб, Ўзбекистондан ёрдам сўраб турибди. Эртага Ўзбекистоннинг бир миллион фуқароси югуриб Қирғизистонга боради деган гапга ким ишонади?

Жаноблар, сизнинг қўлингизда жуда қудратли қурол — ахборот қуроли бор. Шу боис мен сизларни ақл-идрок билан иш юритишга, доимо холис бўлишга ва ўзингиз билан мулоқотда бўлган халқни ҳурмат қилишга чақирамаи. Албатта, сизлар кимнингдир буюртмасини бажарасиз, буни биламан, лекин сизларда журналистлик шаъни, қолаверса, инсоний виждон ҳам борку, ахир! Мен сизларни виждонли бўлишга чақираман. Бутун дунё бўйлаб бундай кампания-бозлик қилмаслик, Ўзбекистонни жумлаи жаҳонни қўрқитадиган қандайдир олабўжи қилиб кўрсатмаслик керак.

Мен бу гапларни фақат бу ерда ҳозир бўлганлар эмас, балки дунёдаги барча журналистларга

қарата айтяпман. Бир одам бир нима деса, бу гўғрими-нотўғрими ўнтаси илиб олади ва уларнинг бирортаси бу хабарнинг манбаси қаерда, деб сўрамайди.

Юзлаб одамлар отилганини ким, қаерда кўрибди? Ўзбекларда мусулмон одамни дуч келган жойга тасодифан дафн этиш одати йўқ, ҳар бир қабр белгили бўлади. Марҳамат, эртага Андижонга бориб, қабристондаги қабрларни санаб кўринглар. Мен кафилман, Бош прокурор айтган рақамлар ўз тасдиғини топади. Ҳар қанча оғир бўлса-да, мен 14 май куни ўлганларнинг сони ҳақида маълумот бердим.

Андижон воқеалари — бутун халқимизнинг фожиаси. Бу воқеаларда бизнинг одамларимиз, фарзандларимиз ҳалок бўлишди. Мен 13 май куни Андижонда содир бўлган фожиани шундай тушунаман. Ишонинглар, мен Ўзбекистондаги ҳар бир кишидан, ҳатто ўз фарзандидан жудо бўлган ота-оналардан кам қайғураётганим йўқ. Мен бу гапни юрагим оғриб айтяпман.

Бугун Андижонда бозорлар, дўконлар, жамоат транспорти ишлаяпти. Табиийки, ўз яқинларини йўқотиб, мусибат чекаётган оилаларда хурсандчиликни кўрмайсиз. Лекин бугун Андижонда тартиб-интизомга тўлиқ риоя этилмоқда, мен буни Президент сифатида таъкидлаб айтяпман. Ва эртага Андижонга борсангиз, бунга ўзингиз

ҳам ишонч ҳосил қиласиз. Энди, марҳамат, саволларга ўтайлик. Мен ҳар қандай саволга жавоб беришга тайёрман.

М. Север, АҚШнинг «Фридом Хаус» нодавлат ташкилоти вакили:

— Андижонда рўй берган воқеаларни текшириш учун халқаро экспертларга рухсат берилади-ми?

Ислом Каримов. Чет эллик прокурор ёки терговчи келиб, бошқа бир мамлакатнинг мутлақо ички иши бўлган воқеаларни текширганини сиз қаерда, қайси давлатда кўргансиз? Бирорта мисол келтиринг-чи. Ўзбекистон — суверен, мустақил давлат ва бугун юзага келган вазиятни ўзи ҳал қилади.

Мана шундай воқеалар юртингизда содир бўлса, тафтиш этиш учун сиз бизни таклиф қиласизми? Сизларнинг мантигингиз шундай: гўё сизларнинг давлатларингиз Цезарнинг рафиқасию у ҳар қандай танқид ва шубҳалардан холи. Нима учун шундай деб ўйлайсизлар?

Мана, яқинда Буюк Британияда сайловлар бўлиб ўтди. Бирор чет эл элчихонасига сайлов жараёнларида ва сайловнинг ўзида кузатувчи сифатида бевосита иштирок этишга рухсат берилмади. Айтинг-чи, бундай сайлов қайси меъёрларга тўғри келади? Почта орқали овоз бериш нималарни кўрсатди, бунинг оқибатида қандай

қоидабузарликлар бўлди? Мен буни Буюк Британия матбуоти эълон қилаётган ахборотларга таяниб айтяпман.

Бундан келиб чиқадики, бизнинг минтақада — Марказий Осиёда ёки айтайлик, Туркияда бирор воқеа рўй берса, сизлар, албатта, у ерда Европа ёки АҚШ вакиллари бўлиши керак, деган талабни қўясизлар. Нега сизда бирор воқса бўлса, уларни кузатиш ёки текширишда биз қатнашмаймиз? Нима, бизга фикр билдириш ҳуқуқи берилмаганми?

Ўзбекистонда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг вакили бор, биз бу ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзосимиз, нега сиз унинг ваколатхонасига ишонмайсиз? Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳам ваколатхоналари бор, нима учун уларнинг фикрига ишониш мумкин эмас? Нима ёки Ғарб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ишонмай қўйганми?

Имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиманки, айнан шунинг учун ҳам бу ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш зарур. Токи унда вакиллар сони кўпроқ бўлиб, Хавфсизлик Кенгаши чиқарадиган қарорлар, Осиё ёки Европада жойлашганидан қатъи назар, барча мамлакатлар манфаатларига тўла мос келсин.

Қаранг, Хавфсизлик Кенгашида қайси мамлакатлар вакиллари бор, нима учун Европа давлатлари у ерда кўпчиликни ташкил этади? Бунга қандай асос бор? Менимча, кўпчилик, айниқса, Осиёда кўпчилик шундай деб ўйлайди.

А. Ивлиев, НТВ телекомпанияси мухбири: — Жума куни кечқурун Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигидан аккредитациядан ўтказишни сўрадик, лекин ҳалигача ўтганимиз йўқ. Россия оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда вақтинча аккредитациядан ўтиши мумкинми?

Ислом Каримов. Мабодо сизни хафа қилишса, дарҳол норозилик билдирасиз. Айтинг-чи, сизнинг ўзингиз бутун дунёга тарқатаётган ахборотларингизнинг холислиги учун жавоб беришга тайёрмисиз?

А. Ивлиев. Биз доим жавоб беришга тайёрмиз.

Ислом Каримов. Сиз менинг саволимга жавоб бера оласизми?

А. Ивлиев. Қайси саволга?

Ислом Каримов. Сиз ҳозир мана шу минбарга чиқиб, нима учун бутун дунёга нотўғри ахборот тарқатаётганингиз сабабини айтиб, бунинг учун жавоб бера оласизми?

А. Ивлиев. Жаноб Президент, шахсан мен бутун телеканалнинг иши учун жавоб бермайман.

Ислом Каримов. Ана, кўрдингизми, жавоб беролмайсиз. Лекин, мен бу ерда ўтирган ҳар бир

мухбир, аввало, ўз телекомпаниясининг вакили ва у ўз компанияси учун масъул, деб ўйлайман.

А. Ивлиев. Мен сиёсатчи эмасман, мен — журналистман, мен ўз ишимни бажаряпман.

Ислом Каримов. Мени кечирасиз-у, агар шундай деб ўйласангиз, хато қиласиз. Келинг, шу мавзуда бироз баҳслашайлик, бу фойдали. Журналист — сиёсатчи эмас, деб ҳисоблаш мумкинми? Шахсан мен бунга қўшилмайман. Айтингчи, сизнингча, сиёсатчилар нимага асосланиб хулоса чиқаради? Такрор айтаман, сиёсатчилар кимлар? Сиёсатчилар ўзларига тақдим этилган маълумотларни, жумладан оммавий ахборот воситаларининг маълумотларини умумлаштириб, шу асосда иш олиб борадиган одамлар, тушуняпсизми? Улар ҳамма вақт ҳам бевосита жойларга бориб, вазиятни баҳолай олмайди. Уларда бундай имконият йўқ.

Бу залда Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси ҳам ўтирибди. Элчи жаноблари айтиши мумкин, биз Россия элчихонасига НТВ телеканали томонидан мамлакатимизда юз бераётган воқеалар ва фактлар мунтазам бузиб кўрсатилаётгани юзасидан жиддий эътирозлар ва аниқ далиллар билан бир неча марта мурожаат қилганмиз. Россиянинг бошқа телеканалларини гапирмаса ҳам бўлади. Биз Россия томонидан Ўзбекистоидаги воқеаларнинг холис ёритилишини таъминлашга қаратил-

ган бирон-бир чора кўриладими, деб элчихонага неча марта мурожаат қилдик.

Жаноб мухбир, мана, сизга яна бир далил. Ўтган йилнинг 31 июлидаги воқеалар, Тошкентдаги Америка ва Исроил давлатлари элчихоналари олдида содир этилган портлашлар ёдингизда, деб ўйлайман. Ўшанда НТВ телеканалининг иккита ижодий гуруҳи ана шу воқеаларни ёритишда қатнашган эди.

Биласиз, Тошкентнинг тепасида, тоғнинг устида икки миллиард куб метргача сув йиғиладиган Чорвоқ сув омбори бор. НТВ мухбирлари ўшанда телетомошабинларни ваҳимага солиб, террорчилар ана шу сув омборининг тўғонини портлатиб юбормоқчи, деган мазмунда хабар тарқатган. Ва бу ғирт уйдирма гапни нафақат россиялик, балки ўзбекистонлик томошабинларга ҳам сингдиришга зўр бериб уринган. Ахир, бизда юз фоиз аҳоли рус тилини тушунади. Бинобарин, бундай бўҳтон гаплар минг-минглаб одамларни қаттиқ ташвиш ва хавотирга солади. Қани, айтинг, буни фитнадан бошқа яна нима дейиш мумкин?

А. Ниёзматов, «ИТАР-ТАСС» мухбири:

— Мен ҳам, НТВ мухбири сингари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтмаган эдим. Шундай бўлса-да, 13 май куни Андижонда эдим. Ўша куни

вилоят ҳокимияти биноси олдидаги майдонда ҳам бўлдим.

Олдиндан айтмоқчиман, менда Ўзбекистон паспорти йўқ, мен — Россия фуқаросиман, Москвада яшайман. Ҳақиқат ҳар доим ҳақиқатлигича қолиши керак. Фарғона водийсига қилган сафарим давомида — Тошкентдан Андижонгача — мени ҳеч жойда қўриқчилар тўхтатгани йўқ, шаҳарга бемалол кириб бордим.

Биз ҳокимлик биноси олдидаги оломон тўпланган майдонга бордик. Жангарилар ўз атрофига аёллар ва болаларни тўплаб олган эди. Буларни ўз кўзим билан кўрдим ва бу ҳақда хабар бердим, Москвадаги ҳамкасбларим эса ёзиб олишди.

Ўша пайтда бошимиз узра ўқ отила бошлади. Мен жангарилардан ўз бошлиғини кўрсатишни, уларнинг қандай талаблари борлиги, ҳокимлик биносига киритишларини сўрадим. Биз ҳокимлик биноси томон юришимиз билан улар бизни тўхтатди ва снайперлар бизга қарата ўқ ота бошлади. Жанговар ҳаракатлар тактикаси билан таниш бўлмаган киши ҳеч қачон *бронежилет кийиб олиб, ўз атрофига тинч* аҳоли вакилларини, болаларни ўтқизиб қўймайди.

Мен ўтирган одамлар олдига келиб, 14 ёшли Муҳаммад исмли боладан бу ерда нима қилаётганини сўраганимда, майдонга отаси ва онаси

чақирганини айтди. Кейин аёллар билан гаплашмоқчи бўлганимизда бизни куршаб олиб, у ердан суриб чиқаришди. Ким бунга шубҳа қилса ва ишонмаса, мен ўша жойга бориб, ҳаммаси аслида қандай бўлганини кўрсатишим мумкин. Улар бизнинг ҳайдовчимизнинг машинасини ҳам тортиб олмоқчи бўлишди. Журналистнинг виждони мана шундай пайтларда ўзини фаол кўрсатиши керак. Бу гаплардан кейин менинг Ўзбекистондаги хизмат сафарим қанча давом этишини билмайман, лекин бир нарсани айтмоқчиман. Ўша куни биз, мухбирлик пунктида ишлайдиган ҳамма ходимларимиз тезкор штабга келдик ва қурол-яроғлар қаердан тарқатилаётгани, одамларни қўлига қурол олиб, майдонга боришга мажбур қилишгани тўғрисида ахборот бердик.

Матбуот анжуманида Американинг «Нью-Йорк таймс» газетаси мухбири Лола Манахова Ўзбекистонда демократик жараёнлар гўёки суст кечаётгани тўғрисида билдирилаётган мулоҳазалар ҳамда айрим сиёсатчилар, жумладан, Буюк Британия ташқи ишлар вазири жаноб Стронинг Андижон воқеаларига нисбатан муносабати ҳақида Ўзбекистон Президенти қандай фикрда экани билан қизиқди.

Ислом Каримов. Сиз айрим газеталар, баъзи оммавий ахборот воситалари шу кунларда эълон қилаётган гапларни айнан такрорлаб ўтдингиз.

Мен, Англия ташқи ишлар вазири Андижон воқеалари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган, деб ҳисоблайман. Жаноб вазир бу маълумотларни шунчаки таърифлаган, бундан ташқари, агар эсингизда бўлса, у ўз сўзида бу айтилганлар дастлабки маълумотлар экани ва уларнинг қанчалик ишончлилигини ҳали текшириш лозимлигини таъкидлаган. Агар сиз етарли даражада холис бўлсангиз, жаноб Стронинг сўзларидан фақат ўзингизга керакли жойларини юлиб олмасдан, унинг гапларини тўлиқ келтиришингиз лозим.

Президент Ислом Каримов журналист Сергей Ежковнинг Андижонда рўй берган воқеаларнинг ижтимоий сабаблари ҳам бўлиши мумкинми, деган саволига жавобан қуйидаги фикрларни билдирди.

Ислом Каримов. Аҳолининг норозилиги ва ижтимоий кескинликка олиб келадиган вазият дунёнинг ҳамма мамлакатларида бор. Фуқаролик жамияти яхши ривожланган, кучли фуқаролик институтлари бўлган мамлакатда бундай воқеалар «инқилоб» деб аталадиган оқибатларга олиб келмайди ва бу борада ҳар қайси мамлакатда сайлаш ҳамда сайланишнинг барча талабларига риоя этилиши жуда муҳим. Яъни, ҳар бир мамлакат халқ томонидан қўллаб-қувватланадиган стакчиларнинг алмашиши ва сайланиши конституцияда белгиланган мулдатларда ўтишини таъминлаши даркор. Бу — иккинчи шарт. Ғарбда,

айниқса Европада, демократик қадриятлар янада мустаҳкамланиб бораётган Осиёнинг айрим мамлакатларида ҳамма нарса зиддиятли вазиятларни ечишда қандай услублар қўлланишига боғлиқ. Эркинлик ва демократияни кенг ёйиш доктринасини амалга ошириш билан банд бўлганлар буни ҳисобга олиши лозим. Демократия даражаси, одамларнинг тафаккур даражаси паст бўлган мамлакатларда, айниқса, диний экстремизм кўринишлари учраб турадиган давлатларда ижтимоий муаммолар жуда қийин ҳал этилади. Мана шу омилни албатта инобатга олиш даркор.

Ҳаммангиз Генри Киссинжерни яхши биласиз. Мен уни ниҳоятда ҳурмат қиламан, у билан кўп марта учрашганман, Америкага борганимда менга шу сиёсий арбоб мукофот топширган эди. Яқинда у дастурий аҳамиятга эга бир мақола эълон қилди. Ана шу мақоланинг асосий жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Мен аввалги матбуот анжуманида Збигнев Бжезинскийнинг сўзларини эслатган эдим. Генри Киссинжер ҳам, Збигнев Бжезинский сингари, эркинлик ва демократияни кенг ёйиш жараёнини ташқаридан таъсир ўтказиб, сунъий тарзда тезлаштирмоқчи бўлаётганларни аслида бундай ҳаракатлар тескари натижа бериши мумкинлигидан огоҳлантиради. Демократиянинг универсал

моделидан кўр-кўрона нусха кўчириб, Европа мамлакатларида бу нарса юзлаб йиллар давомида жорий этилганини унутиб, уни ўн йил ичида амалга оширишга уриниш, бу бориб турган нодонлик ва калтабинликдир. Киссинжер бу иш билан машғул бўлган одамларни, билиб қўйинглар, бу жараёнга учинчи куч аралашиши ва ушбу ҳолат улар учун жуда қўл келиши мумкин, деб огоҳлантиради. Айтайлик, Қирғизистондаги каби, ўзларини демократ деб атайдиганлар вужудга келтирган вазиятдан, юзага келтирган парокандаликдан ана шу учинчи куч фойдаланиб қолади.

Кўпдан буён кузатилаётган ҳақиқат шундан иборатки, нима учундир эркинлик ва демократияни одатда нефть ва газга бой давлатлар, минтақаларга ёйишга, ривожлантиришга зўр берилади. Нима учун эркинлик ва демократияни айнан Яқин Шарқда, Каспий минтақасида, нефтга бой мамлакатларда ривожлантиришга интилиш кучли? Нима учун? Бу саволга ҳар ким ўзи жавоб бериши керак. Ироқда уруш бошлаган айрим мамлакатлар бошқаларга ақл ўргатмасдан, у срда ўзлари «демократияни ривожлантириш»да қандай усуллардан фойдаланаётгани ҳақида такрор ва такрор ўйлаб кўрса бўларди. Маслаҳат беришни ёқтирадиганлар, бошқаларнинг ишига жуда катта ва чуқур баҳо берастганлар бир меъёр бўйича иш юритса, ёмон бўлмас эди. Баъзи бировлар

учун бир стандарт, ўзлари учун эса бошқа стандарт қўллашдан воз кечиш керак.

Ўзбек халқида чуқур маънога эга бир мақол бор. Яъни, «Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ».

М. Уитлок, Би-би-си телерадиокомпаниясининг мухбири, М. Головнина, Рейтер ахборот агентлиги мухбири:

— Жаноб Президент, Сиз АҚШ Давлат департаменти расмий вакили Ричард Баучернинг Андижон воқеаларига оид баёнотига қандай муносабат билдирган бўлар эдингиз?

Ислом Каримов. Жаноб Баучернинг ҳамма гапи тўғри. У маъқул усуллардан фойдаланиш ёки номаъқул усулларни қўллашга йўл қўймаслик ҳақида гапирганда нимани назарда тутганини мен жуда яхши тушунаман. Бироқ жаноб Баучер ўзига ва ўз мамлакатига ҳам шундай талаблар қўйса, яхши бўлар эди. Айтмоқчиманки, Ўзбекистон ҳамма вақт —АҚШга Қарши шаҳри яқинидаги Хонобод аэродромидан фойдаланишга рухсат этилган 2001 йилда ҳам, бугун ҳам ўзининг мустақил сиёсатини олиб бормоқда. Биз ҳеч қачон, такрор айтаман, ҳеч қачон, қанчалик буюк бўлмасин, бирор-бир мамлакатнинг сиёсий таъсирига берилмаганмиз. Американинг талаблари ичида ўринлилари ҳам бор — бу, демократияни ривожлантириш, сўз ва матбуот эркинлиги, аввало, демократик қадриятлар билан боғлиқ ма-

салалар. Биз бу талабларни тўғри қабул қиламиз ва келгусида ҳам демократия йўлидан, демократик жамият қуриш йўлидан, ўзимизга хос миллий қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан боришда давом этамиз.

Матбуот анжуманида давлатимиз раҳбари журналист И. Сафаргалиева ҳамда «Франс-пресс» ахборот агентлиги мухбири Н. Коулманнинг Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараларидаги ҳозирги вазият билан боғлиқ саволларига ҳам батафсил жавоб қайтарди.

Ислом Каримов. Қирғизистон томонининг билдиришича, ҳозирги вақтда бу мамлакатнинг чегарамизга яқин ҳудудида лагерь ташкил этилган. Телевидение орқали берилган хабарларга кўра, Қирғизистон ҳукумати бу лагерни электр энергияси ва бошқа шароитлар билан таъминлаган. Бугун у ерда тахминан 500 киши бор — ҳозирча аниқ рақамни айтиш қийин. Матбуот анжумани иштирокчиларига маълум қилмоқчиманки, лагерга жойлашган бу одамлар Қирғизистон ҳудудига ўтгач, Ўзбекистонга 73 та автомат қайтариб берилган. Такрор айтаман, Ўзбекистонга, бизнинг чегарачиларимизга Қирғизистон томони 73 та автоматни қайтариб берган ва бу қуроллар «қочқин» деб аталаётган кимсалардан олинган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шундан кейин улар қандай қилиб қочқин бўлсин? Қирғизистон то-

монининг талқинича, бу одамлар гўёки чегара орқали ушбу давлат ҳудудига қочиб ўтган эмиш. Кеча телевизор орқали бир кампирнинг қандайдир ёш йигитлар ёрдамида кўприкдан ўтаётгани кўрсатилди. Буларнинг ҳаммаси НТВ каби телеканаллар тасвирлайдиган сохта манзаралардир. Агар биз истаганимизда, бу «қочқин»ларни ўз ҳудудимизда ушлаб қолар эдик. Бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ. Бизнинг чегарамизни етарли жанговар тайёргарликка эга бўлган қисмлар қўриқлайди. Чегарани бузиб ўтишга йўл қўймаслик уларнинг қўлидан келади. Биз қуролли тўқнашувга йўл қўймаслик учун чегарани ўзимиз очиб қўйдик ва уларга нариги томонга ўтиш имкониятини яратиб бердик. Бу шахсан менинг кўрсатмам эди.

Мен бу одамларни қочоқлар деб ҳисобламайман, уларни, айниқса, аёллар ва кампирларни ҳеч ким қувғин қилгани йўқ. Шундай вазиятда ўзини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қилиб кўрсатмоқчи бўлган қирғизистонлик бир жаноб «Бизга келаётган қочоқлар сони бир миллионга боради, бизга халқаро ёрдам кўрсатинг», деб айюҳаннос солмоқда. Бундан кўзланган мақсад аниқ — қандай қилиб бўлмасин, кимдандир садақа ундириш.

Д. Струнов, АҚШнинг «Ассошиэйтед- пресс» агентлиги мухбири:

— Диний экстремистик гуруҳларнинг асл мақсад-муддаолари нималардан иборат ва улар Ўзбекистонга қандай хавф туғдирмоқда?

Ислом Каримов. Аввало шуни айтмоқчиманки, террорчиларнинг режалари хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Чунки Ўзбекистон халқи бундан 10—15 йил бурунги даврдан тубдан фарқ қилади ва аминманки, бизнинг одамларимиз ўрта асрларга хос тартибларни мутлақо қабул қилмайди. Мен бу масала бўйича барча кафолатларни бера оламан. Тасаввур қилинг, бизда ҳозир минглаб янги замонавий лицей ва коллежлар қурилган, уларда қанчадан-қанча болалар ўқимоқда. Ўзингиз ҳисобланг, ҳар бир коллежда ўртача 800 нафардан 1000 нафаргача йигит-қизлар таълим-тарбия олмоқда. Улар замонавий билимларни, компьютер ва хорижий тилларни ўрганмоқда.

Шу кичик мисолнинг ўзидан келиб чиқиб, айтинг-чи, бу ёшлар ўрта асрларга хос тартибларга қайтишга, бу қизлар паранжи ёпинишга рози бўладими? Бугунги кунда ёшларимизнинг 60 фоизи интернетдан фойдаланмоқда. Жамиятда конституция ўрнида шариат қоидалари амал қилишини, судья ўрнига қози ўтиришини, суд мажлиси ва муҳокамасисиз, жиноят қонунчилигисиз инсоннинг устидан кўр-кўрона ҳукм чиқарилишини бугунги кунда ким ҳам истайди? Шу боис халқимиз халифатчилик

ғоясини мутлақо ёқламайди. Халифатчилик тарафдорлари бўлган диний жангарилар бугун ўзларининг талабларига бўйсунмайдиган барча одамларни кофирга чиқаради, большевиклар каби, кимки биз билан бўлмаса — у бизга душман, уни йўқотиш керак, деган шиорга амал қилади.

Сизлар эртага Андижонга борганда ёшлар билан учрашинг, шунда улар сизга ўз хоҳиш-истакларини айтади. Афсуски, демократия ҳақида кўп гапирадиган ва ўзини демократиянинг устуни деб атайдиган айрим шахслар бугун мўътадил радикаллар деб аталувчилар билан тил топишишдан ҳам тап тортмайди. Ана, Афғонистонда кимлардир мўътадил қарашдаги толибларни қидириб овора бўлишмоқда. Ўйлайманки, буларнинг барчаси беҳуда ишлар.

Ю. Черногаев, Германиянинг «Дойче велле» радиоси мухбири:

— Икки ҳамкасбимиз бир вақтда ва бир-биридан мустақил равишда Андижон воқеалари ҳақида гапирар экан, Тоҳир Йўлдошевнинг Боткенда эканини таъкидлаган. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

Ислом Каримов. Аминманки, Андижон воқеалари жиддий, ўта жиддий тайёргарликсиз, жангариларнинг Афгонистон ва бошқа можароли ҳудудларда орттирган тажрибасисиз рўй бермаган

бўларди. Т. Йўлдошев, Ж. Намангоний ва жангариларнинг бошқа етакчилари Фарғона водийсидан чиққан. Шу сабабли водийда вазиятни издан чиқаришга қаратилган бирор воқеа юз берса, табиийки, уларнинг қўли бўлади. Махсус хизматларимиз қўшни ҳудуддан туриб бу жараённи бошқарган шахслар ҳақида маълумотга эга эмас.

Матбуот анжумани якунида Президент И. Каримов оммавий ахборот воситалари, хусусан, мамлакатимиз журналистларининг Андижонда рўй берган воқеаларни ёритишдаги бурчи ва масъулиятига яна бир бор эътибор қаратди.

Ислом Каримов. Албатта, оммавий ахборот воситалари Андижонда рўй берган воқеалардан бошқаларга нисбатан кўпроқ хабардор бўлиши керак, вазиятнинг ичига кириши ва негизига етиб бориши зарур. Бу нохуш воқеалар нима учун рўй берди? Такрор ва такрор айтаман, Ўзбекистон халқи учун, унинг бугунги обрўси учун бу жуда катта фожиа бўлди. Бу фожианинг сабабларини барчага чуқур ва атрофлича тушунтириб бериш лозим. Ким бўлмасин — ёшми, қарими, зиёлими, ишчими, оддий деҳқонми — бутун халқимиз бу воқеалардан тегишли хулоса чиқариб олиши керак. Токи бу воқеалар бизни доимо огоҳлик ва ҳушёрликка чақириб турсин, оёғимиз остидан бошқа бундай фалокатлар чиқмасин.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берилган интервью

Савол. Бугун дунёдаги баъзи давлатлар, ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё минтақасида ўз мавқеини кучайтиришга интилаётган бир пайтда Ўзбекистон — Хитой давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барқарор ривожланиб бормоқда. Бу муносабатларни янада ривожлантириш учун икки мамлакат ҳамкорлигида қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз ва мазкур ташриф давомида қандай ҳужжатлар имзоланиши кутиляпти?

Ислом Каримов. Аввалambор, Хитойнинг бугунги аҳволи, ҳаётнинг барча жабҳалари бўйича ўсиш суръатлари ва салоҳияти, умуман, халқаро майдондаги ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, Хитой ҳудуди, аҳолисининг сони ва бошқа-бошқа жиҳатлари нуқтаи назаридан ҳам буюк давлат. Ҳозирги кунда бу мамлакатда 1 миллиард 300 миллион киши яшайди.

Хитой халқи ўзининг ақлий салоҳияти билан жаҳондаги энг илғор ва юксак технологияларни

муваффақиятли ўзлаштириб келмоқда. Биргина космос соҳасида, ҳарбий соҳада эришаётган ютуқларининг ўзиёқ кўп нарсани англатади. Шу маънода, Хитой кейинги 20—25 йил давомида ўсиш суръатлари, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритаётган натижалари билан бутун дунёни ҳайратда қолдирмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бугунги кунда у жаҳонда ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича олтинчи ўринни, бошқа иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ҳам етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, бу мамлакатдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми бугунги кунда 1 триллион 600 миллиард долларни ташкил этмоқда. Ташқи савдо ҳажмининг ўзи 1 триллион 150 миллиард долларга тенг бўлмоқда. Хитойнинг ташқи бозорларга чиқиш суръати шундай тез ўсяптики, бунинг натижасида экспортнинг ижобий сальдоси, бошқача айтганда, экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар ўртасидаги умумий фарқ камида 30—35 миллиард долларга етмоқда. Бу — экспорт қилинадиган товарлар савдосидан келадиган соф фойда демакдир. Бу ўсиш узлуксиз бўлаётгани ва айнан шу ҳолат барчани ҳайратда қолдираётганини таъкидлаш лозим.

Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиб, нафақат Осиёда, балки бутун дунёдаги энг муҳим ва долзарб халқаро масалалар бу мамлакат иштирокисиз ҳал қилинмайди. Хитойнинг халқаро майдонда ўзига ҳар томонлама ишончли ва нуфузли ўринни эгаллаб олганини агар ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, яна кўп нарсалар аён бўлади.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари, уларнинг тарихи, ҳозирги аҳволи ҳамда истиқболи ҳақида кўп гапириш мумкин. Масалан, ўтган йили Хитой Халқ Республикасининг Раиси Ху Цзиньтао жаноблари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ана шу ташриф натижаларига кўра Хитой ҳукумати томонидан бизнинг мамлакатимизга имтиёзли кредитлар ажратилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Хитой бизга 350 миллион долларлик ёрдам берди. Бу Хитойнинг юртимизга нисбатан дўстона муносабати, хайрихоҳлиги, Ўзбекистон билан бирга ўз келажагини кўришга, турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яққол исботи, десак, муболаға бўлмайди.

Хитойга бу галги ташрифимиздан кўзланган биринчи мақсадимиз — бугунги кунда Марказий Осиёда юз бераётган жараёнлар ҳақида фикр алмашиш, минтақа миқёсидаги мавжуд муаммо ва хавф-хатарларни бартараф этиш, хавфсизликни таъминлаш каби масалаларни вазминлик билан,

узоқни кўзлаб, яна бир бор биргаликда кўриб чиқиш. Биз ҳозирги пайтда дунёдаги кўплаб катта давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича кўп ишлар қиляпмиз. Мана, мисол учун, Россия билан алоқаларимиз ҳар томонлама ривожланяпти ва бу ҳамкорликнинг икки томон учун ҳам қандай фойдали бўлаётганини кўп-кўп масалаларда кўриш қийин эмас. Халқимиз, жамоатчилигимиз ҳам яхши биладики, Россия томони билан кейинги пайтда имзоланган шартномалар, баёнот ва келишувлар амалий натижалар бермоқда. Айтиш керакки, буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро ишончли ва дўстона муносабатлари ифодасидир.

Бундай муносабатлар ривожини бошқа давлатлар билан — мана, Ҳиндистонни олайлик, яқинда Президенти расмий ташриф билан юртимизга келиб-кетган Жанубий Кореяни олайлик — ривожланиб бораётган алоқаларимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Буларнинг барчаси халқаро миқёсда Ўзбекистонга, умуман, Марказий Осиё давлатларига қизиқиш катта эканини кўрсатади.

Айниқса, Хитой давлати қадим-қадимдан бизнинг энг яқин қўшнимиз бўлиб келган. Ота-боболаримиз асрлар, минг йиллар давомида ўзаро борди-келди қилиб, тажриба алмашиб яшаган. Халқимизда «Ён қўшни — жон қўшни» деган гап

бор. Биз агар шундай буюк давлат, улкан халқ билан муносабатларимизни ривожлантириш, ўзаро ёрдам, савдо-сотиқ масалалари, анъанавий борди-келдиларни янада мустаҳкамлаш ҳақида гаплашиб олсак, албатта, икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Жумладан, хавфсизлик, ҳозирги кунда бутун дунёни ларзага солаётган халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик каби бало-қазолардан қандай қилиб ўзимизни ҳимоялашимиз, юртимиз, минтақамиз тинчлигини турли ҳамла ва тажовузлардан, ёмон кўзлардан қандай сақлаш билан боғлиқ масалалар эътиборимиз марказида бўлади. Шу билан бирга, ўзаро ҳамкорлигимизнинг узоқ ва давомли истиқболларини кўриш, бугунги иқтисодий муносабатларимизни янги босқичга кўтариш, биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам янги қадамлар қўйишни мўлжаллаяпмиз. Биласизлар, Ўзбекистон ер ости конлари — бу нефть ва газ ёки бошқа минерал захиралар бўладими — табиий қазилмаларга жуда бой. Лекин уларни қазиб олиш катта маблағни талаб қилади.

Шу борада, насиб этса, Хитой ҳукумати билан бир шартномага бугун-эрта имзо чекамиз. Бу шартномага асосан Хитой томони 600 миллион доллар маблағни Ўзбекистондаги табиий бойликларни қазиб олиш мақсадларига сарф қилади.

Умуман, ушбу ташриф давомида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида тузиладиган тўққизта ана шундай шартномага асосан ажратиладиган маблағнинг ҳажми 1,5 миллиард долларга тўғри келади. Халқимиз шунга эътибор бериши керак, бир ташриф давомида эришиладиган келишувлар, имзоланадиган ҳужжатлар туфайли яқин 3—5 йил давомида Ўзбекистон заминига Хитой томонидан 1,5 миллиард долларлик маблағ кириб келади. Мана шу рақамнинг ўзиёқ Хитой билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида кўп нарсага эришаётганимизни кўрсатади.

Шулар қаторида мазкур ташриф мобайнида яна 15 та давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжатга имзо чекамиз. Булар орасида энг муҳим ҳужжат — бу Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартномадир. Бу шартномага, насиб этса, бугун имзо чекишимиз зарур. Бу ҳужжат ўз номи ва ички маъноси билан қандай аҳамиятга эга эканини кўрсатиб турибди.

Биз Хитой раҳбарияти билан нафақат хавфсизлик тўғрисида, савдо-иқтисодий алоқаларимиз ҳақида, балки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик масалалари хусусида ҳам батафсил гаплашиб олишимиз лозим.

Табиийки, ўзаро суҳбат ва музокаралар чоғида маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларимиз

тўғрисида ҳам сўз юритамиз. Шу кунларда Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганда, хитой халқининг бизнинг маданиятимизга қандай катта қизиқиш билан қараётгани санъаткорларимизнинг бу мамлакатдаги чиқишларида яққол кўзга ташланмоқда. Хитойликлар уларни катта ҳурмат-эҳтиром ва ҳаяжон билан кутиб олишди, Ўзбекистон маданиятига қанчалик тушуниш билан, қизиқиш билан қарашларини намоён қилишди.

Биз, шунингдек, таълим-тарбия масаласида, жумладан, мамлакатларимиз ўртасида талабалар алмашуви, олимларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича ҳам гаплашиб олмоқчимиз. Бу соҳада ҳам истиқболга катта ишонч билан қарашга тўлиқ асосларимиз бор.

Бугун бошланаётган ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад ва режаларимиз ана шулардан иборат.

Савол. Андижонда рўй берган воқеалар муносабати билан айрим мамлакатларнинг «халқаро текширув» ўтказиш ҳақидаги уринишларини қандай изоҳлаш мумкин?

Ислом Каримов. Андижонда рўй берган воқеалар халқимизни жуда катта ташвишга солди. Ҳозир марказда ҳам, юртимизнинг узоқ ва яқин жойларида ҳам қари бўладими, ёш бўладими, кўпчилик бу фожиага нисбатан ўз муносабатини

билдирмоқда. Бугун бу бало бизнинг юртимизга қаердан келди, қандай қилиб остонамиздан ошиб ўтди ёки қўшни давлатлардан келдими, бу офатнинг ўзи нима, унинг ортида кимлар турибди, деган саволлар кўпчиликни қизиқтирмоқда. Буни мен табиий ҳол, деб ўйлайман.

Нега деганда, Андижонда шунча одам ҳалок бўлди. Андижондек катта ва гўзал шаҳарни ишғол қилиб қўлга олмоқчи бўлган жангариларнинг мана шундай уринишларининг ўзи бизнинг тарихимизда ҳеч кузатилмаган воқеа эканини ҳисобга оладиган бўлсак, албатта, халқимизнинг бундай ташвишланиши, бу воқеага ўз муносабатини билдириши табиий.

Ўзини мана шу юрт фарзанди деб билган ва ота-боболарининг шу тупроқда ётган хокини асраб-авайлашни муқаддас бурчи, деб биладиган ҳар қайси инсон бу воқеаларни маълум даражада ўз ҳаёти билан, оиласи ва маҳалласининг тинчлиги, болаларининг эртанги куни билан боғлайди. Шундай экан, одамларнинг ана шундай ташвиш ва ҳаяжонлари ҳаммага тушунарли. Ва шахсан менга, Президент номига шу мавзуда кўплаб хатлар, мурожаатлар, ҳамдардлик мактублари келяпти. Мен бу ҳақда алоҳида гапирмасам, одамларимизнинг мамлакатимиздаги тинчликни асраш бўйича шундай куйинишларини халқимизга етказмасам бўлмайди. Чунки бу гапларни айт-

масам, шунча одамнинг дардини кўнглимда сақлаб, ўзим ҳам қандайдир оғир ҳолатда юргандек бўламан.

Умуман, халқимиз билан қанча кўп мулоқот ва муносабатда бўлсак, ёқадими-ёқмайдими, уларнинг барча саволларига холис жавоб берсак, ўйлайманки, бугунги таҳликали бир замонда бу жуда керакли ва ўринли бўлади. Одамларда қандай савол пайдо бўлмасин, шу саволларга бирга-ликда албатта жавоб топишимиз керак. Шундан кейингина уларнинг кўнгли тинч бўлади. Савол қандай бўлишидан қатъи назар, агар унга жавоб топса, одамнинг кўнгли таскин топади ва эртанги кунига ишончи ҳам анча мустаҳкам бўлади.

Бугун Андижон шаҳрида, Андижон вилоятида яшаётган халқимизнинг ҳаёти аста-секин асл ҳолатига қайтяпти, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Буни телевидение орқали янада кўпроқ кўрсатсак, ёмон бўлмас эди.

Бошқа вилоятлар хафа бўлмасин, лекин Андижоннинг ҳаётини, бутун Фарғона водийсининг аҳволини телевидение шу кунларда кўпроқ кўрсатиши керак. Халқимизнинг «Юз марта гапиргандан бир марта кўрган афзал» деган мақолини назарда тутадиган бўлсак, бунинг ижобий таъсири ва аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, қаерда яшамасин ва ишламасин, маҳалла оқсоқоли ёки пен-

сионер бўладими, далада ишлайдиган деҳқон ёки зиёли бўладими, кўпроқ оддий одамлар билан мулоқотларни, уларнинг фикрларини бериб, Андижон воқеаларининг асл моҳияти қандай экани, уларнинг орқасида қандай тортишувлар бўлаётгани, ким қандай ниятлар билан жар солаётгани, четдаги баъзи давлатлар бизга қандай шартлар қўяётгани ҳақида бутун Ўзбекистон аҳлига етказиш керак.

Айрим сиёсатчилар Андижон воқеалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасдан туриб, чуқур ўйланмаган гапларни айтмоқда. Нима эмиш, Андижон воқеалари бутун дунёнинг эътиборида турган эмиш. Жаҳонни, аввалambор, Европани ташвишга солаётган эмиш. Уларда туғилган кўплаб саволларга жавоб топиш учун улар Андижон воқеаларини текшириш мақсадида халқаро комиссия тузиб, Ўзбекистонга юборар экан. Улар бу ерга келиб, бу террорчилик ҳаракатлари ва уларнинг атрофида тарқалган жуда кўп миш-мишларни текшириб кўрармиш. Ундан кейин биз ана шу комиссия олдида ахборот бериб, керак бўлса, худдики айбдордек, уларнинг терговида қатнашиб, саволларига жавоб берар эканмиз. Эй барака топкур, бу қанақаси, ахир, Ўзбекистон мустақил, суверен давлат бўлса, унинг дарвозаси ва остонаси, ўзига хос давлат тизими, сайланган ҳукумати ва Президенти бўлса?

Бутун бошли давлатга комиссия келар экан ва бу комиссия аъзоларининг ўзлари хулоса чиқариб, бутун дунёга жар солар экан. Мен уларнинг хулосалари қандай бўлишини олдиндан айтишим мумкин. Уларнинг хулосалари Чеченистон ва бошқа давлатларда содир бўлган воқеалар бўйича чиқарилган хулосалардан фарқ қилмайди.

Улар биз олдиндан ўзимизга тасаввур қиладиган масалаларни бўйнимизга осиб қўядиган бўлса, кейин умрбод ўзимизни айбдордек ҳис қилиб, ноўрин қўйилган айбловларга жавоб беришга мажбур бўламиз. Бу ишларнинг ташаббускорлари нимани истайди? Биз ўзимизни гўёки айбдордек, бечорадек ҳис қилиб, энди, билмабмиз, бизларни кечиринг, деб уларнинг олдида муте бўлиб туришимизни истайди.

Айтмоқчиманки, биз бу можарони, бу фожиани қанча тез бартараф этсак, Андижондаги ҳаётни қанча тез изга туширсак, яъни ўзимиз бошлаган тергов ишларини охирига етказиб, холис хулосамизни халқимизга, дунё жамоатчилигига етказсак, бундай гапларнинг пайи шунча тез қирқилади.

Куни кеча Олий Мажлисимиз депутатлари бу масалани муҳокама қилиб, унинг атрофида бўлаётган турли бўлмағур гап-сўзлар бўйича ўз ташвишларини билдириб, Андижон воқеаларини текшириш юзасидан махсус мустақил парла-

мент комиссиясини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу комиссия таркибига 16 нафар энг ишончли ва энг юқори малакали депутат, қуйи ва юқори палата аъзолари киритилди. Бу комиссия Андижон воқеалари бўйича ўзининг мустақил хулосасини билдиради, албатта. Шундай бўлса, бош устига, буни ҳукуматимиз ҳам қўллаб-қувватлайди.

Бу масала Олий Мажлисда кенг муҳокама қилинади. Кимки 12—13 май кунлари Андижонда рўй берган воқеаларда қатнашган бўлса, — у қайси идорада ишламасин, ҳуқуқ-тартибот органлари бўладими, ҳарбийлар бўладими — бундан қатъи назар, Ўзбекистон фуқароси сифатида ана шу комиссия аъзолари, депутатлар олдида жавоб беради.

Бугунги нотинч ва мураккаб замонда бундай фожиалар, афсуски, дунёнинг кўплаб давлатларида содир бўляпти. Ва парламент комиссияси текширувлари орқали ҳақиқатни юзага чиқариш ва халқаро жамоатчиликка ўз хулосаларимизни баён этишимиз — бу ҳам жаҳон тажрибасида кенг қўлланадиган усул. Барака топкур, аввал ўзимиз давлатимиз қонунчилиги нуқтаи назаридан, жамиятимизнинг манфаатлари, парламентимизнинг позицияси нуқтаи назаридан бу воқеаларни текшириб, текширув натижаларимизни баён этайлик. Шундан кейин ҳам кимдадир савол туғила-

диган бўлса, бу хулосалар бўйича кимдир ўз эътирозини билдирмоқчи бўлса, марҳамат, билдираверсин. Бир марта эмас, ўн марта келинглар, берадиган саволларингизни беринглар. Лекин нима учун ҳали ўзимиз текшириб улгурмаган масалани бизларни четга суриб текширар экансиз? Нима учун бизлар худди айбдордек сизларнинг олдингизда жавоб беришимиз керак экан?

Ҳозирги пайтда Андижон воқеалари бўйича кўплаб маълумотлар тўпланяпти, тергов идораларимиз, мутасадди раҳбарлар текширувлар олиб боряпти. Жангарилар томонидан ариқ ёки экинзорларга ташлаб кетилган автоматларни оддий халқнинг ўзи топиб, олиб келиб беряпти. Қамоқхонадан чиқиб кетган айбдор ва жиноятчиларнинг кўпчилиги, майли, энди қанча муддат бўлса, шу ерда ўтаб ундан кейин халқим олдида, давлатим олдида юзим ёруғ бўлиб озодликка чиқишга тайёрман, деб жазони ўташ жойига қайтиб келяпти. Аммо бундай маълумотларни юқорида зикр этилган ғарблик ташаббускорлар эшитишни истамайди ва ўзларига маъқул ҳукмни чиқаришади. Ҳукм чиқариб олганидан кейин уларга бир гапни исбот қилиб беришнинг фойдаси йўқ.

Мана, бир мисол. Хорижий оммавий ахборот воситаларида Андижондан Қирғизистонга ўтган қочоқлар тўғрисида гап бўлган эди. Эсингизда

бўлса керак, Қирғизистондаги баъзи бир ўзини «ҳуқуқ ҳимоячилари» деб атайдиган ҳовликма кимсалар, эртага Қирғизистон ҳудудига Ўзбекистондан бир миллион қочоқ келади, деган бақир-чақирикларни қилган эди.

Куни кеча Қирғизистон чегара қўшинлари қўмондонининг муовини Эржепов деган бир раҳбар ўзи баёнот бериб айтдики, Андижондан у ёққа ўтиб, «қочоқлар» деб ном олган шахслар бугунги кунда 531 киши экан. Шунга сиз, журналистлар эътибор беринглар, бу генерал 531 киши деб айтяпти. Шундан 37 нафари Қирғизистон фуқароси экан. Яна 12 нафари эса Андижон шаҳридаги тергов изоляторидан бўшатилиб, жангариларга қўшилган, кейин қўлида курол билан чегарадан қочиб ўтганлар экан. Кўпчиликнинг эсида бўлса керак, бу кимсалар Қирғизистон ҳудудига ўтганидан кейин 73 та автомат улардан олиниб, Ўзбекистон томонига топширилган эди.

Буларнинг барчасини инобатга оладиган бўлсак, бу «қочоқ»ларнинг ҳақиқий башараси ва қиёфаси аслида қандай экани тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Қирғизистоннинг расмий бир одами, бу масалага бевосита дахлдор бўлган раҳбари, Ўзбекистондан бу ёққа ўтганларнинг сони 531 та, шулардан 37 нафари — миллати ўзбек бўладими, қирғиз бўладими, бундан қатъи назар — Қирғизистон фуқароси, уларнинг қўлида

бизнинг паспортимиз бор, бу аниқланган, деб матбуот орқали маълум қиляпти. Шундай экан, бир вақтлар айтилган уйдирма гаплар — Ўзбекистондан Қирғизистон ҳудудига бир миллион қочоқ келади, деган сохта ахборот қаердан чиқди?

Кеча кечқурун икки аёл Қирғизистон томонидан Андижон вилояти ҳудудига ўтиб, ўша ердаги лагерда ўтирган одамларнинг хатларини олиб келибди. Бу хат эгаларининг, биз — Ўзбекистон фуқаросимиз, Ватанимизни ҳеч қачон сотмаймиз, у ердаги ҳаётимизни асло унутмаймиз, Ўзбекистон бизларни қабул қилсин, хато қилган бўлсак, айбимизни тан олишга ва юртимизга, ўз уйимизга қайтишга тайёрмиз, деган мазмундаги гапларини айтиб, вакил тариқасида уларнинг хатларини берди. Шуни халқимиз билсин.

Ўзбек халқини йўлдан уриш мумкин эмас, агарда халқ ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг орасида адашганлар бор. Нега деганда, ҳаммасининг ҳам иродаси етарли даражада бақувват эмас. Мустақил фикри шаклланган эмас. Баъзиларнинг дунёқараши паст бўлиши мумкин ва ҳоказо. Бу алдов, макр деган нарсалар кучли бўлади. Ортида катта пул турганидан кейин уларнинг кучи янада ортади. Мана, сенга минг доллар бераман, 3 минг доллар бераман, деб одамларни кўчага чиқарганларнинг асл қиёфасини, қандай ёл-

ғон ваъдалар билан уларни йўлдан урганини ҳали тергов кўрсатади. Вақти-соати келиб, телевидение орқали бу бўйича одамларнинг гаплари берилади, бундай алдамчилик ҳолатларининг суратлари кўрсатилади. Балки хориждаги қандайдир кучлар мана шу ҳақиқатни яширишдан манфаатдордир. Чунки эртага ундан нафақат ўзбек халқи, балки бутун халқаро жамоатчилик хабардор бўладиган бўлса, табиийки, уларда жуда кўп саволлар тугилади. Ва албатта, бу саволларга жавоб бериш керак бўлади. Бироқ Андижонда содир этилган мудҳиш воқеаларни ташкил қилганлар, уларнинг орқасида туриб, катта пул ташлаганлар, балки шуни хоҳламас. Бугун мен бу фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Яна бир нарсани айтишим керак, Ўзбекистон — Осиё минтақасида жойлашган давлат. Буни ҳеч ким эсидан чиқармасин. Биз нафақат Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига, балки Ислом конференцияси ташкилотига ҳам аъзомиз. Кўп араб давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Бизнинг юртимизда ҳам мўмин-мусулмонлар яшайди. Халқимизнинг 85 фоизи ислом динининг ҳанафий мазҳабига эътиқод қилади. Муқаддас динимизни асраш ва унинг ақидаларига риоя қилиш ҳар қайси шу юртда яшаётган мўмин-мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бу унинг учун қиёмат қарз. Буни эсдан чи-

қариб бўлмайди. Сиз, Ғарбдаги ўзини «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» деб атаётганлар масалага фақат бир томонлама ёндашяпсизлар. Ва бир ҳақиқатни эсдан чиқаряпсизларки, масалан, Украинани олсангиз — бу Европа, Гуржистонни олсангиз — бу ҳам Европа. Лекин Ўзбекистон қаерда? Харитага қаранглар. Ўзбекистон Осиёнинг марказида, унинг пойтахти бўлмиш Тошкент шаҳри эса Шарқнинг дарвозаси эмасми?

Биз Шарқ фарзанди эканимиздан, ўзимизнинг урф-одатларимиздан фахрланамиз. Миллий қадриятларимизни асраш ва ҳеч қачон унутмаслик ҳақида ота-боболаримиздан тарбия олганмиз. Энди эса буни болаларимизга ҳам ўргатяпмиз.

Юртимиздаги таълим ва тарбия тизими — бу умумтаълим мактаблари ёки академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бўладими, олий ўқув юртлари бўладими — мана, кеча Чирчиқда бошланган, юқори даражада ўтаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари сингари тадбирларимиз ҳам аввало нимага қаратилган? Болаларимизнинг келажагини таъминлаш учун. Мана шундай улкан ишларни амалга ошириш, барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизнинг хурсандчилигини, керак бўлса, очиқ қиёфаси, бахтиёр чеҳрасини кўриш, эртанги кунга ишончини ўзимизга тасаввур қилиш — шунинг ўзи катта бахт эмасми?

Бугун юртимизда ҳаёт ўз йўлида давом этяпти, ҳаётимиз ҳеч қандай шикаст кўргани йўқ. Мана, кўряпсизлар, Тошкент ёки бошқа жойларда бўладими — мамлакатимизнинг ҳамма ерида одамлар ҳеч қандай ташвишга берилгани йўқ. Кўнглида ташвиш бор, лекин ҳаммаси ўз ишини — бунёдкорлик ишини давом эттиряпти. Далага чиқяпти — экинига қараяпти, бозорга боряпти — савдо-сотиғини қиляпти. Олдимизда катта-катта вазифалар турибди. Пишиб етилаётган ғалламизни йиғиштириб олишимиз, экилган пахтамизни парваришлаб, керакли ҳосилни етиштиришимиз зарур. Катта корхоналарда ҳам иш давом этяпти. Умуман, бизнес бўладими, кундалик ҳаёт ташвишларими — одамларимиз ҳеч қандай масалада қандайдир тўсиққа дуч келгани йўқ, айтайлик, қўли ишдан совиб қолгани йўқ.

Яна бир масала — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхоналари учун ҳамма эшиклар очиқ. Улар юртимизнинг хоҳлаган жойига бориши, хоҳлаган одамига истаган саволини бериши мумкин. Мен уларнинг вакилларига қарата айтмоқчиман: сизларни қизиқтирадиган саволлар бўлса, марҳамат, шуларнинг барчасини ўрганинглар, маълумот тўплаб, дунёнинг хоҳлаган чеккасида жойлашган давлатларнинг раҳбарларига беринглар.

Халқаро комиссияни тузиш ташаббускори дегани жуда катта маънони англатади. Албатта, Андижонда содир бўлган фожиаларнинг ташаббускорлари ҳам кимлар эканини зукко халқимиз яхши тушунади. Ташаббускор, деганда нафақат бугун усталик билан матбуотни бошига кўтараётганларни, ўйлайманки, бошқа ишларда ҳам ташаббускорлик намоён этган баъзи бир шахсларнинг қиёфасини халқимиз кўриши ва англаши керак.

«Юртингизга нисбатан мана шундай ҳамла ва хуружлар бўляпти-ю, сизларни нима сақлаяпти, нима асраяпти?»—деган саволни четда турганлар бизга бериши мумкин. Мен ўйлайманки, бу масалада ҳеч қандай сир йўқ.

Аввалambор, халқимизга, шу юртни севадиган, шу тупроқда туғилиб, шу заминда умрбод яшаб қоламан, деган инсонларга мен илгари кўп марта айтган бир гапни яна эслатиш, яна шу ҳақда ўйлаш, шу билан яшаш бугунги кунда энг долзарб масала, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Нафақат яқинда Андижонда юз берган воқеаларда, балки ундан олдин бўлган фожиаларда ҳам ким бизни асраб келяпти, деб сўраса, мен ҳеч иккиланмасдан, бизни ҳар қандай бало-қазолардан доимо Аллоҳнинг ўзи сақлаб келяпти, деб жавоб берган бўлардим.

Мен ўзимнинг чиқишларимда бу ҳақиқатни қайта-қайта айтганман ва бугун яна такрорлайман: халқимиз, жамоатчилигимиз, аввало, барча мўмин-мусулмонларимиз, худога минг бора шукроналар айтишимиз керакки, мана шундай фожиалардан халқимизнинг бошини омон сақлаётган, бало-қазо деган жарнинг олдидан бизни қайтараётган фақат Яратганимизнинг ўзидир. Ўйлайманки, ақли-ҳуши жойида бўлган ҳар бир инсон бу фикримга қўшилади.

Мен олдин ҳам айтган ва ҳозир қалбимда ҳис қилаётган туйғуларни халқимнинг олдида, юртдошларимнинг юзига қараб, очиқ айтишим лозим: мен халқимнинг озодлиги, юртимнинг мустақиллиги учун, керак бўлса, жонимни бераман, лекин ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Бу гапни эшитганлар — эшитсин, эшитмаганлар барибир билиб, қулоғига қуйиб олсин. Бизнинг фикримизда ҳам, зикримизда ҳам фақат ана шу мақсад. Халқимиз бугун фақат шу билан яшаяпти ва ўйлайманки, бу гапларимни жамоатчилигимиз, юртимиз аҳли албатта қўллаб-қувватлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙНИНГ ИШОНЧЛИ ДЎСТИ ВА ҲАМКОРИ БЎЛГАН, БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи муносабати билан «Жэньминь Жибао» газетаси мухбирига интервью берди. Суҳбат газетанинг шу йил 25 май сонида эълон қилинди. Мазкур газета ХХРнинг энг нуфузли нашрларидан бўлиб, уч миллион нусхада чоп этилади.

Қуйида ана шу суҳбат эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Савол: Муҳтарам Президент жаноблари, аввалambор «Жэньминь Жибао» гезетаси мухбирига эксклюзив интервью бераётганингиз учун миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз. Сиз Хитой халқининг қадрдон дўсти сифатида ХХРга кўп бор ташриф буюргансиз. Бу галги ташрифдан кўзда тутилган мақсадлар ҳақида сўзлаб берсангиз. Сиз бу ташрифдан нималарни кутмоқдасиз?

Жавоб: Аввало, жаҳон миқёсидаги нуфузли нашрлардан бири бўлган «Жэньминь Жибао»

газетасига ўзимнинг чуқур эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Ташрифдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Биз Ўзбекистонда бу ташрифни, **биринчидан,** 2004 йил июнда ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга давлат ташрифидан кейин изчил ривожлана бошлаган мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама сиёсий мулоқотнинг узвий давоми деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, биз тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида бугунги кунда Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги мавжуд кескин муаммолари муҳокама этишимиз зарур, **учинчидан** эса, мамлакатларимиз ўртасида истиқболли, узоқ муддатли ва кўп томонлама муносабатларни халқларимизнинг фаровонлиги ва равнақи йўлида ривожлантиришнинг янги ечимларини топишимиз даркор.

Хитойга бу галги ташрифим давомида ХХР раҳбари Ху Цзиньтао билан ўтказадиган музокараларимиз самарали бўлади, деган умиддаман. Бизни ўзаро ишончга асосланган шахсий дўстона муносабатлар ҳам боғлаб туради. Мен унинг теран ақли, ҳаётга чуқур мушоҳада билан ёндашуви ва донолиги, тафаккурининг кўламдорлиги ва узоқни кўра билиши, олдига қўйган мақ-

садларга изчиллик билан эришиш қобилиятини юксак баҳолайман.

Бугун Ху Цзиньтао қисқа вақт ичида замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоблари даражасига кўтарилди, десам муболаға бўлмайди.

Ташрифни ташкил этиш ва ўтказиш борасида деярли бир йил давомида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Ишончимиз комилки, бу ташриф икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлади, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Халқларимизнинг кўп асрлик тарихида бир-бирига ўхшаш жиҳатлар кўп. Ўзбекистонда буюк Хитойнинг жаҳон тарихи ва халқаро муносабатлардаги ўзига хос ўрнини ҳамиша яхши билишади ҳамда қадрлашади. Ўз навбатида, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳозирги муносабатлар мустаҳкам асосга эга эканлиги, очиқлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари аниқлиги билан ажралиб туради.

Ташриф давомида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг, террорчилик, экстремизм, айирмачилик ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши курашга оид долзарб

муаммоларни ҳар томонлама муҳокама этиш ҳамда баҳолашни мўлжалламоқдамиз.

Давлатлараро ва ҳукуматлараро 15 та битим имзоланиши кўзда тутилмоқда. Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома уларнинг энг асосийсидир. 2004 йил Тошкентда ўтказилган саммитдан кейин тайёрлана бошлаган мазкур ҳужжат тўрт йўналиш — сиёсий, хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга муҳим асос бўлади.

Шунингдек, умумий қиймати қарийб бир ярим миллиард долларлик йигирмадан ортиқ ўрта ва узоқ муддатли сармоявий битимлар, кредит шартномалари ва контрактлари тузиш режалаштирилмоқда.

Биз ХХР билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдорлигимизни таъкидлар эканмиз, Хитойнинг кейинги чорак аср давомида қўлга киритган улкан ютуқлари, иқтисодиётининг ўсиши ва ижтимоий ривожланишининг юксак сурьатларини ҳисобга оламиз. Сизлар дунёда етакчи ўринларни эгаллаётган соҳалардаги Хитой тажрибаси Ўзбекистон учун қизиқарли ва биз муносабатларимиз кўламини кенгайтирадиган ҳамда амалий маъно-мазмун билан бойитадиган муайян лойиҳаларни муҳокама қилиш ни-

ятидамиз. Бу ерда гап, аввалambор, нефть-газ тармоғи, телекоммуникация, компьютерлар ишлаб чиқариш, машинасозлик, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва автомобиль машинасозлиги, кимё ва нефть-кимё тармоғи, маиший техника ишлаб чиқариш каби соҳаларга тўғридан-тўғри Хитой сармояси ва юқори технологияларини кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.

Биз Ўзбекистон замини бой бўлган пахта, мис, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва кўплаб бошқа товар ҳамда хом ашё ресурсларини Хитойга етказиб бериш ҳисобига икки томонлама савдо ҳажмини ошириш бўйича аниқ таклифларни муҳокама этишни ҳам режалаштиряпмиз.

Гуманитар соҳа, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам ташриф кун тартибига киритилган.

Савол: Хитой билан Ўзбекистон ўртасида олий даражадаги яқин муносабатлар қарор топган, сиёсий ҳамжиҳатлик мустаҳкамланмоқда. Сизнинг фикрингизча, Хитой билан Ўзбекистоннинг муносабатларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили нимада? Давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳар томонлама ривожига янги суръат бағишлаш учун келгусида ҳар икки томон ўз саъй-ҳаракатларини қайси соҳаларга йўналтирмоғи лозим?

Жавоб: Биз ХХРнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини юқори баҳолаймиз. Хитойнинг ҳудудий яхлитлиги борасида қатъий фикрга эгамиз ва ХХР ҳукумати бу мамлакатнинг ягона қонуний ҳукумати ҳамда Тайвань унинг ажралмас қисми эканини эътироф этамиз.

Биз сиёсий мулоқот билан бир қаторда иқтисодиёт, сармоя, транспорт-коммуникация ва гуманитар соҳаларда ҳам ҳамкорликни сезиларли даражада жадаллаштириш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман. Фикримча, бунинг учун барча зарур шароит муҳайё ва, энг асосийси, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси мавжуд.

Халқаро терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафик каби ҳозирги замон таҳдидларига қарши курашда Хитойнинг тегишли тузилмалари билан ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор вазифаларимиздандир.

Парламентлараро ҳамкорлик, жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот доиралари вакиллари, маданият ва санъат намояндалари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш ҳам муҳим истиқболга эга. ХХРда 17—24 май кунлари бўлиб ўтган

Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Хитой жамоатчилиги қадим тарихимиз, ўзига хос маданиятимиз ва миллий урф-одатларимиз билан танишди, бугунги Ўзбекистон тўғрисидаги тасаввурини бойитди, деб ўйлайман.

Савол: Кейинги йилларда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар мунтасил кенгайиб бормоқда. Сиз икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни янада ривожлантириш имкониятларини қандай баҳолайсиз?

Икки томонлама ҳамкорлик қайси соҳаларда айниқса кенг истиқболга эга?

Жавоб: 2004 йил якунларига кўра, икки томонлама товар айрибошлаш ҳажми қарийб 70 фоиз ошиб, 600 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда 83 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 19 таси 100 фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий ва молиявий-сармоявий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун улкан ва ҳозирча ишга солинмаган имкониятлар мавжуд.

ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг мамлакатимизга ўтган йилги ташрифи чоғида Ўзбекистонга умумий қиймати 350 миллион долларга тенг грантлар, фоизсиз, имтиёзли ва экспорт кредит-

лари бериш тўғрисида шартномалар тузилган эди. Биз ҳозир ушбу шартномаларни амалга оширишга киришдик.

Ишбилармон доиралар вакиллари фаолиятини жадаллаштириш, иқтисодий ҳамкорлик таркибини юқори технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобидан ўзгартириш, сармоя оқимини ҳам шу йўналишда фаоллаштириш, янги технологияларни самарали жорий этиш ҳам муҳим, деб ҳисоблайман. Улкан илмий ва кадрлар салоҳиятига эга Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида «юқори технологиялар ҳудудлари»ни ташкил этиш учун яхши имкониятлар бор.

Хитой ва Ўзбекистон бозорлари ҳамда бошқа истиқболли бозорларга мўлжалланган юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур товарлар, бутловчи қисмлар ва аксессуарлар тайёрлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишига айланиши мумкин.

Энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам катта имкониятларга эга. Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 60 фоизида истиқболли углеводород хом ашё конлари бор. Очиқ конларда аниқланган нефть ва газ захираси ҳажми 2 триллион тоннадан ортиқ шартли ёқилгини ташкил этади. Биз

МДҲ мамлакатлари ва чегарадош минтақаларга нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ экспорт қиламиз. Бир сўз билан айтганда, нефть-газ тармоғи ХХР компаниялари билан сармоявий ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир. Шу жиҳатдан ташриф асносида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Хитой миллий нефть-газ корпорацияси ўртасида қарийб 600 миллион долларлик тўғридан-тўғри сармоя киритиладиган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мазкур йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлади. Ўзбекистон ҳудудида геологияқидирув ишларини ўтказишда иштирок этаётган хорижий сармоядорларга катта имтиёз ва преференциялар берилган.

Ўзбекистондаги фойдали қазилмаларни, жумладан қарийб 100 турдаги минерал хом ашёга эга конларни биргаликда ўзлаштириш ҳам ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир. Ҳозир иқтисодиётда ушбу хом ашёнинг 60 туридан фойдаланилмоқда.

Мавжуд минерал-хом ашё захиралари фаолият юритаётган тоғ-кон мажмуаларини узоқ йиллар давомида иш билан таъминлашдан ташқари, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш,

қатор муҳим фойдали қазилмаларни ўзлаштиришни ташкил этиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистонда турли саноат тармоқлари ва хизматлар соҳасида хусусийлаштириш дастурларини кенг кўламда амалга ошириш жараёнларида Хитой компаниялари янада фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаган бўлардик.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг йирик мамлакати бўлиб, халқаро ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда нуфузи баланд. Айтинг-чи, ҳозирги янги тарихий шароитда Ўзбекистон юритаётган ташқи сиёсат қандай жиҳатлари билан ажралиб туради, унинг устувор йўналишлари нималан иборат?

Жавоб: 60 миллион нуфусли Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва шу минтақа аҳолисининг деярли ярми истиқомат қиладиган Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг мақсадларидан бири — қўшни давлатлар билан ҳамда халқаро сиёсат ва иқтисодиётда муҳим ўрин тутадиган дунёнинг йирик ва нуфузли марказлари билан дўстона ҳамда амалий ҳамкорлик алоқаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат юритишдир.

ХХР иқтисодий салоҳиятининг барқарор ривожланиши ва халқаро масалаларга тинчликсеварликка асосланган вазмин муносабати

унинг дунё сиёсатига таъсири кучайиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Биз яқин минтақавий қўшнимиз ҳамда жаҳоннинг қудратли давлатларидан бири бўлмиш Хитой билан шериклик, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Бугунги кунда бизнинг тараққиёт стратегиямиз минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, интеграция жараёнларини жадаллаштиришга, Марказий Осиё Умумий бозорини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, ўз навбатида, бу иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг ўсишига қўшимча имкон яратади.

Биз Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ташаббусини рўёбга чиқаришга катта эътибор қаратган ҳолда, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши курашга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Яна бир бор такрорламоқчиман: биз учун халқаро террорчилик, экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш устувор йўналишдир. Яққол аёнки, трансмиллий таҳдидларга қарши курашнинг самарадорлигини қўшни ва минтақамиз билан чегарадош давлатларнинг бу жараёнда фаол иштироки орқалигина таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро сиёсий ташкилотлар ва молиявий муассасалар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Жаҳон сиёсат майдонида етакчи ўрин тутадиган бошқа йирик давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз суверенитетимизни ҳамда миллий тараққиёт стратегиямизни мустақил белгилаш борасидаги муқаррар ҳуқуқимизни ҳурмат қиладиган барча давлатлар билан фаол ҳамкорликка тайёрмиз.

Минтақа давлатлари ва халқларининг ҳаётий муҳим манфаатларига лахлдор бўлган иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникация, экологияга доир умумминтақавий масалаларни ҳал қилишга кўмаклашувчи самарали механизмни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Савол: Хитой ва Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар сифатида кўплаб халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ўхшаш ва яқин нуқтаи назарга эга. Сиз ШҲТнинг истиқболдаги ривожланиши ҳақида нима дея оласиз? Сизниигча, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда ва «уч ёвуз куч»га қарши курашда бу ташкилот қандай роль ўйнаши зарур?

Жавоб: Россия ва Хитой ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда минтақамизда барқарорликни

мустаҳкамлаш ва изчил тараққиётга кўмаклашишга йўналтирилган ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик ривожига Ўзбекистон ғоят катта аҳамият беради.

Шубҳасиз, «уч ёвуз куч»га қарши, шунингдек, трансчегаравий наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ШҲТнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунингдек, террорчилар ва қотиллар тайёрлаш манбаи бўлган радикал диний экстремизм мафкурасига қарши зарба бериш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишончим комилки, ислом динининг, барча динлар сингари, террорчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Зеро, террорчиларнинг на иймон-эътиқоди, на миллати бўлади. Айни пайтда, сохта диний шиорларни ниқоб қилиб олган террорчилик ташкилотлари, жумладан, кўпчиликка маълум «Ҳизб-ут-таҳрир» ғайриинсоний, шафқатсиз жиноятларни содир этмоқда. «Жэньминь Жибао» ўқувчилари Ўзбекистон бундай хуружларга бир неча бор тўқнаш келгани, хусусан, Андижон шаҳрида яқинда содир этилган воқеалардан хабардор бўлсалар керак.

Террорчиларнинг ҳарбий объектларга ва қамоқхонага ҳужуми оқибатида ўнлаб милиционерлар ва ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлди, боскинчилар катта миқдорда қурол-аслаҳани қўлга

киритди. Юзлаб жиноятчилар қамоқдан чиқариб юборилди ва қуроллантирилди. Сўнг улар аёллар, қариялар ва болалардан иборат «жонли қалқон» панасида вилоят маъмурияти биносини эгаллаб олди. Жиноятчилар ва уларнинг орқасида турган кучлар мутлақо бегуноҳ тинч фуқаролар жонига қасд қилишдан тап тортмай, нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариш, шу орқали ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш, конституциявий тузумни ағдариб ташлаш ҳамда жамиятни дунёвий тараққиёт йўлидан оғдириш, мамлакатдаги ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнини орқага қайтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли чораларни кўриб, мамлакатимизда ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида жиноятчилар, уларнинг хориждаги раҳнамолари ва ҳомийларининг ёвуз режаларини барбод қилди.

Бугун ҳаммамиз учун шу нарса муҳимки, ШҲТнинг Тошкентда қароргоҳи жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси терроризм, айирмачилик ва экстремизмнинг барча кўринишлари ҳамда халқаро жиноий фаолиятни молиявий таъминлаб турган наркотрафикка қар-

ши изчил курашиш борасида минтақа мамлакатларига кўмаклашиши зарур.

ШҲТга аъзо давлатлар минтақанинг барқарор ривожланиши тарафдори бўлган барча давлатлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин ва лозим. Бинобарин бунда, менингча, ШҲТнинг блок ёки ёпиқ альянсга айланиб қолмаслиги, очиқлиги, БМТ Низоми мақсадлари ва тамойилларига, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан амалий мулоқот ва ҳамкорлик қилишга тайёрлик каби асосий тамойилларига риоя этиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Хавфсизлик масалаларидан ташқари, транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни Ташкилот фаолиятининг ҳаётий муҳим йўналиши деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда ушбу соҳани равнақ топтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Бугун Ўзбекистон йўллари, шу жумладан, янги барпо этилаётган коммуникациялар барча кўрсаткичлар бўйича энг замонавий халқаро стандартларга жавоб беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва ХХР ўртасида тўғридан-тўғри транспорт йўлагининг йўқлиги савдо-иқтисодий муносабатларимизни ривожлантиришга монелик қилмоқда. Биз Хитой,

Қирғизистон ҳукуматлари ва Осиё тараққиёт банкининг Иркештом—Ўш—Андижон автомобиль йўли қурилишини тезда якунлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Аминманки, ҳозирнинг ўзидаёқ мазкур йўналиш бўйича темир йўл қурилишига тайёргарликни бошлашимиз зарур. Бу йўл Хитой, Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи ҳамда Афғонистон орқали Ҳинд океани бандаргоҳларига чиқувчи қитъалараро магистралнинг муҳим қисми бўлади.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режасини амалга ошириш борасидаги яқин ҳамкорлиги Ташкилот доирасида иқтисодий асоснинг тубдан кенгайиши учун мустаҳкам пойдевор яратади. Энергетика, транспорт, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, банк ва экология соҳалари бундай ҳамкорликнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Савол: Ўзбекистон сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида қандай ютуқларга эришди? Сизнингча, мамлакатингизда барқарорликни сақлаш ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили нимада?

Жавоб: 2003 йилда Ўзбекистонда миллий валюта конвертацияси жорий этилди. Ўтган 2004 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, инфляция даражаси 3,7 фоизгача пасайди. Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчил ривожланмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга ортди. Бу ютуқларга биринчи навбатда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар сиёсати босқичма-босқич амалга оширилаётгани туфайли эришилди.

Ташқи савдода салмоқли натижалар қўлга киритилди. Экспорт 30 фоизга ўсгани ҳисобидан ижобий сальдо 1 миллиард доллардан ошди.

Йил давомида Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари 14 фоизга кўпайди ва ҳозирги вақтда улар ялпи ички маҳсулотнинг 36 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг реал тармоғига киритилган сармоя ҳажми анча ортди ва ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг 20 фоизини ташкил этди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий соҳани ривожлантириш ва Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилашга ижобий таъ-

сир кўрсатмоқда. 2004 йилда аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 16 фоизга кўпайди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланади. Уларнинг кўламини тасаввур қилишингиз учун фақат битта рақам келтираман. Таълим учун харажатлар Давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг қарийб ярмини ташкил этади. Бироқ мен уларни харажат эмас, келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблайман, чунки таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида икки мингга яқин янги турдаги касб-ҳунар коллежи ва лицейлар қурилади. Мавжуд умумтаълим мактабларининг қарийб 90 фоизи таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда. Болалар спортини ривожлантириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Пировардида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон давлат ва жамиятни ислоҳ қилишнинг аниқ ва узоқ муддатли стратегиясига эга ҳамда ўз келажагини қатъият билан барпо этмоқда. Хитой Халқ Республикаси билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашни келгуси ўн йиллик-

ларда Ўзбекистон барқарор ривожланишининг омилларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Ишончим комилки, сизнинг буюк мамлакатингизга бу галги давлат ташрифимиз икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим ҳисса қўшади. Яна бир бор таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Хитой учун дўст давлат ва ишончли ҳамкор бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, «Жэньминь Жибао» газетасининг барча ўқувчиларига ва улар орқали бутун Хитой халқига бахт-саодат, равнақ ва фаровонлик тилайман.

МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Муҳтарам давлат бошлиқлари!
Муҳтарам саммит иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар,

Аввало, бу ерда ҳозир бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари етакчиларига, Ҳиидистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистон делегациялари раҳбарларига, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларига самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ва, шунингдек, кўрсатилган меҳмондўстлик, ушбу саммитнинг юксак савияда ташкил этилгани учун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев жанобларига миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўтган даврдаги ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, шуни эътироф этмоқчиманки, ШҲТнинг ишчи ва ижрочи органлари шаклланиши ва фаолият кўрсата бошлаши, ШҲТ тарафидан ҳал этилиши зарур муайян мақсад ва вазифалар янада аниқ ва равшан белгилаб олиниши баробарида унинг халқаро обрў-эътибори ва жозибаси тобора ошиб бормоқда.

Бугунги кунда ШҲТ халқаро ҳамкорликнинг қудратли институтига, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, халқаро террорчилик, сепаратизм ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш каби замоннинг энг қалтис таҳлика ва таҳдидларига қарши курашнинг кучли омилига айланмоқда.

Минтақанинг жуда бой ресурсларидан фойдаланишга қаратилган савдо-иқтисод, транспорт-коммуникация ва гуманитар соҳалардаги ўта йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг ва, айтиш мумкинки, катта миқёсдаги имкониятлар очилмоқда.

Фикримизча, бугун Остона шаҳрида имзо чекиладиган ҳужжатлар, биринчи галда, ШҲТга аъзо давлатлар бошлиқларининг Декларацияси ташкилот олдида турган вазифаларни ечиш йўлида яна бир муҳим босқич бошланаётганидан далолат беради.

Биз Ҳиндистон, Покистон ва Эрон давлатларига Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қошида кузатувчилик мақомини бериш ҳақидаги қарорни маъқуллаймиз.

Ишончим комилки, бу қарор, аввалги саммитда Мўғулистонга кузатувчи мақоми берилгани каби, ҳеч шубҳасиз, ШҲТ имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради, унинг дунё

ҳамжамиятидаги роли ва аҳамиятини янада оширади.

Ҳурматли давлат бошлиқлари!

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, бугун муҳокама этилаётган масалаларга бевосита алоқадор ва менинг назаримда принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик айрим ҳолатларни қайд этиб ўтишни истардим.

Биринчи. Марказий Осиёнинг айрим мамлакатларидаги ва бутун минтақадаги мавжуд аҳволнинг тез ўзгариб туриши ҳамда вазиятни издан чиқарадиган таҳдидларнинг сақланиб қолаётгани, бундай хавф-хатарлар ортида турган кучларнинг имконият ва ресурслари айни минтақада яшаётган халқлар тақдирини ўйлаб қайгурадиган барча давлатлар ва одамларда ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Умуман олганда, минтақадаги мавжуд вазиятни стратегик жиҳатдан ноаниқ бир ҳолат ва ўз ечимини кутаётган мураккаб зиддиятлар тугуни, деб таърифлаш мумкин.

Кейинги пайтларда рўй берган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг фақат айрим қирраларигина намоён бўлди.

Иккинчи. Хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан янги таҳдидларнинг кўламигина эмас, балки қўйилган геополитик мақсадларга эришишнинг маъно-мазмуни, восита ва услублари ҳам, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хослиги ва ундаги мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тубдан ўзгариб бораётганига эътибор қаратиш жоиз.

Бу кучларнинг турли экстремистик ва айирмачи тузилмалар билан қўшилиб бораётгани, шунингдек, ашаддий диний ташкилотлардан, гарчи ўзлари бошқа вазиятда уларни террористик ташкилотлар рўйхатига киритган бўлса-да, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам тоймаётгани билан боғлиқ фактлар ҳам жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Бу уринишлардан кўзда тутилган пировард мақсад минтақада «бошқариладиган беқарорлик» вазиятини келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузиш ва ўзлари хоҳлаган тараққиёт моделини зўрлаб тиқиштиришдан иборатдир.

Учинчи. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва ташиш региондаги вазиятни издан чиқарувчи тажовузкор кучга, халқаро терроризмнинг моддий таянчига айланиб бормоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, Афғонистонда кейинги йилларда кўкнори экиладиган ер *майдони сатҳи ва героин ишлаб чиқариш мик-*

дори тобора кўпайиб бормоқда. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш саноатлашган асосда йўлга қўйилган.

Таассуфки, Афғонистонда турган хорижий қуролли кучлар контингенти бу жараёнга заррача бўлсин амалий таъсир ўзказмаяпти.

Буларнинг барчаси минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига нисбатан кун сайин ортиб бораётган хатарли таҳдидни бартараф этиш учун курашда ШҲТга аъзо бўлган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш билан боғлиқ ишлар аҳволини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Сўзимниинг якунида Андижонда фожиали воқеалар юз берган оғир дамларда Ўзбекистонни, ўзбек халқини қўллаб-қувватлаган Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига, бошқа давлатлар ва инсонларга бугун яна бир бор самимий миннатдорлик билдиришни ўз бурчим, деб биламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида сўзланган нутқ,
2005 йил 5 июль

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗ. *2004 йил 31 август* 3

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИДИР.
Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 17 сентябрь 9

ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШ ВА ИШЛАШ — АСОСИЙ МЕЗОН.
Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2004 йил 15 октябрь 38

СИРДАРЁНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШУҲРАТИНИ МАРД, ОРИЯТЛИ ИНСОНЛАР ТИКЛАЙДИ.
Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ баёни, 2004 йил 26 ноябрь 67

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ.
2004 йил 2 декабрь 93

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТГИНА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ, 2004 йил 7 декабрь 104

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. *2005 йил 13 январь* 126

ИМПЕРИЯ ДАВРИДА БИЗНИ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ОДАМЛАР, ДЕБ ҲИСОБЛАШАР ЭДИ *«Независимая газета» /Москва/ мухбирининг саволларига жавоблар, 2005 йил 14 январь* 133

ПАРЛАМЕНТ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзланган нутқ, 2005 йил 27 январь* 156

БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январь* 174

ЯНГИ ҲАЁТНИ ЭСКИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ. *Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги нутқ, 2005 йил 7 февраль* 223

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ. *2005 йил 20 март* 252

АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН. *Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ, 2005 йил 22 апрель* 256

ҒАЛАБА УЧУН ЖОН ФИДО ҚИЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ХОТИРЛАШ, БУГУН ҲАЁТ БЎЛГАНЛАРИНИ ҚАДРЛАШ — БИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ. *Хотира майдонида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда билдирилган фикрлар, 2005 йил 9 май* 287

БИЗНИ ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ. *2005 йилнинг 12—13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнот ва мухбирларнинг саволларига жавоблар* 306

ҲАҚИҚАТ — ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ДОИМИЙ, ЎЗГАРМАС ҚОИДАСИ ВА УНГА АМАЛ ҚИЛИШ ШАРТ. *2005 йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнот ва мухбирларнинг саволларига жавоблар* 369

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ. *2005 йил 25 май куни Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи билан жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари учун берилган интервью* 400

ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙНИНГ ИШОНЧЛИ ДЎСТИ ВА ҲАМКОРИ БЎЛГАН, БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. *Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи муносабати билан «Жэньминь Жибао» газетаси мухбирига берилган интервью, 2005 йил 25 май* 420

МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА. *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида сўзланган нутқ, 2005 йил 5 июль* 439

Ислам Абдуганиевич Каримов

УЗБЕКСКИЙ НАРОД НИКОГДА И НИ ОТ КОГО НЕ БУДЕТ ЗАВИСЕТЬ

Том 13

На узбекском языке

Нашр учун масъул К. БЎРОНОВ
Бадиий муҳаррир Ҳ. МЕҲМОНОВ
Техник муҳаррир У. КИМ
Мусаҳҳиҳлар М. РАҲИМБЕКОВА, Ш. ОРИПОВА
Компьютерда тайёрловчи Ф. ТУГУШЕВА

Босишга рухсат этилди 16.08.2005. Қоғоз формати 84×108$^{1}/_{32}$.
Таймс гарнитурада офсет усулида босилди. Шартли б.т. 23,52.
Нашр т. 14,80. Тиражи 10 000. Буюртма № К-164.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

66.4(5У)
К25

Каримов И.А.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди Т.13 — Т.: «Ўзбекистон», 2005. — 448 б.

ББК 66.4 (5У)+66.3(5У